

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Кенгесбой Каримов	Умарали Норматов
Энахон Сиддиқова	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Сирожиддин Саййид
Абдуваҳоб Нурматов	Меҳрибон Абдурахмонова
Баҳамдулло Нурабуллаев	Йўлдош Солижонов
Жумакул Қурбонов	Шухрат Маткаримов
Нурбой Жабборов	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолiddин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад
Наср бўлими мудир — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудир — Икром Отамурод
Адабиётшунослик бўлими мудир — Аъзамхон Қозихўжаев



УШБУ СОҲБА:

Усмон ҚЎЧҚОР

НАЪМ

ЎНДИРАП КЕЧИККАН ҚУЗДАЙ ХОПТИРА

Ортадаги тўлқиннинг шиддати бошқа,
Ул менинг елкамдан гулдираб ўтсин.
Соҳилда минг йил сув тегмаган тошга
Ортимдаги тўлқинлар етсин.



Нодир НОРМАТОВ

НАЪСР

ЗУЛФИҚОР ДАРАХТИ

Роман

Ўшанда нажот, халоскор кутилмаганда осмондан келди. Шу дамда Зулфиқорнинг димоғига олма ҳиди урилди. Унинг ёқимли ҳидидан боши айланиб кетай деди. Қандай бу сиру синоат бўлдики, ҳавода оқиб келаётган олма ҳиди унинг қунишиб букчайган қаддини тик қилди, қувват берди.



Мансурхон ТОИРОВ

ТАЪҚИМ

АХМАДХОННИНГ ШОИРА ҚИЗИ

Ғафур Ғулом Аннанинг тирсагидан ушлаб: “Она сифагида, Сиз боришингиз зарур”, деганини ўқир эканман, устоз шоир ўз сўзи билан тарихий воқеалар ипини топиб ушлаганини ҳамда томирларида улўф боболаримиз қони оқиб турган, тарих тақозоси билан Тошкентга келиб қолган сиймони бежизга “Она” демаган, деб ўйлайман.



НАСР

Матлуба ЮСУФ ОХУН



ХОҲЛИН

Ҳикоя

Бугун йўлда келар маҳал оқ “Нексия”дан бекорга қочмади. Бу ўша – Йўлдош. Қарагани билан энди ҳаммаси бефойда. У бегона, бу бегона. Кўзгуга термилгани ҳам бефойда. Чиройлими, гўзалми, хотин. Қорамойга беланган бир эркакнинг хотини...

МУНОСАБАТ

Тоштемур ТУРДИЕВ



СЎБҲИДАМДА УЧБАН

ҚАЛДИРҒОЧ

Мапъум қатағон машинасининг шовқинлари ҳали унчалар олисга кетмаган, таъбир жоиз бўлса, тирноқлар орасидан кир ахтариб, кўланка солиб турган бир даврда, омон қолиш илинжида ўша алвон тусли урхо-ур замонни мадҳ этиш баробарида ошиқ юраклар захмига малҳам бўлгувчи мисраларни ҳам кўп ва хўп ёзмоқ учун ҳазрат Нақшбанд айтганидек, олағовур, талотўп анжуманлар ичидан хилват излаб топиш зарур эди. Шоира бунинг бир қадар уддасидан чиқа олди ҳам.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Александр ПУШКИН



ХАЁЛЛАРНИНГ ГЎЗАЛ ТИВШЛАРИ

Шеърлар

*Мусаффо далада кумуш мисоли
Чипор, тўлқин-тўлқин товланади қор.
Ой нурланар, отлар елади холи,
Тўғри йўлда чопар, манзил интизор.*



ЛУТФИЙ

1366-1465

**Ёндурди оҳим ўти
фалакнинг чароғини**

* * *

Бу кўнгул жон тортадур ул лаблари маржон сори,
Кимки жонлиқ бўлса майл этгай, бале, жонон сори.

Ҳар тарафдин турраи таррори дин қасдиндадур,
Кофир эркан, не учун юзи тушар имон сори?

Эй, кўнгул, жонни хаёли олида қил пешкаш,
Ҳар нима бўлса азиз, элтур киши меҳмон сори.

Аҳли маъни суратингнинг ҳуснина хайрон колур,
Миср элининг кўзи янглиғ Юсуфи Канъон сори.

Кўргали ошфута зулфингни камарнинг даврида
Хотирим қилмас қашиш қатъан сару сомон сори.

Хусн давридур ғанимат, эмди кўй юзума юз,
Ой нечаким бўлса комил, юз урур нуқсон сори.

Қоши кўзунг ғоратинда Лутфийдин кетти кўнгул,
Оқибат топтим сўроғин Чину Туркистон сори.

* * *

Сунбулингни кўргали гулдек рухи ол устина,
Бошни гўй этмишмен ул чавгон учун хол устина.

Эй, куёш юзлук, саодатдур ҳумоюн кўзларинг
Бу гадо султонлиқ истар, сояе сол устина.



Чун хаёлингнинг кечар ери кўзум дарёсидур,
Кирпукимдин боғладим ул ваҳж ила сол устина.

Гўшаларда қон қилур эрди кўзунг, олдин қошинг,
Чин черикин чекти ул жодуи қаттол устина.

Эй, чибин, ул дамки ирни сори парвоз айладинг,
Бизни еткурсанг не бўлғай элтубон ол устина.

Ул тани сиймин уза ел текса титрар кўнглаки,
Титрагай андоқки мудхил ганж ила мол устина.

Билмагай ул тил оғиздин, ҳеч йўқ қайғу била,
Лутфийни умри туганди қийл ила қол устина.

* * *

Неча нортек янгоқингдин қизил ўтқа ёнар жоним,
Оқ олматек сақоқингдин сўрарға йўқ ҳеч имконим.

Сен айтурсан: “Нечук бўлур қул ўз султониға ошиқ?”
Кўнгул пандим эшитмас ҳеч, нетайин, эй, бегим – жоним.

Кўзум чун қилди кўрклуқлар юзи бирла ўзин сиғмас,
Тўқулгай охири андин ер узра сув бикин қоним.

Дудоғинг ҳасрати дарди жоним ирнимға еткурди,
Айт, қилсун кўзинг, охир учун қолмади дармоним.

Узун умрим эди зулфунг паришон айлади они,
Бало жонимға жамъ этти ўшул умри паришоним.

Кўнгул Лутфий киби зулфинг кўруб тушти бу савдоға,
Анинг ул ишидур ҳоли қаро қайғуға қолғоним.

* * *

Тан бўлди юзунг меҳри учун гарчи ҳилоли,
Бир зарраси бирла кўрунур дардию ҳоли.

Сендин не тамонно қилайин меҳру вафони,
Ким, кўрди вафо андаки бор ҳусну жамоли?

Мен ҳажр ила дармондау сен кўздин учарсан,
Эй, войки, йўқтур манга кушдек пару боли.

Ҳар тори сочинг учини ел юзга текурди,
Нозиклик учун бўлди юзинг устида холи.





Ғамгин бу кўнгул токи тамошодин очилғай,
Кўз боғида тикдим қадидин тоза ниҳоли.

Йиллар сени кўрсам менга бир дамча кўрунмас,
Бир дамки сени кўрмасам, улдур манга соли.

Кўюнгда тилар Лутфийи бечора мазорин,
То суратидин бўлғай эшикингда хаёли.

* * *

Жамолинг шамъина парвона келдим,
Фироқ ўтина ёна-ёна келдим.

Фирокинг зулмидин дод истамакка,
Сенингтект нозанин султона келдим.

Пари рухсора, сентек дилрабони,
Кўройин деб, мени девона келдим.

Лабингдин сўрғали келдим табуқда,
Хизртект чашмаи ҳайвона келдим.

Юзунгнинг ҳажридин жонимға еттим,
Анинг учун сенингтект жона келдим.

Қошинг ёсин кўруб ийд ойдур деб,
Қошингда Лутфийдек қурбона келдим.

* * *

То оразинг гули безади хусн боғини,
Бағримға кўйди лола киби ишқ доғини.

Қадинга банда бўлғали бўстон ичинда сарв
Йиғмас киши қотинда узолғон аёғини.

Шамъи жамолингиз ҳаваси ичра тун кеча
Ёндурди оҳим ўти фалакнинг чароғини.

Мушкин сочинга анбар ўзини тутар шабих,
Савдои хом фосид этубдур димоғини.

Кўнглумни қилди зулфу юзунг бекарор, мен
Гоҳ Руму гоҳ Чинда топармен сўроғини.

Лутфий мажоли қолмади ҳижрон жафосиға,
Қилча таниға юклама кўп Қоф тоғини.



* * *

Бир париваш ғамзаси ақлимни мажнун айлади,
Кўз юмуб-очкунча ҳолимни дигархун айлади.

Субҳидам кунтек чиқиб, кўргузгач ул қутлуғ юзун,
Толёим масъуду бахтимни ҳумоюн айлади.

Кўп югурмактин кийик кўзи қарорди сахм еб,
Кўр нечук ғамзанг ўқи они жигархун айлади.

Интизори йўли устида кўюб кетти кўзунг,
Бизни ул Лайли сифатлиқ мисли Мажнун айлади.

Сеҳр элидин воқиф эрди ҳиндую Кашмир, бас,
Бу ажабким, турк экач, ул кўз юз афсун айлади.

Лабба-лаб васлин тилаб, топмон канорин нечаким,
Кўзларим ол ёшини ҳасратда Жайхун айлади.

Бир кун ул хусн элининг султони тутқай деб кулоқ,
Ишқ Лутфийнинг сўзини дурри макнун айлади.

* * *

Зиҳи сарв устида юзунг қамардек,
Қани бир шоҳи гул сен сиймбардек.

Сенинг бирла жаҳонни ҳуш кўрарман,
Кераклисан манга нури басардек.

Қилур Чўлпон кўзинг ҳар дам қиронлар,
Ани ким англасун соҳибназардек.

Ҳиромон кўрёдин чиқмадинг, оҳ,
Ёшунмишсан қамиш ичра шакардек.

Дамим чиқмас мени ўлтурса ғамзанг,
Кўзунг даврунда йўқ мен беҳабардек.

Мени бу нотавонлиқ бирла зулфунг
Жаҳонда кездурур пайки сахардек.

Кўрар Ҳақ нурина юзунгда Лутфий,
Хаёли ботил эрмас ўзгалардек.





*Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!*



ПУБЛИЦИСТИКА



Зиёвиддин МАНСУР

1954 йилда тугилган. Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қурбонжон додхоҳ” тарихий драмаси муаллифи. Унинг “Қалбим парчалари”, “Дилраболар диёри”, “Тўтиё”, “Қирққокиллигим”, “Ўзимдан ўзимгача” сингари китоблари нашр этилган.

ОДАМЛАРДАН ТИНГЛАБ ҲИКОЯ...

Яхши топиб айтади

– Умрим давомида учта даврни кўрдим, – деган эди бир юз олти ёшдан ошган Умматали бобо. – Бирок бунақаси бўлмаган! Атрофни қаранг, ҳамма ёқда ўзгариш, қурилиш, тадбиркорлик, тараққиёт. Вилоят, туман, шаҳарларни қўятуринг, қишлоқ гузари ҳам ўзгариб кетган. Николай замонида мардикорликдан бўшамадик, шўролар даврида ўзликимиздан айрилдик. Мана энди одамдай яшай бошладик.

Бу гапга ўн йил бўлди. Бу давр ичида қанча ўзгаришлар, бунёдкорликлар амалга оширилди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, кечагина ҳукмрон бўлган собиқ тузумдаги ҳаёт билан солиштириб, аввалгиси билан ҳозиргиси орасида ер билан осмонча фарқ борлигини илғаш қийин эмас. Фақат буни оддий кўз билан эмас, балки қалб кўзи билан кўриш лозим. Бунинг учун эса баландпарвоз гаплардан холи, оддий мушоҳада кифоя. Бундай мушоҳада оқ-қорани таниган, яхши-ёмоннинг фарқига борган одамлар орасида истаганча топилади. Ёшларимиз ҳам олдинги ёшлар эмас. Уларнинг фикри теран, мушоҳадаси ўткир. Шу ўринда бир мулоҳаза, халқ орасида кўплаб машҳур шеър, кўшиқ, куйлар “халқ кўшиғи” деб номланади. Лекин чуқурроқ ўйлаб қаралса, бундай ижод намуналарини одамлар бир жойга тўпланиб олиб, маслаҳатлашган ҳолда яратиши кулгили. Бу ҳақда шундай мантиқий хулоса чиқариш мумкинки, халқдан олиб, халққа етказилган ижод халқнинг ўзиники бўлиб қолган. Улар халққа ёққани сабаб, замонлар оша ҳамон яшаб келмоқда. Илдизи чуқур дарахтнинг япроғи ҳам яшил бўлганидек, аждодларнинг давр синовларидан ўтган жонли мушоҳадалари оғиздан-оғизга кўчиб, умрбоқий ривоятлар қаторидан ўрин олди. Буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш туйғуси билан ўсаётган ёшлар Юртбошимиз айтганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлар шарт.

Юксак марраларга, дунё ҳавас қиладиган кенг имкониятларга осонликча эришганимиз йўқ. Бу ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолган, ё шундайлигича осмондан тушган эмас. Йигирма беш йил олдинги оғир вазият, қуллик исканжаси, ҳақ-ҳуқуқнинг топталиши, миллий ўзликдан тамоман йироқлик, ташқи дунё-



дан узилиб қолганлик шароитида мустақиллик ҳақида гапириш у ёқда турсин, ўйлашнинг ўзи ҳам кўрқинчли эди.

Мухими, мохир дарға бошқарган кема океанлар оша тўфонларга дош бериб, манзил сари сузиб бораётганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётгани айна ҳақиқат.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Биз буюк юрт фарзандларимиз” шиори остида ўтган фестивали доирасида Намангандаги тадбирлар якунидаги сўзларимни такрорлагим келди. “Камолот” ёшлар ҳаракати теварагида уюшган ёшлар ўз иқтидори, салоҳиятига ишонган, ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам интеллектуал чиниққан авлоддир. Улар теран мушоҳада, соғлом қараш, эртанги кунга бўлган қатъий ишонч билан яшамокдалар. Президентимиз: “Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, янги тизимни ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий бир воқеа бўлди, десак, адашмаган бўламиз. Бунинг натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда”, – деб таъкидлаганларида нақадар ҳақ эканлар.

Ривоят қилишларича, бир куни шайтон яратган Эгамга зорланибди:

– Эй, Парвардигори олам, ўз каломингнинг ҳар бир оятини “Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожим”, – деб мени лаънатлашдан бошлашга буюргансан? Дунёда мендан ёмон кўрганинг ҳам борми?

– Бор, – дебди Худои таоло.

– Айтсанг, ўшани билиб олай, – дебди.

– Сен шайтони лаъиндан ҳам ёмон кўрганим, ношукр банда, – дебди оламлар Парвардигори.

– Қаранг, ношукрлик қанчалик ёмон экан, – дейди бир онахон. – Шундай озод, хур, эмин-эркин замонамизга шукроналар айтмасак бўлмас. Илоҳим, замонамизга кўз тегмасин!

“Яхши топиб айтади” деганларидай, ниятимиз яхшилиги катта самаралар бераётгани мамлакатимиз тимсолида ўз исботини топиб турибди.

Янги давр аломатлари

Мамлакат миқёсидаги ўзгаришларни айтиб адоғига етиш мушкул. Наманган вилоят кенгашининг ўтган йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари сессиясида муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида қилинаётган кенг кўламли ишлар салмоғидан ҳам мамлакатимиз бўйлаб нақадар улкан бунёдкорликлар бўлаётганини илғаб олиш қийин эмас.

Энг аввало, сессияда мамлакатимиз раҳбари томонидан қилинган сермазмун нутқда эътироз билдирилган соҳалардаги камчиликларни тугатиш бўйича вилоятда кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб олинди. Уларни тезда бартараф этиш мақсадида мутасаддилардан жиддий масъулият талаб қилинди. Бундай даврда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга ҳар бир раҳбар масъул эканининг қатъий уқтирилиши, тубдан ўзгаришга тинмай даъват этилиши муҳим омили бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз концепциясида алоҳида таъкидланган нодавлат сектор фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар бошланди. Бугунги давр одамлари яратувчанлик туйғуси билан яшаб, эл-юрт манфаати йўлида қўлидан келган юмушлар билан шуғулланмоқда. Кексалар дуоси билан ёшлар фаол фуқаролик позициясида туриб, ватан равнақи, халқ фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Наманганда илгариги тузум даврида учтагина жоме масжиди бўлиб, кун ярмида ўқиладиган жума намозига ота-боболаримиз эмин-эркин келолмай овора бўлишарди. Мустақиллик шарофати билан бугун дунёвий мамлакатимизда эътиқод масаласида берилган Конституцион эркинлик ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун доирасидаги ваколатлар асосида қанчадан-қанча жоме масжидлар фаолият кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг ўтган йилги навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз барча жабҳаларнинг тараққиёт йўлини белгилаб, саноатга йўналган вилоятда бу соҳа кейинги йилларда бироз оқсаб қолганини, махсус дастур устида бошланган ишлар ўз якунига етмаётганини маълум қилди. Мазкур дастур асосида, мухтасар қилиб айтганда, қисқагина тўрт йилнинг ўзида умумий қиймати беш миллиард сўм бўлган икки юз эллиқдан зиёд лойиҳани жорий этиш ва шу ҳисобдан ўн олти мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш кўзда тутилаётгани бу лойиҳанинг мисли кўрилмаган даражада кенг қўламли эканини кўрсатиб турибди. Энг муҳими, мамлакат аҳли орасида ҳунарманд Наманган аҳли учун бамисоли янги тараққиёт оламини очиб берилгани нақадар қувонарли! Бу имкониятлар асосида наманганлик саноатчилар рақобатбардош маҳсулотлари билан дунё бозорига бемалол чиқа оладилар.

Сессия бахш этган кўтаринки руҳ кундан-кунга барча жабҳаларда бўлаётган ижобий ўзгаришларда, энг муҳими, одамларнинг баланд кайфиятида яққол намоеън бўлмоқда. Арзонлашиб бораётган бозорларимиз, катта хирмонлар ваъда қилаётган ғаллазорларимиз, мўл-кўл ҳосил тугаётган пахтазорларимиз тароватидан кўнгишлар тўлади, ғурурлар юксалади, кайфиятлар хушнуд бўлади. Янги давр, янада фаровон, янада тўкин, янада кўтаринки ҳаёт напидасидан дилларга қувонч, ишонч ва фараҳ тўлади.

Олтин водийнинг олтин йўли

*Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим,*

– деган сагрларни ёд билмайдиган ўзбек топилмаса керак. Ҳақиқатан, болалиқда эртаклар оламига кирмаган киши йўқ. Самолёт бўлмаган пайтларда учар гиламлар, телевизордан олдин ойнаи жаҳон ҳақида эртаклар яратилганки, болалар тугул катта ёшдагилар ҳам бу каби афсоналарга ишонган. Кейинги йилларда мустақиллик билан боғлиқ шундай оламшумул ишлар, ҳайратомуз воқеалар рўй бердики, булар ҳақида бундан чорак аср олдин гапириш у ёқда турсин, ҳатто хаёл қилиш ҳам мутлақо ақлга сиғмас эди. Ўша даврларда собиқ иттифок таназулга юз тугади, тарқаб кетади, ўрнида мустақил мамлакатлар пайдо бўлади, деган ўй ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди.

– Кечагидай ёдимда, – дейди ўша пайтдаги Олий Кенгаш депутати Жамолхон Сиддиқов. – Дастлаб Мустақиллик декларациясини қабул қилдик. Президентимиз фавқулодда журъат билан Давлат мустақиллигини эълон қилганда анжуман аҳлининг кўпчилиги нақ тарашадай қотиб қолди. Чунки бундай тарихий воқеа ҳеч бир депутатнинг хаёлида йўқ эди. Балки бугун бу гап шунчаки айтилар, аммо ўша пайтда ҳеч муболағасиз жуда катта жасорат эди. Фарҳоднинг тоғдаги тошларни йўниб сув чиқаргани, канал қазгани, чўлларни ўзлаштиргани ҳақида қанча асарлар бор. Улар ҳамон тилларда дoston. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темирйўл линияси қурилишини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори асосида Қамчиқ довонида

олиб борилаётган оламшумул ишлар тўғрисида ким дoston тўқийди? Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун, деганлари шу бўлса керак-да!

– Бу тарихий ишлардан илҳомланиб, мен ҳам шеърлар ёздим, – дея мавзуга аралашади Чодакнинг Гулистон қишлоғида яшовчи шоир Салимхон Назирӣ. Истеъдодли шоира Дилбар Бонунинг “Дуторнинг торидай таранг релсларим” мақоласи, қўшни Фарғона вилоятидан дам олишга келиб, бу ерда бўлаётган ишларни кўриб, оромини йўқотган шоир Аҳмад Фозилнинг “Истиклол йўли” сарлавҳали туркум шеърлари ҳам дostonдан қолишмайди! Шунинг учун ҳам бу асарлар “Namnews.uz”, “Поп тонги”, “Норин овози”, “Мураббий” газеталари саҳифаларига муҳрланди.

Бутунги кунда, Ўзбекистонимизда эртақларда ҳам йўқ чўнг ишлар – бир юз йигирма уч километр узунликдаги “Ангрен-Поп” темирйўли қурилиши, денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр баландликда жойлашган, узундан узун тоғларни кесиб ўтадиган, ўн тўққиз километрдан зиёд туннел қурилиши жуда катта тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз. У нафақат водийга йўл очади, айни пайтда Европа ва Осиё китъаларини ўзаро боғлайди. Трансмиллий транспорт йўлагининг энг муҳим бўғинига айланади. Бизга келтириладиган юклар тўрт барабар арзонга келади. Биздан жуда кўп маҳсулотлар экспорт қилинишига кенг йўл очилади. Бу йўл нафақат оддийгина темирйўл, балки том маънода олтин водийнинг олтин йўли бўлади. Шу боис, у ҳар қанча дoston қилишга арзигуликдир. Табиатнинг жуда катта марҳамати бўлган бу ҳудудлар Швейцарияни ҳам ортда қолдирадиган ўзига хос иқлими, бетакрор табиати, оромбахш ҳавоси-ю, жаннатгамо гўзаллиги билан яқин келажакда халқаро туризмнинг диққатга сазовор гўшаларидан бирига айланишига ҳеч шубҳа йўқ. Шу мақсадда темирйўл қурилишининг теварак-атрофлари инфратузилмасини юксак талаблар асосида яхшилаш борасида ҳам фаол иш олиб боришмоқда.

– Ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, – дейди “Поп тонги” газетаси муҳбири Раҳимжон Ирисов. – Хонобод, Қўшминор, Чодак, Гулистон ва Олтинкон қишлоқлари аҳли ҳам бу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Биргина “Темирйўлобод” юк саройи фаолияти йўлга қўйилиши билан коллежни битирган олтимиш беш нафар ёш иш билан таъминланмоқда. Шунингдек, темирйўл атрофида яшовчи бир юз йигирма уч хонадон кўчирилиши эвазига давлат томонидан тўрт миллиард сўмдан зиёд пул берилиб, уч юз етмиш икки оила фуқаролари учун туман ҳокимининг қарори билан олти сотихдан ер майдони ажратиб берилди. Янги турар жойларда электр таъминоти йўлга қўйилиб, инфратузилма объектлари, спорт майдончалари, маҳалла гузари қуриш ишлари ҳам жадал суръатларда бормоқда. Хуллас, шу ер аҳлини адабиётдек эзгулик оламига бошлаб келган муаллим Тўрахўжа ота Каттахўжаев темирйўл ва туннелни кўрганда ҳайратдан илҳомланиб: “Темирйўлчилик – мўлу кўлчилик”, деган гапни айтиб, қилинган ишларга лўнда таъриф берди.

Поп туманида бўлаётган бунёдкорона ишлар давомини вилоятнинг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016-2019 йилларга мўлжалланган маҳсус дастурда ҳам кўриш мумкин. Мазкур дастурнинг тўртинчи йўналиши – муҳандислик коммуникациялари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини қуришга доир бўлиб, “Ангрен-Поп” темирйўл станцияларини электр билан таъминлайдиган иншоотлар қурилишини ўз ичига олганлиги билан қувонарлидир. Шунингдек, фойдали қазилма конларини топиш эҳтимоли кўп туманлардан бири ҳам, шубҳасиз, Попдирки, бу унинг келгусида янада гуллаб яшнашидан дарак беради. Қуйидаги тўртлик юқоридаги фикрлардан илҳомланиб, қуйилиб келди:

*Олтин бу водийнинг олтин ери Поп,
Бағрида яширган пинҳон сирини Поп...*



НАЗМ



Усмон ҚЎЧҚОР

1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. Шоирнинг бир неча тўпламлари, “Қувгин” достони, “Имом Бухорий” шеърӣ драмаси нашр этилган.

Ёндирар кечиккан куздай хотира

* * *

Сен турган қирғоққа ёйилди баҳор,
Майсалар, дарахтлар қуёшга қўнди.
Мен турган қирғоқда ҳамон ёғар қор,
Сувларим қатма-қат музларга дўнди.

Сен турган қирғоқда шўх-шодон еллар
Ҳарир рўмолингни тортиб ўйнайди.
Мен турган қирғоқда бўрон увиллар,
Кўз очгани қора совуқ қўймайди.

Сен турган қирғоқнинг осмони тиниқ,
Қушлари озод ва бахтиёр учар.
Менинг қушларимнинг ранг-рўйи синиқ,
Мен турган қирғоқнинг иқлими ўжар.

Сен турган қирғоқда ўйнар қулунлар,
Сурувлар сувлоққа тушиб келади.
Мен турган қирғоқда қора қуёнлар
Жамийки жонзотни қувиб келади.

Жунжикиб турибман, юрагим вайрон,
Сукланиб боқаман сен турган ёққа.
Кечув-кўприги йўқ бу қандай дарё,
Сузиб ўтолмайман ўшал қирғоққа...



Тушов узган от

Кенг яйловда ўтлар эди от,
Бир қичқирик оромин бузди.
Оёғини кўтарди азот,
Шиддат билан тушовни узди.

Чўпон сапчиб турди ўрнидан,
Қани отга келолса яқин.
Пишқирди – ўт чиқди бурнидан,
Туёғидан чакнади чақин.

Сарбастликнинг сармаст дунёси
Оғушига олар экан, от –
Ғирот деган номга муносиб –
Елкасидан чиқарди қанот.

Бул заминнинг шовқин-сурони
Чангларида қолди улоқиб.
Хамир каби оғир ҳавони
Кесиб борар ханжар қулоғи.

Бу Гўрўғли экан-ку ва ё
Бу-ку ҳали ёш бола – Аваз –
Энди отни ортига, ҳатто,
Жуманбулбул қайтара олмас.

Қамчи захри йўқдир жонида,
Зарбу ҳарбдан холидир жони.
Уйғонганди унинг қонида
Юлдузларнинг нурли бўрони.

Қолди сайис жабдуғи билан,
Отжаллобнинг кўлида чақа.
Улоқчининг кўлида – юган,
Тақачининг кўлида – тақа.

Термилишар фалакка бот-бот,
Бот-бот кўқда бир от кишнайди –
Қаҳқашонга чиқиб кетган от,
Энди ерга қайтиб тушмайди...

* * *

Бу аёл нимадан кўрқади бунча,
Хуркак бир охуга ўхшарми гоҳи?
Мажол топиб унга кўз қадагунча,
Заминга тўкилиб тушар нигоҳи.





Зориқар,
 зўриқар,
 чингиллар ёдим,
 Ҳозир чиқиб кетар танасидан руҳ.
 Мен уни кўрганман минг йиллар олдин,
 Мана, минг йил кейин – яна шу андух.

Лол бўлиб бу жамол, бу рух, бу қаддан,
 Ортидан шамолдек чополмаганман.
 Оҳ, мен бу аёлга минг йил муқаддам
 Атиги битта сўз тополмаганман.

Нимадан бунчалар афсусда аёл,
 Нигоҳи нигоҳни муздай қотирар?
 Чалқинар кишанбанд маҳбусдай хаёл,
 Ёндираар кечиккан куздай хотира...

* * *

Куз келди.
 Сарғайди.
 Хижолатдаман.
 Кўнгли оғримасми кўнглин сўрасам?
 Гарчи мен ўзим ҳам шу ҳолатдаман.
 Дил титрар хазондек
 ортга қарасам.

Ёзларда қор излаб
 тоғларга чиқдим,
 Тушмоқ азоби ҳам
 бор экан бошда.
 Ирмоққа тароқлаб
 бармоғим тикдим:
 Тўхтатмоқчи бўлдим,
 сувгинам, шошма!

Кун келиб булоқнинг
 тинади кўзи,
 Муҳитга шом тушса
 қуёш тинадир.
 Тинмай оқаётган
 нима бу ўзи –
 Дарёми,
 умрми,
 кўзёшми – надир?

Кун кеча эмасми,
 бамисли шамол –
 Сарсари елганим
 учар отдаман.
 Энди, тизза кучиб,
 сураман хаёл...
 Куз келди.
 Сарғайди.
 Хижолатдаман...



Тошлар

Туркумдан

Вазнсиз тошлар

Бу тошлар, билмайман,
паркуми, парми,
Тупроққа залворли
чўкиб ётмайди.
Уларнинг вазни йўқ,
чунки уларни
Осмон итармайди,
замин тортмайди.

Бу тошлар
қаерга урилса агар,
Орқага қайтади
сассиз, садосиз.
Бу тошлар
ҳам бошга, ҳам ғашга тегар,
Бу тошлар саноқсиз,
чексиз,
адосиз...

Уларга дахлсиз
ерлар, қуёшлар,
Чексиз самовотга
дайдиб кетади.
Бошқа фазолардан
келган бу тошлар –
Бошқа фазоларга
қайтиб кетади.

Сувости тошлари

Бу тошлар
оқимда кетмас тентираб,
Курбақасаллалар қуёшдан тўсган.
Уларнинг кўксига
оёғин тираб
Сувўтлар гуллаган,
йўсинлар ўсган.
Уларнинг ўтмиши
ҳув, олис чўққи,
Бу тошлар
тошқинни, селни кўргандир.





Бу тошларнинг кўнгли
шул боис тўкки,
Улар
буюк вазминликни ўрганди.

Кўпиклар кўпирар
фурдатга менгзар
Бу шошқин оқимнинг ҳаракатидан,
Кузатиб ёгади бу тошлар
сангзор –
Улуғ осойишлар мамлакатидан.

Куёш фалак узра турса-да балқиб,
Бу тошларга унинг
тафти етмайди.
Тош – тошда,
пўкакдек чикмайди қалқиб,
Шўртанг денгизларга
оқиб кетмайди.

Соҳилдаги тош

Мана, минг йилларки,
соҳилда ётган,
Қақраган бу тошга сув теккани йўқ,
Куёшнинг
оловли селида қотган,
Чеккани оҳи йўқ,
оҳ чеккани йўқ.

Тўлқинман,
денгизнинг қаъридан келган –
Шоҳона шамолни кўтариб бошга.
Тўлқинман,
соҳилга зарб-ла урилган –
Етмоқ бўлиб
қақраган тошга.

Етолмай, тойсам-да ҳолдан дафъатан,
Қолган масофани чамалаб,
санаб –
Соҳилга тирмашиб ётавераман
Тирноқларим қонаб,
тишларим қонаб.

Ортадаги тўлқиннинг шиддати бошқа,
Ул менинг елкамдан гулдираб ўтсин.
Соҳилда минг йил сув тегмаган тошга
Ортимдаги тўлқинлар етсин.





НАСР

**Нодир НОРМАТОВ**

1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Кўҳитанг ҳикоялари”, “Жарликдан қушлар учди”, “Ранглар юртига йўл”, “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” каби китоблари чоп этилган. “Муқаддас балиқлар эгаси”, “Дарахт тагидаги одам”, “Бисот” қиссалари, “Кўзгудаги икковлон” романи муаллифи. “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

**ЗУЛАЙҲО ДАРАХТИ****Роман****1**

Зулфиқор яна бир чалиб кўрди, най нолаеси бу гал майину маҳзун чиқди, истаганини топгандай эди. Лекин дили таскин топмади, баттар сиқилди. Найдан нажот тилагандек, уни иккала қўли билан маҳкам сиқди, сўнг силаб-силаб бағрига босди. Шу ўтирганича, Карим Наби бованинг “Бу най менга отангдан қолган эди. Бир пайтлар дунё кўзимга қоронғи кўриниб, яшагим келмай қолган пайтда, ўша одам менга шунини берган, чалсанг, кўнглингдан ғубор кетади, ҳақ йўлга тушасан” деб эди. Айтгани бажо бўлди. Энди унинг менга кераги йўқ. Зора, шу най сенга ҳам асқотса” деган гапларини эслади. Чолга най қандай асқотганлигини Зулфиқор эшитган: айтишларича, Карим Наби бова йигитлигида Зарифа деган кизни қаттиқ яхши кўрган. Аммо, ота-онаси кизни йигитга беришмаган. Шунда у кизни олиб қочишга аҳд қилади. Зарифадан тоғ тагидаги бир арча дарахти ёнида кутишни тайинлайди. Қиз ўша ерга боради. Кеч окшомда Карим Наби эмас, унинг жўраси сал илгари келади. Қиз уни севгилим юборган деб ўйлаб, гапига ишониб, отга минади. У йигит ҳам Зарифани яхши кўраркан, шунинг учун отни тоғ орқасига – олис овуллардан бирига ҳайдайди. Карим Наби эса сирини дўстига айтганидан пушаймон, қуруқ қолаверади. Ана ўшанда, дунё кўзига қоронғи кўринган пайтларда Карим Наби бованинг жонига худди шу най оро кирган эмиш.

Қария унга найни бир ҳафта бурун келтирган эди. У Зулфиқорнинг кечалари ухламай чиқаётганини эшитган, бўлмаса, бу ҳовлига анчадан бери қадам босмайдиган одам, бунинг устига ёши бир жойга бориб қолган, унинг шунчаки келмаганлигини дарров сезди. Бова келасолиб, чой ичишга ҳам кўнмай, кўйнидан най чиқарди. Уни беришдан олдин, гап-сўзсиз най чалишга тушди. Ориқдан келган, одмигина кенг оқ иштон, ёқасиз, жиякли кўйлак кийиб олган бу чолнинг туриш-тароватини, индамайгина келиб, лойсупанинг бир чеккасига ўтирганча най чалганини бегона одам кўрса, девона бўлса керак, деб ўйлаши аниқ эди. Ҳаммасидан ажаблангани, Зулфиқор уни болалигида қандай кўрган бўлса, худди шу туришда: юзларида бирорга ажин йўқлиги, кўзларининг қулиб туриши, овозининг мулојимлиги эди. Бу қарияни у

яхши эслайди: бир пайтлар отасининг чўлиғи бўлган, болалигида баҳор келиши билан уни ҳам катта хангисига мингаштириб, даштга, овулга олиб кетишини байрамдай кутар эди. Яна энг эсида қолгани, отаси вафот қилган куннинг эртасига шу одам Баландкўрғонга чиқиб, бир неча кун най чалиб юрди. Ўшанда, одамлар Карим Наби Зулфиқорнинг отаси – Замон бова ўлганига марсия чалди деб айтишди.

Бова Зулфиқорга найни олиб келган кун эса, унинг рўпарасида ўтириб, “Лазги” куйини чалди, ўзи орикқина гавдасини ўйнатиб, мастона-мастона тебранди. Зулфиқор найнинг ўйноқи, шўх садоларидан юраклари ёзилиб, ичи қизиди, хаяжонга тушди. Бова шундан сўнг, иримига бир пиёла чой ичиб олди, тавозе билан унга найни тутқазиб, йўлига равона бўлди.

Най одмигина, ғаровдан ясалган, кўз-кўз қиладиган ери ҳам йўғу аммо отадан қолган табаррук, шу сабаб кўзига суртгудек бўлар, аммо чалишга қолганда унчалик ҳам хуши келмас эди. Болалигида чалиб кўрган бу матоҳ ҳадеганда унга ўз “ихтиёри”ни топширмас, сиру синоати ичида эди. Хотини Интизор эса унга тирғалгани тирғалган: “Отангиз Карим Наби бовага: чалсанг, кўнглингдан ғубор кетади, ҳақ йўлга тушасан” деган экан деб, шу биргина гапга ишониб, қаттиқ ёпишиб олган, ундан ҳар куни най чалиб беришини сўрагани сўраган.

Мана бир ҳафта бўлдики, Зулфиқор хотинининг айтганини қилади, ҳар куни қуёш ботиши олдидан най чалиб кўради, энг ҳайрон қолдиргани – чиндан унинг нолалари аста-секин ростакамига авжга чиқиб, кўнглига таскин, вужудига ором бераётган эди.

Аммо бу гал, шу тобда най панд берди. Дунё кўзига тор кўринди. Бошига яна қаттиқ оғрик кира бошлади.

“Шуям кун бўлдимми? Лаънати!”, деб ичида ғижинди, чидай олмай овоз чиқариб сўкинганида, юраги кетма-кет санчди. Кўзларини юмиб, бир зум ўйланиб қолди. Кимни сўкаятти ўзи? Ўйлаб ўйига етолмади. Нима деган гап бу, сўкасану кимни, нимани эканлигини билмасанг! Барисига айбдордек, найни чирпиратиб осмонга отди. У ҳам қасдлашгандай, яна Зулфиқор ўтирган лойсува чеккасига келиб тушди. Интизор ҳовли супураётган эди, буни кўриб, эрининг олдига чопиб келди, жонсарақ бўлиб унинг тиришган елкасини силаб-сийпалади. Унинг кичкина, доим иссиқ кафтлари бу гал чақиртиканакка айлангану баданига қаттиқ ботиб кетаётгандек туюлди. Шунда безовта бўлиб, хотинининг кўлларини ушлаб, тез-тез ураётган юраги устига келтириб қўйди, кўзлари билан шу ер оғриётганлигига ишора қилди. Интизор ҳадиғу хаяжон билан бирор нарса керак-керак эмаслигини сўради. Зулфиқор ковоғини уйиб тураверди.

– Агар кўлингдан келса, – деди ниҳоят оғир сўлиш олиб. – Шу қуёшни тўхтат, ботиб кетмасин. Шу керак холос, хотин.

Интизор эрининг бу гапидан ҳайрон бўлмади:

– Сизга бошқа қуёшни келтириб бераман, – деб жилмайиб қўйди. Зулфиқор қуёш томон боқар экан, аёлининг бу гапига эътибор ҳам бермади. Тўғрироғи, Зулфиқорнинг назарида бу гап гўё: “Сизга бошқа бир ёстикми, кўрпачами, келтираман”, дегандек туюлди. Шунинг учун у тош қотганча, гап маънисига ҳам етмай:

– Опкелсанг опкел! – деб қўя қолди.

Унинг йўғон товуши ўзгариб, хирқираб чиқди, саснинг бундай палағдалиги, беғоналиги уни чўчитиб, сергак торттирди. Аёли эса унинг томоғини, шишган бўртик олмасини силади, шунда халқуми бироз юмшаб, ютиниши осонлашди, шундагина гап нимадалигини англади. Зулфиқор ўзига мулозим боққан бу аёл кўзларига бирпас қарабоқ хотиржам тортди, шунда ҳовридан тушди. Найни яна кўлига олди. Интизорнинг ҳам кўнгли жойига тушиб, супургисини кўтарганча қари тут томон йўл олди.

Эрталабдан буён ҳали шамол эсмаган бўлса-да, тут, айниқса, йўғон бир шохнинг тағларига япроқлардан кўра, турли хил чириндию супуриндилар сочилиб ётарди. Зулфиқор энди ана шу олачалпоқ ҳовли юзига кўз тикиб ўтираркан, ҳайрон бўлди: ҳали куз келмай туриб, ҳазонрезги барглар қаердан учиб келди экан? Тутнинг тепа шохлари қуёшнинг қизғиш шуълаларидан ғаройиб бир шаклга кираётган эди. Унга кўзи тушиб, бирдан хотинининг ҳалигина айтган ғалати гапини эслади. Бошқа қуёш келтираман дедими Интизор? Гапининг тузи йўк, бўлмаса шундай дейдими, бу хотин? Ҳа, уям бир гапирди, қўйди-да. Аммо шу кунларда унинг ҳазилга тоби йўк, Интизор буни билади-ку, яна била туриб, мана бу “пистоқи” гапни қилгани нимаси? Кўнглидаги ғашлик нимадан эканлиги биргина унинг ўзига аён эмас. Интизор ҳам хабардор, аммо муғамбирлик қилиб, ўзини сезмаганга солади. У энди ўзини бу хаёллардан форигъ этмоқ ниятида қуй билан чалғитишни маъкул топди. Яна найни қўлига олди. Иштиёқи баландлигидан эмас, миясида оғриқ бошланишининг олдини олиш ниятида эс-хуши найда бўлди. Шундан у Интизорнинг “Тезда келаман” деб, кўчага шошиб чиқиб кетганини ҳам сезмади.

Қуёш тоғлар орқасига ботиб бораётган эди. Зулфиқорнинг юраги унинг ботишидан ғашланади, сиқилади. Бундан баттари кейин, кеч кирганидан сўнг бошланади.

Интизор кечга яқин ҳовлининг қок ўртасида, қари тутнинг катта шохига катта қувватли лампочкани осдирди. Энди у Интизорнинг “Ҳовлига бошқа қуёш келтираман” деган гапини яна эслади. Интизор кеч кириши билан унинг ваҳимага тушишини аллақачон билади, аммо юзига айтолмайди. Шунинг учун манави “қуёшча”ни олиб келтирганини Зулфиқор яхши тушуниб турарди.

Монтёр ишларини тугатиб, жўнаб қолганида, Зулфиқор ҳайрон бўлди: нимага у чурк этмай кетиб қолди? У бу одамнинг гап-сўзига зор эмас, айниқса, ҳозир, шу тобда бировнинг гапини тинглаб ўтиришга на хоҳиши бор, на қуввати. Аммо ўша монтёрнинг кўча-қўйда оёғи билан эмас, оғзи билан юрадиганлардан эканлигини, булбулигўё деган лақаб орттирганини Зулфиқор билади-ку. Нега энди у боя оғзига тош солгандай бўлиб турди?

– Эрингиздан кўрқаман, дейди ўша булбулигўё. Уйга ҳам уни аранг олиб келдим, – деб қўйди Интизор.

Зулфиқорнинг энсаси котиб, пешонаси тиришди.

– Нимага кўрқар экан?

Ажабо, Зулфиқор нима ёмонлик қилибдики, ундан кўрқсалар! Ғалати эшитилар экан, ўзи нима аҳволда-ю, одамларнинг хаёлида бундай гаплар...

– Булбулигўё бир вақтлар эрингиз ҳеч кимдан кўрқмас, зўравон бўлган эди, дейди.

Зулфиқор Интизорнинг бу гапини тасдиқ ҳам этмади, инкор ҳам қилмай, кўзларини найга тикиб ўтирди. Орадаги ноқулай жимликни йўқотиш учун найни бир-икки пуфлаган бўлди. Унинг бу галги шодон садоси унга ўша замонларнинг бир нафасини эслатгандай бўлди. У замонлар бошқа эди. Зулфиқор уйланмаган кезлари ўзини Робин Гуддек тасаввур қилиб, бир-икки маъкул, номаъкул ишлар қилган.

– Зўравон, гапга қўнмас бўлганлигингиз учун, ўша пайтда катталар сизни урушда ўлиб кетсин, қутуламиз деб, атайлаб Афғонга жўнатишган ҳам экан.

– Гирт ёлғон бу! Афғонга кўпчилик борган эди.

– Аммо аввал номингиз рўйхатда бўлмаганмиш. Катталардан бири атайин қўшдирган эмиш.

– Буниям Булбулигўё айтдими?

– Ўша айтди.

Тавба, одамлар ўзлари қолиб, Зулфиқорнинг номаи аъмолини ковлаштириб юришар экан-да. Одамлар нима дейишмайди? Бу билан бирор нарса ўзгарармиди? Тўғри, ўзгариши мумкин, мана шу аёлининг фикри ўзгариши мумкин. Шуниси бор, шуниси ёқмайди. Ҳар ҳолда ёнидаги аёлнинг у ҳақидаги яхшими, ёмонми, гап-сўзи кўпайиб бормаслиги керак. Шунисидан эҳтиёт бўлиши керак, қолгани бекор.

– Сизни урушга жўнатган ўша одам ким экан, биласизми?

– Билмайман, билишни ҳам истамайман.

Зулфиқор Афғондан қайтган ўша кезларида рўйхатга қўшдирган одам ким эканлигини аниқ билганида, балким уни уриб, майиб қилармиди, ишқилиб, бу ишни шундай ташлаб қўймас эди. Ўшанда бу билан бирор нарса ўзгармаслигини билмас эди, қайтанга қамалиб, ҳаёти издан чиқиши тайин эди. Ҳозир эса дунёга бошқача қарайди: унга ҳеч нима, ҳеч ким керак эмас. Фақат қоронғи тундан кўркмасга бўлгани.

– Булбулигўё тўйхоналарда қўйиладиган лампочкани нимага ҳовлимизга осиб кетди? – деб сўради Зулфиқор нима учун кераклигини билса ҳам, ўзини ҳайрон кўрсатиб.

– Уйимиз тўйхонадай бўлиб турсин! – Интизорнинг товуши тантанавор чиқди..

– Ҳа, тўйхонадайми... унда, майли, – деди Зулфиқор ҳазил-мазах оҳангида.

“Ажабо, бир пайтлар ҳеч кимдан кўркмаган, зўравон одам энди ёш болага ўхшаб, тун қоронғисидан кўркса...” – деб ўйлади Зулфиқор ичида ғижиниб. Аммо наилож, бу бор гап, ундан тониб бўлмайди. Лаънат бу... қоронғиликка.

– Бу тўйхонада энди... ичишдан бошқа ҳаммасига рухсат бор, – сўзини қувнок оҳангда давом қилди Интизор.

Зулфиқор уни сира тушуна олмай, бир зум кўзларини юмди. Бу аёл аҳволи танг маҳалларда қандай қилиб қувнок бўла олади? Жилмайишлари, қувноклиги ясама эмас, чиндан шундай. Яна шунисига ҳайронки, унинг шу одати Зулфиқорга ёқади. Аммо, лекин мана бу гапи энди ортиқча. Тўғри, у ичаман деб ўлиб тургани йўқ, аммо барибир бу гап ичида хавfli бир огоҳ бор. Аслида Интизор бундай “ортиқча” гапларни камдан кам айтади, аммо шу озгинаси ҳам уни чўчитиб юборади. Зулфиқор хотинининг юзига қараб, бирдан кеча нимадир ёмон ишлар қилиб қўйганини фаҳмлади.

– Яна ўқловни олиб, “Ҳаммангни отаман” деб бақирдимми? – деб сўради Зулфиқор афтини бужмайтириб.

– Шундай дедингиз отаси, шундай дедингиз, – деди Интизор худди бунга ўзи гуноҳкордек қизариб.

Зулфиқор “Яна нима ножоиз иш қилдим?” – дегандек хавотирланиб, хотинининг оғзига термилди.

– Яна... чилвирни анави тут шохига девонаҳалқа қилиб қўйган экансиз, унга ўзингизни осмоқчи ҳам бўлдингиз. Хайрият, чилвир чириган экан, узилиб кетди.

Зулфиқор бу аёлнинг тўғри айтаётганига шубҳа қилмади, тут шохига ҳали ҳам узилган чилвир ипнинг бир қулочи енгил шамолда чайқалиб турарди. Ўша тут дарахтининг тагидаги ҳар хил чириндию ҳазонлар кучли шамолдан эмас, Зулфиқор шохга ўзини осаман деб уринганида, қаттиқ силкиниб тўкилганини энди фаҳмлади.

У найни ерга ташлаб, ёнида турган лўлаболишни худди халоскоридек кучоқлаб олди. Қулоқларини иккала қўли билан бекитди, аммо бу шармандали ўтмишни миясидан ўчириб бўлармиди? Энди кечаги воқеа тафсилоти эсига туша бошлади. Кеча тушдан кейин, ҳовлида ҳеч ким йўқлигида ўзини осганию арқон узилиб кетгани эсида. Бунга фақат ароқ туфайли қилмагани ҳам аниқ, чунки хушёрлигида

ҳам кейинги олти ой ичида кимдир хаёлида унга: “Ўзингни ос, ўзингни ос, шунда азоб-уқубатлардан қутуласан” деяверади. Шундан сўнг, бир неча марта ўзини осмоқчи бўлган, аммо, доим айни шундай ҳолга тушган пайтлари Интизор ёнида пайдо бўлиб, унга халақит берган. Кеча ўзини осган бўлса-да, унга тайёргарлик бир кун аввал қилинган, арқон билан стулни тут яқинига келтириб қўйган эди. Стул қадимий, уни қачонлардир Самарқанддаги бир колхоз раиси отасидан бурама шохли катта қўчқор сотиб олганида, миннатдорчилик тариқасида совға деб бериб юборган. Зил-замбил бу стулнинг мовутлари йиртилгач, ҳеч ким ўтирмайдиган бўлиб қолган эди. Сатил эса онасидан ёдгор, у бир пайтлар мана шу идишда сизир соғиб юрар эди. Сатил тешилгач, узумқўриқ учун даранглатиладиган матоҳга айланган. Албатта, ўзини осиб учун Зулфиқор уларни атайлаб танлаган эмас, бу бир тасодиф, чунки ўша пайт бошқа нарса кўзига кўринмаган. Аммо чилвирнинг бақувватини дўкондан танлаб келтиргани рост, у нечук узилди экан?

Интизор бошқа хотинларга сира ўхшамайди: бирон айб қилсанг ҳам юзинга солмайди. Биров кеча уни шармандали ҳолда кўрган бўлса ҳам эрини изза бўлмасин деб тилига чиқармаслиги аниқ. Шуниси ёмон-да. Айниқса, мана шу ҳасрат тўла катта кўзлари унга таажжуб билан тикилса. Ана шуниси оғир. Одамни эзади шу кўзлари. Мана шуниси билан тилингни қисик қилиб қўяди, бир нарса дейишга уяласан. Бўлмаса, нега ҳеч кимга гап бермайдиган Зулфиқорнинг йўғон товуши шу беозор, ювошгина аёлнинг олдида юмшаб чиқади. Аяйди уни, одамлар тушунмайди уни. Ҳа, айримларнинг: шу йўлбарсдай зўравонни ана шу чумолидай аёл бурнидан ип ўтказиб олди, деганларини орқаворатдан эшитган, аммо чурқ этмаган. Одамлар нима деса деяверсин, ҳамма ўзидан ўтганини ўзи билади.

Унинг хуржуннусха, пахса деворли уйида, ҳайҳотдек ҳовлисида ўша куни кимлар бўлиши мумкин эди, шуни ўйлаб, боши ғовлаб кетди. Хайриятки, ўғли Нурсоат шу кунларда Сариосиёдаги холасиникида юрибди. Эрта-индин қайтиши керак эди. Нега у йўқ? Бунинг учун хотинни тергаб қўйиши керак. Баҳона топилганидан бир қадар енгил тортиди. Гапни ана шу ўғилнинг уйга қайтмаганлигидан бошлаш маъқул. Гўё шу билан катта бир доғ ювилиб кетиши мумкиндай, ҳар бир сўзини виқор билан гапирди. Йўқса, ўтираверади шу чумоли хотиннинг олдида бошини эгиб! Зулфиқор хотинини ёнига чорлаб ўтирғизди, кўзини ерга тикиб тергай бошлади:

– Нурсоат ҳали ҳам уйга қайтмади. Нима учун у опангдан хабар олишни баҳона қилиб, Сариосиёга югургани югурган? Ўн олтига кирган боланинг бундай сандирақлаб юришлари менга маъқул эмас.

Зулфиқор яхши билади, аслида ўғли сандирақлаб юргани йўқ. Интизорнинг опаси вилоятда номи чиққан математик, ўшандан қўшимча дарс олгани кетган. Бу ишни бошлаган ҳам Зулфиқорнинг ўзи: мендай кўрсавод бўлмасин, ҳеч қаерда ўқимаганим учун шопиру миробликдан нари ўтолмадим, зора шу Нурсоат олий маълумотли бўлса деб, Интизорнинг опасиникига юборган эди. Энди эса Нурсоатнинг кишлокқа келгиси йўқ, бутун ёзни ўша ерда ўтказаяпти.

– Ўзингиз бир нима демасангиз, гапимга қулоқ осмаяпти, – деди Интизор. – Ўзим ҳам уни соғиндим.

Зулфиқор қизи Иқлимадан эшитдики, ўғли у ерда Садаф деган қиз билан танишган. Қизининг айтишича, Нурсоат шунинг учун доим ўша томонга чопаётган эмиш.

– Иби, уни мен топиб берибманми? Садаф билан опамникида эмас, Термизда, олимпиадада танишган эмиш-ку.

– Хўш, қизинг-чи, қизинг?

– Иклимани ўқувчилар лагерига ўзингиз юбордингиз...
 – Нима, сен ўзинг ўйламайсанми, у бир қиз бола бўлса...
 – “Майли, дам олсин. Шу қизим сенга ўхшаб, тинмайди. Офтобда ишлайвериб, қорайиб кетди”, деган ким эди? Ўзингиз!

Зулфиқор бу гапларнинг бари кечаги воқеа туфайли, кўнгли хижилликдан чиқиши, нима бўлса ўзиниям, хотининиям чалғитиш учун айтилаётганлигини иккиси ҳам билиб турибди. Демак, кечаги воқеани уйдагилардан, яъни Интизордан бўлак ҳеч ким кўрмаган.

Зулфиқор ҳамсоёлари Шовқинбек, Умидилла, уйига тез-тез келиб турадиган Янгибой унинг кечаги бу қилмишидан хабардору гувоҳ бўлишидан кўпроқ ҳайқиқиб, чўчиётганлигини Интизор сезиб турибди. Яхшиямки, девор-дармиён кўшниларининг уй-жойлари ҳайҳотдек томорқанинг анча олис бурчагида, кўздан пана, овоз чиқариб бақирсанг ҳам эшитишлари гумон, ҳар гал кимнинг бир-бирига гапи бўлса, кўча эшикдан чиқиб, анча йўл босиб борди-келди қилишади. Унинг олдига келиб турадиган Янгибой эса кўшни Қорабоғ қишлоғида, олти-етти чақирим нарида яшайди. Якшанба кунлари ундан хабар олиб кетади. Шунинг учун у бугун, энди келса керак. Келмай нима қилади?

– Жонажон, қиёматли жўрангиз бўлгандан кейин... албатта келади-да. Афғонда бирга бўлгансиз, – унинг кўнглидан кечган гапни давом эттирди Интизор.

Аёли гапини пичинг билан айтаётбидими, чини биланми, билиб ҳам бўлмайди бу товушидан. Қандайдир бир авра-астари бекилган бу товушни... Шуниси чаток, уни на рад этиб бўлади, на маъқуллаб.

– Жўрам эмас, у менга ука ўрнида. Билдингми!

Зулфиқор гапини давом эттира олмади, юраги қисилди, чуқур уҳ тортди.

Интизор бундай пайтларда унга доим: уҳ тортманг, дейди, буни ёмонликка йўяди. Мана у ҳозир ҳам “Бунинг нимаси яхши”, – дегандай саросимада Зулфиқорга термилиб турибди.

Шунча шармандачиликни қилади-да, энди уҳ тортмай бўладими? Қани бунинг иложи бўлса! Аслида уҳ тортиш шу хотинга кўпроқ лозим, эрнинг бу қилмишларидан. Йўқ, у уҳ тортмайди, нолимайдиам бу сувилон. Нимага сувилон? Тавба, хаёлига қаердан ҳам келди шу сувилон деган гап? Баъзида кўнглида ана шундай сассиқ гаплар лоп этиб чиқиб қолади. Шунда ўз-ўзидан аччиқланиб кетади. Бошқаларга нисбатан турли нохуш гап айтиб қўйса, кўп афсус емайди, фақат шу Интизорга қолганда, бирор бир беўхшов гап айтишдан ўзини тийиб юради. Аммо тил деганлари ҳам, бир парча эт бўлгани билан, иддаоси катта, бутун бошли танани қарахт қилишга кучи етади. Хўш, нима бўлибди сувилон деган бўлса? Ҳамма гапдан силлиқ, сувилондай қуруқ чиқиб кетади. Балки шуниси тузукдир. Агар гап қайтарадиган, ҳамма нарсадан қир қидирадиган, тили ўткир бир аёл бўлганида нима қилар эди? Йўқ, агар шундай бўлса, уни ё хайдаб юборар эди ё... уриб, майиб қилиб ташлар эди! Ахир унинг номини бир пайтлар бекорга Зулфиқор зўравон дейишмаган. Раҳматли онаси унинг шу феълени билгани учун ана шу сувдай мулойим кизни унга олиб берганмикан?

– Қариндош-уруғларингиз йўқлаб келишгани йўқ, улардан ҳеч бир хавотир олишга ҳожат йўқ, – деб қўйди Интизор уни тинчлантириш учун.

– Осдим ўша қариндошларни, – деди Зулфиқор қовоғини уйиб. – Улардан уяладиган жойим йўқ.

Интизор энди ўз қулоқларига ишонмагандай унга ҳайрон қаради. Унинг бундай ўткир қарашини камдан кам кўрган, ахир. Интизор нимаики гап-сўз айтилса

ёки бирор иш содир бўлса, уларни шундайлича, худди керакдай қабул қиларди. Аммо бу гал “Уларни эмас, ўзингизни осдингиз, отаси” дерди унинг кўзлари.

“Сўрама мендан, ўзимни нега осмоқчи бўлганлигимни. Биламан, бировлар хотини туфайли, айримлар ор-номуси топталганидан, яна кимдир бошқа бир сабаб билан ўзини осади. Мен эса... билмайман нимага ўзимни осмоқчи бўлганимни... Бировдан камим йўқ, оилам тинч, бола-чақам эсон-омон... бариси жойида...” – Ўз-ўзича хаёлан фикр қилди Зулфиқор. Унга ҳануз тикилиб турган хотинидан кўзларини олиб қочиб, яна найни силаб-сийпалашга тушди.

– Сиз улардан уяладиган иш қилганингиз йўқ, отаси, – деди Интизор энди бошини қуйи эгиб. – Аммо қариндошларингиз ҳам айбли эмас. Тўғрими? Фақат сизни қишлоққа ёлғиз ташлаб кетишгани чакки бўлган. Агар улар шу ерда яшашганида...

“Кечаги ишни қилмаган бўлармидим?!” – унинг гапини ичида давом эттирди Зулфиқор. Интизор эрининг шахсий ишларию қавму қариндошлар билан боғлиқ гап-сўзлардан оғиз очмасди, шунинг учунми, у нима деярини билмай қолди. Аёлининг изтироб билан тоғлар томон қараб турганини кўриб, юраги яна хаприкди.

– Улар ўз йўлига, мен ўз йўлимга... яшаб юрибман, – деди кўзларини чирт юмиб.

Қариндош-уруғларининг бари даштга, тоғ ортига кўчиб кетган, бунга ҳам салкам ўн йил бўлди. Улар ойда-йилда қишлоққа бир келади ё йўқ. Тўй-ҳашамлару азаларни ҳисобга олмаганда. Ўшандаям Зулфиқорниқига номигагина бир кириб: “Ҳа, яхши юрибсанми, Зулфиқор зўравон, аҳволинг яхшими?” деган гапни қилишади-да, бир чойнак чой ҳам ичмай, йўлларида давом этишади. Улар орасидан фақат биргина акаси келмайди. “Бу қишлоқда тургилигимиз қолмади. Сенинг дастингдан, бетимиз қизарганидан кўчиб кетяпмиз. Ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини тортиб олдинг, энди ўзинг шу ерда эмин-эркин яшайвер” деб, ҳамманинг олдида ҳам ўша, ўзининг бир қориндан тушган акаси айтган.

Қавму қариндошлар қишлоқда яшашганида, у шу ҳолга тушмаган, ўзини осигга қасд қилмаган бўлармиди? Зулфиқор энди хотинининг афсус аралаш айтган мана шу чала сўзларини ичида такрорлади. Кўп ўтмай, йўқ, уларнинг бу ишга сира алоқаси йўқ, деб ўзича хулоса чиқарди. Интизор балки қариндошлар қишлоқда туришганларида, эри ўзининг ножўя хатти-ҳаракатларига чек қўяр эди деб ўйлагандир. Аммо унинг олдида ниҳоят, энди гап кимларнинг бору йўқлигида ёки қавму қариндошларнинг йўқлаб туришларида эмас, балки ҳаммаси ўзида, йўқ, йўқ, ўзида эмас, ўзининг ҳам ихтиёридан ташқарида содир бўлаётганлигини наҳотки тушуниб етмаган бўлса? Йўқ, хотини буни тушуниб турибди, бу гапларнинг барини шунчаки, йўлига, балки ўзига тасалли бериш учун айтиб юборгандир.

Зулфиқор ҳовлида яланғоч чопганию ўзини осмоқчи бўлганида арқон узилиб кетганлигидан ҳеч ким хабар топмагани аниқ бўлди. Энди у бироз тинчланди. Аммо кўнглида бир савол жавобсиз қолди: чилвирни ким кесган экан? Буни Интизордан сўрашга ўзида куч-қувват топа олмади.

2

Тун кирди. Лампочканинг кучли нурларидан ҳовли саҳни ёруғ бўлди. Интизор айтган шу “кўш” ёнганида, унинг катталиги ҳамсоялари Умидилла етиштирадиган сариқ ҳандалакдек бўлиб кетди. Зулфиқор лойсупада ёнбошлаб, устига юпка тўнини торганча, ана шу “ҳандалак”дан кўзларини узмасди. Кўнглида эса беихтиёр тўй қўшиғи акс садо берарди: “Ҳандалак бўйликкинам, сен унда зор, мен бунда зор...”

Аввалига бу кўшиқ ҳам, лампочканинг атрофни кенг-мўл ёритаётганлиги ҳам унинг кўнглига бир ойдинлик солгандайди, энди анча хотиржам тортиб, ўрнидан турди, димоғи чоғ бўлиб, каттакон ойни мириқиб томоша қилди. Унинг худди хонаки товук тухуми сариғидек ўткир, қизғиш жило бериши тунни ғаройиб тусга киргизган эди.

Иштаҳаси бўлмаса ҳам, супанинг бир чеккасидаги хонтахтада ёзилган дастурхондан ул-бул нарсаларни тановул қилишга жазм қилди: кескан ош, шакароб, чалоп... Чалоп кўп ўтмай уйқусини келтирди. Анчайин бўшашиб, уй ичига кирди. Тўшакка ётиши билан яна ҳар галдагидек босинқирашлари бошланди. Кўзларига қоронғилик ичидан аллабало шарпалар кўриниб, устига бостириб келаверди. Унинг юраги яна хаприқди, ваҳима ичида ўрнидан турмоққа шайланган ҳам эдики, қандайдир бошқа бир кўланка унинг тепасида туриб, хуштак чалди. Энг ёмони, ёнида ётган хотини кўзига кўринмади. Уни изламадиям, аслида у эсида ҳам йўқ, кейин, ташқарига отилиб чиққанидан сўнг, Интизор ичкарида қолганлигини англади. Ўзидаги бу ғалати ҳол касаллик эканлигини билганидан энди хотинини бошқа изламай, ҳовлидаги ёруғ нур сочиб турган ўша катта лампочка тагига шолча солди, лойсупада қолган юпка тўнини елкага ташлаб, қунишганча ўтириб олди. Шу зайлда тонг оттирди. Эргалаб ётоқдан чиқиб келган Интизор эрини бу ҳолатда кўриб, маъюс жилмайди. Кейин унинг жингалак сочларига тикилди. Кўзлари олазарақ бўлиб, ёнига келди, Зулфиқорнинг бошини, сочларини сийпалади. Қулоқдан тепароқ ва чакка қисмидаги сочлари шу кечаси оқариб кетганлигига кўниқолмай бош чайқади. Зулфиқор сезиб турди, у кўзёшларини билинтирмаслик учун уйга қайта қириб, лўлаболиш келтирди.

– Ёнбошлаб олинг, – деди.

Зулфиқор қилг этмади.

– Қани эди бир кечагина қотиб ухласам, – деб Зулфиқор арз қилди. – Балки сен биларсан бунинг йўлини?

– Йўли топилиб қолар, – деб Интизор унга далда берди.

Йўли қандай топилади? Дорихоналардан олиб келинган дорилар икки пулга қиммат, нафи тегмади. Ўлиб қутулмаса энди. Аммо ўлмоқ ҳам осон эмас экан. Қандай тузатсин энди ўзидаги бу дарди бедавони? Бу саволларга Зулфиқор жавоб топа олмай, гаранг эди.

Интизор унга Зарифа момога бориб келишини, у гиёҳлардан заҳармуҳра деган дори ясаб бермоқчи эканлигини айтди. У дори одамда йиғилиб қолган заҳарни кеткизармиш. Балки ўша фойда қилар?

– Заҳар олиб келасанми, муҳра олиб келасанми, энди фарқи йўқ.

Зулфиқор гапини давом эттира олмади, томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Наҳотки, куни битган бўлса? Энди... Афғондан, урушдан омон келиб, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, бир шу қўрқув билан ўлиб кетаверадими?

Интизор дори излаб, кўчага чиқиши билан ҳовлига Янгибой кириб келди. Зулфиқор муштларини қаттиқ сиқиб олганча, бир нуктага кўзларини тикиб ўтирарди. Уни бу аҳволда кўриб, Янгибой бирдан жойида тўхтаб қолди.

– Бу нима ўтириш, – деди Зулфиқорга ҳайрон боқиб. – Нима, янга сизга қарамай кўйдими?

Зулфиқор унинг товушидан сесканиб, қарахт кўзларини очди.

– Кел, ука. Бир нима дедингми?

– Чақирсам, товушингиз чиқмайди. Тинчликми?

Зулфиқор бош кимирлатиб кўйди. Янгибой унга яна яқинроқ келди, кўлини чўзиб:

– Қани турингчи! – деди. – Шу ўтиришингиз менга ёқмай турибди. Супага ўтайлик.

Зулфиқор то супага бориб ўтиргунга қадар чурқ этмади. Янгибой лойсупага ўтирмай, тик турганча Зулфиқорнинг оғзини пойлади. Ундан садо чиқмагач, ўзи гап бошлади.

– Нима бўлди сизга? Очиғини айтаверинг, ака.

Зулфиқор гапни чўзмади, дангалини айтиб қўя қолди:

– Айтсам... ишонмайсан... Шу... уйимдан илон чиққандай, ётоққа киргани кўриб қолганман. Гоҳо дадил бўлай деб, ароқ ичиб уйга кираман. Кўзимга нималар кўринмайди дейсан. Бу кеча ҳам шундай бўлди. Кўриб, шу лампочка тагида ўтириб чиқдим.

– Бор гап шуми?

– Ўзимни ўзим оссам, баридан кутуламанми деб ўйлаб қоламан, баъзан.

– Одам ўзини осизи қийин, ака. Ундан кўра, бирорта қўйни осинг. Ана бу иш сизга ярашади.

– Мен чинимни айтаётиман...

– Ундай гапни айтманг-э... Афғонда ҳам бунчалик... абгор эмас эдингиз-ку...

Янгибой тўғри айтади, у ерда ҳарқалай мунчалик ночор бўлмаган. Энди ҳаммаси орқада қолганида... ваҳимали тушларни кўргани кўрган: чақчайиб қолган кўзлар, уларда кўпган мунг. Айрим кўзларни кузгунлар чўкиб ташлаган, кўз косасини чумоли босиб кетган ўликлар... Гоҳо уларнинг ёрилган бошидан тиркираб чиққан оппоқ мия қатиғи... Уларнинг дилдираб, тебраниб туришлари-чи? Улардан юраги тош одам ҳам сесканади. Афғонда ўлик ташиган ўша кунларни эсламайин дейди, аммо тун кириши билан бошланаверади. Шунда кимдир хаёлида пайдо бўлиб, қулоғига ўзингни ос, бу азобларнинг барчасидан кутуласан, дейверади. Ана, Янгибой! Фақат шугина гапларини эшитиб дод деяпти. У эса... буларни туни билан кўриб, кўнгли айниб, уйғонади. Дод солиб, ўрнидан туради, кундузи еганларини минг бир азоб билан қайт қилади.

Янгибой бу гаплар энди ўтиб кетганини, яхшиси, қизик гаплардан, янги латифалардан тўртта гурунг қилишни ўтиниб сўради.

– Буни бошқа кимга айтаман...

Янгибой худди ўзини айбдордай сезиб, овозини пасайтириброк гапирди:

– Фарғонадан бир табиб чиқибди. Васвасларни даволар эмиш.

Зулфиқор ўтган ой Интизор билан бирга ўша табиб олдига бориб келишган эди. Табиб унга кўп нарсаларни гапириб ташлади. Карахт эди. Кўпам тушунгани йўқ. Фақат бир гапи ёдида қолди. “Сиз кимгадир қаттиқ бир ваъда бергансиз. Ана шу ваъданинг устидан чиқишингиз керак” дейди. Қандай ваъда? Сира эслолмайди.

– Мабодо сен билмайсанми, мен кимга қаттиқ ваъда берганман?

– Ие, ака. Мен Қорабоғда турсам, сиз Иккиқўрғонда яшасангиз. Қишлоғингизда кимга, нима ваъда бергансиз, мен қаердан билай?

Зулфиқор хиёл ўйланиб, синиқ илжайди.

– Ичмаганимда-ку ҳеч кимга ҳеч нима ваъда бермайман. Аммо, ичганимда, билмадим...

Янгибой аввалига бу гаплардан хайрон бўлгандай кўзларини пирпиратди, сўнг кўп ўтмай кафтларини бир-бирига уриб, шарақлаб кулди. Зулфиқордан баттаррок экан: ичса-ичмаса, ваъда беравераркан. Нима қипти, ёлғон ваъдани одамларнинг ўзлари хошлашади. У нима қилсин. Берган қоп-қоп ваъдаларининг қайси бирини бажарсин, идорада ҳам шу ҳол, уйда ҳам. Аммо уйдагиси унга анча оғир кечади, савил. Хотини, болалари бир гапни ушлаб олишса, тамом, унинг қулоғи тинмайди.

Зулфиқор ҳам ичидагиларини тўкиб солди. Ўша табиб олдидан қайтганидан бери, ҳар нарсани ўйлайвериб, адойи тамом бўлди. Ўзига даво излашдан

тўйди. Аммо хотини унинг соғайиб кетишидан умидини узмайди, ҳали-ҳануз ҳар томонга чопишдан оёғи тинмайди. “Эрим ёмон тушлар кўрмасин” деб, кечкурунлари саримсоқ, пиёз, пичоқ топиб, боши тепасига қайта-қайта қўйгани-қўйган: инс-жинсларни ҳайдайди, деб, уни юпатишдан чарчамайди. Олиб келган ҳақдориларидан дарди ортса ортдики, камаймади. Даҳшатли ўлимлар, жангу жадаллар, порглашлар сурати миясига муҳрланиб қолган, шекилли. Уни кеткизиш учун аввалига нималар қилиб кўрмади: ким нима деса, адо этди, азиз-авлиёлар қабрига чироқ ёқтирди, муллага ўқитишлару дўхтирларга қатнаш ҳам наф қилмади.

Янгибой уни индамайгина тинглади. Кейин тушига ҳеч нарса кирмаса ҳам, аъзойи бадани, суяклари намгарчиликда зиркираб оғришини айтиб шикоят қилди.

– Мен эса бошим гаранг, аҳволим танг, ўзим тажанг, ана қаранг, деган кўшиқни айтиб юрибман, – деди Зулфиқор кўзларини юмганча.

Ҳали ҳам тепасида баҳайбат гавдасини тебратиб турган Янгибой худди айбдордек бошини эгиб, ҳамдардлик билдирди:

– Афғонда бўлганимизда сабр қил, Янгибой, дер эдингиз. Энди шу гапни ўзингизга қайтараман-да, ака.

– Сабр қилмай, иложим қанча? Фақат ақдан озмасам бўлгани, – деб шивирлади Зулфиқор.

У энди шу тобда Янгибойнинг тезроқ кетишини, бирпас ўзи билан ўзи қолишини истаётган эди. Шу хоҳишини англагач умидида кўзларини очиб юмди, унга хайр-хўш қилмоқчи бўлди. Янгибойнинг ҳали-бери кетгиси йўқ эди. У супага бамайлихотир ўтириб олди, катта бошини аста қашлаб, бир ерга, бир унга уятли иш қилгандай қаради, пишиллаб, оғир нафас олди.

– Хўш, яна бирор гапинг борми... айтавер, – деб қистади Зулфиқор сир бой бермай.

У Янгибойнинг аввалига “чамадон”, “Баграм”, “дори” деб минғирлашларидан бирор-бир маъно уқиб ололмади.

– Бундайроқ, очиқ тушунтир? Нима гап ўзи? – Зулфиқорнинг шу маҳалда боши қарахт бўлса ҳам, Янгибой гапини ямлаб гапирганидан дарҳол сергак тортиди, кулоғини динг қилди.

Маълум бўлишича, Янгибой Афғондан қайтар маҳали Зулфиқорнинг чамадонига бир нарса ташлаб қўйган, ўша матоҳ – наша елими экан. Шунини сўрагани келибди. Янгибойнинг суяклариди зиркироқ бор, шунга даво бўлармиш.

Зулфиқор аччиқланди, аммо холи забунлигидан бу гапни унутгандай бўлиб, ўрнидан турди. Ўша чамадонни излаб, уй ичига кирди. Афғонда, мужоҳидларни ғорда босганларида ўлжа тушган баҳайбат бу чамадонни топиш унча кўп қийин бўлмади. Уни кўтариб, ичи қизиганча лойсупага олиб чиқди. Хийла уриниб қолган бу матоҳнинг хилма-хил ташқи, ички, хуфия чўнтаклари мўл экан. Уни роса тинтиди, аммо ҳалиги сабил топилмади. Афғондан, юртга қайтишларида йўлда кимдир тинчитган, шекилли. Зулфиқор ҳар эҳтимолга қарши ўзининг чинорбаргли махсус ҳарбий кийимини ҳам қовлаб кўрди. Унинг ёнкиссасидан қоқ бўлиб қолган бешта олма чиққанида, Янгибойнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Зулфиқор эса уларга нафрат билан тикилиб қолди.

– Ўша олмалар! – деб қўйди ўзига келиб секингина.

– Ие, Афғонда терилган ўша лаънати олмаларми... – деди Янгибой ҳам шалвираганча.

Ўртада нокулай бир жимлик пайдо бўлди-ю узоқ давом этмади. Зулфиқор олма қоқиларни Янгибойга узатиб:

– Ҳа, ўша олмалар. Ма, олиб, ҳовли четидаги хандакқа ташла, – деди.

Янгибой уларни Зулфиқордан худди бир заҳарли, ярамас нарсани ушлагандек қилиб олди. Орқага бурилиб кетаётганида:

– Шуларни деб расвою радди бўлган эдик-да, – деди биров эшитишидан кўркқандек товушини пасайтириб.

Зулфиқор кўзларини юмиб, хаёлга толди, унинг шу туришида, уйғоқлигини ҳам, мизғиётганлигини ҳам билиб бўлмас эди.

Янгибой олма қоқиларни ташқарига ташлаб келди. Зулфиқор унга қараб турди-да, гувраниб, бир силкинди.

– Ака, хийла чарчаган кўринасиз, – деб қўйди Янгибой унга разм солиб.

– Янгибой, қаердасан? – деб сўради Зулфиқор баланд товушда. – Мен сени кўрмайман-ку?

– Шу ерда, мана ёнингиздаман-ку.

– Сени кўрмайман, Янгибой. Кўзларим сени кўрмайпти! – Зулфиқорнинг нола бўлиб чиққан бу товушидан Янгибойнинг эти жимирлаб кетди.

– Одамни кўрқитманг-э, ака!

– Рост айтаяпман. Кўзимга ҳалиги олмалардан бўлак ҳеч нима кўринмайпти!

– Олмалар дейсизми? Шу қуриб қолган анави лаънати Зулайҳонинг олмаларими?

– Ҳа, ўша олмалар...

– Уларни ҳовлидаги хандакқа ташлаб келдим-ку...

– Кўзларимга қараб кўр-чи! Нима бўлди экан менга?

Зулфиқор кўзлари очиқ ҳолда Янгибой томон судралиб, ўрнидан турмоқчи эди, йиқилиб тушди. Янгибой энгашиб, Зулфиқорнинг кўзларига тикилди.

– Ёпирай, кўзларингизда Афғондаги ўша дарахт, ерда сочилган олмалар акси-ку!? Ё тавба! Шу олмаларни деб...

– ...кўзлари кўрмай қолди деб ўйлаяпсанми? – гапни давом қилди Зулфиқор ваҳима билан.

У Янгибойга “Бор, ўша олмаларни олдимга келтир!” – демоқчи бўлди, аммо ғурури йўл қўймади.

Янгибой эса ҳангу манг, овози титраганча:

– Мен бундай иримларга ишонмайман, ака. Сабр қилинг, бари ўтиб кетади, – деди. Зулфиқор энди ўзини хийла босиб олгандай кўрсатди.

– Унда сен кетавер, ука. Бир мизғиб олай, – деб қўйди.

– Сабр қилинг, бу ўтиб кетадиган бир нарса, – ҳали ҳам шундай ҳол рўй берганига ишонгиси келмай гапирди Янгибой.

– Қайдам. Аммо энди шунча кундан буён ростакамига уйқум келаяпти. Сен кетавер, – деб, Зулфиқор уни шошилтирди.

Янгибой уни бағрига босиб, хайрлашди.

– Эртагача сабр қилинг. Чиндан ўзгариш бўлмаса, сизни Термиздаги энг зўр кўздўхтирига олиб бораман! Фақат, ҳар хил хаёлларга борманг! – деб Зулфиқорга тасалли берди.

Зулфиқор Янгибой кетгандан кейин ҳам анча вақт ўзига келолмай, шу туришига кўника олмай, ҳадеб кўзларини силаб-сийпалайверди, Бу иши кўнглига ургач, лойсупа устида ҳар томон эмаклади, ерни пайпаслаб-тимирсикилаб судралди. Ҳовлига кириб келган Интизор эрининг бу аҳволини кўриб, қотиб қолди, аста ўзига келгач, ажабланиб олдига келди.

– Нима бўлди ўзи сизга?! Мундай юрманг-э... гилам устига ўтиринг.

Зулфиқор унга қайрилиб ҳам қарамади, ички бир титроқ билан болишни кучоклаб олди. Бу пайтда унинг тили калимага келмас, энди ҳеч кимни, ҳеч нимани кўрмас, хотираси эса зўриқиб кетган, унда ўша олмалар билан боғлиқ воқеалар ипидан игнасигача худди кинолентасидай аниқ жонланар, уни истаган ерида тўхтатиб, синчиклаб кўра олиши, фикр қилиши эса, янада ғаройиб эди. Зулфиқор шу тахлит ташқи дунёдан узилган ҳолда ўтирар экан, энди Интизорнинг товушини эшитмас, елкасидан торқилаганига ҳам парво қилмас, бутун вужуди, хаёли, зикри ўша ўтмишнинг биргина тафсилотини, унинг мағзини англашга қаратилган эди.

3

Ўшанда улар ниҳоятда баланд бир тоғ бағрига кириб қолишган эди. Ҳалигина ёниб ётган жазирама дашту адирликлар, у ерларда қўпган чанглама, қуюн-тўзонлар ичидан яқинда чиқишган, энди бу ер нақ жаннатнинг ўзгинаси эди: илиқ ҳаво, тоза нафас, сайроқи кушлар, кўк, яшил, сариқ ўтлар, қуюк чангалзор, серсоя ёввойи дарахтлар, рангию шакли хилма-хил улкан харсангтошлар. Кўп ўтмай, бу жаннат гашти ҳам узоққа бормади. Куёш ботиши биланоқ тоғ сояси олис даштликлар томон чўзилди. Чор-атроф шаклу рангларида мосуво бўлди, ҳамма нарса аввалги жозибасини йўқотди. Энди хуш ёқиб турган салқин ҳаво бирдан баданни жунжиқтириб, совуққа айланди.

Ўшанда нажот, халоскор кутилмаганда осмондан келди. Яъниким, шу дамда Зулфиқорнинг димоғига олма ҳиди урилди. Унинг ёқимли ҳидидан боши айланиб кетай деди. Бўри ўлжасини топиш умидида тумшугини осмонга кўтариб, узоқ ҳидлангани каби, Зулфиқор ҳам туйқусдан келган бу олма ҳидидан янада яхшироқ баҳраманд бўлиш учун бошини баланд қилди, қайта-қайта, тўйганча нафас олди. Қандай бу сиру синоат бўлдики, ҳавода оқиб келаётган олма ҳиди унинг қунишиб, букчайган қаддини тик қилди, қувват берди. Бу сирни у ичида узоқ сақлаб туrolмади.

– Янгибой, ҳаводан олма ҳиди келаяптими, – деб орқасидан келаётган шери-гидан сўради, у бўлса:

– Эй, ака, бу бурун фақат гўшт ҳидини сезади. Қани эди ковордоқ, тандиргўшт бўлса, – деб дийдиё қилди.

Зулфиқор ҳам шу: гўшту шаробни хоҳлар эди, яна кучоғини тўлдирадиган биргина аёлни ҳам, чиройли бўлмаса ҳам майли эди, уйланган эркакка уйдан бундай олисда юриш кўп оғир, шунданми, кутурган бир ҳайвонга айланиб бораётганлигини аниқ сезаётган эди. Кун чўзилгани сари ғазоби ҳам зиёда, бир нималарнидир уриб, синдириб ташлагиси келарди. Отай деса, душман кўринмаса. Кўринмаган ана шу душман куткуси уларни ҳозир жаннатда эмас, дўзахда эканлигини эслатиб турибди. Шундай пайтда олма ҳиди! Бу бир дилга қувват бўлганини шери-гига айтай деса, у сира ишонмайди. Бу анвойи ҳид қаердан келди экан? Ахир олма ҳеч кимда йўқ, у ўзи тугул, толқонини ҳам яқин орада тановул қилган эмас. Қаердан келди экан бу ҳид? Зулфиқор яна чуқур нафас олиб кўрди: адашаётгани йўқ, олма ҳиди! Жуда хушбўй. Ҳозиргина кўнгли зик эди, уни ўлим ваҳимаси эзиб турган эди, ажабо, у бирдан йўқолди, ўрнига бир илинж, умидворлик, яна нимадир пайдо бўлди. Унинг кайфи, лаззати ана шундай пайтда билинар экан. Тўғри, у тинкани қуритадиган жазирамадан кутулиб олган, оғзи-бурнига кириб, кўзларини қичиштирган чанг-тўзонлар ортда қолган, машинанинг нуқул нолиб ғувуллашию унинг кабинасида ёлғиз қолиб, топшириқ бажаришга кетганларни кутишдан халос

бўлган, тоққа етиб келиб, тоза нафас олаётган эди. Аммо шунга қарамай, токи олма ҳиди димоғига урмагунча кўнглидан ўлим ваҳимаси кетмаган эди.

Зулфиқорга таъби равшанлик, бардамлик қаердан келди, шу олма ҳидидан эмасмикан, бўлмаса нега ҳар нафас олганида бунча енгиллик сезаяпти? Ҳатто энди у кун ботганига ҳам парво қилмай қўйди.

Боягина устларига кулаб тушадигандай туюлган қоя, ёнбошидаги уйдаи-уйдай баҳайбат харсангтошлар уларнинг жонларига оро кирди. Шу манзилгоҳда паналаб ётишларига рухсат этилиши билан кўпчилик пинакка кетишди. Зулфиқор улкан бир панатош пинжида ярим ёнбош ўтириб олди, “Эй, Худо, ўзингга шукр”, деб бир неча бор такрор қилди. Бу шукроналик унинг тилига қаердан келди, ўзиям билмай қолди, аммо шу гапни айтиши билан кўнгли яна енгил тортиди. Унинг бундай айтимларини Янгибой илгари эшитмаган, шунга ҳайрон бўлганча Зулфиқорга эшиттирадиган даражада минғирлаб қўйди:

– Зулфиқор ака, бу кунимизнинг нимасига шукр қиласиз, дўзах-ку ҳаммаёқ!

Янгибойнинг гапи рост: бу ерлар дўзах, ҳаммаёқ пистирма, кўзингга кўринмай, кўзингдан отишади. Қани эди уруш дегани бундай бир тиккама-тик, юзма-юз бўлса экан. Шуюм ишми?

– Энағар бу афғонлар кўп ёмон экан, – деди Янгибой. – Бирортаси қўлимга тушса, бичилган қулдай қиламан.

Зулфиқор бу гапдан қаноатланмай:

– Балки бундан баттарини қилармиз! Нима дединг? – деб ғудранди.

Ва шу гапни айтар-айтмас бирдан бўшашди: димоғидаги олма ҳиди... йўқолган эди. Ё тавба! Қани ҳалиги бардамлик, куч-қувват қаерга кетди? Нима бўлганини тушунолмай, бўшаб қолган қопдай шалвираб, атрофга алангларди.

Унинг шу ўтиришида кўрқинчли бир нарса рўй берганлигини Янгибой ҳам сезди, шунинг учунми, “Тинчликми ака,” деб бош чайқаб қўйди.

Ёз чилласи бўлса ҳам, тоғ ҳавоси ўзгарувчан, совуқ яна зўрайди, энди нафақат унинг, балки ҳамманинг ҳам дами ичига тушиб кетди, ўт ёқишга, чекишга рухсат берилмаганлиги ҳаммасидан ошиқча бўлди. Кечаси билан намланиб бораётган тошлар совуғи Зулфиқорнинг баданига ўтиб, игнадек санчилди. Ой ҳам улар турган дарани ёритишни хоҳламагандай, тоғ орқасига тезда яшириниб олгани Зулфиқорни янада хавотирга солди. Ярим тундан сўнг, гуруҳдаги ўн икки кишининг ҳаммаси харсангтошлар орасида гоҳ ётиб, гоҳ ўтириб, бир-бирларига суянганларича туришса ҳам, айримларининг совуқдан қалтирашиб, тишлари тақиллаганлари эшитилиб турарди. Янгибой бунга кўриб, уф тортиб қўяркан:

– Биз-ку иссиқ юртданмиз, совуққа чидамимиз йўғлиги бор гап, анави Петёка дегани Сибирдай совуқ жойдан бўлатуриб қалтираганига қаранг, – деб, ҳайрон қолди.

“Қимирламай турса, қор одам ҳам совқотади”, – деб ўйлади Зулфиқор.

Ниҳоят, у кутган тонг отди, куёшнинг гардиши уфқда кўринар-кўринмас Зулфиқорнинг юраги жунбишга келди. Унга бу ойдинлик, шу куёш нури наинки тоғ зулматини, балки кўнгил хуфтонлигини ҳам парчалагандай туюлди.

Куёшнинг халоскорлиги узокқа бормади, кўп ўтмай, у яна ўша аввалги ҳолга қайтди. Шу кунга ҳамма буйруққа биноан, қаергадир, нимагадир лўкиллаб чопди, тоғ оралади – одам, от-улов юриши мумкин бўлган барча баланд-пастликлар, жилғалар устидан эҳтиёткорона изғишди. Улар излаётган ярадорлар ҳам, бошқалари ҳам худди ер ютгандай ёки осмонга учиб кетгандай ном-нишонсиз йўқолган эди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида осмон ҳам, ер устию ости ҳам шундайгина уларнинг бурунлари тагида, барчаси остин-устун бўлиб кетган, шунданми,

хатто кушлар ҳам учганида мўлжални йўқотиб, баъзан Зулфиқорнинг пешонасига урилиб кетган пайтлари ҳам бўлиб турди.

Тушга яқин гуруҳдаги изловчиларнинг бари ҳолдан тойган, айримлар энди ўзлари йиқилиб қолмасликлари учун харсангтошларга, метин қоя деворларига суяниб, пастлик томон эниб боришди. Баъзи сўқмоқ устига, чакалақзор ёнбошларидаги ёлғизоёқ йўлга тоғлар тепасидан улкан тошлар ўпирилиб, қулаб тушган, уларнинг қатгаю кичик бўлақлари йўловчиларнинг юришларини қийинлаштириб кўярди.

– Юрагим ғаш ака, – деб зорланди Янгибой. – Чап кўзим учгани учган.

– Онам раҳматли яхшиликка бўлсин деб, кўзи учганида қовоғи устига бирор бир сомон чўпи ёпиштириб кўярди. Кошки бу ерда сомон топилса, – деб Зулфиқор унга пичинг қилди.

– Ҳов, анави адир адоғида ғалла экилган, – деди Янгибой водийга ишора қилиб.

– У ерга тушсанг, мужоҳидлар қовоғингга эмас, терингга сомон тиқишади-ку, ука.

– Унда нима қилай, ака, – деди Янгибой талмовсираб.

– Ўнг кўзингни учир, ҳаммаси яхши бўлади, – деб маслаҳат берди Зулфиқор пичинг билан.

– Мазох қилманг энди... Кунимиз битган бўлса-чи?

Янгибойнинг бу совук, истехзоли гапидан сўнг, Зулфиқорнинг кўнгли хира тортиди. Рўпарада яшнаб турган чакалақзор бирдан хатар, таҳдиднинг уясига айланди. Кимдир уни харсангтош орқасида пистирмадан туриб кузатаётгандек. Мана бу тор сўқмоқнинг ҳар қадами хавфли: мина кўмилган бўлса-я?! Бу маконда ҳам худди Кўхитангдаги каби турли заҳарли илонлар, чаёнлар, бўри, шоғоллар кўпдир, аммо улар ҳозир одамлардан ўтадиган даражада қўрқинчли эмас.

У баландликдан пастга пахсали, шох-шаббали ва тошқалов деворлар оша вайрон бўлган пастак уйлар, олдидаги ғарибона лойсупалар кўринишига, қашшоқлиги шундайгина сезилиб турган бу ҳовлиларга ажабланиб қаради.

– Бу афғонларнинг ўзи шу қадар қашшоқ, яна биз билан урушганига бало борми, – деб кўйди Янгибой. – Анави, Петька “Пулдан чўзсанг, наша чектираман”, деяпти. Озроқ еб кўрдим, одамни ботир, қўркмас қиларкан.

Янгибой Зулфиқорнинг:

– Ичсанг ич, аммо наша чекма, – деган жавобидан сўнг, жимиб қолди.

Зулфиқор бу гапни қанчалик шивирлаб айтмасин, орқадан эргашган Жақиб деган қозоқ бола:

– Вой сабил-ей, жанларинг-да ширин, журегинг қуянникими-ей? – деб кулди.

Қирриқлик қилаётган бу болага Янгибой муштини дўлайтирди, ғижиниб, бир нарса демоқчи эди, Зулфиқор йўл бермади:

– Кўябер, у наша уриб олган, шундан ўзини йўлбарсдай сезаяпти.

Зулфиқорга берилган автомат роса қизиб кетган экан, ўқдонига қўли тегиб кетган эди, кафтини узиб олди, қўл терисини куйдириб, қавартириб, пуфакчалар пайдо қилди.

– Тупроқ сепинг, яхши бўлади, – деб маслаҳат берди Янгибой.

Зулфиқор кафтининг ачишганига чидаёлмай, уф-уфлаб ўрнидан турди. Ён-атрофга қаради: ҳаммаёқ тоғу тош, тупроқ йўқ.

– Тупроққа кетаяпмиз, – деди Зулфиқор ёнида лунжини артиб, нон қовшаётган бошлиққа.

Бошлиқ қовоғини солиб, уларга бу ердан узоқлашмасликларини, хавф-хатар оёқ остида эканлигини огоҳлантирди.

– Сизга ҳам ҳайронман, – деди Янгибой насихатомуз. – Бу ерда итдай изғиб, қийналиб юргандан кўра, мошинда кутиб ўтирсангиз бўлар эди. Ҳайдовчисиз, ҳақингиз бор.

Машинада ёлғиз қолиб ўтириш қандай даҳшат эканлигини, унинг ваҳимасини бу бола ҳали билмайди. Ёлғиз қолган ҳайдовчидан қанчасини бу “дух”лар ўз машинасида сўйиб кетишди. Бу бола машинада қолсам, қанд шимиб, кўкнорхаёл бўлиб ётаман деб ўйлайди, шекилли. Зулфиқор ҳам бошида шундай деб ўйлаган. Кабинада ўтириб, ёлғиз бир ўзинг шерикларни кутаверасан, кутаверасан. Жимлик, жимлик одамни адои тамом қилади.

Зулфиқор сувсизлигу шамолдан сал-пал ёрилган лабларини тили билан ялаб, сув излагандай ён-атрофга аланглади. Янгибой ҳам унинг ниятини пайқаб, соқолли иягини силаганча тўхтаб қолди. Унинг лаблари ҳам пўст ташлаб, гезарган. Янгибой харсангтошлар ўймоғида, тошқоса ҳосил бўлган жойларда ёмғирдан ҳосил бўладиган йиғинди, кўлмак сувларни топишга уста. Тўғри, бундай сувларни ичиш тақиқланган, аммо шунга қарамай, ичишган, ичбурма-ям бўлишди, ичкетма ҳам. Баъзи сувлари асалдай тотли. Зулфиқор яна беихтиёр сувдонини олди: ҳеч вақо қолмаган. Асаби бузилиб, ёмон сўқинди. Шу кезде Янгибойнинг хитоби янгради:

– Қаердандир сув жилдираши эшитилаётир!

– Қулоғинг ҳиндуларникидай, ер тагида бир нима қимирласа ҳам эшитадими, ука!

– Шундай мактаб турунг, – деб синиққина кулди Янгибой. – Аммо, лекин бурним сизникидай эмас, олма хидини сезмайди.

– Ҳа, Худо кимгадир кулоқдан беради, кимгадир бурундан, – деб Зулфиқор олга юрди.

Сершоҳ бута ёнидан ўтаётганларида, унинг тепасидан бир ёввойи кўккаптар пир этиб учиб чиқди. Зулфиқорни чўчитиб юборган бу қуш осмонга бирпас парвоз қилиб, кейин патларидаги чиройли холдор рангини намоиш қилмоқчи бўлгандай, уларнинг олдидан сал нарига қўнди. Кейин ўз орқасидан чорлаётгандек юриб, яна бир ёлғизоёқ йўлга бурилди. Зулфиқор қушнинг чўчимамай, бамайлихотир юриб кетишига ҳайрон қараб турди.

– Менга қара. Шу қуш сув ичгани булоққами, сойгами бораётир. Сувли жойни билладиёв, – деди Янгибойга. – Кел, қуш орқасидан борайлик.

Кўккаптар уларни қуриган бир дарахт олдигача бошлаб келди, кейин яна учди. Зулфиқор унинг қайси томонга учганлигини билмай қолди.

Қуриган дарахт ёнидан қуйига энишди, сой бўйи кўринди. Сой ўзани қуруқ, ўртасидан озроқ сув жилдираб оқаяпти, қирғоқ бўйлаб қуюқ дарахтзор боғ ёнига тошдевор кўтарилган. Яна ҳам пастга тушиб, деворининг бир тарафи бузилиб, очилиб қолган боғ олдидан ўтаётганларида элас-элас товуш қулоққа чалинди. Улар бирдан сергак тортишди, овоз эшитилган томон бурилишди. Кўп ўтмай, аёл кишининг инграб чақираётгани аниқ билинди.

– О, Худо берди, – деб илжайди Янгибой.

Янгибойнинг аёлларга ишқу муҳаббати зўр, шунданми, қисмда ҳам, чодирда ҳам, шу жангу жадалда ҳам уларнинг суратларини йиғиб, қўйнига солиб юради. Зулфиқор аччиғи чиққанлигини билдирмай, зўраки кулди.

– Ҳалигина таланган пишакка ўхшаб, нола қилиб ётган эдинг. Энди эса мовлаб қолибсанми?

– Ака, бу урушда одамнинг одамлиги қоладими? – кўзлари ёниб гапирди Янгибой. – Бу духлар ҳам бизни аяётгани йўқ.

Зулфиқор шу пайтда Янгибойнинг кўнглига аёл сиққанига ҳайрон қолди.

Яқин орадан жилғанинг овози аниқ-тиниқ эшитила бошлади. Бу ерда куйиндидан бўлак яна қандайдир бир ўткир хид ҳам келди. Зулфиқор нафас олганида юраги бирдан яйраб кетди. Яна олма хиди! Бирдан чарчок тарқалгандай бўлди. Беихтиёр атрофга қаради: ғарб томонда, ундан эллик қадам чамаси нарида, сойга туташ жойда улкан бир олма дарахти илдизи кўпорилган ҳолда ерга кулаб ётарди. Унда тароки, қизил олмалар шу қадар кўп эдики, худди баҳор гуллари очилиб ётгандай. Димоғига урилган хушбўй хид ана шу олмалардан келаётганлигини сезди. Ўша томонга беихтиёр қадам босди, йўл ярмига келганида, дарахт яқинида ёнбошлаб ётган қора чодрали ёш аёлга кўзи тушди, бирдан тўхтаб қолди. Орқада келаётган Янгибойнинг қийқирган овози эшитилди.

– Ие, – деди у овозини янада баландлатиб. – Анави йўлда учраган кўккаптар-ку.

Зулфиқор жавоб қилмади, унинг кўзлари ҳамон аёлда, кўнгли ғашланиб, тўхтаб қолди. Янгибой етиб келиб, унинг елкасига қўлини текизиши билан:

– Кўрдим. Аёл ёнида чирқ-чирқ қилиб юрибди ўша қуш, – деб овозини пастлатиб гапирди.

Аёл уларни олисдан кўриб кузатиб турган экан, қўли билан имлаб ёнига чорлади. Чодрасининг ярми бошидан сирғалиб тушганида, иккаласи ҳам қотиб қолишди. Улар аёлдан ўн-ўн беш қадам нарида тўхташиб, чодрасини яна катта очган ёш аёлга қарашди. Унинг юзи энди аниқ кўринди: қора чодраси мисли қоронғи тун парчаси бўлса, унда аёл чехраси тўлин ойдек, кўзлари шахло, нақ юлдузнинг ўзгинаси эди. Ёнбош ётган бўлсада, сарвқоматлиги тик гавдасидан сезилиб турибди. Шалвари узун оёқларидан тўпикқача бекитган. Либосининг йиртиқлигиданми аёл юзида сал хижолат, бир қимтиниш бор. Унинг ингроқ товушини эшитганларида, Зулфиқор шошиб қолди.

Улар аёл томон дадил юришди. Зулфиқор бўртиқ ерни айланаётиб, мункиб кетди, қаддини яна ростлаб, Янгибойни тўхтатди. Боши билан аёл томон ишора қиларкан, кўнглидаги шубҳани айтди:

– Балки бу бир ҳийладир. Сергак турайлик.

– Қаранг, ярадор, шекилли, – деди Янгибой шивирлаб. – Балки ёрдамимиз керакдир.

Зулфиқор елкасидаги автоматини ўнг қўли билан бир ўнгариб, чап қўли билан кўзларини ишқаб-ишқалаб олдинга тикилди.

Аёл ўз тилида нимадир деди. Улар тушунишмади.

– Ў-хў, парипайкар экан-ку бу, – деди Янгибой овозини кўтариб.

Аёл бу товушни эшитиб, бирдан тилга кирди.

– Мусулмонсизларми, – деди туркманчалаб. – Эй, Оллоҳим, ўзингга шукр!

Янгибой энди олдинга интилди, Зулфиқор унинг енгидан тортиб, зўрға тўхтатди.

– Биз ўзбекмиз, – деди аёлга қараб. – Кўркманг.

Аёл соф ўзбек тилида гапира бошлади.

– Ё Оллоҳ! – деди севинган бўлиб. – Қаранг-а, ўзбеклар!

– Шундай, чиндан ўзбеклармиз, – деди Янгибой ғуруру виқор билан.

– Мусулмон мусулмонни ўлдирмайди. Тўғрими? Ё сизлар мусулмон эмасмисиз? Бединми? – аёлнинг овозида истехзо аралаш бир надомат борлигини Зулфиқор дарҳол сезди, эти сесканиб, бир қалқиб тушди.

– Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз, – деди иккаласи ҳам баб-бараварига.

Зулфиқор шундан сўнг енгил тортди, энди олдинга юриб, аёл олдига борса бўлар деган фикрда эди.

– Кўнглим сезган эди, шулар мусулмон деб. Адашмабман. Соқолларингиз мусулмонча, – деди аёл титроқ овозда.

Яхшиямки, Зулфиқорга шу мусулмонча соқол кўйишни қишлоқда Карим Наби бова ўргатган экан. Кеча Янгибойнинг ҳам соқолини ихчамгина қилиб олиб кўйди. Аслида гуруҳидагиларнинг барчасига соқол кўйиш буюрилган, бу душманни бирқадар чалғитиш учун қилинган, нима бўлганда ҳам мужоҳидлар соқоллиларни ўзимизники деб ўйлашлари учун. Аммо улар ҳам анойи эмас, мусулмонча соқолни бошқасидан яхши фарқлашади.

– Сизлар шўравийлар ҳукмидасиз, улар не амр қилишган бўлсалар, шуни бажо этмоқдасиз. Бунинг учун сизни маъзур кўраман, – деди аёл совуқ бир оҳангда.

У шундай деб ўзининг ўнг кўлига қараб олди. Зулфиқор диққат билан жувонга разм солганида, унинг кўлида балдоғи юлинган граната отишга тайёр турганлигини кўриб қолди. Зулфиқор дарҳол Янгибойга:

– Аёлнинг кўлида гранатами, бомбами, бир нарса бор, – деди шивирлаб.

Янгибой бу хабардан бирдан қалтираб, довдираб қолди, унинг аҳволини аёл пайқаб, дарҳол дилидагини баён қилди.

– Тўғри, сизлар менга душмансиз. Аммо, кўрқманглар. Сизларга омонлик бераман. Негаки, менинг бобом асли самарқандлик. Сизнинг юртдан. Яна мусулмон экансиз, шунга раҳмим келаяпти.

Зулфиқор бу гапдан барибир тинчланиб қолмади. Ичида ўзини сўқди: аёлга боя кўрқманг деб айтишга бало бормиди? Қайтанга ўзлари бу аёлнинг асирига айланиб туришибди. Янгибой эса ҳали ҳам ўзига келмаган, кўзлари жавдираб, жувонга мунғайиб бокқан кўйи ҳарсиллаб нафас олаяпти, титраб-қалтираётгани шундайгина кўлларида, юзларидан сезилиб турибди.

– Ҳамюртимиз экансиз, – деди ниҳоят Янгибой ўзини кўлга олиб. – Қаранг-а, шундай гўзал аёл ўзимиздан экан.

Аёл бошини баланд кўтариб, уларга синчков тикилиб турди.

– Йўқ. Менинг юртим мана шу ер, Афғонистон. Бобом самарқандлик, – деди таъкиду таҳдид аралаш.

Зулфиқорнинг овозини энди баландлатаётган бу жувонга қизиқиши шу қадар кучайдики, қани юзма-юз ўтиришса-ю унинг суҳбатини олса. Аммо тилига фақат биргина:

– Бобонгиз бу юртга қачон келган? – деган гап келди, холос.

Аёл ҳам шу саволни кутиб турган эканми, шартта-шартта жавоб қилди.

– Қизил босқинчилар Самарқандни босган йиллари бобом Афғонга қочиб, жон сақлаган.

Унинг гапни калта қилгани чакки бўлди, Зулфиқор нима деярини билмас, вақт эса ўтиб борарди.

Орада аёл чодрасининг бир учини ердан йиғиштираётиб, яна инграб қолди. Ҳалигина гаплари синиққина чиқаётган Янгибой унинг шикаста товушини эшитиб, дадиллашди.

– Барибир биз сизни ҳамшаҳар деб ҳисоблаймиз, – деб, аёлнинг қаҳрли товушини юмшатмоқчи бўлди. Унинг товуши чиндан ҳам ўзгарди, майин бир мулозамат билан гап сўради:

– Қайси музофотдансизлар?

Зулфиқор оғиз жуфтлашга улгурмай, Янгибой илдамлик қилди.

– Сурхондарёдан, – деди оғзини тўлдириб.

Зулфиқор Сурхондарё вилояти деган сўз аёлга ҳеч нимани аниқлатмаслигини билиб: – Термиз яқинида турамыз, – деди.

Сўнг, бироз ҳадик билан “Билармикан, эшитганмикан бу шаҳарни”, деган мақсадда унинг оғзини пойлади. Аёлнинг чехраси ёришди, чодрасини янада катгароқ очиб, бошини силкитди.

– Термиз таърифини ҳўб эшитганман, кўҳна китобларда ҳам ўқиганман. Бу жойни Мадинат ур рижжол деганлар, – деди андак ифтихор билан.

Зулфиқор бу гапдан қувонди, аммо олдинга юришга нимадир йўл кўймай турарди.

– Ҳа, мардлар шаҳри дегани бу, – деб қисқача тасниф бермоқ бўлди.

Аёл дарҳол унинг гапини кесди.

– Шундай муборақ шаҳардан, мардлар юртидан экансиз. Мард бўлинглар, – деб, жилмайди. Буни кўриб, Янгибой бирдан талтайди, “Ана шундай, ана шундай” деб юборди.

Зулфиқор эса бу гапдан анча изза тортди. Хурсанд бўлса-да, аммо оёғи қалтираши ҳануз тўхтамаётган Янгибойга норози бўлиб, маъноли каради. Овозини фақат унга эшитадиган қилиб:

– Ўзингни бардам тут, – деди.

Аёлнинг бир иддаосими, муддаосими борлиги гап-сўзидан, маъноли қарашларидан сезилиб турарди. Шунинг учун Зулфиқор жойидан жилмай, кулоқларини динг қилди.

– Энди гапимни бу ёғини эшитинг. Юртингизга борганда: Афғонда бизнинг жонимизни самарқандлик бир чолнинг қиз невараси қайтариб берди деб айтинглари, – деди у гапини дона-дона қилиб.

Аёлнинг товушида энди бироз таҳдид, андак фахр, буйруқ, яна бир тушуниксиз оҳанг бор эди, айна пайтда юзи тамомила ўзгарган, уларни нигоҳ билан таъқиб этаркан, гапининг жавобини кутди. Гарчи, унинг бу сўзлари биринчи галда Зулфиқорга қарата айтилган бўлса-да, Янгибой юзидаги совуқ терни чап қўли энги билан шоша-пиша артганча жавоб қилди.

– Айтамыз, айтамыз, – деди кўзларини аёл қўлидаги гранатадан узмай.

Аёл бошини сарак-сарак қилди, Зулфиқорга Янгибойни кўзлари билан кўрсатиб:

– Мен бу одамга унча ишонмайман. Нияти бузук унинг, – деди.

“Вожабо, Янгибойнинг шу туришида бояги хирсу ҳаваси ўлган бўлса-да, катта кўзларию дўрдоқ лабларида ҳали бир нималардир қолгандирки, аёл унинг бузук ниятини пайқади!” деб ҳайрон қолди Зулфиқор.

Аёл Зулфиқорни ўзи томон чорлагандай, қўли билан имо қилди.

– Сиз бери келинг. Қўрқманг, биламан, жон ширин. Аммо Оллоҳга қасамки, сизнинг жонингизни олмайман. Аммо, анави “ажал”ни ерга ташланг.

Зулфиқор иккилана-иккилана автоматини ерга қўйди, минг бир ҳадик билан аёл томон араңг қадам босди.

Аёл чап томонида кулаб ётган дарахт томон ишора қилди. Атрофига сочилган тароқи олмалардан муаттар ҳидлар келиб турганлигини Зулфиқор энди сезди.

– Бу олма бобомдан қолган эди. Бобом унинг уруғини Самарқанддан ўзи билан бирга олиб келган экан. Олма шўравийлар бўмбасидан нобуд бўлди.

Аёлнинг товуши яна ўзгарди. У Зулфиқорга бир ёлборишми, ўтинишми, шунга ўхшаш бир майин алпозда бир қўлини олмага чўзиб, гапирди.

– Яхши пишган олмадан беш дона териб, киссангизга солинг. Қолган гапни кейин айтаман.

Зулфиқор дарахт ёнига бориб, олмадан терди, икки киссасига беш эмас, олтовини жойлади.

Янгибой Зулфиқорга илжайиб гап қистирди:

– Бурнимга олма ҳиди келаяпти деб кечадан бери айтасиз. Шу олма экан-да. Авлиё бўп кетинг-э, Зулфиқор ака!

Зулфиқор қаршисидаги ярадор бу аёл шунчаки анойи эмас, мағрур ва жасур, жанговар, танти бир соҳибжамол эканлигини англади. Аёл шошмай, дона-дона қилиб гапира бошлади:

– Мана шу олма уруғларидан юртга бориб экасиз, боғ қиласиз, ҳар баҳор улар гуллаганида, менинг руҳимга, отам, онам, эрим, кизим руҳига оят тиловат қиласиз. Розимисиз?

Йиғлатадиган бу гаплардан Зулфиқорнинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Унга қараб бош силкитди. Янгибой эса бундай илтимосу илтифот қилинганидан қувончи ичига сиғмай кетди.

– Розимиз. Биз учун олма дегани нима гап?! Анқонинг уруғи бўлса ҳам кўкартирамиз, – деб, ваъдани қуюқ қилди.

Зулфиқор сизди: Янгибой “Зора шерикларимиз келиб қолсаю бу аҳволдан бизни кутқарса”, деган мақсадда гапини чўзмоқчи. Аёл унинг ниятини пайқадими ёки тил учида ваъда бераётганини билдими, хоҳламайгина гапини қисқа қилди:

– Бу арзим сизга эмас!

Аёл Зулфиқор томон юзини буриб, қошларини (бу қошларнинг керилиб, худди қалдирғоч қанотидек кўтарилишини у кейинчалик узок пайт эслаб юрди) чимирганча, ичидаги дардини ёрди:

– Сиздан... сўрайман... отингиз...

– Зулфиқор...

– Зулфиқор... Алининг қиличи. У кези келганда кичрайиб, кези келганда чўзилиб, улуғ бўларкан. Сиз ҳам худди ўша қиличдек, ҳозир бу жаҳаннам бўсағасида калтагина бўлиб турибсиз. Имонли одамга ўхшайсиз. Аввало Оллоҳ номи билан қасам ичинг.

Зулфиқор энди оғиз жуфтлаган эди, аёл чап кўлини секин кўтариб: “Кераги йўк” дегандай силкитди. У афтидан энди Зулфиқорнинг ваъда устидан чиқишига ишонч ҳосил қилган, ишонган эди.

– Кўзларингиз айтиб турибди, ваъдада турадиган одамга ўхшайсиз. Қолаверса, Термиздан, мардлар шаҳридан экансиз. Қасамнинг кераги йўк!

Зулфиқор бу гал ўз ихтиёри билан аёлни хотиржам қилувчи бир сўз айтишга шошилди:

– Қўлимдан келганича бажо қиламан!

Аёлнинг кўзлари ёнди, миннатдор бир илинж билан сўради:

– Иншоолоҳ, берган ваъданингизни унутмагайсиз...

Зулфиқор танг ҳолатда кечаётган бу суҳбатдан аъзойи бадани қизиб кетди, миясида худди соатнинг чиқ-чиқиға ўхшаш бир товуш эшитиларди. У гўё тилини исқанжага олаётгандек, овозини чиқаргани қўймасди. Бирпас тин олиб, аёлга ваъда берди:

– Унутмайман. Фақат отингизни айтинг!

Аёл энди хотиржам ҳолда атрофга аланглади, кўлидаги гранатани тиззасига қўйганча жавоб қилди:

– Отим Зулайҳо. Эсингизда қолдими? Зулайҳо!

Зулфиқор бош қимирлатди.

Зулайҳо яна ғазабнок ҳолга кирди, нафрат тўла баланд овозда гапира бошлади.

– Қолган гапимни ҳам эшитинг! Кеча шўравийлар осмону фалакдан бомба ташлаб, қишлоғимизни кун-паякун қилишди. Энди ҳеч кимим қолмади: отам, онам, қизим, эримни ҳам ёндириб юборишди. Ҳатто шу дарахтни ҳам...

Унинг ҳар бир гапи Зулфиқорга ўқдай юрагига тегар, “Сенлар мана шундай қилдинглар, сенлар ҳам одамми”, деяётгандай туюларди.

– Ҳа, бу лаънати уруш... – деб ғудранди Зулфиқор. – Уруш кўп фалокат келтирди.

Зулфиқор кўзларини асабий қисганча аёлдан узмай, қараб турарди. Пешонаси тиришган Янгибойнинг улкан гавдаси унинг кўз ўнгида кичрайгандек бўлди.

– Мардлар шахридан келган Зулфиқор оғо, алвидо! Энди қочинг!

Зулфиқор бу буйруқдан орқага тисарилиб кетди. Зулайҳо энди кўрқинчли бир тусга кирган, кўзлари бежо, танаси асабий тўлғанаётган ҳолда эди. Зулфиқор унинг ниятини пайқаб, беихтиёр ҳайкириб юборди:

– Ундай қилманг, Зулайҳо!

– Нега? Шўравийларга ем бўлиш учунми? Ана, иккитаси мени бадном қилмоқчи бўлган эди, отиб ташладим, – деди қаҳр билан.

Зулфиқорни қора тер босди, нима деярини билмай, Янгибойга қаради. Янгибой кўзларини ола-кула қилганча шитоб билан гапирди:

– Зулайҳо, ундай қилманг, ахир сиз... аскар эмассиз.

Зулайҳонинг овози энди батамом ўзгарган, бояги илтижо совуқ бир оҳангга алмашган, аммо шахло кўзлари янада катталашгандай, олов учқунлари сочаётгандай эди.

– Мен ҳозир на хотин, на қиз, на онаман, – деб, асабий кулди. Бу товушдан Зулфиқор сесканиб кетди. Унинг ғазабнок сўзлари Зулфиқор кулоғи тагида жанглангандай бўлди.

– Мен ҳозир қасоскорман. Аммо сиздан ўч олмайман. Сиз озодсиз.

Зулфиқор аёлниг бу ҳукмидан сўнг, энди имиллаб туриш хавfli эканлигини англади. Янгибойга боши билан имо қилиб, орқага юришни буюрди. Ўзи ҳам секин қайрилайётган эди, тўсатдан аёл берган саволдан яна тўхтади.

– Бугун қайси кун? – деб сўради Зулайҳо.

Зулфиқор энди жавоб беришга оғиз жуфтлаган эди, Янгибой ўгирилиб, жавоб қилди.

– Пайшанба, – деди бир сўлжайиш олиб. – Аёллар эрларини ош билан сийлайдиган кун.

Янгибой бу гапи билан нимага шама қилаётганига Зулайҳо эътибор қилмади, у ўша таҳдидли товушда давом этди:

– Рўзи панжшанба – сиз учун муродбахш кун.

Зулайҳонинг овози титраб кетди:

– Мен учун ҳам. Ниҳоят мен ҳам бу кулфат, хўрликлардан тамом озод бўламан.

Бундай пайтда нима деб унга далда бермоқ керак? Йўқ, ҳозир бу ишни уддалаб бўлмайди. Аммо гапирмаса ҳам бўлмайди, нимадир дейиш керак. Янгибойдан бирор бир ақлли гапни кутиш қийин. Шунинг учун раҳматли онасининг бир гапи ёдига келди:

– Бу кунлар ўтиб кетади. Ундай қилманг, Зулайҳо, – деди.

Зулайҳо уни тингламади ҳисоб, фақат бошини бир куйи қилдию яна азот кўтарди:

– Бу кунни унутманг. Дилингизга жойлаб олинг!

Янгибой овозига қайғули тус бериб гапирди.

– Дилимизга жойлаб оламиз. Фақат илтимос, бу ишни қилманг. Ўзни ўлдирмок ҳам мусулмонликка кирмайди, – деди.

Зулайхо унинг сидқидилдан гапираётганлигини билдими, ҳарқалай, жеркимай, бу гал узрхоҳлик билан жавоб қилди:

– Бошқа иложим ҳам, илинжим ҳам, имконим ҳам қолмаган...

Янгибойнинг бутун вазоҳати ўзгарди, энди у шу аёлнинг ўз жонига қасд қилишдан тўхтатиш нияти унинг юз-кўзидан билинди. Қалин қошлари тикка бўлди, катта гавдаси тебрланди, дўрдоқ лаблари пирпиради, гаплари оғзидан отилиб чиқа бошлади.

– Сабрли бўлинг. Мусулмон мусулмонни ўлдирмагай, аммо у бошқа диндагиларга нисбатан ҳам сабрли бўлиб яшаши буюрилган, – деди.

Зулайхо унинг гапларига ажаблангандай қаради, кейин истехзоли жилмайди.

– Оре, рост. Фақат улар душманлик ишларини қилмасалар. Ўзингга раво кўрмагани бировга ҳам раво кўрма деганлар. Аммо инсонсифат бу махлуқларнинг ишларини кўрмаяпсизми? – Зулайхо бошини баланд кўтарди. – Биламан, жон ширин. Аммо нетай? Шўравийлар кўлида шармандали ўлим топгунча... худкушлик афзал эмасми?

У бир нима деб пичирлади, афтидан калимасини қайтарди, сўнг гранатага тикилди. Бирдам тўхтаб, чап кўли билан ердан бир олма олди, охирги марта ҳидлаб, гранатани баланд кўтарди.

– Менинг ҳеч кимим қолмади... фақат шу... кўлингиздаги олма қолди, – деди Зулайхо. – Алвидо! Энди нари қочинг!

Зулфиқор қочаётган Янгибой ортидан ҳаллослаб югурди. Кўп ўтмай кучли портлаш товуши эшитилди. Кейин, у катта чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

Хушига келганида эса, атроф жимжит, алачалоқ ранглар аста-секин ўнгланиб, кўз ўнгида мовий осмон, баланд тоғлар намоён бўлди. Зулфиқорнинг мияси шиддат билан ишлай бошлади, аммо, тили танглайига ёпишганми, бирор бир гапни айтиш учун оғзини очишга бир неча марта уринса-да, урдасидан чиқа олмади. Бошини аста кўтарганида харсангтошлар оралаб, йиқилиб-суришиб, эмаклаб кетаётган Янгибойга кўзи тушди. Рўй берган даҳшатдан ҳали ўзига келмаган Зулфиқор ғайритабиий овозда уни чақира бошлади. Янгибой эшитмасди. Фақат бир гал орқасига ўгирилганида, Зулфиқорнинг кўли билан имлаб чақираётганлигини кўриб қолди. Бирпасдан сўнг, уни ўзининг тепасида дағ-дағ титраган ҳолда кўрди. Зулфиқор унинг узатган кўлини ушлаб:

– Сув, – деёлди, холос.

Янгибойнинг чанг қоплаган юзида кўрқув ҳали кетмаган, кўзлари тинимсиз жавдирайди, қора соқоли титроқданми, селкиллагани селкиллаган. Янгибой Зулфиқорнинг тирик қолганидан севиниб, бир йиғлайди, бир кулади. Кейин хорғин, эзилган товушда:

– Аёл ўзини портлатиб юборди. Биз тупроқ тагида қолиб кетдик, – деди.

Зулфиқор индамади. Карахтлик билан унга тикилиб тураверди. Янгибой бундан хавотирланди.

– Тура оласизми? – деб сўради.

Янгибой Зулфиқорнинг оғзини кериб очганча, бир амаллаб сув ичирди. Кўллари қалтираб, сувдондаги сувни бир неча бор тўкиб юборди.

Зулфиқор иккала кўлини йиғиштириб олди, у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўрди. Тиззасида бир шилимшиқ нарса борга ўхшади. Кўлига қон юқи илашди. Граната парчаси теккан оёғи яхши букилмади. Қаддини кўтариб, атрофга кўз югуртирди.

Зулайхонинг жасади олма дарахти ёнида тилка-пора бўлиб кетган, аммо илма-тешик бўлиб кетган чодраси, яна қандайдир бир синган кўзача негадир унинг шундайгина бурни тагида ётибди. Бир бўлак чуқурчаси бор синиқ сополда сақланган сув ҳам, ҳатто унинг кўпиги ҳам қонталаш эди.

Зулфиқор энтикиб, чуқур нафас олди. Ҳаводан ўткир куйинди хиди келди. Янгибой хид келган томонни кўрсатиб:

– Бу икки уйғонмагурнинг аҳволига қаранг! – деб қичкириб юборди.

Зулфиқор Янгибойга суяниб, ўрнидан турганида, орқада, аёлдан сал нарида Жақиб билан Петъка иккаласининг жасадларига кўзи тушди. Бирининг боши ўзидан сал нарида сапчадек узилган, иккинчиси эса қорнидан ичак-чавоғи чиқиб кетган ҳолда ўлиб ётишарди. Кучли портлашдан ҳатто уларнинг ёнларидаги катта харсангтош ҳам ёрилиб кетибди. Янгибой бу мудҳиш манзарадан юзини терс буриб, чуқур ух тортди.

– Биз Зулайҳо билан гаплашиб турганимиздаёқ бу иккаласи орқа томондан писиб келишганини кўргандим. Зулайҳо уларнинг шарпасини сезган заҳоти гранатани портлатиб юборди, – деди.

Зулфиқор бир қалқиб кетди, ич-ичидан йиғи келди, аммо йиғлай олмади, ғайритабиий бир товушда оҳ тортди.

– Бугунги кунни эслаб қол, – буюрди Янгибойга изтиробу алам билан.

У эса секин, аммо тантанавор оҳангда жавоб қилди:

– Хўп бўлади. Бугун минг тўққиз юз саксонинчи йил, йигирма иккинчи июнь...

Бу сана эсдан чикмайди, Иккинчи жаҳон уруши ҳам шу ой, шу кунда бошланган.

Зулфиқор шивирлаб, сўзини давом эттирди:

– Биз иккаламангиз мана шу кун Афғоннинг Обшир қишлоғи ёнида қайта дунёга келдик, – деди.

Янгибой Зулфиқорнинг тупроқ тўкилган елкасини титраётган қўллари билан асабий силаркан:

– Бу аёл фанат экан, таслим бўлиб, ўз жонини сақласа бўлар эди, – деб, сўкинди.

Зулфиқорнинг товуши баландлади.

– Мени... бу уруш эмас, мана шу аёл синдирди. Аёлга қурол берганинг уйи куйсин!

Янгибой бошини қуйи солганча, чўчиброқ унга савол берди:

– Мусулмончиликда ўзини ўлдирган дўзахи ҳисобланади, дейишади-ку. Ё нотўғримикан?

Зулфиқор оқсоқланиб бораркан, Зулайхонинг сўнгги марта унга қараган дамини эслади. “Бешта олма.. олинг.. Биз..шаҳид бўлганлар беш кишимиз, ота-онам, эрим, болам ва мен. Шу дарахтлар гуллаганида, оят ўқиб, бизнинг ҳақимизга дуо қилинг”.

Янгибой ҳамон ичидан куйгани куйган, дилидагини сир тутолмай, тилига чиқарди.

– Шу... Менинг ҳам Зулайҳога кўнглим сушт кетган эди. Шундай чиройли аёл кўз ўнгингда пора-пора бўлиб ётса, алам қилади.

Кўп ўтмай, хуштак чалиб зипиллаб учаётган ўқлар товуши уни хушига келтирди. Янгибой бу гал бутунлай бошқача эди, юриши ҳам, туриши ҳам энди марди шер, марди майдон эди. У тепаликнинг пана қисмидан жой топиб, тезлик билан Зулфиқорни олиб бориб, авайлабгина ётқизди. Ўзи эса автоматни олиб олдинга чопди, бошига ёғилажак балою қазони даф қилиш учун ўнгу сўлга ва

негадир осмонга қараб отабошлади. Янгибой Зулфиқорнинг кўз ўнгида тамоман бошқа одамга айланган, назарида ҳозир шугина унинг халоскори эди.

– Эй, Янгибой, иккаламиз ҳеч кимга гапимизни олдирмаган эдик. Аммо келиб-келиб, мана шу бир афғон аёлга асир тушдикми? – деб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Унинг бу кулишидан Янгибой чўчиб тушди.

– Агар рухсат берсангиз, бир гапни айтсам, – деди Янгибой безовта бўлиб. Зулфиқор бош қимирлатди.

– Агар қишлоқдагилар бир аёлга икки эркак асир тушганини билишса, қандай маломат қилишларини тасаввур қила олмайсиз. Кейин иккаламиз кўча-кўйда юролмай қоламиз, ака! Бу сир орамизда қолсин. Розимисиз шунга?

Зулфиқор Янгибойнинг бу саволига жавоб бермади. Кўзлари ҳам, хаёли ҳам энди олисдаги тепаликларда эди. У ерларда қувраган ўт-ўланлар ёнаётган эди, бу манзара бамисоли ёнар тоққа ўхшарди. Шу ёнар тоғ Зулфиқорни ўзига тортиб кетаётгандай, ўзига чорлаётгандай бўлди. Кўп ўтмай, энди тоғ эмас, ўзи ёнаётгандай бўлиб, аъзойи бадани куя бошлади. Кўзига тепаликда ёна-ёна тамом бўлган олов чўғлари учиб келгандай бўлди. Боши айланиб, эси оғди. Кейин нима бўлганини билмайди.

4

Ўша воқеага уч йил бўлибдики, Зулфиқор бирор марта эслаб ҳам кўргани йўқ, тўғрироғи, эслашга кўрққан, чунки бир аёл қўлида бир соат бўлса ҳам асиру оёқости бўлгани унинг учун катта шармандалик, иснод эди. Янгибой ҳам бу мавзуда сира оғиз очмас, ҳаттоки, у билан боғлиқ бирор бир гап бўлиб қолса, уни четлаб ўтар эди.

Зулфиқор энди бу гапни у билан муҳокама қиладиган пайт келганини тушуниб, Янгибойни кутиб ўтирарди. Қани, у нима деркин?

Орадан бир кун ўтиб, Янгибой ундан хабар олгани келди. Зулфиқорнинг кўзлари ҳали ҳам кўрмаётганлигини кўриб:

– Ака, тайёرمىсиз? Термизга опкетаман, – деб тикилинч қилди.

Зулфиқор лўлаболишга ёнбош бўлганча, аста шивирлади:

– Зулайҳога берган ваъдамиз бор эди, Янгибой! Уни бажармасак, бўлмас! Янгибой атрофга аланглади.

– Ие, янга қани, янга?

Интизорнинг яқин атрофда йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Зулфиқорнинг гапига жавоб қилди:

– Ўша эсини еган бир аёлнинг гапи нима бўлибди ўзи? У девона бизни портлатиб юборишига сал қолди-ку.

Зулфиқор оғир тин олиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Биз душман бўлсак-да, у шу ишни қилмади, жонимизни ўзимизга қайтариб берди, ука.

Янгибой бир қалқиб тушди, ҳовлиқиб кетди.

– Сизга нима бўлди? Одамларга майна бўлмоқчимисиз? Қўйинг-э!

Зулфиқор унинг бу гапларига эътибор қилмади.

– Сенга раҳмат, Янгибой! Агарки сен анави сабилни сўрамаганингда, анави олмалар ҳали-бери эсга тушмас экан.

– Кеча ўша олмаларни хандаққа ташлаттирдингиз. Энди бўлса, гапларингиз бошқача, – гина аралаш ҳадик билан гапирди Янгибой.

– Ўша олмаларни эрталаб Интизорга айтиб, хандақдан олдирдим.

Зулфиқор синиққина жилмайди, унинг маҳзун, аммо ўзига ишонч билан гапириши Янгибойни довдиратиб қўйди.

– Мана... – Зулфиқор ўзи ўтирган кўрпача қатидан кечаги олма қоқиларни кўлига олди. – Зулайхонинг олмалари бу...

Янгибой худди бир кўрқинчли нарсани кўргандай олмаларни кўздан кечираркан:

– Зулфиқор ака, ўша жодугар аёлни эсласам, оёғимгача музлаб кетади, – деб, арзу нолиш қилди.

– Аммо ўша аёлга ваъдани мендан ҳам аввал сен берган эдинг.

– Ҳаётимиз қил устида эди, ака. Бундай пайтда нималар демайди киши...

– Гапинг тўғри, сен ҳақсан! – Зулфиқор бошини қимирлатиб тасдиқ қилди, Янгибойни шу тобда сира айблагиси келмади.

– Пичинг қилманг-да. Аслида Зулайҳо сизга ишониб топширган эди олмаларни, – ўзини оқламоқчи бўлди Янгибой.

– Секинроқ гапир, биров-ярим эшитмасин бу гапни, – деб хавотирланди Зулфиқор. – Рост, Зулайҳо менга ишониб топширган эди бу олмаларни. – У шундай деб, олмаларни кўли билан силаб қўйди. – Шу гапингсиз ҳам ичимдан зил кетиб турибман.

Янгибой бу гапдан хиёл юмшаб кулди.

– Уйга Афғондан тирик қайтиш катта бахт эди. Шундан суюниб кетиб, ваъданию бу олмаларни унутгансиз, – деди у Зулфиқорни оқлагандай бўлиб.

– Шундай, бу гап тўғри, Янгибой. Ишим битди, эшагим лойдан ўтди деганларидек.

Зулфиқор шу гапни айтатуриб, бирдан типирчилаб қолди, кўзларидан думалаб, шашқатор ёшлар оқди.

– Янгибой, Янгибой! Шошма! Олдимга кел!

Янгибой ҳовлиқиб унга яқин келди.

– Акажон, нима бўлди сизга, – деди саросимага тушиб.

Зулфиқор аввалига оҳ тортди, кейин жим бўлиб қолди.

– Нима бўлди сизга? Кўрқитманг одамни!

Зулфиқор иккала кўллари билан юз-кўзларини ишқалади, кейин ҳайқириб юборди:

– Қара, Янгибой, мен сени кўрапман!

– Ё тавба! Ажаб, ажаб, ё тавба! – деди Янгибой ҳайратланиб.

– Ҳа, тавба, минг марта тавба дейман, Янгибой!

– Худо сизни бир синаганмикан қани, бу бандамнинг бардоши қандай деб, а? – ҳазиллашди Янгибой.

– Шу олмаларни, Зулайҳога берган ваъдамни унутганимдан эмасмикан бу синовларнинг бари? А, Янгибой! Нима дединг? – энтиқиб сўради Зулфиқор.

– Анави олмаларни деб, шу... ҳолга тушдим демоқчимисиз? Э, йўғ-э, сиз нима, хурофотга, ирим-сиримга ишонасизми? – афтини буриштирди Янгибой.

– Йўқ, аммо нега бундай бўлди?

– Бу бир тасодиф, – деди Янгибой. У ҳали ҳам ҳайронликдан гангиб турарди.

– Балки шундайдир... Ёки ҳаяжондандир... – Зулфиқор бирдан жимиб қолди.

– Нима бўлганда ҳам Яратганнинг ўзи керакли пайтда бандасининг берган ваъдасини бирор бир ишора билан эслатар эканми?! – деб шарақлаб кулди Янгибой.

– Нимага энди Худойим менга эмас, сенга эслатди экан? Бунинг устига сенга олмани эмас, нашани, – деди Зулфиқор пичинг билан.

Аслида Янгибой нашани сўраганида, унинг қаттиқ жаҳли чиққан, аммо шу йигит Афғонда, ярадор бўлганида, елкасига ортиб, госпиталга етказди, янаям

тўғрироғи, чиндан ҳам халоскори бўлди, шунинг учун наша деб келганида тишини тишига қўйган эди.

– Бундай мўъжизаларга бизнинг ақлимиз етмайди, ака. Нима бўлгандаям, шу олмаларингиз мана, қўлингизда турибди. Бу ёғини энди ташлаб қўймайсиз.

– Бу олмалар фақат биргина кўр кўзни эмас, мана бу ердаги кўзни очди, – деб юрагини кўрсатди Зулфиқор.

– Гапингиз чинга ўхшаяпти. Ана энди сиздан олма ҳиди кела бошлади, – деди Янгибой қизиқишу ҳайронлик билан. – Яна чинимни айтсам, кўзга суртиб экaverинг энди бу уруғларни.

Зулфиқор аввалига Янгибойнинг сиздан олма ҳиди келаяпти деганини ҳазилга йўйди, аммо эртаси куни, уруғларни сопол тувакларга экаётганида, хотини ҳам шу гапни айтди. Шундагина у ҳайрону лол қолди: ахир ҳозир олма пишпиғи эмас, у олма тўла боғдан чиқиб келмаган бўлса, унда ҳиди қаердан урди? Қизик-ку бу, ундан олма ҳиди келаётган бўлса. Йўғ-е, бу бир тасодиф, бу бир йўлига айтилган гапдир. Майли, шундай бўла қолсин, эҳтимол, бу гапни Худонинг ўзи уларнинг кўнглига солгандир.

У ана шу олма уруғларини еру кўкка ишонмай, боғу ҳовлини айланиб, юрганида, тандирхона шийпонида бобокалони Ашурбой қулолдан қолган эски сопол тувакларни кўриб қолди. Эсини танибдики, онаси шу идишларда дон-дун сақларди, қачон қарамасин, ё уларга дон солаётган, челак билан дон олаётган бўларди. Кейин, бу юмуш ўзига ўтди. Замона ўзгариб, энди канопдан ё сунъий матодан тикилган халта кўпайгач, бу идишлар четга чиқиб қолди. Шу тувакларни олма уруғини экиш учун ўз хонасига, ёруғлик тушадиган томонига келтириб жойлаштирди. Худди шу кун хонасига қуёш киргандай бир ойдинлик сезди, тун кириши билан бамайлихотир, туш кўрмай ухлаб қолди. Эрталаб, барвақт туриб, бу қандай мўъжиза бўлди деб кўзларига ишонмади. Чой ичар маҳалигача сабри чидамай, нариги хонада ҳамир муштлаб ўтирган Интизорга шарҳи ҳол қилди.

– Кеча бир марта ҳам кўрқинчли тушлар кўрмадим, – деди.

Интизорнинг қувончи ичига сиғмай, кўзларида ёш айланди.

– Илойим улардан халос бўлганингиз чин бўлсин, – деб, иккала юзига кўлларини суртиб, фотиҳа қилди.

Зулфиқор бир майдон унга қараб турди: юриш-туриши, қадди-қомати ўзига ярашган, кўзлари қулиб турган шу аёл ўзиникими? Кўнглидан ўтган бу фикрни тилига чиқармади, аммо барибир, бугун у билан тўйиб гаплашгиси келди. Шунинг учун гапни худди бир катта сирни очадигандек бошлади:

– Биласанми, нима учун шундай бўлди, онаси?

Интизор қулоғини динг қилди:

– Нима учун, отаси?

– Ўйлашимча, гап сенда. Мени бир нима қилдинг-ов?

– Ҳаммасини биламан. Гап кеча экилган олма уруғларида...

– Шундаймикан? Балки, балки...

– Кечадан бери шу туваклардан сира кўз узмайсиз.

Энди унинг сабри чидамади, дилида тош қотган бу гапни унга айтгиси келди.

– Бировга берган ваъдамни унутган эканман, онаси. Шунинг учунми... – Шунини айтиши ўринсиз бўлганлигини кеч тушунди, аммо гапнинг индаллоси шунга бориб тақалса, нима қилсин?

Интизор бу гапдан бироз саросимага тушди, аммо ўзини тутиб олди. “Қанақа ваъда?” – деб сўраш ўрнига:

– Ҳа, шундайми, – деб қўя қолди.

Зулфиқор сўзини давом қилди:

– Бировга шу олма уруғларини, албатта, экиб, кўкартираман деган эдим.

Интизор жилмайиб кўйди:

– Ким экан у одам?

Зулфиқор бу сўровдан қовоғини солди-да:

– Бир олим одам. Қобул шахридан, – деб, яна Интизорга олазарақ қараб кўйди. Бор гапни айтса бўларди, аммо Зулайҳо воқеасини ҳеч кимга асло айтиб бўлмайди, бунинг устига Янгибойга сўз берган.

Зулфиқор эртасиям, индинига ҳам кўрқинчли тушлар кўрмаганидан сўнг, ўзи айтганидек, гап шу олма уруғларида эканлигига чиппа-чин ишонди. Шу сабабли у туваклар атрофида эртаю кеч гирдикапалак эди, еру осмоннинг устунни гўё шу олма уруғларида эди, болалигида ўқиган қайси бир эртақдаги сеҳрли дон гўё шу бўлди. Зулфиқор ўша олмалар топилган кундан бошлаб, бир нарсага аниқ ишонди: одам дегани мундай бир кўнгил мулкани ҳам текшириб, тафтиш қилиб, хаёлдан бир-бир ўтказиб турмоғи лозимки, унда неки йиғилган, неки савобталаб ниятлар, ишлар ўйланган, билсин, уларни бажо қилсин, хатолари бўлса, хулоса чиқарсин! Шунда кўп бемаврид бало-қазолардан, дарддан киши халос бўлади. У ўзини шу ниятга чоғлайди энди. Ахир ўзи шу олма уруғларини экишга ваъда берган эмасмиди?! Уни эсидан чиқарди-аҳволи забун бўлди, ақли қарахт бўлди. Зулфиқорнинг ҳаётини остин-устун қилган бу воқеа энди унинг ҳаётига мазмун киритаётганлигини англаб турарди.

5

Худди хазина топиб олгандек бахтиёр, шодмон кунларининг бирида шундай бир ходиса рўй бердики, Зулфиқор бу кунни фалокатнинг бошланиши деб узоқ вақт эслаб юрди. Ўша кун у район маркази – Шерободдан иккинчи гуруҳ ногирони, афғон қатнашчиси деган дафтарчасини ҳамда нафақасини олган, Нурсоат учун велосипед, хотинига тилла узук, қизига бир жуфт атлас мато харид қилиб қайтган эди. Бу харидлардан ўзи ҳам беҳад хурсанд, айниқса, хархаша қилиб юрган ўғлига сўраб юрган нарсасини олганидан анча енгил тортиб, энди ўзининг қувончи бўлган туваклар олдига уйга шошиб келган эди. Кейинги вақтлар туваклардаги уруғлар миттигина оқ пистоқи яшил улгуларга айланиб, назарида ой сайин эмас, кун сайин, соат сайин гуркираб ўсаётгандек эди. Майин тупроғу кўйнинг элакраниб солинган гўнги иш бердими ёки куёшга қараган дераза тоқчалари тувакларга мос жой чиқдими, ишқилиб, уларнинг авжи баланд эди, шундан Зулфиқорнинг қувончи, хурсандчилиги бисёр: энди у шарақлаб куладиган, меҳри товланиб, хотинини қучиб қўядиган одамга айланган эди. Мабодо у бу нишонлар устида узоқ энгашиб қолса, Интизор енгидан тортади: отаси, кўпам тикилаверманг уларга, кўз тегади.

Ўша кун қадрдон хонага кирганида, битта тувакдаги кўкарган уруғлар қуриб, қовжираб ётганлигини кўриб, кўрқиб кетди. Устига тўкилган чой аралаш шама ўз ишини қилган эди. Ўғли Нурсоат бу суюқликни тўкканлиги (чойнақдаги шамани хандаққа олиб бориб тўкишга эринган), унга аён эди. Интизор икки дунёда ҳам бу ишни қилмайди, қизи Иқлима меҳмонга кетган, биров эса келиб бу ишни қилмайди. Зулфиқор Нурсоатни қўлидан ушлаб, туваклар ёнига бошлади, қуриб қолган олма нишонларини кўрсатди.

– Буларнинг бари сен тўккан чой шамасидан қуриган! – деб, айбини бўйнига кўйди.

Нурсоат бақадек қотиб, дам кўзларини ерга, дам тувакка тикиб, жим тураверди.

– Неча ёшга кирдинг, ўғлим?

– Ўн еттига.

– Ўн еттига кирган бола шундай ишни қиладими, а? Ўзинг ўйлаб кўр!

– Ота, шу чойнакдаги шамани ташқарига тўккани кетаётган эдим, бу ерга қандай тўкиб юборганимни ўзим билмай қолдим, – деди Нурсоат кўзлари ёшга тўлиб.

Зулфиқор бу жавобдан гангиб қолди. Қойил! Ёлғонни ҳам шундай бошладики... Нима ҳам десин энди унга?!

...Тақдирнинг ўйинини қарангки, тувакларда худди Зулайҳо айтганидек, оз эмас, кўп эмас, бешта олма уруғи кўкариб чиқди.

– Олма уруғини кўкартиргунча сизда эмас, янгада ҳаловат бўлмадиёв, – деди Янгибой уларни кўриб. – Буни янганнинг ориқлаб кетганидан ҳам билса бўлади.

– Тўғри, – деди Зулфиқор. – Интизор янганг уларни мендан ҳам зиёда ўйладиёв. Уруғ кўкармаса, эримнинг ваъдаси пучга чиқиб, яна аввалги дарди кўзгайди деб кўрқдимми?

– Нима, сиз ҳали Зулайҳо ҳақида гапириб бердингизми? – деб кўркиб кетди Янгибой.

– Йўқ. Бир олим одамга ваъда берган эдим, деб, кўяқолдим. Хотиржам бўл, айтганим йўқ.

– Бундан-ку хотиржамман. Аммо бошқа нарсдан хавотирдаман. Сиз бутунлай бошқа одамга айлангансиз. Кўзларингизда ғалати бир нарса бордай.

– Ваҳима қилма. Мен ўшандайман.

– Э, йўқ. Мана, масалан, сиз авваллари сўкиниб, вазоҳат билан, бунинг устига тез-тез гапирар эдингиз.

– Ўзинг-чи, Янгибой, ўзинг ўзгарганинг йўқми?

– Мени кўяверинг, ака. Мен ўшаман, тушгача тўғри гапириб, кейин ёлғон гапирадиган Янгибойман.

– Қўйсанг-чи? Ўзгармайдиган нима бор дунёда, Янгибой? Яратгандан бошқа ҳаммаси ўзгариб турар экан, – деди Зулфиқор ўйчанлик билан.

– Мана шу-да, – деди Янгибой бош чайқаб. – Илгари бундай гапларни гапирмас эдингиз, ака.

6

Зулфиқор тут ковагида қўйилган турли хил керакли-кераксиз нарсаларни, пастки шохларидаги эски сочиқ, ойнахалта, ишликхалта, латта-путта, яна бир илиғлик арғимчоқни ечиб ташлар экан, Интизорнинг сукут сақлаб турганидан безовта эди. Орадан беш йил ўтиб, олма уруғидан кўкарган ниҳолчалар энди ҳақиқий кўчатларга айланган, шу боис Зулфиқор экадиган ерни узоқ танлаб, тут олдига тўхтаган эди. Ҳали у ерга, ҳали бу ерга экиси келди, аммо фикридан тез қайтди, дуч келган жойга экишни эп кўрмади. Энди шу ҳовлида ўсган ўртадаги тутни қўпориб, ўрнига олмаларни экиш маъқулдай кўринди. Ниҳоллар кўз ўнгида бўлиб туради. Уй олдидаги у яхши кўрган бу катта тут дарахти лойсупага соя ташлаб туради. Бу ерларда эрта баҳордан кеч кузгача соя – азизу ардоқли. Соядан воз кечишни айниқса, аёллар хошлашмайди. Улар ҳамма ишларини шу очиқ ҳавода, соясалқинда бажаришади, дам олишади. Эракнинг иши кўчада, дала-даштда битади. Шундай бўлгандан кейин, Интизордан бир оғиз маслаҳат сўрагани тузук эмасми?

– Афғон юртдан олиб келгансиз бу олма уруғларини. Шундай экан, уларга ҳар нарсани курбон қилсак, арзийди, – деди Интизор кўзлари чакнаб.

Инсоф билан айтганда, шундай, аммо Интизор Зулфиқорнинг ундан маслаҳат сўраб иш тутганидан қувонган, шунинг учун ўйлаб ўтирмасдан ҳам жавоб қилгандир. Зулфиқор ичида шундай деб ўйлади. Аслида у авваллари неки иш қилмоқчи бўлса, хотинига оғиз солмас, ҳисобот бермас, бундан хижолат ҳам чекмас эди.

Тут баҳайбат, аммо мевасию япроғи жуда сийрак, кам бўлиб қолган, бунинг устига гоҳо дарахт коваклари ичида турли газандалар ўралашиб-ўрмалашганини Зулфиқор бир неча марта кўрган эди.

Тутни йикитишга Умидилла бошлиқ бир неча кўшни ҳашарга айтилди. Улар Зулфиқорнинг ниятини эшитгач, тут ёнига боришди, бири ўйчан, бири қайғули, яна бири жиддий қиёфада тик туришиб, навбат билан ўйлаганларини гапиришди. Ҳамсояси Умидилла тутнинг хосиятли дарахтлигини, уни бир-икки туп олма кўчати деб кесиш гуноҳи азим эканлигини таъкидлади. Шовқинбек эса бу тут Зулфиқорнинг ота-боболарини кўрганлигини, уни кесиш аждодларга ҳурматсизлик бўлишини уқтирди. Умидилланинг жияни Баҳодир дўхтир ҳам бир четда қолмади, у тут бўлган хонадонда қаҳатчилик йилларида ҳам ҳеч ким оч қолмаганлигини, бунинг устига тут марвартак эканлигини, халқда тут пишиғига етган бемор соғ бўлади, деганларини ҳам айтиб ўтди. Зулфиқор қарадики, иш чапасига кетаяпти. Ҳамсоялари тутни йикитишга қарши бўлиб туришибди. Ҳайрон бўлиб турганида, Янгибой:

– Бу гапни тик туриб хал қилиб бўлмайди, дўстлар, қани, юринлар-чи, – деб, уларни лойсупага бошлади. Сўнг, Интизор келтирган чойнақдан ҳаммага бирма-бир пиёлада чой қуйиб узатганча:

– Оғайнилар, – деди қувониб. – Қаранглар! Шу дарахт камида юздан ошган. Тўғрими?

– Тўғри, тўғри, – деб ҳамма унинг гапини маъқуллади.

– Шу дарахтнинг ҳурматини қилиб, бирор бир жонлиқ сўйсақ. Кейин юз йиллик юбилейини яхшилаб нишонласақ, нима дейсизлар?

Янгибой ўтирганларга тантанавор қаради.

– Маъкул, маъкул, – дейишди супадагилар хурсанд бўлиб.

– Мисол учун, шахсан мен даштга бориб, бирорта кўзи олиб келиб, сўяман. Бўладими?

– Майли, майли, – дейишди ҳамсоялар бу хабардан қувонишиб. – Барака топинг!

– Зулфиқор ака, сиз энди бир эрийсиз. Дўконга бориб, ароқнинг зўридан тўрт-бешовини олиб қайтасиз.

Зулфиқор анграйиб қолди. Янгибой бир шумликни ўйлаганини сезиб:

– Кўнглимдаги гапни айтдинг, Янгибой, – деб, ноилож оҳиста бош қимирлатди.

– Янга, ҳой янга, сиз анави ўчоғу қозонларингизни тайёрлаб туринг. Зўр қилиб, кабоб, қовурма пиширасиз.

– Хўп, хўп, – деди Интизор яйраб.

– Сизлар эса... бошлайверасизлар.

Ҳамсоялар бўлажак зиёфатнинг қуюқ бўлишини, шишаларнинг дарагини эшитиб, янада очилиб-сочилиб кетишди.

– Сиз, Шовқинбек, омбордан колхознинг катта аррасини олиб чиқасиз. Сиз, Умидилла, тракторингизни ҳайдаб чиқинг. Бу тутнинг илдизи чуқур кетган, тракторга уни сим аркон билан боғлаб, тортиб чиқарасиз. Келишдикми?

Ҳамма қандай қилиб, бу ишга розилик берганини билмай қолди.

– Есть, Янгибой ака. Ҳозир бу ишларни бошлаймиз, – дейишди бари.

– Юбилейдан сўнг, менимча, тутни пенсияга чиқариш ўринли бўлади, нима дейсизлар, – деди Янгибой жиддийлик билан.

Ўша куни оқшомга яқин қари тут йикитилди, шундан сўнг, лойсупа устида куюк зиёфат бошланди. Интизор ял-ял яшнаб хизмат қилди. Зулфиқорнинг шавқи баланд эди, ўша кеч най чалиб, роса хуморидан чиқди.

– Э, бундай одамни эзманг-да, – деди Баходир дўхтир бошини чайқаб.

– Бу куйлар тутни кесилганига марсиями, ака, – деди Шовкинбек кўзёшларини артиб.

– Найда нима чалсангиз, нола бўлиб чиқадими дейман, – деди Умидилла аранг кўзларини очиб.

Шунда Зулфиқор шўх-шўх чўпон куйларидан чалди, уларнинг кўнглини олди. Шовкинбек кетар чоғи арз-дод қилди.

– Ака, ичганим чаток бўлди, энди ариларим мени олдига қўйишмайди. Эртага уларни профилактика қилмоқчи эдим.

– Ия, Шовкинбек ака, нега хафа бўласиз, арилар сизни олдига қўймаса, шунча оқ-воҳми? Гап хотинингиз сизни олдига қўядими, йўқми, муни ўйлаш керак, – деди Умидилла ҳазиллашиб.

– Э, у катта она арини-ку айтмаса ҳам бўлади, яқинлашишим билан найзасини санчиб олади, ука, – деб кулгига бурди Шовкинбек.

Эртаси куни ваъдага кўра катта тракторини ҳайдаб Умидилла келди. Тут ўрнида ҳосил бўлган катта чуқурни бирпасда кўмиб, ерни худди ҳеч нарса ўсмагандай текислаб берди. Интизор иш осон кўчганлигидан хурсанд бўлиб:

– Яхшиямки, шундай яхши, ҳожатбарор одамлар бор, – деди.

– Яхши одамлар деманг-э! Тутуриқсиз одамлар эканмиз, – деди Умидилла. – Шу арок, шу зиёфат деб сотилдик, тутни кесилишига фатво бердик.

Зулфиқор кулиб юборди.

– Гапингиз бундай олганда тўғри, – деди у. – Аммо тутнинг ўзи худди кўнглим сезгандай, чириб, тўкилиб бўлган экан. Ўз кўзингиз билан кўрдингиз-ку.

– Бу энди бошқа гап-да, ака, – деди Умидилла. – Майли, таскин учун куллуқ. Ишқилиб, шу қилган ишимиз яхшиликка бўлсин.

Умидилланинг юзидаги афсус-надомат кетиб, чиройи очилди. Энди кетгиси келмай, бирпас экин жойини айланди, Зулфиқорнинг беш туп олма ниҳолини текис, бўлик ерга экишни томоша қилди. Тоғдан келтирилган оқ олма кўчатлари учун эса айрича жой қилишганини маъқуллаб, немислар ҳар бир нав олмани алоҳида, тўп-тўп қилиб экишларини, бу билан бир-бирларини чанглатиб, нав бузилмаслигининг олдини олишини гапирди.

Ҳали бу ниҳоллар бир бог бўлажак,

Ер-осмон меваю болга тўлажак, – деб шеър ўқиди Умидилла.

Кўчатлар экиб бўлингач, Умидилланинг кайфияти анча кўтарилган, хазина топгандай хурсанд жўнаб кетди. Уй эгаларининг ҳам димоқлари чоғ эди. Пешинга яқин дарвоза тақиллаб қолди.

– Кираверинг, ит йўқ, дарвоза очик, – деди Зулфиқор кетмонни тупроқдан тозалаётиб.

Ҳовлига ҳеч ким кирмагач, ўзи туриб, дарвоза томон борди. Остонада ғўдайиб турган, қора кўзойнакли нотаниш одам билан юзма-юз бўлди. У туман раҳбарияти вакили эканлигини таъкидлаб, ҳовлига шахдам қадамлар билан юрди, аммо ўтиришгаям, чой ичишгаям кўнмади, лойсупа ёнида туриб, эски чарм портфелини очди, ундан қоғоз-калам олгач, Зулфиқордан йикитилган тут ҳақида гап бошлади.

– Ҳа, қари бир тутни кесишга тўғри келди, – деб бўйнига олди Зулфиқор.

Вакил бирдан жонланди: гердайиб атрофга аланглади, тик турганча шляпасини олиб, бошини қашлади, сўнг, зарҳал гардишли кўзойнагини пешонасигача кўтариб, кўзларини олайтирди:

– Сен нима учун давлат ҳисобида турган тутни кесасан, нима ҳақинг бор? Ёки тут дарахти қонун билан қўриқланишини билмайсанми?

Кутилмаган бундай муомаладан Зулфиқор анграйди, аммо асабини бузгиси келмай:

– Бундай дағдаға қилманг, мулла ака. Бунинг сабаби бордир, – деб тушунтирмоқчи бўлди.

– Менга сабабу баҳона керак эмас. Қонун олдида жавоб берасан.

– Хўп, – деб унинг раъйига қаради Зулфиқор. – Аввал шу йиқитилган тутни бир кўринг.

– Албатта, кўраман, акт қилиш учун ҳам кўраман, – бўш келмай, овозини баландлатди вакил.

Зулфиқор уни томорқа бурчагидаги ҳали саржин қилинмаган тут танаси олди-га олиб борди, қари, чирик илдизларини кўрсатди. Вакил тутнинг аввал экилган жойини сўраб олди. Кейин, лойсупада ўтириб, қоғозига бир нималарни ёза бошлади. Шу туришида, бошини кўтармай:

– Сенлар: марказдан узоқдамиз, нима номаъкулчилик қилсак, ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлайсанлар-да, а, шундайми? – деб, пўписа қилди.

Зулфиқор бўлса:

– Тўғри айтасиз. Шунча узоқда туриб, кеча кесилган тут хабарини қандай эшитдингиз? – деб ҳайронлигини яширмади.

– Давлатимизнинг қўли узун, кўзи ҳамма ерда бор, буни билиб қўй, – деди у ўдағайлаб. – Мана бу актга қўл қўй, тутни ҳақиқатан ҳам кесганлигини тасдиқловчи ҳужжат бу. Қаматаман мен сени.

Интизор чой дамлаб келтираётган эди, бу гапларни эшитиб, кўркиб кетди.

– Меҳмон ака, чойдан ичиб олинг, – деб унга гирдикапалак бўлди.

Зулфиқор Интизорга кўзи билан имо қилиб, уйга кириб туришни буюрди. Интизор уй ичкарасига кирди, энди очик деразадан туриб, уларнинг гап-сўзига кулоқ солди.

– Шу ишни қоғозсиз ҳал қилсак бўлмайдами? – деб сўради Зулфиқор вакилнинг елкасига қўлини ташлаб.

– Қўлни ол. Бундай нағма ўтмайди. Нима, менга пора бермоқчимисан? Йўқ, Гулқоровни ҳали ҳеч ким сотиб ололган эмас.

Зулфиқор унинг гапларига шарақлаб кулди.

– Ҳалиям сизга ҳеч ким пора бермоқчи эмас. Шу ишни маслаҳатлашиб, ҳал қилсак демоқчиман.

– Буни сен тутни ҳали кесмасингдан бурун ўйлашинг керак эди, – деди Гулқоров дўк уриб. – Қани, мана бу қоғозга қўл қўй-чи.

– Юринг-чи, мен қоғозга ўша тут танаси олдида қўл қўяман.

Иккаласи ҳам шахдам қадамлар ташлаб, ерни гўё у айбдордек қаттиқ-қаттиқ тепкилаб, томорқа майдонига ўтишди. У ерда тут шохлари, новдалари ташланган уюм, ёнида янги ҳожатхона учун қовланган қаттагина хандақ кўринди. Шу ерга келишганда, Зулфиқор қоғозни вакилдан индамайгина олди-да, унинг юзига қараб туриб, қошларини чимирди. Кейин, бамайлихотир қоғозни унинг кўз ўнгига эрмак қилгандай, майда-майда қилиб хандаққа ташлади.

– И-и-и, – деб кичқирди Гулқоров. – Сен нима қилиб қўйдинг? Мен сени қаматаман. Сен... иблис боласи.

Зулфиқор шошмасдан белбоғидаги пўлат пичоғини қинидан суғуриб олди-да, унинг кўз ўнгида тиғини куёшга тутди.

– Сен тўғри гапни айтдинг. Мен иблис боласиман. Биласанми, афғон урушида қанча одамларни, душманни сўйганман. Энди эса, ана бундай энгаш.

У вакилнинг бўйнидан шартга ушлаб, куч билан пастга энгаштирди.

– Энди сени ҳам сўйиб ташлайман. Жигимга ёмон тегдинг. Психбалнисадан қоғозим бор. Психларни қамамайди, биласан-а?

Гулқоров талвасага тушиб, ўзини ҳар ёққа отмоқчидай силкинди. Аммо Зулфиқорнинг омбурдай қисган катта қўлларидан қутулишига кўзи етмади, шеклли, бирдан бўшашди.

– Укажон, кечиринг мени. Мен ўзи аҳмоқ одамман, – деб йиғламсиради Гулқоров.

– Аҳмоқ одам эмассан. Умуман, одаммассан.

– Тўғри, укажон, одаммасман, – зорланиб, унинг гапини тасдиқлади вакил.

– Одам эмасларнинг бахридан ўтмоқ лозим. Савоб бўлади, – гапини таъкидлаб, пичоғини ўйнатди Зулфиқор.

– Ундай деманг. Одам эмаслар ҳам одам. Шулар ҳам яшашсин, – ялинди Гулқоров. – Сизга ҳеч нима қилмадим. Акт... ана, ана чуқурга, ахлатга ...кетди.

– Менга бақирганинг учун шундай қилганим тузук. Гапга кўнмадинг.

– Кўнаман, укажон, кўнаман.

– Энди кеч бўлди. Бошни пастга энгаштир, – Гулқоровнинг елкасини силтади Зулфиқор.

– Укажон, бола-чақам бор. Уволига қоласиз, – ялиниб, йиғламсиради Гулқоров.

– Буни аввал ўйлаш керак эди. Қани... – у пўписа билан Гулқоровнинг биқинига туртди.

– Энди, укажон, мени ростдан ҳам сўймоқчимисиз? Кечиринг, мен сизни псих эканлигингизни билмаппан-эй. Мен аҳмоқ. Тавба қилдим, укажон.

– Ие, тавба қилдингизми? – сал юмшаган бўлди Зулфиқор.

– Нима десангиз, шу, укажон. Гапга кўнаман, – титраб-қакшаб жавоб қилди Гулқоров.

– Хўп, майли. Қани, юринг-чи, – Зулфиқор пичоғини қайтариб, қинига солди. Иккаласи яна лойсупага қайтишди. Зулфиқор Интизорни чақирди.

– Онаси, кечаги қовурдоқдан борми?

– Бор, отаси, бор, – деб, Интизор елиб югурди. – Ҳозир ҳаммасидан олиб келаман.

Нима бўлганда ҳам, у эрининг меҳмон билан аҳил ўтиришганидан суюниб кетган, ҳатто ертोकда қолиб кетган охириги узум бошларидан ҳам дастурхонга қўйиб юборди.

– Ароғидан ҳам олиб кел.

Супа устидаги дастурхон бирпасда ноз-неъматларга тўлиб кетди. Овқату ароқ ҳам келди.

– Энди, меҳмон, хапа бўлмайсиз. Мен ароқ ичолмайман. Ҳали айтганимдай, психбалнисадан қоғозим бор, – деди Зулфиқор. – Сизга эса бемалол.

– Э, ундай бўлса, ҳай, майли... ичманг... – Хавотиру ҳадик билан гапирди меҳмон.

Зулфиқор унга ароқдан босиб-босиб куйди. Гулқоров ҳам Зулфиқордан ҳайиққаниданми ё нафси ҳакалак отиб кетганиданми, кетма-кет узатилган пиёлани сира қайтармади, тўйиб-тўйиб ичди.

– Тут... тут... нинг ўр-р-рнига ним-м-ма... эк-к-дингиз, ука, – деди Гулқоров арокнинг кайфидан анча дадилланиб.

– Олма ниҳоллари, – беҳафсала жавоб килди Зулфиқор. Энди у меҳмонга кўп ичказиб қўйганидан пушаймон, уни бу ҳолда районга, уйига қандай кузатиш мумкинлигига ақли етмай ўйланар, ташвишда ўтирар эди.

– Эн-н-нди ук-к-ка... шу ниҳолларни... суғур-р-риб ташлай... сиз, ўр-р-р-нига тут них.. о-о-ли экинг. Шун...да гап тег... майди сиз..га.

– Тут ниҳолини бошқа ерга эксак бўлмайдами, масалан, томорқада...

– Буни ўйлаб кўриш... керак... Ҳим... Энди... Майли, шунда-а-ай... қи-и-илинг... Мен ўзим... қари тут... ўша ерда ўсган, хосилсиз, илдизи чире-и-иган, тут куртига... яроқсиз... бў-ў-ўлган э-э-экан деб... акт... ёзаман.

– Умуман ҳеч нарса ёзмасангиз бўлмайдами?

– Э, ук-к-ка, хуфиялар... дарҳол... юкори-ига... хаб-б-бар қили-и-ишади. Мана-а, кеч-ч-ча... дарахт... кес...дингиз, биз...га шошилиш хаб-б-бар етиб... келди. Шу...нинг учун ишни... пишиқ... қилиш... кер-р-рақда, укажон...

“Бу Гулқоровга ҳам осон эмас экан. Мен унга зулм қилибман-а”, деб ўйлади Зулфиқор.

– Майли, бу ёғини ўзингиз келиштирасиз энди.

– Бун...дан бу-у-уён... менсиз... ҳеч... бир... иш... қил...манг... ук-к-ка.

– Хўп бўлади, – деди Зулфиқор энсаси қотиб.

Меҳмон уйдан то катта йўлгача “Дилдор ноз этма, ноз этма” деган бир эски кўшиқни хиргойи қилиб борди. Тузқондан юк ортиб қайтаётган самосвал машинасига ўтириб олгач, кўздан то ғойиб бўлгунча меҳру муҳаббат билан Зулфиқорга қўл силкиб турди.

7

Баҳор нафаси келай деб турганида, яна совуқ тушди, изғирин бошланди. Зулфиқор кўчатларни ўйлаб, дилтанг бўлди. Олдинга қўйилган таомни энди тотаётганинда, уни олиб қўйишса, киши қандай аҳволга тушади?! Яна, тўрт томонда навбати билан, кечаю кундуз тиним билмай қаттиқ шамол тургани бир тарафу, охир-оқибат симёғочлардаги симларни узиб ташлаганига, шундан сўнг тинчиганига нима дейсиз!?! Тилидан: “Художонимдан ўргилай, одамзодни сабру тоқатини доим синайди-да”, – деган гап тушмайдиган Интизор ҳам бу гал:

– Қиши билан кунора чироқ ўчгани устига, энди шамол электрсимларни узма-са, нима қилар эди, – деб ўзича норози бўлди.

Зулфиқор дераза ёнида туриб, печкага ўтин қалаётган Интизорга қарар экан, “Яхшиямки ўша қари тутни кесган эканман”, деб ўйлади.

– Тут кесганларнинг барига улаш. Ҳали бу тут ўтини бир эмас, уч қишга етади, онаси, – деб, Зулфиқор аллақачон тайинлаб қўйган.

Интизор чой маҳали Зулфиқорга чит матога ўралган бир нарса узатди. Соқолтароқ экан. Ўғли Нурсоат шу тутдан бир-икки ғўласини соқолтароқ устасига бериб, хийла кўп нарса ясатибди. “Бунча соқолтароқни нима қилади соқоли бўлмаса”, – деб ҳайрон бўлди Зулфиқор.

– Нурсоат ўтган ҳафта Денов бозорида шу соқолтароқдан анчасини яхши пулга сотиб келибди, – деди Интизор.

– Э, тавба. Бу кесилган тут ҳали пул ҳам топиб бериб турибди дегин. Ажаб...

– Майли-да, отаси. Ёш рўзгор, боласи бор. Уларга у-бу нарса олгиси келади.

– Мен уни айтмайман. Гапни бурма...

– Нимада гап бўлмасам?

– Э, кўй, майли,

У Интизорга пул топаётган ўғлининг нимаси ёқмаётганлигини тушунтириб бермади. Ўғлининг тадбиркорлиги эмас, дунёни фақат пул билан ўлчаши ёқмайди. Мабодо онаси шу ҳовлида файз кирсин деб, гул экса, у дарҳол ”Агар шуни пулга чақса, қанча бўларкан”, деб ўйлайди. Ана шундай бу “математик!” Зулфиқор дилидаги бу гапни тилига чиқариб, Интизорга қандай айта олсин? Уни хафа қилгиси келмади.

Интизор унга яна бир ҳовуч ёнғоқдек келадиган нарсаларни узатди.

– Ўғлим совға қилди. Булар кўчқоршохи, тумор. Ўша тутдан ясалган.

– Буларни нима қиласан?

– Ҳаммасининг жойи бор. Ҳар хил бало-қазолардан асрасин деб, улардан бир-икковини олма кўчатларига бойлаб қўйдим.

Ажойиб-да шу хотин. Бу икки тоғ орасида бундайи топилмаса керак. Дарахтларни совук урмасин деб, уларга туморлар боғлаган эмиш. Зулфиқор унинг бу ишидан бир кулгиси кистади, бир аччиғи чиқди.

Қишнинг қаттиқ келганига қасдма қасд баҳор жуда ёқимли эди. Кун илимлик, ҳаво мусаффо. Интизор иккаласи ҳовлига чиқишиб, баҳорнинг энгилгина шамолида синай-синай деб эгилаётган олма ниҳоллари олдига келишди. Интизор ниҳоллардан бирининг новдасини жон ҳовучлаб, эҳтиёткорлик билан ушлаб олган, иккинчи қўлида Зулфиқор боягина тут новдасидан тайёрлаган тиргович. Очиқ дарвозани кафти билан кимдир уриб-уриб тақиллатди. Кейин йўлақда Янгибой кўринди.

– Дарвозани бундай бир кулфлаб қўйсангиз бўлмайдими бошқаларга ўхшаб? – деб, узоқдан туриб танбех берди.

Интизор ниҳолга тирговични боғлар экан:

– Дарвоза кундузи тугул, кечаси ҳам ёпилмайди. Акангизни биласиз-ку, – деди. – Бу ерга ўғри тугул, дайди итлар ҳам киришга ҳайқишади.

– Аканинг лақаби ўзгарган, – деди Янгибой илжайиб.

– Хўш, унда нима экан янги лақабим, – деб хушёр тортди Зулфиқор.

– Куни кеча Шерободда бир ҳамқишлоғингиздан сизни сўрасам, у Архив бовами, отдай яхши юрибди, дейди. Афғон деган лақабингиз ўзгарибдими, энди одамларнинг салом-алиғи ҳам бошқача бўлади, – деди Янгибой. Кейин: – Тут ўтинидан бизга бермадингиз, – деб ёлғондакам гина қилди. – Аслида шу тутни кесишга мен фатво олиб берганман.

– Ҳакингни Гулқоров деганга бериб юборгандик, – деди Зулфиқор ҳазилнамо бир нашъа билан.

– Бировнинг ҳожатини чиқарган экансизми... Ҳа, майли, – деди Янгибой кечирдим дегандай қилиб. – Шошманг, қайси Гулқоров? Анави карнайбурун одамми... районда тутчилигу ипакчилик бўйича вакил?

– Худди ўша!

– Ие, эшитмадингизми, бечора Гулқоровни даштда бўрилар еб кетибди, – деди Янгибой хотиржамлик билан.

– Йўғ-е, ростданми? – Зулфиқор Гулқоровни ҳазил билан эслаганидан бир қадар ўнғайсизланиб, бу фожиадан ҳангу манг бўлди.

– Рост. Бечора қиш куни совук, қор пайтида қайси бир қишлоқдан уйига қайтаётса, оч бўриларга дуч келибди. – Янгибой худди ўзи бўрига дуч келгандай, кўзларини жавдиратиб гапирди.

– У киши совуқда юриб, жонини койитадиганлар тоифасига кирмас эди, – деди Зулфиқор хайрон бўлганча.

– Зиёфатдан қайтаётган экан, ака, – деди Янгибой бу гал истехзо аралаш.

– Ҳа, шундай денг. Бўрилар ҳам тоғдан егулик топа олмай, даштга шу Гулқоровни еймиз деб, зиёфатга тушган эканми, – деди Зулфиқор ҳалигача бу гапга ишонгиси келмай.

– Ҳаҳ, зиёфати курсин. Вой бечора-ей... Худо раҳмат қилсин уни, – деб ачинди Интизор.

– Гулқоровни нафси курсин денг, янга. Хўш, оч бўрилар бу ёққа, сизникига оралагани йўқми ишқилиб? – Янгибой суҳбат мавзусини ўзгартиришидан, бу одамни унча хушламаслигини билдирди.

– Акангизни лақаби ўзгариб, Архив бўлганидан кейин, ҳеч ким чўчимайдиган бўлиб қолди. Ҳатто ҳовлимизга тап тортмай оч, совуқ шамоллар ҳам оралади, – деди Интизор табассум билан.

– Ие... ие... Чакки бўпти-ку. Унда бизнинг афғон олмаларимиз аҳволи нечук?

– Афғон олмалари деманг, Зулайҳо олмалари денг, – деди Интизор бу сўзга алоҳида урғу бериб.

Янгибой бу гапдан Зулфиқорга маъноли қараб кўйди. Зулфиқор эса унга эътибор қилмади.

8

Шу куз олмазор авжи баланд бўлди, тўла ҳосилга кирди. Зулфиқор ҳамсояларни ҳам, Қорабоғдан Янгибойни ҳам уйга чақириб, уларга бир сатилдан олма улашди.

– Зулайҳо дарахтлари энди қуримайди, Янгибой, – деди Зулфиқор ишонч билан. – Шу киш уларни совуқ уради деб, кўрққан эдим.

– Ерни тўғри танлагансиз, – мақтов ёғдирди Шовқинбек. – Шунинг учун қаттол совуқ бу уй панасидаги ниҳолларни урмаган.

– Ерга кузда эски девор тупроғидан келтириб тўккан эдик, – деди Умидилла. – Ниҳолларни совуқдан ўшанинг кучи сақлаган.

– Киш бошида ниҳоллар тагига қўй гўнги тўкилди. Ана ўша гўнгда гап қўп, оғайнилар. Мана тоғ олмаси, оқ олмаларга гўнг сепилмай қолган эди, уларни совуқ уриб кетди, – деди Янгибой виқор билан.

– Ўша оқ олмаларга гўнг сепмаганинг чакки бўлди. Энди, жазосига ўша олманинг ўн туп кўчатидан топиб кел. Уларни совуқ урган кўчатлар ўрнига экамиз, – деб Зулфиқор баҳона топилганига хурсанд бўлди. – Ниҳолларнинг совуқдан асралгани сизларнинг хизматингиз, асралмаганларига мен айбдор...

9

Зулфиқор деразани ланг очиб, ташқарига қараётган эди, айвон томондан Интизор келини Садафни орқасидан эргаштириб келаётганини кўрди. Улар Зулайҳо дарахтлари олдига келиб, тўхташди.

– Мана шу дарахтлар тагига ювинди, окова сув, ифлос нарса тўкмайсиз, барғми, хазонми, кўрсангиз, тозалаб оласиз...

Садаф эса жим, қайнанасига энсаси котиброқ қараб турди. Бундан Интизор норози қиёфага кирди.

– Энди, келин, қачонгача тўкиндиларингизни тозалаб юраман, – деб орқасига бурилиб кетди.

Зулфиқор бундай машмашаларга сира қўшилмайди. Қолаверса, қайнана-келин орасидан энди гап қочди, уям шугина олма туфайли, шекилли. Илгарилари Интизорнинг келинига бирор бир эътирози, иддаоси бўлмаган, унга қараб қолган ери ҳам йўқ эди. “Агар келиннинг ўзида истак бўлса, майли, унга билганимни ўргатаман, аммо рўзгорига аралашмайман” дерди Интизор эрига. Хотинининг босиқ, вазмин феълига тан бермасдан иложи йўқ, аммо бугунги қовушмаган муомала унинг ўзиникига сира ўхшамас эди. Шундай бўлса-да, унинг келинга берган танбехини маъқул топди.

Зулфиқор пешинда томорқадан хабар олиб қайтганида, Интизор келини осган кирларни дордан унинг ўзига олдириб ташлаётганлигини кўриб қолди.

– Келин, бу олмалар тоғ олмаси, ораларидан шамол ўтиб туриши керак, кирларингиз шамол йўлини тўсади, – деди у Садафга юмшоқ товушда. – Ана, боринг, томорқада жой кўп. У ерда ҳам сим дор қилиб, тортиб қўйилган.

Садаф бу гапдан ҳайрону лол бўлиб, юзи қизарди, қовоқ-тумшуги осилиб кетди. Ҳеч гап-сўз, жавоб айтмаган бўлса-да, истехзоли қарашларида Интизордан норози эканлиги аён бўлиб турарди.

– Интизор, кел, қўй, келин билан яхши-ёмон бўлаверма, – деди Зулфиқор уни олдига чақириб олгач.

– Хўп, – деди Интизор. – Гапирмай дейман-у иложим қолмаяпти. Олмаларни деб... гапирдим.

Шамол эсди, тап-тап этиб, олмаларнинг ерга тушгани эшитилди.

– Яна олма тўкилди. Кеча денг, шамолда тўкилган олмалардан сигиримизга берган эдим, икки ҳисса кўп сут берди.

– Йўғ-е, – деди Зулфиқор. – Яна сеҳргарлигингни ишга солибсанми, онаси.

Интизор мамнун жилмайди. Кўзлари кулди, бундан Зулфиқорнинг кўнгли ёришди. Аммо бирпас ўтиб, аёл рўмоли учини кўзларига босиб, тўсатдан йиғлаб юборди. Зулфиқор таажжубланди.

– Нимага йиғлайсан? – деб сўради ундан.

– Битта келинни йўлга сола олмаганимдан, ўзимга ўзим алам қилиб йиғлаяпман, – деди Интизор. – Ўзим айбдорман. Келин бўлиб тушган кунидан бошлаб, унга иш ўргатмайманми? Ўзидан билиб, фаросатини ишлатиб, яхшигина келин бўлади, деб ўйлаган эдим.

– Қўявер. Кўзёшингга арзимамайди. Ўзларини ўзлари эплаб-сеплаб яшасалар, бас, – деди Зулфиқор. – Келин ҳам бу ишларга ўрганиб кетар.

– Қаранг-а, – деди Интизор кўзи билан табассум қилиб. – Бу олма Афғондан келиб, кўп иссиқсевар бўлмаса ҳам, ўн беш йил ичида шундай жойда, қишлоғимиз иқлимига мослашиб кетди. Садаф бўлса, эллик километр наридаги жойдан келин бўлиб тушганига мана, йигирма уч йил тўлдики, ҳалиям қишлоққа кўникиб кетгани йўқ.

Интизорнинг бу гапи рост. Садаф агар улар бўлмаганда, Нурсоатнинг бошини айлантириб бўлса ҳам, туман марказига кўчириб кетарди. Майли, Нурсоат билан аҳил яшайди, шунисига шукр. Ўғли шу Садаф билан бирга институтни битирган. Садаф математика ўқитувчиси, Нурсоат эса ўқитувчининг ойлиги кам деб, ўзини савдога урди. Ҳарқалай, туриш-турмушлари яхши.

– Энди, ўзинг биласан, мактабнинг иши қийин, – деб овулган бўлди Зулфиқор. – Садаф болалари, рўзгорини эплаб турибди. Сен борсанки, келининг хотиржам.

– Агар мен бўлмасам-чи? Унда нима бўлади, отаси?

– Ундай дема! Сен борсан, яхши ният қил! – Зулфиқор шу гапни айтар экан, дилида бир ғашлик уйғонди.

Зулфиқор чўчиб уйғонди. Туш кўрибди, у баланд тоғ тепасидан ерга арқонда осилиб тушаётган эмиш, ундан пастда эса Интизор. Бир маҳал у арқон иккимизни кўтара

олмайди деб, ёнидан пичоғини олиб қирқа бошлабди. “Ундай қилма, Интизор” деб бақириб, уйғониб кетди. Шундай ҳам бемаъни туш бўладими? Ахир, у ёки Интизор альпинист бўлмаса, тоғ қояларида нима қилиб юришибди? Қизиғи шундаки, арқон альпинистларникидек йўғон эмас, балки, васвас бўлиб юрган пайтлари ўзини осмоқчи бўлганида, дўкондан сотиб олиб келган чилвир ипнинг ўзгинаси эмиш. Ғалати бу тушдан таъби хира бўлиб, ҳовлига чиқди. Тонг отиб кетибди. Зулфиқор тоғ бағрида ўзи биладиган камар томон отланди. Кеча Тошкентдаги катта қизи хат юборибди: олти яшар ўғли оёғини синдирган эмиш. Шунга мумлағай юбориш керак экан. Зулфиқор унинг жойини билади, Арчали камар деган жойга бориш керак.

Кетар чоғида, дарвоза олдида Интизор ҳам кийинган ҳолда турибди. Қўлида тугунча.

– Йўл бўлсин, – деди Зулфиқор хангу манг бўлиб.

– Сиз билан бирга ўша ёққа бораман, – деди Интизор.

Бу аёлга бир нима бўлганми ўзи? Ўзига ярашмаган ишлар қилишга ўтиб қолди?

– Ҳой, сен биласанми, етти-саккиз километр юрамиз, чарчаб қолмайсанми?

Бунинг устига, камзулу этикчангни ҳам кийиб олибсан. Кун иссиқ, толиқтириб ташлайди, – деб огоҳлангирди.

– Даштга эмас, тоққа борамиз дедингиз-ку. Билиб бўладими, куз ҳавоси, – деб кўйди у.

– Рост айтасан. Унда менга анави тўнни олиб чиқ.

Икковлон йўлга тушди. Зулфиқорнинг елкасида милтиқ, Интизорнинг қўлида тугунча, тушликка тандир нону яхна гўшт.

Кўхитанг тоғ этақларида ҳаво куз бўйи мўътадил, баъзан қиш кунларида ҳам сақланиб қолади. Жанубу ғарбга чўзилган тоғ тизмаларининг баланд чўққиларидагина қор йил бўйи сақланиб туради, у даштдан юриб келаётган йўловчи учун гўё мўлжал олишга қолдирилгандек. Зулфиқор борадиган манзил ғарб томонда, Шержон қишлоғи атрофида бўлиб, у томонга бузук бўлса ҳам тошйўл ўтган. Бирор бир йўловчи мошин билан ўша қишлоқ яқинида тушиб қолиб, хилват сўқмоқ орқали таниш камарга кўтарилади. Камар унчалик катта эмас, шундай дара оғзида. Аммо арча тўсгани учун, унинг борлиги билинмайди. Интизор йўл нарисидаги сўқмоқдан пиёда кетишни, оёқлари чигили ёзилиб, атрофни томоша қилишни, шу баҳонада тоза ҳаводан баҳра олишни хуш кўрди. Шу боис улар камарга элтадиган яқин эшакйўлдан пиёда кетишди.

Улар дарага кириб, тепа шохлари қуриган, аммо ён атрофи ям-яшил кекса арча олдига келиб тўхташди. Дарахт танасидан хушбўй ҳид келарди. Зулфиқор кафти билан дарахтнинг ғадир-будур пўстлогини силаб-сийпалади. Худди мана шу дарахт камарнинг бетини тўсиб туради, шунинг учун унинг борлиги билинмайди. Тўғри, Арчали камарни шу қишлоқ аҳли билади, аммо ёнбошдаги улкан қоя ёриқларию унга ёпишган мумлағай қотмалари кўринишини фақат шу ерлик бир-икки мерган билади, холос. Мумлағай ов милтиғидан ўқ узилиб, уриб туширилади. У ерга, яъни тик кетган баланд қоятош юзасига чиқиб боришнинг иложи йўқ.

Давоми бор



НАЗМ



Раззоқ АБДУРАШИД

1936 йилда туғилган. Ўрта Осие давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультети журналистика бўлимини тугатган. Шоирнинг “Йўл бошида”, “Кафтимда олам”, “Сукунат”, “Мусаффо осмон”, “Юлдузлар хайли”, “Эҳтирос”, “Ёруғлик” сингари тўпламлари нашр этилган.



Ёруғ келажакнинг қасри

Тонг сурури

Борлик яна зеболашди,
Ажаб, қара, бойнагидан.
Унга қараб завқланаман
Муҳаббат кўзойнагидан.

Кўнгил ўсар ҳар дақиқа,
Ҳам кўзимда ортади нур.
Унга сингиб кетгим келар,
Мисли зиё, мисли сурур.

Борлик кўркам, ҳаёт ширин
Туюлади, айтинг, нега?
Бошинг осмон, осмонинг тинч,
Ўз эркингга бўлсанг эга.

Янги тонгнинг завқ, сурури
Сингиб борар тану жонга.
Мен шунақа қаршилайман
Тонгни ҳар кун ҳаяжонда.

Кўк чой эмас, нур ичаман,
Фалакнинг ол чойнагидан.
Тонгги палла кўкка боқиб
Муҳаббат кўзойнагидан.

Мен истаган юлдуз

Ёз кечаси бир тиниқ, ёз кечаси бир ёруғ,
Осмон тўла юлдузу мен истаган юлдуз йўқ.

Дейман, ўзи бормиди ё орзу, фаразмиди,
Кўқдан уни излашим, кимдандир аразмиди?

Билмадим, ҳозирча лек, кўрганим йўқ нишонин,
Излаганим-излаган бир кўришга ишониб.

Кўкка қараб ётиб гоҳ, ўйланаман, ҳеч ўзи,
Борми дея, менинг ҳам толеимнинг юлдузи?

Бор дегандай, дилимда ишонч ила овоз бир,
Ул яратган сени ҳам беюлдуз қўймагандир.

Қайси бири экан у, қайда экан у, бироқ,
Хаёлимдан кетмас ҳеч: шундай ўй, шундай сўроқ.

Кўқда эса юлдузлар живир-живир қилгандек,
Бир-бирига сирлашиб, шивир-шивир қилгандек.

Гоҳи учиб қоларлар бир-бирини қувлашиб,
Давра тузиб ўйнарлар қизчалардек қувнашиб.

Авжланади шу тарзда юлдузларнинг ўйини,
Кўзни қамаштиради, ажиб, ёғду куюни.

Мен кузатиб ётаман, ақлим шошиб қолади,
Ёзда осмон ғаройиб, ғуборингни олади.

Бўлса агар минг дардинг, зумда уни аритар,
Ҳам кўнглингни илоҳий зиё билан ёритар.

Ундан инъом, аслида, бахту толе нишони,
Юлдузим борлигига юришим ҳам ишониб...

Ёзда шудир одатим, кўкка боқиб толаман,
Завқ, сурурдан маст бўлиб, секин ухлаб қоламан.

Ёз кечаси бир тиниқ, ёз кечаси бир ёруғ,
Унда ғиж-ғиж юлдузу мен излаган юлдуз йўқ.

Шафтоли

Ҳовлимизнинг четида холи
Ўсган эди бир туп шафтоли.

Бу йил кириб ҳосилга, қаранг,
Кўтаради шохларин аранг.

Табиатнинг ҳар ҳазилига
Енгили ҳам ҳатто зилига

Минг хил дардга бериб келди тоб,
Ўсаверди йил сари шитоб.

Ҳар меваси мисли пиёла,
Барг остидан боқар қиёслаб.

Етилибди сержило, хол-хол,
Шафтолимас, воҳ-воҳ, мисли бол.

Бирин есам, қаранг, нетди-я,
Нак, оғзимда эриб кетди-я.

Меваларнинг беғубори шу,
Минг бир дардга шифодори шу.

Қаддин букиб турар эмиш ул,
Қилинг дея, мендан тановул.

Боғингизга экинг, ярашар,
Қут-барака, хусн улашар.

Хизмат қилар беминнат, беғам,
Гарчи умри қисқа бўлса ҳам.

Ҳар тонг олиб пишганидан, рост,
Еймиз, унга ортади ихлос.

Еган сари егим келади,
Шунда элга дегим келади,

Истасангиз мевалар болин
Шафтоли енг, дўстлар, шафтоли.





Дафтар ҳошиясидаги шеър

Мен кўнглимнинг содиқ кулиман,
Кўнглим эса юртга фидодир.
Чикмаганман асло изидан,
Умрим ўтар унинг измида,
Мен кўнглимнинг содиқ кулиман.

Балки, шундан ёруғ кунларим,
Дилгирлигим шундан, эҳтимол.
Барчасидан кечиб, эҳтимол,
Кетолмасим – дил тугунларим.

Шундан, балки, ҳақгўйга тиргак
Ноҳақликка қарши бўлишим.
Барчасига гоҳ силкиб этак
Шундан, балки, ёлғиз юришим.

Тўғри сўзни ҳар ерда дадил
Айтишим ҳам шундан, эҳтимол.
Кимга ёқмас ёки кимгадир
Ёқишим ҳам шундан, эҳтимол.

Кўрсатурман ҳурмату иззат
Дил амри-ла танишу ётга.
Бор эканман, қиламан хизмат
Ул буюрган эзгу муродга.

Ёруғ келажакнинг қасрига
Бир гишт қўймоқ этса гар насиб,
Шунда дўстлар, кўнгил амрига
Ўтган умрим бўлар муносиб.

* * *

Қўшиқ айтиб оқар дарёлар,
Қўшиқ айтар тўлғаниб, жўшиб.
Ҳансираган чўлу саҳролар
Тушларига киргай бу қўшиқ.

Куйдек ёқар бу тонги насим,
Роҳатингга минг роҳат кўшур.
Унинг эрка ҳам майин саси
Туюлади мисли бир қўшиқ.



Гоҳо ўтса кўкдан турналар
 “Курр-эй”лари қолар ҳавода.
 Кўзим қувнар, қалбим тирналар
 Бир дард туйиб ушбу навода.

Лолазорга ташласам назар,
 Лолаларнинг кўкси тўла доғ.
 Бу – ҳасратли қўшиқ, алҳазар,
 Босиб келар мени мисли тоғ.

Кўкатларга ёнбошлаб бир дам
 Ер кўксига солсам гар қулок,
 Майин наво келар ундан ҳам,
 Қўшиқ оқар мисли бир булок.

Кўнглинг бўлса ҳавасли, жўшиқ,
 Кўринаркан рангин дунёлар.
 Шундан, балки, ҳар куни қўшиқ
 Куйлаб ўтса керак дарёлар.

* * *

Умрим ўтар оқар сувсимон,
 Гоҳи сокин, долғали гоҳи.
 Битта шу ер, битта шу осмон
 Ҳамишалик эрур ҳамроҳим.

Умрим ўтар оқар сувсимон,
 Кифтга ортиб савоб, гуноҳим.
 Битта шу ер, битта шу осмон
 Ҳар нафаснинг эрур гувоҳи.

Умрим ўтар оқар сувсимон,
 Гоҳи шодмон, гоҳ дилда оҳим.
 Фақат шу ер, фақат шу осмон
 Эрур ёлғиз пушту паноҳим.

Умрим ўтар оқар сувсимон,
 Қолар экан гулу гиёҳим.
 Битта шу ер, битта шу осмон
 Ўчирмасин изим, илоҳим!



Таниқли шоир Раззоқ Абдурашиднинг шеърлари қалб туйғуларининг ифодасидир. Шоир айти дамда саксон ёшни қаршилаб турибди. Ижодга ошно қалб соҳиблари қаримайди, дейдилар. Ота-хон шоиримиз бугунги кунда ҳам баракали ижод қилаётганининг боиси ҳам шундадир.

У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда хуш кайфият тилаб қоламиз.

Таҳририят





НАСР



Матлуба ЮСУФ ОХУН

1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Оқ рўмол” номли қисса ва ҳикоялар тўплами нашр қилинган. Айни пайтда Андижон вилоят телерадиокомпаниясида хизмат қилади.

ҚАДРДОН ҲИД

– Турғуной, ҳо Турғуной...

Кўзларини юмиб ётган момо бу таниш овоздан чўчиб кетди. Бемажоллигини ҳам унутиб, кўзларини катта-катта очиб, атрофга аланглади.

– Бувижон...

Момонинг ёнида ўтирган Асқад ака онасининг алаҳсираётганини тушунди. Шу боис овоз чиқармасдан ўз ҳолига кўйди.

Момо шунча синчиклаб қараса-да, ҳеч кимни тополмади чоғи, яна кўзларини юмди.

Шу паллада димоғида ҳув ўша етти-саккиз ёшлигида ўрнашиб қолган таниш, ёқимли ҳидни туйгандек бўлди. У пайтда бунинг нима эканини билмаганди, кейинроқ катта бўлганида қалампирмунчоқнинг ҳиди эканини англади. Янаки, унга қандайдир хушбўй ис ҳам араллашиб кетганди. Ва у бир умр ана шу ҳидни қидирди, бувисидан, фарзандларидан, яқинларидан. Ҳеч биридан туймади. Ҳозир эса ўша ҳид яна димоғини қитикляпти. Беихтиёр:

– Аяжон, – деди энтикиб.

Бирдан хира нигоҳлари орасидан узун чанг йўлни кўрди. Унда бир эркак, бир хотин ва қизча кетиб бормоқда. Қизча ялангоёк. Тупроқнинг иссиқлигидан ирғиб-ирғиб кетади. Аммо йиғлай олмайди, чунки қўлидан тутиб кетаётган аёлдан кўрқаяпти. Аёлнинг юзлари берк, бошига алламбало қора рўмолни ташлаб олган. Улардан сал нарида гурс-гурс қадам ташлаб кетаётган эркак аҳён-аҳёнда ортига қараб:

– Келаяпсизларми? – деб кўяди.

Турғунойнинг йиғлагиси келди. Ҳиқиллай бошлади.

– Минғирлама. Тезроқ юр!

Аёлнинг баланд овозидан дами ичига тушиб кетди. Батгарроқ кўрқди ва судралиб кетаверди. Баданини қизитаётган жазирама қизалоқнинг томоғини қуритди. Чанқаб ҳолсизланди. Бу сафар ростмана йиғлай бошлади.

– Оббо! Карим, буни кўтариб олинг! – аёлнинг овози жаранглаб кетди атрофга.

Эркак тўхтади. Қизалоқни азот кўтариб, орқасига опичди. Ҳеч ҳам бунақа баландга чиқмаганди. Атроф кўзига ғалати кўринди. Беихтиёр илжайди.

– Қаранг-а, гўдак туриб одамни аҳмоқ қилади, юргиси келмай ғингшибди, – аёл сайради.



– Бўлди қил! Ўзинг зўрға юриб келаяпсан-ку? Бу бола, ахир. Ҳалиям шунча масофани босиб ўтди! – Эркак шундай дея уни жеркиди.

Қизалоқ бирпас тинчигандек бўлди, аммо қорни очиб, баттар чанқади.

– Сув... – деди чўчибгина.

Аммо на эркак, на аёл жавоб бермади. У қайтиб хархаша қилишга чўчиб, бошини эркакнинг белига қўйганича мудрай бошлади. Бир маҳал қаттиқ силкинишдан уйғониб кетди. Кўзини очиб секин мўралади. Сал нарида пастқам уйларнинг деворлари кўринди.

– Қизим, бирпас чидасанг, сенга сув, овқат беришади, – эркак уни бир силтаб янада баландроқ кўтарар экан, юмшоқ гапирди.

Қизалоқнинг кўзига сув тўла идиш билан иссиқ нон кўриниб кетди, маза қилиб тамшанди.

Озгина юрилгач, уни пастга туширишди. Қаршисида кичик тахта дарвоза кўринди.

– Қани, ичкарига кирамиз, – эркак уни аста турткилади.

У бегонасираб остона босмади. Шу паллада ичкаридан ёшроқ йигит югуриб чиқди:

– Хайрият! Турғуной, келдингми, синглим, бўла қол, ҳаммамиз сени кутаяпмиз!

Қизалоқ жавдираб уни олиб келган эркак томонга интилди.

– Боланинг қорни оч, чанқаган, аввал овқатлантирайлик.

– Улгурмай қоламиз. Илҳақ бўп кетди, – йигит шундай дедию, уни азот кўтариб ичкарига югурди.

Ҳеч нарсага тушунмасдан атрофга кўрқиб қаради, аммо йиғламади. Ним қоронғи хонада аввалига ҳеч нарса кўрмади. Кўзи ўргангач эса одам кўплигини пайқади. Бошларига катта рўмол солган уч-тўрт хотин тўрда тўшакда ётган бемор аёлнинг ёнида йиғлаб ўтиришибди. Қизчани тўғри ўша аёлнинг ёнига олиб боришди.

– Мана, Турсуной, кутганинг келди, кўзингни оч, болам! – бир кампир беморнинг юз-кўзларини силаб, йиғлаб чақирди.

Яна бири эса қизчани унга яқинлаштирди. Бемор ожиз ингради. Оппоқ, коксуяқ қўлларини зўрға кўтариб, унинг кичик қўлчаларидан ушлашга уринди. Кучи етмади. Уни беморнинг шундоқ юзига яқин олиб борди. Қорни очлигиданми ёки кўркувданми бурнига урилган ғалати ҳиддан энтикиб кетди. Кўзларини катта-катта очиб беморга тикилди.

– Қизим... менинг Турғунойим, – бемор аёлнинг лабларидан учган исмини эшитиб қизалоқ ортга тисланди.

Атрофда йиғи овози кўпайди. Қизалоқ ким йиғлаётганини кўрмоқчи бўлиб ёнбошга ўтирилди ва шу аснода юзи беморнинг юзига ёпишди.

– Болажоним...

Шундоқ қулоқлари остида жаранглади бу сўз. Ва яна бояги ҳид бурнига тўлди.

Кейин бирдан хонанинг ичи йиғига тўлиб кетди. Кимдир уни кўтариб олди. Ташқарига олиб чиқишди. Ерга ёзилган шолчага ўтирғизишиб, олдига нон, овқат қўйишди. У теварагига ҳайрон боққанича шошиб-шошиб нон кавшай бошлади...

Катта бўлиб ақлини танигач, бувиси ўша бемор аёл унинг онаси эканини айтди. Онасининг олдига кўтариб борган эркак дадаси, етаклаб кетган ўғай онаси экан. Бу ҳақда биринчи бор эшитганида тун билан йиғлаб чиқди. Тушида аясини кўрди. Нукул унга қараб қовоғини уярмиш.

“Буви” дегани ҳам аслида узоқроқ қариндоши экан. Дадаси билан аяси ажрашгач, ўртада у сарсон бўлиб қолади. Аяси оғир хаста, болани эплай олмайди. Дадаси эса, эркак боши билан унга қаролмайди. Шунда ўзининг бувиси уни қариндошига берган экан.

Ўз тақдири ҳақида билгач, то вояга етиб турмуш қургунича ўзининг ота-онаси бўлишини, уларга эркаланишни орзу қилиб яшади. Орзуси эса армон бўлиб қолаверди. Ва яна бир армони ўшанда бемор аёлнинг онаси эканини билмагани, ундан анкиган ҳиддан тўйиб-тўйиб олмагани эди.

Лекин ўша ҳид ҳамон димоғида. Ёши саксонга етиб, кетар манзили яқинлашганида ҳам ўша кадрдон иснинг таъмини туйиб турибди.

– Бувижон, тузукмисиз?

Турғунной момо кўзини аста очди.

Ўғли Асқаджон шундоқ боши узра эгилиб унга термилиб турибди. Хиёл қулимсиради. Сўнг ёнига қаради. Кичик ўғли Асқаржон, қизлари Ойжамол, Гулжамол, пойгақроқда эса неваралари қатор тизилишиб ўтирибди.

– Шукр, – деди ўзини дадилликка олиб.

– Бувижон, сув берайми? – бу кичик қизи Гулжамол. Айтишларича, худди онасига ўхшармиш. Ўзи ҳам кўп бора онасининг нигоҳларида муҳрланиб қолган суратини тиклашга уринганида шу қизига қараб аясининг чехрасини илғагандек бўларди.

– Қизим...

Ўзининг овозидан негадир чўчиб кетди. Назарида у эмас, аяси чақиргандек бўлди. Кўзларини каттароқ очди. Ростдан ҳам аяси кўринаяптими? Беихтиёр қўлларини тепага узатди-да:

– Аяжон, – деди.

Худди шу лаҳзада димоғига ўша кадрдон ҳид шундоқ тўлди-қолди. Энтикиб-энтикиб бошини кўтарди. Ва аяси томонга талпинди...

ХОТИН

Зайнаб энги узун кўйлагини ҳилпиллатиб издиҳомдан қайтар экан, маҳалла гузаридан чиқиб келаётган оқ рангли “Нексия”ни кўриб юраги шиғиллади. Кўчани шитоб босиб ўтиб тор йўлакка қисилди. Машина ўтиб кетгачгина йўлида давом этди. Кета-кетгунча юраги тўликиб, кўзларидан ёш куйилди. Уйига келгач қўлидаги тугунини кўймай туриб, айвон деворига осилган ойнага ўзини солди. Қирқ беш ёшлардаги гўзал аёл бокиб турарди кўзгуда. Фақат рўмол четидан кўриниб турган сочлари оқарган, кўзлари маъюс. Баттар хўрлиги келди. Аламиндан тугунини сўри четига улоқтирди.

– Аяжон, йиғладингизми?

Чўчиб ортига ўтирилди. Беғубор ёшлигини эслатувчи дуркун қиз унга чақнаб қараб турибди. Дарров кўзларини ишқалади.

– Йўғ-эй. Тез юрганымдан терлаб кетдим, – ёлғон тўқиди қизига.

– Кийимларингизни алмаштириб озгина дам олинг, мен унгача молларга ўт солиб келаман. Ҳасан-Ҳусанлар дадамнинг ёнига кетди, – Замира шундай деди-да, чаққон юриб кетди.

Зайнаб ўзининг уст-бошига қаради. Алмаштиришга лойиқ эмас, аслида. Икки йилдан буён тўй-тўрқинга авайлаб кийиб келаётган ялтироқ матодан тикилган

узун кўйлак, дадаси туғилган кунига совға қилган юмшоқ рўмол, ўтган йили сут сотиб тўплаган пулига олинган енгил пойафзал. Кўшни хотинлар бунақа кийимларни ҳув анув томорқасига кийиб юришибди, аммо Зайнаб ундай қилолмади. Барига мана шу савил қолгур гўзаллиги сабаб. Билиб айтишган экан, чирой бошга бало деб.

Зайнаб қишлоқнинг энг гўзал қизи эди. Ортидан юрмаган, ошиқ бўлмаган йигитнинг ўзи йўқ. Ҳатто шундоқ қишлоқ чегарасига улашиб кетган катта шаҳарлик йигитлар ҳам унга маҳлиё.

– Уф-ф! Сени деб ташвишим кўпайгандан-кўпаяпти, – онаси кунда бир жавраб олади. – Ўқишинга тўғри бориб, тўғри кел. Одмироқ кийин. Акс ҳолда даданг уйга қамаб, остона ҳатлатмайди. Эсон-омон эгангга топшириб олайлик.

Онаси бекорга ваҳима қилади-да. Ахир ортидан келбатидан от хуркадиган икки акаси пойлоқчи-ку? Улар етмагандай, аммасининг ўғли кетидан соядай пойлоқчилик қилади. Баъзан чиройидан ғурурланади, баъзан эса хафа бўлиб кетади. Айтишларича, бундай гўзаллик унга катта бувисидан ўтган эмиш. Дадаси бундан жуда фахрланиб гапиради:

– Энамиз аслзодаларнинг авлодидан бўлган. Дадаси Худоёрхоннинг саройида хизмат қилган. Ўша замонда ҳам катта бувингнинг харидорлари мингта бўлганмиш. Ахийри ер-сувлари кўп бойга кенжа хотин қилиб беришган экан.

– Нафасингизни ел олсин. У замонлар ўтиб кетди. Оилам, болам-чақам дейдиган эсли-хушли йигит бўлса ўйланиб ўтирмай бериб юбораман, – онаси дадасини тергаб қолади.

Зайнабга на дадасининг мақтанишлари, на онасининг куюнишлари ёқади. Яна бир ёқмагани – қадамида сўроқ-савол:

– Қаерга бординг? Ким билан келдинг?

Шунинг учунми, қиз пайтидаёқ бу гўзалликдан зада бўлган. Дугоналари унга ҳавас қилгани баттар жаҳлини чиқарарди. Лекин шунча одамлар орасида аммасининг ўғли Собир бошқача. Юмшоқ гапиради, кўнглига қарайди. Унинг Йўлдош деган ўртоғи бор. Иккаласи доим бирга юради. Зайнабларникига ҳам бемалол келиб-кетади. Шунинг учунми, уйдагилари тергамайди, Зайнаб бу йигитлар билан бемалол гурунглаша олади.

Бир куни Йўлдош гап топиб келди:

– Зайнаб, нариги маҳалладаги Козим бор-ку. Шепповурнинг ўғли, шу устингдан гаров боғлабди.

– Гаров? Нима деб? – Зайнабнинг энсаси қотди.

– Сени олармиш. Ундан бошқасининг духи етмасмиш.

– Эсини ебди. Дадам эшитса тилини узади, – дея Зайнаб катта кетди.

– Менимча ундай эмас! – негадир Йўлдош маъюс эди. – Козимнинг дадаси райондаги манаман деганларнинг хизматини қилади. Пули кўп. Ошна-оғайнилари ҳам. Бирорта каттакон дадангга “қизингизни шунинг ўғлига беринг” деса, ноилож кўнади-да!

– Ўла қолсин! У Козим деганларини банги дейишади-ку? – Зайнаб ҳамон бепарво эди. – Ҳамма билади, дадам шунақа болага мени лойиқ кўрмайди.

– Менга лойиқ кўрармиди? – дабдурустдан Йўлдошнинг бу саволидан қизнинг кўзлари чакнади. Ҳатто бир зум анқайиб қараб қолди. Сўнг эса хахолаб кулиб юборди:

– Сенгами? Вой, ўлиб қоламан. Туя ҳаммомни орзу қилибди-да!

Йўлдошнинг ранги оқарди. Шартта ўгирилди-да, аччиғи билан кетиб қолди.

Шу кўйи уларни кига бутунлай келмай кўйди. Зайнаб аввалига бироз диққат бўлди, кейин ортиқча эътибор қаратмади.

Кейин ростдан ҳам уни Козим деганларига турмушга узатишди. Зайнаб бошида бироз йиғи-сиғи килди. Куёв томондан келган антиқа сарпо, зеб-зийнатларни кўргач, уларга кувониб тегиб кетаверди. Қанча йигитлар куйиб қолаверди.

Эри ўта рашкчи эди. Остона ҳатлаб кўчага чиқармасди. Аммо Зайнабни ўзи истаганича аҳмоқ қиларди. Келинлик пайтида эртадан кечгача худди кўғирчоқ ўйнагандек ўн хил кийинишга мажбур қиларди. Бу ҳам етмагандек у ёқ-бу ёққа юргизиб устидан пул сочарди. Зайнабга бунақа бачкана қилиқлар ёқмасе-да, эрининг айтганини бажаришга мажбур эди. Бундай томошалар қизи туғилгунича давом этди. Замира туғилгач эса:

– Сен мени яхши кўрмаганмидинг ҳали? – дея уришни одат қилди. Чиройли юзлари калтак зарбидан кўкарди.

– Анов маймоқ Каримнинг хотини полвондай ўғил туғибди. Чунки у эрини яхши кўрган. Сен-чи, сен! – Козим бўкиргандан бўкирарди.

Қани бу бадқовоқ эрга жавоб айтишга юрак бўлса? Калтагини еб қолаверарди. Бундай азоблар қизи икки ёшга тўлгунча давом этди. Бир томонда уй қамоғи, иккинчи томондан эрининг бемаъни бачкана қилиқлари жонини ҳиқилдоғига келтирса-да, тилини тишлаб яшашга маҳкум эди. Негаки, ота-онаси: “Уйга қайтиб келишни хаёлингга келтирма, эр дегани шу бўлади, чиққан қиз чийдан ташқари”, деб ҳар борганида қаттиқ-қаттиқ уқтирарди.

Овсинлари ясаниб ҳали у тўйга, ҳали бу базмга кетар, у эса мўлтираб қолаверарди. Сўнг эса ўзини ўзи еб адо бўларди:

– Ажаб бўпти, чиройимга ишониб мана шунақа дабдабаларни истадим. Бу кунимдан ўлганим яхши. Бунақа бойга теккандан бирорта кетмончига текканимда эркинроқ яшармидим? Ёки анови Йўлдошга текканимда ҳам бахтли бўлармидим?”

Баъзан хўрлиги келганида қизини кучоқлаганича ўзига ўзи гапириб йиғлаб ўтирарди. Ана шундай азобли кунларда эри иситмалаб ётган бўлди-ю тузалмас касалга чалинди. Касалхонадан бери келмай қолди. Кимдир у деди, кимдир бу деди. Аммо тузалиш ўрнига баттар оғирлашди. Барибир кўз очиб кўрган эри экан, юраги ачиди. Ўша ёмон эрни ҳам соғиниши мумкинлигини ҳис қилди. Ёнига боришга отланди неча бор. Аммо қайнотаси рухсат бермади:

– Козим “келмасин” деяпти. Борганингиз билан тузалиб қолармиди? Уйда ўтираверинг!

Дами ичида, сўзсиз бош эгди.

– Бангилиги бошига етди эрингизнинг! Энди сал енгил нафас олиб яшайверинг, тузалиши даргумонмиш, – катта овсини унга ҳамдард бўлгандек гапирди.

– Унақа деманг! Минг килса ҳам қизимнинг отаси, илойим тузалиб кетсин! – Зайнаб эрининг тарафини олди.

– Ўла қолсин. Тўғри айтишган машойихлар, дунёда битта малика бўлсанг ҳам битта жинни эркакнинг қулисан деб. Шунга лойиқсиз шекилли, овсинжон?

Зайнаб табиатан гапдон эмасди. Шу боис, овсинига қандай жавоб айтишни билмагани учун индамай қолаверди. Ўғай онанинг қизидек довдиради, бу хонадонда. Энг ёмони, қайнакалари у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам қошини учириб, гап ташлашарди. Қўрққанидан уй ичидан чиқмай ўтирадиган бўлди. Иложи борича рўмолга ўраниб юрарди. Бир куни тунда хонасида биров юргандек туюлиб уйғониб кетди. Шартта ўрнидан туриб чироқни ёқди. Ҳеч ким йўқ. Бироқ эшиги

кия очик эди. Дархол деразадан мўралади. Қайнакаси ҳовлида айланиб юрган экан. Юрагига баттар ваҳима тушди. Эртасига қайнонасида рухсат сўради:

– Ўғлингиз тузалгунча уйда, ота-онамнинг ёнида яшаб турсам майлими?

Қайнонаси бу хонадонга ярашган тарзда, яхши аёл эди:

– Майли, уч-тўрт кун туриб келинг. Козимжонга ўзим тушунтираман.

Хурсандлигидан еттинчи осмонга учгандек бўлди. Шоша-пиша йўлга тушди.

– Сен қандай қизсан, эринг касал бўла туриб, бу ерга келибсан! – онаси эшикдан кирар-қирмас тергаб қолди. – Кўпроқ ўшаларнинг ишини қилиб, ўтидан қилиб қулидан чиқишинг керак.

Зайнаб ичидаги гапларни онасига тил келиб айта олмади. Фақат:

– Қайнонам ўзи рухсат берди, – деди.

– Бўпти, бугунча қол, эртага кетарсан!

Зайнаб ўз уйида маза қилиб ухлаши мумкин бўлгани ҳолда туни билан ўйланавериб уйкуси қочди. Айтай деса опаси йўқ, синглисига дарду ҳол қилгани билан тушунмайди. Ака-укаларига тил ёролмайди...

Тонг отиши билан онаси тандирга ўт қалади:

– Ёғли патир ёпаман, сомса ҳам қиялман. Ўзим сени олиб бориб ташлаб келаман.

– Йўқ, кетмайман, эрим тузалгунча шу ерда қоламан! – деди уйкусизликдан қизарган кўзлари ёшга тўлиб.

– Бекоргинани айтибсан. Эринг касал ҳолида ҳам эркак. Бу ердалигингни билса минг шубҳага тушади, – онаси айтганидан қолмади.

– У ерда-чи? Акаларининг ғалати қарашларидан безиб кетдим! – Зайнаб аламидан ичидаги ваҳимасини очик айтди.

Онаси “ялт” этиб унга қарадию, дарров жиддийлашди:

– Сен жувонмарг, ўзинг шунақасан. Чиройинг ҳам қуриб кетсин. Бўл тезроқ, тайёрлан, кетасан!

Она-бола катта саватни кўтариб эрининг уйига етиб келганларида эса дарвоза олдида одамлар гавжум эди.

– Козимжон узилиб қолибди! – кўшни аёлнинг пичирлаб айтган бу хабари Зайнабнинг қулоғини қоматга келтирди гўё. Дод солиб ҳовлига кириб борди. Келинлик уйининг ўртасидаги диванда эри ётарди. Юзи оқ дурра билан ёпилган экан. Уввос солиб юзини очишга уринди, бироқ қайнонаси тўхтатди:

– Энди номаҳрамсиз, қараманг унга!

Четга ўтиб йиғлайверди, йиғлайверди. Неча кунгача гунг-соқов бўлиб, ошон эмасдан йиғлайверди. Ахийри ётиб қолди.

– Обориб қаратинглар. Кейин келар, – бу гал қайнотаси рухсат берди.

Уйига келгач ҳам ҳадеганда тузалавермади. Эрига куйиб бемор бўлдимми ёки бундан кейинги тақдирининг қоронғилигиданми, ўзи ҳам тушунмасди. Аммо юрагида англаб бўлмас ҳадик бор эди.

– Қуда тоға, энди эл-юрт олдида опкетмасак бўлмайди, – бир кун катта қайнакасининг овози эшитилди ташқаридан.

– Бориб нима қилди, эри бўлганида бошқа гап эди, – дадаси рўйхушлик бермади.

– Идда сақлаши керак, шариат бўйича. Бунинг устига укамиздан ёдгор битта бола бор, – қайнакаси салмоқли жавоб берди. – Ўзимиз қараймиз. Зайнабхон ҳам синглимиз. Тенги чиқса, балки, узатармиз. Дадам шуни истаяпти.

– Раҳмат қудаларимга, шунчалик жон куйиктирибди. Аммо... Бир-икки кун-

дан кейин ўзим обораман, – онаси дадасини босиб жавоб қайтарди. – Хижолат бўлманглар.

Шу куни уйда киёмат жанжал бўлди. Дадаси билан Зайнаб бир тараф, ака-укалари билан онаси бир тараф. Охир-окибат ранглари сўлиса-да, чиройи боя-гидек ярқираб турган Зайнаб қайнота эшигига қайтди. Кунлари ҳам, тунлари ҳам кўркувда, худди бўридан кўрққан кўзичокдек титраб-қақшаб ўтарди. Дам у қайнакаси, дам буниси унга меҳрибон бўлиб қоларди. Зайнаб эса қайнонасининг пинжигига тикилгани-тикилганди.

Ҳар нарсанинг чегараси бор. Зайнабнинг ҳам сабри тугади. Тўғрироғи, қайнакаси остонасини ҳатлаб ўтмоқчи бўлган тунда юз берди. Зайнаб кизини бағрига босганича бурчакка қисилиб олди. У ғаддор кириб улгурмовдики, ташқаридан қайнонасининг овози келди:

– Ким у?

Қайнакаси “шип” этиб қоронғиликка ўтиб олди. Қайнонасини унинг хонасига яқин келди. Зайнаб шошиб ўрнига бориб ётиб, ўзини ухлаганга солди. Ҳаммаёқ тинчигач эса боласининг кийимларини бир тугунга жойлади-да, бу уйдан кочди.

– Сени туғмай мен ўлай, нега ўғрига ўхшаб кечаси қочасан? Дардингни айтиб, кундузи қайтиб келсанг бўлмайми? – онаси ҳар доимгидек уни тушунмасдан дод солди. – Номусларга ўлдирасан сен бизни.

Ким нима деб ўйласа энди Зайнабга фарқи йўқ эди. Устидан тегирмон юргизишса ҳам эриникига қайтмайди. Шундай ҳам бўлди. Қайнонасини дарғазаб ҳолда келиб роса қарғади. Қайнакалари яна олиб кетишга уринишди. Бироқ бу сафар Зайнаб қаттиқ қаршилиқ қилди.

– Битта шарт билан бу уйда қоласан! – катта акаси унга мушт дўлайди. – Илданг тугаши билан чолдан харидор чикса ҳам эрга бераман!

– Нима десангиз розиман! – Зайнаб алам-аччиқда рози бўлди.

Совчилар кўп келди. Аксарияти “қизини ташлаб кетсин” деган шартни қўйишди. Ҳозирги эри эса “боласи учун оламан” деган гапни айтди. Зайнаб ўйлаб ўтирмай рози бўлди. Чунки ота уйига сиғмай қолганди. Ҳали онаси, ҳали ака-укалари арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, унинг устига бўҳтонларни ағдаришдан чарчашмасди. Ҳамма ишнинг бошида онаси тургач, ёлғиз дадасининг қўлидан нима келарди?

Хулласи, эрини унинг уйига келгач кўрди. Басавлат, суяги бузук, кўполгина. Машина тузатадиган уста экан. Эртадан-кечгача қорамойга беланиб юради. Гаплари ҳам мулойим эмас. Дастлабига Зайнаб уни танлаганига афсусланди. Баъзан тунлари уйғониб кетар, ёнида ётган эрига қараб бу уйдан узокларга қочиб кетгиси келарди. Бироқ биринчи эрининг калтаклари эсига тушгач, бунисининг феъл-атвориға, юриш-туришиға кўникишга уринди. Уни уриб-сўкмаса, кизига меҳрибон бўлса, яна нима керак? Кўнгилга битта уриб, сабр билан яшайверади-да.

Аста-секин иккинчи турмушиға кўнди. Ҳатто, ундан Худойим бериб, Ҳасан-Хусан фарзанд кўрди. Эгизакларини бағриға боса туриб, раҳматли эри Козимни эслади. Эрини яхши кўрган хотинлар ўғил туғармиш. Наҳотки, қорамойга беланиб юрадиган эрини яхши кўрган бўлса?

...Мана, рўзғорға ўралашиб йиллар ўтаяпти. Бир кун уч боласини етаклаб ота уйдан қайтаётганида ёнидан машина ўтди. Чангида қолди. Ичида астойдил койинди. Худди уни эшитиб қолгандек машина нарироққа бориб тўхтади ва ҳайдовчи бошини чиқариб:

– Опа, узр, кўчамиз жа чанг-да! – деди.

Ва ҳар иккиси қотди-қолди. Чунки рулда Йўлдош эди. Зайнаб беихтиёр у томонга қараб юрди. Машина олдига келгач, ичкарига кўз қирини ташлади. Қоратўридан келган, чиройи ҳам унча кўзга ташланмайдиган аёл антиқа кўйлақда солланиб ўтирибди. Хотини!

Йўлдош қайта гапирмади. У ҳам бошқа қарамади. Шу куни уйига келиб роса тўлиб-тошиб йиғлади. Кўнгли бўшагач, кўзгу олдида ўтириб астойдил пардоз қилди. Пориллаб кетди. Ва бу гўзаллигини эридан аввал қўшни эркак сезди: “Зайнабхон, қанийди сиздай хотиним бўлса?” деса бўладими?

У худди биров орқасига тепгандай уйига қочди. Анчагача ўпкасини боса олмади. Кейин эса... ҳар куни ясаниб юрадиган бўлди. Эри хурсанд эди.

– Онаси, бундоқ ўзингга қараб юрсанг бўларкан-у?

“Тўл бўлмай ўл!” – деди ичида. Қўшни эркакка нозланиб қарайдиган бўлди. У ҳам бемалол эшикдан кириб келади одат чиқарди. Бир куни эса ўша эркакнинг балоғатга етиб қолган Замирага суқланиб қараётганини кўриб қолди. Нафрати томоғидан тошиб тилига кўчди:

– Бу ер сизга карвонсаройми? Камбағал бўлсак баломи, бизнинг ҳам дарвозамиз бор!

Қўшни эркак хушёр тортди. Зайнаб эса дарҳол Худойимга тазарру қилди. Ахир, хиёнатга бир қадам қолганди. Астафзуриллоҳ! Қизига яхшироқ қарамабди-я? Катта бўлиб қолибди. Онасига ўхшаб чиройли бўлмаса-да, дуркунгина. Сал қолса унинг бахтига зомин бўларди.

Яна эски кўйлагига бурканди. Пардозни унутди. Чиройини ҳам.

Бугун йўлда келар маҳал оқ “Нексия”дан бекорга қочмади. Бу ўша – Йўлдош. Қарагани билан энди ҳаммаси бефойда. У бегона, бу бегона. Кўзгуга термилгани ҳам бефойда. Чиройлими, гўзалми, хотин. Қорамойга беланган бир эркакнинг хотини...

ҲУКМАТ

**Мод-дунёни қанча термагин, у
тузайди, озаяди. Ёзилса-чи, сўз
абади қолади, одамни кезади.**

Юсуф Хос ҲОЖИБ



НАЗМ



Шукуржон ЖАББОРОВА

1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Дил изҳори”, “Фариштам”, “Мени кечир, дилкашим”, “Маҳаллам – менинг фахрим”, “Кўнгилдаги дунё” сингари китоблари нашр этилган.

Саодат ранг чизар

* * *

Кабутар! Бир дона паринг ташлаб ўт,
Тинчликни асрасин, токи, одамлар.
Қанотинг остида нурли кумуш хат,
Дўстликка йўғрилсин дуркун қадамлар.

Кабутар! Оқ кўнгил, эй, содда кушчам,
Тинчлик рамзи ўзинг, ҳар сўзда ҳиссанг.
Паҳлавон элдошнинг елкасида ҳам
Кўринар оқ рангли муаззам жуссанг.

Парвозинг чинакам, осмон сеники,
Ер эса мен учун муқаддас мудом.
Мусаффо осмон у, ерда билгинки,
Тинчликни бирдайн айласин бардам.

Қайдадир даҳшатга тушади одам,
Кўргилик кўринмас унинг каптари.
Сен каби қаноти қоғозлари кам,
Тинчлик сўзин билмас кўнгил дафтари.

Она-бола сўзи учади дилдан,
Кабутар, парвозинг тинчликдан садо.
Ташлаб кет, парингни самовий йўлдан
Тинчлик, саодатни кутласин дунё!



* * *

Юрагим рангини тўқаман,
Қаддимнинг қадида шуълалар.
Ишқ бизни ўғирлар биламан,
Биз бахтли туғилган болалар.

Юрагим рангини тўқаман,
Камалак ҳам ундан туғилар.
Рангларнинг сийратин чизаман,
Жонимга сиғмагач туйғулар.

Юрагим рангини очаман,
Шодлигим касридан ўй кўчар.
Боримни дунёга сочаман,
Бошимда саодат ранг чизар.

Юрагим рангини сураткаш
Нола деб агайди, биламан.
Муҳаббат биздан-да ҳаёткаш,
Биздан-да рангиндир ишқ ҳамон.

* * *

Сокиндир, бу оқшом табиат,
Уйқусиз кезаман шаҳарда.
Бўйидан олгандай тафт-қувват,
Нозгулни силайман гулзорда.

Ёркин шуълалардай уйғоқ дил
Интизор дунёга фол очар.
Дарахтлар чизади узун йўл,
Ёмғирнинг куйига куй кўшар.

Арчалар кўрк берган шаҳарда
Кезаман ёлғиз ва пиёда.
Тун бўйи сеп ёзган баҳорда
Гул ҳидин тўзғитар шаббода.

Мен каби дайдиган ким бўлар,
Ой изғир изимда нурланиб?
Оҳулар топмаган туйғулар
Қайгадир, шошилар сирланиб?

Тоғ ошиб, ошиғин топмаган
Қуёшгул мўлтирар сахарда.
Ой кетди, хонамга кирмаган
Баҳорни уйғотиб дафтларда.





* * *

Хаёлимни шамолга бердим,
Олиб қочди дала, қирларга.
Тоғ унгурда лолалар тердим,
Уммон бўлдим томчи сирларда.

Хаёлимни висолга бердим,
Елкасига бош қўйдим ишқнинг.
Юрагимдан армонлар тердим,
Кўнгил юртин топдим ошиқнинг.

Хаёлимни чаманга бердим,
Райҳон ҳиди олди кўнглимни.
Кўксимдаги айвонда кўрдим
Соғинчларда қолган дилимни.

Хаёлимни ёмғирга бердим,
Томчилардай тўйиб йиғладим.
Қувончни-да, қайғуни тердим,
Саробларга умид боғладим.

Хаёл кезди: осмонда, ерда,
Балки меҳр истади кўнгил.
Фаслларнинг шоҳи баҳорда
Туғилган ишқ, майсада қол, дил!

ҲУКМАТ

**Сўз – қодир. Фикр унинг ичига
қўйилган ашт бўлсин. Кўпчилик
хумдонидан нишиб чиққач, янги
ҳаёт айвонига асос бўлиб ўтсин!**

Абдулла ҚОДИРИЙ



**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

1957 йилда туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини битирган. Шоирнинг “Табиат сеҳри”, “Садоқат”, “Соғинч”, “Меҳр”, “Мирзо Бобур”, “Меҳристон”, “Онагинам” номли шеъррий ва публицистик китоблари нашр этилган.



Соғинч унар дил япроғида

Олисда ишқ шуъласи

*Агар бўлса юз жон фидо қилгамен,
Насиб ўлгудек бўлса жонон манга.*

Алишер НАВОЙЙ

Ишқнинг гўзал чехрасин саҳросида кўрибман,
Лайлининг кўзларида чакнаган олов ўша.
Кел, кўнглингни аён эт, гул қошингда турибман,
Висолга имкон эрур жон аро жонон гўша.

Ки, даврон севмоқ они, боримни бердим анга,
Навосоз юракларга ошно этдим дилимни.
Дардимни тинглай билсанг, юз жоним садқа санга,
Ишқ боғидан илк бора уздим танҳо гулимни.

Ой чехраси балқийди, исминг ёздинг фалакка,
Олисда ишқ шуъласи, наҳот, сендан йироқман?
Аммо, масрур бу кўнгил ошиқар сўз демакка,
Сенинг жон суҳбатингга интиқ бўлган юракман.

Алифдек коматингга асир бўлиб турган чоғ
Ёсуман қаро сочинг зулмат этмиш тунимни.
Тонг чоғи ҳуснинг ортиб, сен кулбамга кирган чоғ
Бўғзимда сўзим қолди, чиқаролмай унимни.

Оҳ, дейману сўз йўқдир, сўз тополмай мен ҳайрон,
Умид ила кутгайман, келгайму деб ёнимга.
Кўксимдан ранг олган уфқ, тиг санчган каби жайрон,
Фақат севгинг куч бергай менинг хаста жонимга.

Қайс даштига тушганман, озорима етди ишқ,
Олов пуркар бир малак, қоврилади жон-танним.
Висолга етай десам, фиғонимни тутди ишқ,
Гулзор бўлган бу саҳро, асли, менинг қон-танним.

Ишқ тиғидан оҳ чекиб, ошиқларинг беморда,
Оташида ёнгайсен, дилим, чида, сабот эт!
Ул малак муҳаббати дилим дилида борда,
Майли, чикса, чиксин жон, кўнгил уйин обод эт!



Тўфон

Юрак – уммон, тубида
 яширинган ганжина,
 Уни сақлаб тургайман
 тўфонларнинг авжидан.
 Кимдир юлқиб олай деб,
 кўкрагимдан итарди,
 “Мен ўзимни бермасман”, –
 юрак тўфон кўтарди.
 Ҳар ким уммон тубидан
 излаб юрар керагин.
 Ўз-ўзимни топмоққа
 яраб тургин, юрагим.
 Нелар кечар, билмадим,
 буюк уммон тубини.
 Юрак, енгиб ўтсанг, бас,
 тўфонларнинг юкини.

Лолажон

Каммиди, тошларни ёриб чиққанинг,
 Қора тун кўйнида оғриб чиққанинг,
 Тонг маҳал офтобдай ғолиб чиққанинг,
 Кўксимни захларга босган боламан,
 Сенинг дардгинангни ўзим оламан!

Мен дардни симирсам, лим-лим косасан,
 Қип-қизил чўғ бўлиб, лабинг босасан,
 Сен ёлғиз суйганим – гўзал, тозасан,
 Ошиқлар энгикар қучиб шалола,
 Сен асли муҳаббат, севгисан, лола!

Сен гўё музаффар, ғолиб байроқсан,
 Тоғлар тепасида ёнган чироқсан,
 Кимгадир яқинсан, кимга йироқсан.
 Митти қўлларини чўзар болажон,
 Меҳрингдан айирма, мени лолажон!

Битмас сафар

Олисларга кетмоғим тайин,
 Кўнгилга сайр қилмоғим учун.
 Сендан олис кетганим сайин
 Ҳис этгайман севгининг кучин.

Нима қилай, кетгим келади,
 Ўз-ўзимдан кечиб гоҳида.
 Бир сўзни рост айтгим келади,
 Соғинч унар дил япроғида.



Сафардасан, манзил ҳам йирок,
 Ёдда қолар, кўрганинг бари.
 Сафарлар ҳам қарийди, бироқ,
 Тугамайди кўнгил сафари.

О, нақадар кенгсан, чексизсан,
 Измингдаман, не десанг, кўндим.
 Гоҳо баҳор, гоҳида кузсан,
 Поёнингга етмадим, кўнглим!

Ватан манзаралари

Рухсор момо урчуқ йигирар,
 Очар гоҳо кўнгил дафтарин.
 Бор меҳрини ипга ўгирар,
 Айлантирар гўё ер шарин.
 Айлантирар кўз тикиб шифтга,
 Юрагидан узар зиёни.
 Меҳр деган узун бир ипга
 Боғлаб қўяр гўё дунёни.
 Турфа туғён, турфа инсонлар,
 Кимдир ипдан гилам тўқийди.
 Олти ёшли Ҳасан-Ҳусанлар
 Китобларни тинмай ўқийди.
 Даласига сув тарар деҳқон,
 Оқизади ниҳолга шарбат.
 Сизда агар топилса имкон,
 Кириб ўтинг бу уйга, албат.
 Икки дарё оралигида
 Дунёни даст кўтарган бола.
 Қуёш рақсга тушар боғида,
 Тонг уфқида қизарар лола.
 Дил боғидан меҳр теради,
 Хуш даврага чорлар улфатни.
 Юрагида асраб юради,
 Шукроналик деган неъматни.
 Узиб олар ойни бирпасда,
 Титратади еру самони.
 Дунё аҳли мудом ҳавасда,
 Дилга туяр қадим навони.
 Кексаларин қўли дуода,
 Ёшлар элнинг суянчи бўлган.
 Бунда қадр, меҳнат зиёда,
 Изланганинг толеи кулган.
 Шижоатга йўғрилган юрак,
 Тупроғида олтин унади.
 Шу заминга ёғилар тилак,
 Шу заминга бахтлар қўнади.





НАСР



Тилаб МАҲМУДОВ

1936 йилда тугилган. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетининг журналистика бўлимини тамомлаган. Унинг “Оқар дарё оқмасмиди жимгина”, “Омонат дунё” ҳикоялар тўпламлари, “Санъаткор таланти ва жамият”, “Рангасвир эстетикаси”, “Эстетика ва маънавий қадриятлар”, “Авесто” ҳақида”, “Комиллик асрорлари” сингари китоблари нашр қилинган.

ҚОРА ПАЛЬТО

Хумсондан келиб шаҳарда ўқидим. Бултур қишда изғиринда букилиб, қорда йиқилиб қишни бир амаллаб ўтказган эдим. Бошимдаги мушукми, куён терисиданми қўлбола тикилган қулоқчиннинг фойдаси кам бўлди. Қиш одамнинг оёғи билан эгнига ёпишар экан. Қишда юриш-туриш, кўринишинг деразадай хувуллаб қолади.

Онам билан Маҳбуба опамга шаҳарда ўқиб юрганымда совуқнинг захри, қишнинг қаҳрини айтганимда иккаласи оғир аҳволга тушишди. Хумсон унақа совуқ эмас, у Хум-сонми, Қум-сонми, Қум-сангми, ишқилиб, атрофи тоғ билан ўралганидан совуқ ҳам, шамол ҳам, иссиқ ҳам тезда учиб кетмайди.

– Ана, – деди Маҳбуба опам. – Ҳеч хаёлимизга келмабди, куёвингизни урушда кийган шинели бор. Шунини бузиб Тилавойга пальто тиктириб берсак бўларкан.

Дастурхон четини чимчилаб ўтирган онамнинг ёшли киприклари силкинди, қош-қовоғи ёришди.

Шинелни район марказидаги тикувчи Гартманга олиб бордик. У бир коп ёнғоққа пальто тикиб беришга рози бўлди.

– Жуда иссиқ пальто бўлади, – деди у менинг бўйим, елкамни ўлчар экан. – Катта одам бўлгунча тепкилаб киясан.

Гартман устимга қуйиб қўйгандай лойиқ пахта аврали пальто тикиб берди. Пальтони шаҳарга олиб жўнадим. Қиш ташвишидан қутулдим, деб юрган эдим, ёмғир кетидан сувли шуват ёққан кезларда маймун йиғлайдиган аҳволга тушдим. Шинель жундан тўқилганидан уни қаттиқ совуқда кийсанг жонинг киради. Ёмғирда қолдингми, ё паға-паға қор ёққанда кўчага чикдингми, уйга қайтгунча пахтали пальто тошдай оғирлашади. Уни на сиқиб, на қуришиб бўлади. Ивиган пальто уч кунгача жикқа ҳўл ётади. Танчага ёпаман, кечаси кўрпам устидан ташлайман, қани қуриса? Эртаси кунини кийишга мажбурман... Агар пальто ивимасин десам, соябон туттишим керак, лекин соябон отликқа йўғу мендек яланғоёққа топилармиди?



У пайтларда ўғил болалар алоҳида, қизлар алоҳида мактабларда ўқишарди. Гоҳо қизлар мактаби йиғинларига шу райондаги ўғил болалар мактаби ўқувчиларини чақириб, ўқитувчилар назоратида учрашувлар бўларди.

Биз Муқимий ҳаёти, ижодига бағишланган кеча ўтказдик. Мен асосий маърузачи бўлдим. Муқимийга бағишланган шеър билан маърузамни яқунладим:

*...Замондин кўрмайин заррача шафқат,
Фарёд деб ўтдилар Муқимий, Фурқат...
Уларни ўради қайғу ва кулфат,
Ўтдилар бозаро қилмайин суҳбат.
Муқимий қалбининг нозик торини,
Аламлар, хўрликлар, йиғилар чертди.
Муқимий қайд қилар баҳор борини,
Гулистон, бўстонда юрган ёрини...*

Кутилмаган қарсақлар янграб, баланд-паст қийқирик, олқишлар бўлди. Адабиёт ўқитувчимиз бағрига босиб, “Балли, ўғлим, сендан шоир чиқмасаям, ўқийбергин, ёзабер”, деди.

Кеча тугаб ташқарига бирин-кетин жўнаганимизда кўшни мактаб қизлари терак тагида давра тортиб туришарди. Уларнинг ёнидан ўтаётганимда бир қиз келиб “Кечирасиз, сизни бир минутга мумкинми”, – деди. Бунини эшитган ўртоқларим қийқиришиб жўнашди. Қизлар даврасига яқинлашдим. Биттаси бугунги шеърни беришимни, биттаси дафтарини тутиб дастхат ёзишимни, бошқаси маърузам матнини сўради. Қизларни Кўкчадаги трамвай бекатигача кузатдим. Қизлар тезда тарқалишди, иккитаси кетмади. Танишдик. Бирининг исми Назира, иккинчиси Малика. Мен Тилавойман. Уларни Себзоргача кузатиб қўйдим. Адабиётдан ёзма ишларимни уларга бериб турадиган, керак бўлганда, улардан оладиган бўлдим. Дам олиш куни Хадрадаги кинотеатр олдида учрашишга ваъдалашдик.

Учрашувга Маликанинг бир ўзи келди. Мен ҳам Назира эмас, Малика келганидан қувондим. Кинога тушдик. Навоий кўчасида бироз айландик. Маликага эркин мавзуда ёзилган ёзма ишимни бердим. У кейинги ҳафта қайтариб бермоқчи бўлди.

Бир неча ой ана шундай ўтиб кетди. Қиш кирди. Ёғингарчилик бошла ниши билан менинг бултурги ташвишим кўзғалди. Бир куни Малика билан кинодан чиқсак, ёмғир томчилаяпти. Хадрадан Себзоргача пиёда бордик. Маликанинг уйига яқинлашмагунча томчилаётган ёмғир фақат менинг устимга тушаётгандай туюлди. Бир қоп ёнғоқ орқалаган одамдай терлаб кетдим. Бунини сезган Малика: “Пальтонгиз ивиди, бу ёғи маҳалламиз, энди кузатманг” деди-да, хайрлашиб кетди. Азбаройи пальто оғирлигидан тўхтаб турган трамвайга югуриб ҳам етолмадим.

Бу аҳвол кўп марта такрорланди. Қор ёғишини болалигимда қанчалик яхши кўрсам, энди осмоннинг қовоғи солиқ куни юрагим орқамга тортиб

кетади. Бугун яна қор, ёмғир ёғадими, яна уйга ивиб-бўкиб келаманми, деб ташвиш тортаман. Шу пальтодан қутулиш йўлини ўйладим. Унинг қанчалик оғирлигини менчалик ким ҳам билади? Сотиб, ўрнига бошқа енгилроғини олсам-чи? “Сотолмасам алмаштираман” дедим-да, дам олиш кунни эрталаб Хастимомнинг олдидаги ёйма бозорга жўнадим. Ҳар эҳтимолга қарши Маҳбуба опам берган ўн сўмлик қизил пулни чўнтагимга солиб қўйдим. Мабодо, яхши пальто учраб қолсаю, эгаси рози бўлмаса шу ўн сўмни кўшиб бераман, ундан кейин учрашувларга янги пальтода бораман, унда бошқача кўринсам керак.

...Бозор тўла одам. Умримда биринчи марта бунақа бозорда олди-берди қилишим. Пальтони елкамга ташлаб бозорни айланиб юрдим. Харидор чиқмади. Кейин уни кўлимга олиб: “Кимга пальто, кимга пальто?” – деб овоз чиқарган бўлдим. Тиқилинч. Кимдир аёллар кўйлагини силкитади, иккинчиси қалпоғини мақтайди, учинчиси костюм-шим таклиф этади, бошқаси майин жунли рўмолни ғижимлаб кўрсатади, кимдир... ишқилиб, кимда нима бўлса, шуни сотиш дардида. Пальтомга ҳеч ким қарамади.

Бир маҳал пальто, плащ, нимча ушлаб турган одамлар орасига кириб қолдим. Кўзим тим қора пальтога тушиши билан юрагим “шиғ” этиб кетди. Уни ўрта бўйли, қўнғиз мўйловли киши ушлаб турарди. Унинг ёнига бордим.

– Сотасизми? – деб сўрадим.

– Сотаман, – деди у.

– Ё алмаштирасизми?

– Сенга қайси бири маъқул бўлса – шу, – дея кўлимдаги пальтога қаради. Кейин мендан пальтони олиб у ёқ-бу ёғига разм солди. Ичини очиб кўрди. “Ҳафсала қилибди” деди.

– Қани буни кийиб кўр-чи, – деди елкамга қора пальтони илиб.

Умримда биринчи марта бегона одам менга пальто кийдираётганидан бошқача бўлиб қолдим. Устимдаги пальто худди ажойиб, қимматбаҳо нарсадай туюлди. Тиззамдан пастини қоплаб турган, енги елкамга осилиброк тушган пальто бирам енгил эдики...

– Ўғлим, сенга жуда ярашди-ку, яна размери ҳам тўғри келди, – деди пальто эгаси.

Мен худди пальтони ойна олдида томоша қилгандай ён-беримга энгашиб қўйдим. Энгашсам, пальто этаги ерга теккудай, чўнтагига кўлимни тикаман десам, чўнтак пастроқда, “ҳечқиси йўқ” дедим ичимда, пальтода чўнтак асосий нарса эмас, у иссиқ, енгиллиги яхши. Қора пальтода баданим қизигандан кейин уни ечгим келмади.

– Энди нима қиламиз? – дедим.

– Агар сенга ёқса, – деди қора пальтонинг эгаси. – Мен алмаштиришга розиман, фақат устига бироз кўшишингга тўғри келади.

– Ўн сўмдан ортиқ пулим йўқ, – дедим ҳеч шу қизил пулни бергим келмай.

Чунки унга яшашим керак, Кўкчада бир чойнак чой ўн тийин туради.

– Уст-бошинг омон бўлса пул топилади, окоси, – деди у қатъий. – Бу пальтога харидорлар кўп. Сенга хизмат қилади, чарчамай қиясан...

Ёнимда йўлимга, эртага чойхонага пулим камлигига ачинмай, шундай қора пальтоли бўлишдан оғзим қулоғимга етди. Кўкчадаги маҳалламизга пиёда жўнадим, ҳовлига кирсам, Санобар кеннойи уйда экан. У мени қора пальтода кўрдию ағрайиб қолди. Тиржайиб яқинлашдим.

– Сенмисан, Тилавой? – деди мийиғида кулиб. – Уйимизга циркда ишлайдиган қизиқчи келиб қолдими, деб ўйлабман. Пальто муборак бўлсин!

– Раҳмат, кеннойи, қалай, яхшими, ярашибдими? – сўрадим мақтов тагига кўмиладигандай ҳовлиқиб.

– Сотиб олдингми?

– Шунақа пальтони арзонга берадими?

– Мен текинга ҳам олмас эдим, – деди Санобар кеннойи.

Нафасим ичимга тушиб, устимдаги узун пальтодан багтар шалвираб қолдим.

– Ростданми? – дедим энтиқиб.

Санобар кеннойи пальто икки-уч размер катталигини, тепкилаб кийилгандан титилиб кетгани, елкалари осилиб тургани, яна бунинг устига куя тушганини кўрсатиб, беш сўмга арзимайдиган пальто устига яна ўн сўм кўшиб берганимни эшитиб, жаҳли чиқди.

– Ажаб бўпти, хўп бўпти, энди бунақа аҳмоқликни қайтармайсан, – деди.

Майли, деб ўзимни босдим, пальто қанақа бўлсаям аввало қора, кеннойининг гапига қараганда, драп деган газламадан тикилган, ўзимникига ўхшаб пахтали эмас, осмондан тўкиладиган қор, ёмғирда ивимади. Кейин учрашувларга шинелда эмас, шаҳарли болаларга ўхшаб драп пальтода бораман. Тошкент Сибирмас-ку пахтали шинель кийсам?!

Малика билан учрашган биринчи кундаёқ у ўзимга эмас, устимдаги қора пальтога қаради. Кейин тезгина хайрлашиб кета қолди.

Шу кундан эътиборан қиз ўзгариб қолди. У ёзма ишларимга қалам тегизмай қайтариб берар, қизнинг ёзганларидан мен хато тополмас эдим. Бора-бора ёзма иш айирбошлаш саломлашишу хайрлашишдангина иборатга ўхшаб қолди, биз на кино, на театр, на хайвонот боғига борамиз, Маликанинг кўзлари худди қора пальтомни тешиб ташлаётгандай ғалати жавдирайверади. Охирги учрашувларимиздан бирида кинотеатр олдида уни анча кутдим, охири Маликанинг келмаслигини тушуниб, ёмғир эриниб томчилай бошлаган пайтда унинг Қора тут маҳалласидаги ҳовлисини эслаб трамвай, автобусларнинг “Себзор ҳаммоми” бекати томонга жўнадим.

Кун совуқ, изғирин бурним билан қулоқларимни чимчилагани-чимчиллаган, ёзма ишларни қўйнимга, қўлларимни қора пальто чўнтагига тикай десам, чўнтақлар анча пастда, ноилож, бармоқларимни енгим ичига тортиб кетдим.

Вақт пешиндан оғди. Қора тут маҳалласига етиб келганимда ёмғир тинмаган, бўғотлардан оққан сув кўчани лойқалатиб жар томонга чопарди. Ўзимни дарвоза панасига олиб Маликаларнинг эшик кўнғироғини босдим.

Эшик очилиб Малика кўринди, у бир зум тикилиб турди-да қайтиб ич-

карига кириб кетди, ёмғирдан қочиб дарвозахона четига ўтганимда у ёзма ишларимни қўлтиқлаб чиқди.

– Бу йил мактабдан кейин қаерга ўқишга кирмоқчисиз? – деди Малика секин. – Мустақил ишларингиз ёқмади. Уйғун, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжонларни осмонга кўтариб, бошқаларни эсламагансиз. Осмонга тош отманг, тош дўлга қўшилиб яна бошингизга келиб урилмасин!

– Адабиёт ўқитувчимиз Абдулла Қаҳҳор ҳақида ёзаяпти, – дедим мен. – Шу ўқитувчим маслаҳатига қараб ёзма иш қоралайман.

– Менинг фикримча, – деди Малика. – Бировнинг гапига қараб эмас, ўзингиздан келиб чиқиб ёзган яхши, ўйлаб кўринг.

Ҳали суҳбат охирига бормай ёмғир кучайди. Ёзма ишлар қўлдан қўлга ўтаётганда мен Хастимом бозорида учратган, қора пальтони елкасига ташлаб, “окоси” деб мақтаган мўйловли киши пайдо бўлди. Маликага қараб қовоғини уйди-да, ичкарига кириб кетди.

Мен Малика билан хайрлашмай ҳам жўнаворсамми деб турган пайтим дарвоза очилиб, ҳалиги “окоси” билан бир аёл пайдо бўлди. “Мўйлов” индамай келди-да, эгнимдаги қора пальтони еча бошлади. Пальто “окоси”нинг билагига осилиб тушган замон дарвозага суялиб турган аёл қўлтиғидаги шинель пальтони узатди. “Окоси” эса ёнидан ўн сўмлик қизил пул чиқариб, узатди-да: “Борақол энди, йўлингдан адашма” деб, кизини ҳовли ичига итариб юборди.

Мен шовуллаган ёмғир пардаси тагида югурганча Себзор бекатига, трамвайга илиниш учун югурдим. Йўқса, пальтом яна ивиши, мен шу оғир матоҳни елкамда кўтара олмай қийналиб қолишим аниқ эди.

ИЧ КЎЙЛАК

“Рассом ва табиат” кўргазмаси май ойи охирларида очилди. Иброҳимнинг асарлари олдида санъатсеварлар тўпланишди. Уни суратга олишди, радио, телевизор орқали бериладиган суҳбатга тортишди. У бошқа рассомларнинг асарларини ҳам кўриб, зални айланиб чиққанда хо-риж ваколатхоналаридан келганлар қуршаб олишди.

– Менга асарларингиз ёқди, – деди ўрта бўйли, оқ-сарик юзли йигит. – Мен Америка элчисиман, картиналарингиздан ҳайратландим, бунақа манзара, кўча, бинолар, ҳар бир миллат юкини кўтариб туради, аммо давр ўйинлари ичида улар аста-аста йўқолиб кетиши мумкин. Картиналарингиз одамларга “Огоҳ бўлинг, довдираб қолманг, ўзлигингизни йўқотмай сақлаб қолинг”, деётгандек. XXI аср тасвирда тасодифларни ҳам уйғотмоқда, сиз уларда миллат ҳаётини кўрсатишга уста экансиз.

– Раҳмат, жаноб, – деди Иброҳим. – Биз миллий рассоммиз, асарларимиз фақат шахсимизни эмас, миллат ҳаётини ҳам кўрсатиши керак-да!

– Гапингиз тўғри, – деди элчи. – Шу асарларингиз ичида сотиладигани борми?

Иброҳим ўйланиб қолди. Нима дейиш керак? Агар “бор” деса чет элликлар жуда арзонга олишади, деган гапни эшитган, унинг бунга хоҳиши йўқ. “Йўқ” дейишга кўнгли чопмаяпти.

– “Йўқ” ҳам, “Бор” ҳам, – деди ниҳоят.

Элчи қўлини бигиз қилиб учта картинани кўрсатди:

– Мана шуларни сотиб олишим мумкин, нима дейсиз? Агар рози бўлсангиз, Америкага бориб келасиз, бизда ҳам кўрғазмангиз очилади. Тўғриси айтсам, бизда модернизм, авангард рассом хаёлида туғиладиган кўча, биноларни безаб, чўнтагини тежаб, кўзни ўйнатадиган, дунё айланадиган эълон асарлар сочилиб ётибди. Лекин Шарқ сир-синаотини намоян қиладиган картиналар йўқ. Асарларингизни кўрса, Шарқ санъатининг шайдолари хурсанд бўлса ажабмас.

– Мен розиману, лекин Америкага бориб келишга имкониятим йўқ, – деди Иброҳим.

– Мана шу учта картинага уч минг доллар берамиз, йўлкирангизга, ётоғингизга етади, кўрғазмани ўзимиз уюштирамиз, розимисиз?

Иброҳим бошини эгиб, элчига қўлини чўзди. Бир неча кун ўтгач, Нью-Йоркда бўладиган кўрғазмага тайёргарлик бошланди...

Иброҳим Нью-Йоркда ўн кун бўлди, меҳмонхонада яшади, шаҳарни айланишга вақти етади. Кўрғазма очилишида жинси кийган, сочлари патила бир гала ёш йигит-қизлар, камтарона бўйинбоғ таққан аллақандай жаноблар, узун кўйлак кийган калтасоч хонимлар, оппоқ тишлари ярақлаб жилмайган қоп-қора кишилар қатнашишди. Бир соат ичида кўрғазма залида санокли одам қолди. Баъзи рассомлар картиналар олдида кулиб, яйраб туришди-ю, унга ҳеч нарса демай чиқиб кетишди. Харидор йўқлигидан сотувчи зерикди. Кўнгли чўккан Иброҳим шаҳар айланишга жўнади. У осмонўпар иморатларга қараса дўпписи ерга тушиб кетгудай, кўп қаватли бинолар тепасидаги булут ёмғир тўкишдан чарчамайди. Бу аҳволда шаҳар айланиб бўладими? Кўзингни ўйнатиб, миянгни ўйлатиб қўядиган манзара кўринмаса, ҳаво бир очилиб, бир қовоғини осилтиради, худди денгиз устингга ёпирилаётгандай панароқ жойга югурасан.

Қуёшдан дарак йўқ, ёмғир томчилади, кўчалардаги яккам-дуккам дарахтлар бошини эгиб, биноларга ёпиштирилган эълонлар кўзни ўйнатиб ёнарди. Баҳайбат бино ёнидан ўтаётганда Иброҳим магазинда аёлларга мўлжалланган буюмларга кўзи тушди. Ёнидаги пули бужмайиб қолганига қарамай хотинига бир нима олгиси келди. Ҳамма нарса қиммат, арзонлари кўзга илинмас, унинг ёнида фақат тўрт юз доллар қолган, у на кўйлакка, на аёллар пальтосига етади. Бир вақт манекенга кийгазилган чиройли ич кўйлакка кўзи тушди-ю, шартга тўрт юз долларни кассага тўлади. Чиройли ич кўйлак минг долларликлардан қолишмайдигандай туюлди, “Хотиним ҳойнаҳой, хурсанд бўлар, бу нарса бизнинг севги дардимиз, ҳеч бўлмаса гардимизни тозалар”, деди-да, ич кўйлак ўралган чиройли боғламни бағрига босиб магазиндан чиқиб кетди.

...Хотини чамадонни титкилар экан, букласа бир сиқим келадиган,

хитой қоғозидай юпқа, рўмолчадай силлиқ, майин ич кўйлакни кўрди. Иброҳимнинг: “Тўрт юз долларга олдим, сенга жа ярашади”, – деганини эшитиб, ич кўйлакнинг қанчалик бежиримлигини сезса-да, уни елкасидан пастга қараб ўлчади-да, бирдан қовоғи осилди.

– Шу ич кўйлакни тўрт юз долларга олгандан кўра пулингизни қайтариб олиб келсангиз бир нима бўлармиди?

– Сени хурсанд қилай дедим, онаси, – деди Иброҳим.

– Тўрт юз доллар ҳозир бир миллион сўмдан кўп-а, тавба, ўйлаб иш қилдингизми? Пулингиз бўёқ, мато, мўйқаламга етмаса! Ич кўйлак ўрнига кондиционер олиб берсангиз бўлмасмиди? Хоналаримиз на ёзда совийди, на қишда исийди.

– Шунча йилда битмаган рўзғор шу тўрт юз долларга қараб қолувмиди, ҳамма нарса навбат билан-да! – деди Иброҳим.

– Навбат ўлсин, – зорланди хотини. – Тўрт ойдан кейин элликка кирасиз, шахсий кўргазмангиз бўлади, зора асарларингиз сотиб олинса. Кўргазма навбат билан очилади, дейсиз. Санаторийларда дам олайлик десам, бизга навбат келмаган дейсиз, Сиз ҳаётдаги ҳамма ишлар навбати охирида турасиз, навбатимиз узун-да дейсиз!

– Меҳрибоним, бу нима, ичингдаги дардларни мен Америкага бориб келишимга сақлаб юрганмидинг, – деди Иброҳим. – Кўнглингни кўтараман деб шунча йўлдан ич кўйлак олиб келсам, уния, мениям дабдала қилмоқчимисан? Раҳмат, яна чиройли нарсалар олиб беринг, десанг бир жойинг камайиб қоладими?

– Камайган! Бундан беш баттари бўлмайди. Қайси аёлда тўрт юз долларлик ич кўйлак кўргансиз? Битта ич кўйлак олиб келдим, деб тилимни қичитмоқчимисиз ёки оғзимни боғламоқчимисиз? Вақтида кўзим очилмаган экан. Рассомлар ғалати бўлади, баъзилари бўёқлар ичида ухлашади, оила, рўзғордан кўра тоғ-тошларни, ёмғиру қорни, гулларни яхши кўради, кейин яланғоч аёлларга ўч бўлади, дейишса, ишонмай юрибман-а!

– Жон аяси, – ялинди Иброҳим. – Шу бугун дийдиёни кўй. Яхши нарсалардан гаплашайлик. Эртага нима десанг, хўп. Ич кўйлак тўғри келмади, десанг, майли. Кўзим сени фақат шу кўйлақда кўрақолсин. Ҳозир бир кийиб чиқ, томоша қилай!

Улар тезда ярашиб олишди, ораларидаги дилхиралик шўрвага тушган пашпадай анча вақт бужмайиб қолди.

Кун ўтган сари ич кўйлак унутилди, Иброҳим сўрамас, хотини чурк этмасди. Иброҳимнинг эллик йиллигига очиладиган шахсий кўргазмасига яқин қолганда у кечасию кундузи ишлади. Ўтган кўргазмада фақат манзара, этюд, натюрмортларини, қишлоқ, шаҳар манзараларини намойиш этиб Америкага бориб келган бўлса, бу гал барча асарларини тўплади, янги картиналар яратди, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хиванинг қадимий кўча, бино кўринишларига ранг-баранг жило берди, тасвирларида халқ ижодиёти, миниатюра йўлларига кўз ташлади. Ниҳоят, қутилган кун етиб келди.

Бугун соат бешда Иброҳимнинг шахсий юбилей кўргазмаси очила-

ди. Хотини одатда унинг ҳар бир кўрғазмасига бир ой ўзича тайёргарлик кўрарди, таниш-билиш, қариндош-уруғларгача хабар қилиб чиқарди. Бугун эса нонушта пайтида:

– Иброҳим ака, – деди. – Бугун байрамингиз, кўрғазмангиз очилади, ҳамманинг сизга кўзи тушади, шунга яраша кўринишингиз керак.

– Масалан, қандай? – сўради Иброҳим.

– Қанақа бўларди, – жавоб берди хотини. – Ҳозир ваннада яхшилаб чўмиласиз. Ўзингиз ишлаган асарлардай ёниб туринг. Истамбулдан келтирилган чарм плашням кийиб оласиз, кўринишингиз машҳур рассомлардай чиройли бўлсин, мен яна уялиб қолмай! Инсонда эллик ёш бир марта бўлади, сизни қувиб етай десам етакламайсиз, бир оғиз гап айтсам эртаклайсиз.

– Бугун ҳамма сўзим-сўз, бажаришингиз тап-тапу, хўп-хўп, майлими?

– Иброҳим ака, тўйимизда сизни яхшилаб кийинтирмаганмиз. Энди сиз мевали дарахтсиз, мен сизнинг соянгизман.

– Жонгинам, қанақа дарахт соя солганда ёнидан шундай атирлар таралдими, нима десанг шундан маст бўлиб, умр бўйи йўлдошинг бўлишга қасд қилганман.

– Йўлдошми, ё йўлдаги ошми? – сўради хотини. – Энди гапим охирини эшитинг, бугун чиройли кийинасиз.

– Албатта, костюмим тозалашхонадан олиб келиндими?

– Ҳожати йўқ.

– Нега?

– Чунки, киядиган костюмингиз янги. Жаҳлингиз чиқмаса айтаман. Сиз опкелган ич кўйлакни кийгим келмай тўрт юз долларга сотдим, бир тадбиркорнинг хотини сотиб олди. Пулига йиққанларимни кўрасиз, бутунлай бошқа одам бўлиб кўринасиз.

– Ахир у сенга совға эди-ку!

– Мени ҳам сизга совға қилгим келди, ишингиз юришиб, бирор асарингизни сотиб олувчи топилса, пулига пахтадан тикилган ич кўйлак олиб берасиз, хўпми?

Иброҳим ўзини диванга ташлаб кўзини юмиб, бошини чангаллади. Хотини шим билан кўйлакни дазмоллар экан:

– Мен тайёр бўлгунча сартарошхонага киринг, – деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. – Сочингиз елкангизга саватдай ўсиб тушибди. Гапга тегмайдиган қилиб олдилинг, майлими? Борақолинг. Кейин тез қайтиб келинг, яна устахонангизда қолиб кетманг!



НАЗМ



Зухра БЕГИМ

1975 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг “Умид баҳори”, “Севгимга битилган нома-лар”, “Кўклам нафаси”, “Болаларга бахшида олам”, “Кўнгил фасли” номли шеъррий ҳамда “Оқибат” номли насрий тўпламлари нашр этилган.

Мангу руҳлар суҳбати

Достон

*Тори узилса ҳам саз аталур саз,
Бошдан туғилганда ҳам тоғ барибир тоғ.*

Муҳаммад АЛИ

Самарқанд... Тонг отмоқда,
Зулмат ортга чекинар.
Юлдузларга бош бўлиб
Ой осмонга бекинар.
Уфқ бағри қип-қизил,
Куёш лабин кўяди.
Сийрак-сайрак булутлар
Кўк бағрини бўяйди.
Дарахтларнинг шохлари
Силкинар, эсса шамол.
Мени олис ўтмишга
Олиб кетади хаёл.
Атроф жимжит, минорлар
Унсиз боқиб сўзлашар.
Мангу руҳлар кезиниб,
Бир-бирини излашар.
Ҳамиша дил-дилимда
Улуғларнинг ҳурмати.
Мангу давом этади
Мангу руҳлар суҳбати...



2

Темур бобом қабрини
Тавоф айлаб тиз чўқдим.
Тўлиқиб кетиб шунда
Кўзларимдан ёш тўқдим.
Билмам, қанча ўтди вақт
Узоқ хаёллар сурдим.
Мақбаранинг ёнида
Ажиб мўъжиза кўрдим.
Ердан олов отилиб,
Қабрлар ланг очилди.
Улуғ зотлар тирилиб,
Илоҳий нур сочилди.
Амир Темур авлоди
Жам бўлдилар бир зумда.
Саййид Барака хайрон,
Хитоб айлади шунда:
– Ох, Темурбек, султоним,
Не йўсинга йўйдингиз?
Оёқ остида ётиб,
Хижолатга қўйдингиз.
– Пирим, сира ранжиманг,
Сизга эъзозим чексиз.
Сиз – ҳаётим мазмуни,
Сиз менга руҳсиз, эрксиз!
Умрбоқий маслагим,
Дилга жойласам, дейман.
Пойингизга бош қўйиб,
Бошга кўтарсам, дейман...



3

Ҳар тарафдан ёғилди,
Муршид-муридга олқиш.
Улуғбекни дард эзар,
Кўзларида ғам, ташвиш.
Сукутга толиб-толиб,
У осмонга боқади.
Юлдузлар-ла дардлашиб,
Дилин дардга тоқади...

4

Мушки анбар таратиб,
Шабадалар елади.
Бибахоним оҳиста
Қадам ташлаб келади.
Ошпоқ шойи рўмоли





Ярашган юз-кўзига.
 Шоҳ гўзал маликасин
 Доим муштоқ сўзига.
 Бибихоним султонин
 Салобатини кўрар.
 Кўзидан меҳр туйиб,
 Секин ҳол-аҳвол сўрар:
 – Омонмисиз, султоним,
 Сиздан айрилиб қолдик?
 Қабрингизни очган кун
 Дилимиздан дод солдик.
 Жисмингизни тилкалаб,
 Кимлардир олиб кетди.
 Ҳувиллаб қолди шаҳар,
 Додимиз кўкка етди.
 Уруш бошламоқ бўлиб,
 Ёпирилди қора ёв.
 Келаётган офатга
 Беролмасди ҳеч ким дов.
 Ҳар тарафда ғалаён,
 Дупур-дупур чопди от.
 Жангту жадал авж олиб,
 Бошланди оғир ҳаёт.
 Нотинч руҳлар исёни
 Бир лаҳза ҳам тинмади.
 Маъюс тортган кўзларга
 Сира уйқу инмади.
 Нажот истаб оломон
 Бош эгди пойингизга.
 Хайрият, қайтаришди
 Жаннати жойингизга!..

5

Темурбек маликасин
 Тинглагач сўзларини,
 Секингина жилмайди
 Тикканча кўзларини.
 Нур ёғилар юзидан,
 Барваста қадлу комат.
 Мардликка бўйин берган
 Томирида шижоат.
 Элнинг дарду ғамида
 Бир мақсадни кўзлайди.
 Бибихонимга қараб,
 Меҳр билан сўзлайди:
 – Кўнгилдошим – маликам,
 Сўзингиз дилга малҳам.
 Бу қандай иноятки,



Юз кўришдик жамулжам?!
 Ўтган кунларнинг ёди
 Кўз ўнгимдан кетмас ҳеч.
 Танамдаги оғриқнинг
 Жароҳати битмас ҳеч.
 Дедим: “Куч – адолатда!”
 Бу сўзимдан қайтмасман.
 Ким бунга қарши чиқса,
 Қабримда тинч ётмасман.
 – Олампаҳо, тинчланинг,
 Адолат топди қарор.
 Бугун элга бош сиздек
 Фидойи, мард, ҳукмдор.
 Мустақиллик барчага
 Келди қадами қулғу.
 Ёришди ғамгин юзлар,
 Дили қувончга тўлуғ.
 Қаранг, шаҳар осойиш,
 Одамлари тинч-тотув.
 Сиз ёқтирган фаввора
 Тинмай сочар биллур сув.
 Гўзаллашиб бормоқда:
 Ҳар ёнда гул, чаманзор.
 Қадимият шаҳарнинг
 Ўзгача бир файзи бор.
 – Сўзингиз рост, маликам,
 Ҳар кун юртни кезаман.
 Кўриб эзгу ишларни,
 Шижоатни сезаман.
 Кешда туғилдим, тақдир
 Самарқандга йўллади.
 Хизрнинг дуолари
 Ҳар ишимни қўллади.
 Чин дилдан кўнгил боғлаб,
 Қадам ранжида қилдим.
 Тупроғин кўзга суртиб,
 Қадрин муқаддас билдим...

6

Доим қўллаб тургайдир
 Амир Темурнинг руҳи.
 Кезар юртга муносиб
 Инсонларнинг шуқуҳи.
 Гул очилар боғларда,
 Хушбўй хидлар таратар.
 Сўлим гўша қўйнида
 Жону танни яйратар.
 Мироншоҳ, Шоҳрух Мирзо





Бориб ота изидан,
 Адолатга буйсуниб,
 Қайтмаган ўз сўзидан.
 Муҳаммад Султон мудом
 Бобосига эргашмиш.
 Қисмати бевақт фано
 Лек, бақода учрашмиш.
 Суюкли набирасин
 Бошини силар бобо.
 Давра куриб кечалар
 Дардига топгай даво.
 Улуғбек ҳам кўшилар
 Мазмунли суҳбатига.
 Тан бериб бобосининг
 Мисли йўқ кудратига.
 Мақбара майдонида
 Суҳбатлар қизиб кетар.
 Гавдаланган сиймолар
 Олис мозийга етар...

7

Амир Темур номини
 Бутун дунё билади.
 Зиёрат қилмоқ учун
 Самарқандга келади.
 Боғи Беҳишт боғлари,
 Боғинав, Боғишамол.
 Боғи Бўлду саройлар
 Кўрк бериб очмиш жамол.
 Муҳаммад Султон, дея,
 Мадрасага ном бермиш.
 Жоме масжидин излаб,
 Ҳикмат дурини термиш.
 Мақбара: Шоҳи Зинда,
 Руҳобод ва Оқсарой.
 Бибихоним – мўъжиза,
 Бағишлар юртга чирой...

8

“Тори узилса ҳамки,
 Соз аталур, албат, соз.
 Бошдан тушганда ҳам у
 Тож, барибир, албат, тож.”
 Бир Жаҳонгир тарихи
 Лол қилган асрларни.
 Кўзини мошдай очди
 Лой отган “басир”ларни.



Барча эзгу-ниятлар,
Ушалди, бўлмай рўё.
Соҳибқиронни бугун
Тан олди бутун дунё...

9

Самарқанд. Тонг отмоқда,
Зулмат ортга чекинар.
Юлдузларга бош бўлиб,
Ой осмонга бекинар.
Уфқ бағри кип-қизил,
Куёш лабин кўяди.
Сийрак-сийрак булутлар.
Кўк бағрини бўйяди.
Дарахтларнинг шохлари
Силкинар, эсса шамол.
Мени олис ўтмишга
Олиб кетади хаёл.
Атроф жимжит, минорлар
Унсиз бокиб сўзлашар.
Мангу руҳлар кезиниб,
Бир-бирини излашар.
Ҳамиша дил-дилимда
Боболарнинг ҳурмати.
Мангу давом этади
Мангу руҳлар суҳбати...



ҲУКМАТ

Билимли киши нимаданни сўзлай-
ди, сен унга қудоқ сод, агаблар
боши тилдир, уни тиймоқ зарур.

Аҳмад ЮГНАКИЙ





БИР ДАРАХТ НОВАДАЛАРИ



Халилла ДАВЛАТНАЗАРОВ

Қорақалпоғистон халқ шоири. 1952 йилда туғилган. Нукус давлат университетининг филология факультетини тугатган. Шоирнинг “Хат”, “Сен менга кераксан”, “Сен яхши қизсан”, “Ошиқ бўлмаган ким бор”, “Хуш қол, ёшлигим”, “Дўст бўлиш ҳаммининг кўлидан келмас”, “Алвидо, муҳаббат, алвидо”, “Ошиқ бўлиб яшанг” сингари шеърӣ китоблари қорақалпоқ тилида нашр этилган.

Қалбимнинг тубида балқийди меҳрим

Қорақалпоқ тупроғи

Элга эргаш, халқим, бергин кўлингни,
Истикбол ёритар умринг, йўлингни.
Бунда не кўқарса – бари бўлимли,
Асл тупроқдир қорақалпоқ тупроғи.

Эски Жайхун бўйи – макон, туроғи,
Ўзлигидан сўйлар ҳар нақш, куроғи.
Узоқ кетсанг тортар меҳригидай
Меҳр тупроғи – қорақалпоқ тупроғи.

Оқшом моҳ, кундуз шамс нури тўкилган,
Тиллардан шажара дури тўкилган,
Сир чертади тошбитик – Кул Тегиндан,
Қадим тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Шоир – жировлари дoston тўқийди,
Қалбини замона куши чўқийди,
Дунёнинг кўп сабоқларин ўқийди
Сирли тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Сўзлар – оҳанг билан тўлқинланган соз,
Бахшисида кумуш мавжли хушовоз,
Қизларида шунча сулувлиқ ва ноз,
Гўзал тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Бу ернинг юзига кўп тушган ажин,
Халқ деб шаҳид кетган Оллоёр, Нажим,
Ҳар авлод бош эгиб, қилади таъзим,
Улуғ тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.



Боболар бу юртни кўрғаган чоғи,
Гоҳ ёниб, гоҳ ўчди умид чироғи.
Қанча чинорларни йўқотди бевақт,
Дардли тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Едигенинг от ўйнаган ерлари,
Эрназарнинг қат-қат юрак дардлари,
Наврўз, Пиржон, Матекедай эрларни
Ўжар қилган қорақалпоқ тупроғи.

Тулпордай тобланган, бургутдай тулаб,
Яна ким бунингдек шимарар билак,
Дунёга бир келган Камол Қаллибек,
Сурма тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Бу тупроқ кўшларга бўлди чин она,
Ибройим, Тўлеплар ўқиб ҳамд-сано,
Пирларни бор қилган халққа тасанно,
Кутлуғ тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Кўп йиғиб олиниб элнинг қаймоғи,
Кўп қулаб-тикланган миллат байроғи.
Орзу-умид сутин эмган тойлари,
Армон тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Нари боравермай, қайтмайлик бери,
Кон-маъдан, қир-адир, эшиги-тўри,
Менделеевнинг барча элементлари
Жойлашган макондир бу юрт тупроғи.

Бунда не синоат? Бор қандай сири?
Устма-уст корилмиш ер-сув-кун нури.
Меҳригиё – оддий бўён томири,
Шифо тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Тухум олиб учган шамоллар, еллар,
Билган одам замин қадрин фаҳмлар,
Кўкдан бир илохий урилган дамлар,
Вали тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Маржон мевалари шириндан-ширин,
Қалбимнинг тубида балқийди меҳрим,
Манглайидин бир-бир келади суйгим,
Қизгин тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.

Бунда дупур солар даври давронлар,
Кўч тузайди дўстлик деган карвонлар,
Халқни қувонтирар асл дармонлар,
Сулув тупроқ – қорақалпоқ тупроғи.





Овул армонлари

Тандирдаги нон ҳиди
Таралар тонг азондан,
Ўт олади ўчоқлар,
Сут тошади қозондан.

Яйрар қизғиш чўрақлар
Сутга ийлаб ёпилган,
Турли неъмат, овқатлар
Дастурхондан топилган.

Кўли очик сахий бу –
Тўкин-сочин куз эди,
Чертиб, сайлаб палақдан
Отам қовун узади.

Эргашай деб мен унга
Маржон-маржон терладим.
Онамизнинг мен унча
Дам олганин кўрмадим.

Айланчиқлаб чирокни
Бўлиб муллазодадек,
Кўзимизнинг ёғини
Китобларга тўқардик.

Ўтиради онамиз
Уйимизни тўлдириб,
Чой ичади отамиз
Ўхшашини келтириб.

Бундай иссиқ, роҳатни
Шундай чўғли кўзимиз
Ҳаливери кўрмовдик
Эҳ-ҳа, ўша кезимиз.

Бул, бул умр, бул умр
Оқимини, сеҳрини
Учратмадим ҳеч қайда
Улуғ тафти – меҳрини.

* * *

Гунгранади, ун-тунсиз
Бояги оқ сўқмоқлар,
Ўкинчда қолган қалбим
Ўзин-ўзи тўқмоқлар.

Тебранишар дарахтлар
Алик олиб саломга,
Уларла тенг санчилган
Ниҳол эдим оламга.



Оқшом ўйин-мастлигин
 Куради қуш-овлари,
 Отар гурлаб-гувиллаб
 Қизариб ол тонглари.

Вафодорлик тимсоли
 Жуфт ёзмас жуфт қумрилар
 Дунё бўлса минг бўлак,
 Ажролмади ҳеч улар.

Жон-жонворлар не дейди,
 Мен уларни тинглайман?
 Ташвишсиз жон йўқ ўзи –
 Мунглари мунглайман.

Капалаклар ҳали шу,
 Елпаланиб учади.
 Ниначилар азонғи
 Пок шудрингни ичади.

Бу яшил юрт ушбу зар
 Тупроқлардан баҳр олар.
 Нектар йиғиб кун бўйи,
 Тинмайди боларилар...

Тўртликлар

Ҳикматли сўз қадрин боболар билар,
 Барча одам қулоқ тутавермайди.
 Катта араванинг изидан, ахир,
 Кичиги жон-жон деб юравермайди.

* * *

Чўп босар парвариш қилмаган гулни,
 Боғдан айирса, не бўлар булбулни?
 Боболар меросин ардоқлаб, сақлаб,
 Ота-онамиз деб билгаймиз тилни.

* * *

Дарё, кўлга қайнаб турган мавжлар керак,
 Ошиқларга дарду ҳижрон авжлар керак.
 Элу юртга тинчлик тиргак бўлаолар,
 Одамларга меҳр-муҳаббат, шафқат – тиргак.

*Қорақалпоқ тилидан
 Музаффар АҲМАД таржумаси*



Музаффар АҲМАД

1956 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Бир қатор шеърый китоблари чоп этилган. “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.





АДАБИЙ ТАНҚИД КЕНГАШИ



Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ

Филология фанлари доктори. 1953 йилда тузилган. Самарқанд давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультетини тамлаган. “Роман ва руҳият”, “Муқаддас сўз боқийлиги”, “Қисса поэтикаси”, “Қиссада бадий образ яратиши маҳорати” номли китоблари чоп этилган.

АДАБИЙ ЖАРАЁН ТАҲЛИЛИ

Ижод аҳлига берилган эркинлик адабиётда воқеликни турли бадий услубларда тасвирлашга уринишлар, хилма-хил изланишлар, ёндашувларни юзага келтирди. Сўзнинг бадий қудратини намоён этадиган, чинакам истеъдод билан яратилган, адабий жараёнда воқеа саналишга арзигулик асарлар пайдо бўлганлигини адабий танқидчилик холислик билан кўрсатиб бера олиши лозим. Мустақилликнинг адабий танқидга берган энг катта имконияти ҳам шундан иборат. Лекин таъкидлаб айтмоқ керакки, бу имкониятни воқеликка айлантириш, ундан фойдаланиш эса тўлалигича ижодкорнинг ўзига, мунаққидларга боғлиқ.

Адабий жараёндаги яратилаётган бадий асарларга ўз вақтида холис баҳо беришда, адабиётимизда кечаётган ўзгаришлар, пайдо бўлаётган янгиликлар моҳиятини теран англашда “Шарқ юлдузи” журналида босилаётган адабий-танқидий мақолаларнинг ҳам ўрни катта. Журналнинг ўтган йилги ҳар бир сониди “Адабиётшунослик” рукнида қўшлаб мақолалар эълон қилинди.

Рисолат Ҳайдарова таржимасида берилган Ролан Бартнинг “Муаллиф ўлими” мақоласи матннинг мазмун-моҳиятини англашда муаллиф ўрнини инкор этади ва матнни юзага келтирувчи ёзувнинг ҳал қилувчи аҳамиятини илгари суради. Айни пайтда журналда “Муаллиф ўлимига розимисиз?” саволи остида қизғин баҳс бўлиб ўтди. Ролан Бартнинг мақоласи модернизм, постмодернизм, сюрреализм каби оқимларнинг воқеликни бадий идрок этишнинг усуллари сифатида пайдо бўлганлиги туфайли юзага келган муаммоларни таҳлил этиш талабидан келиб чиққан. Мақола муаллифи қайбир жиҳатларда ҳақдек туюлади, воқеликни бадий акс эттиришда онгости сезимлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир пайтда ҳақиқатан ҳам матнда ифодаланган мазмун моҳиятини англашда муаллифнинг ўрни сезилмай қолади, уни ёзув йўқ қилади ва инқилобий эркинликни юзага келтиради. Бальзакнинг “Сарразин” новелласи келтириб чиқарган қатор саволларга жавоб излаган Ролан Барт ёзув ёзаётган кишининг жисмоний айнияти йўқолишига бош сабабчи деган хулосага келади.

Гўзал Умурованинг “Зулфия лирикасида туйғулар реализми” мақоласида шoirанинг “Ҳижрон кунларида” туркумига кирган шеърларини таҳлил қилган ва



уларда шоира маҳорати қай даражада намоён бўлганлигини кўрсатиб беришга интиланган.

Шоира Зулфиянинг бошқа бир қатор шеърларида ҳам туйғулар реализми маҳорат билан талқин этилганлиги, уларда шоира қаламининг сеҳри намоён бўлиши далилланган. “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри ҳақида айтилган фикрларда буни яққол кўриш мумкин. Аммо таҳлилларда қамровлилик етишмайди, шоира поэтик маҳорати ҳақида адабиётшуносликда айтилган фикрлар такрорланган ҳолатлар ҳам мавжуд.

“Драматургияда замондош қаҳрамон образи” мақоласи муаллифи Малика Фозилова ҳозирги кунда яратилаётган драматик асарларни таҳлил этган. Усмон Азим, Кўчқор Норқобил сингари драматурглар яратган асарларнинг долзарб замонавий мавзуларда эканлиги, уларда замондош қаҳрамонлар образларининг талқини ҳақида фикр юритилган. Мақола бугунги кунда драматургиямизнинг аҳволи, унинг ютуқлари ҳақида баҳс юритилганлиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

Болалар адабиёти улкан миллий адабиётимизнинг ажралмас қисми саналади. Болалар учун асар ёзиш ҳамиша қийин ва масъулиятли. Бунинг учун болаларга атаб асар ёзадиган ижодкор бола қалбини жуда яхши англаши, бир сўз билан айтганда, бола қалбли ижодкор бўлиши лозим. Ана шундай болалар шоири Турсунбой Адашбоев ижодий фаолияти давомида болалар қалбини чинакамига забт эта олган кўплаб асарлар яратди. Салим Ашур “Кичкинтойларнинг қатта шоири” мақоласида Турсунбой Адашбоев ижодий фаолияти, болалар адабиётини бойитган асарлари ҳақида самимий фикрлар билдирган.

Усмон Қобиловнинг “Ўзбек мумтоз адабиётида “Юсуфнома” мавзуси”, Феруза Ражабованинг “Аросатдаги шахс фожиаси талқини”, Шаҳодатбону Имомназарованинг “Халқ ўланларида поэтик такрор”, “Баҳс” рукни остида “Адабиёт – олдинда ёнган чироқ”, адабий меросимизни ўрганишга бағишланган Ҳабибулла Жўраевнинг “Бобур ва Умар Ҳайём” мақолалари босилган. Усмон Қобилов мақоласида Юсуф образининг мумтоз адабиётимизда талқини ва унда шаклланган анъаналар, бадийй такомил хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. “Аросатдаги шахс фожиаси талқини”да Назар Эшонкул асарлари қаҳрамонларининг бадийй гавдалантирилиши модернистик йўналишда рўёбга чиқиши асарлардан келтирилган иқтибослар воситасида далилланган.

“Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган адабий-танқидий мақолалар ҳозирги давр адабий жараёнини тушуниш, турли жанрларда турли бадийй усул ва воситаларда яратилаётган асарлар мазмун-моҳиятини англашда китобхонга кўмаклашиши жиҳатидан маърифий-эстетик қимматга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Шарқ юлдузи” журналининг 6-сони мундарижаси ҳақиқатан турфа мавзуларни қамраб олган. Ушбу сондаги Исломжон Ёкубовнинг “Адабий танқид – давр барометри” мақоласи диққатимизни тортди. Сарлавҳа долзарб мавзуни қамраб олишдан дарак бергандек ёки ваъда қилгандек таассурот қолдиради. Афсуски, сарлавҳада ваъда қилинганидек, мақола адабий танқиднинг долзарб муаммоларидан баҳс юритмаган. Мақола китобдаги мақолаларни хронологик тарзда кўрсатиб берган, чуқур таҳлилий ўринлар жуда кам.

“Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилаётган адабий-танқидий мақолалар миллий адабиётимизни жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бойитишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бир қаторда адабий-танқидий мақолалар таржималари ҳам бериб борилмоқдаки,

булар дунё адабиётида яратилган нодир асарларнинг мазмун-моҳияти, уларни яратган буюк сўз санъаткорларининг ижодий тажрибаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиб келяпти.

Наим Каримовнинг “Ойбек ва жаҳон адабиёти”¹ мақоласида янги ўзбек адабиётининг ривожланишида шоир ва адибларимизнинг таржимонлик фаолиятлари жуда катта ўрин тутганлиги кўрсатиб берилган. Улар орасида Ойбекнинг жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўгиришдаги маҳорати алоҳида эътиборга молик. 1926 йилда Ойбек Анатолий Франснинг “Башарият тарихи” ҳикоясини таржима қилган. Бу ибратли ҳикоя Ойбекка ўзбек китобхонларини жаҳон адабиётининг кўплаб нодир намуналари билан таништириш учун таржимачилик фаолияти билан астойдил шуғулланишида беқиёс илҳом бахш этганлиги аниқ. Мақолада Ойбекнинг таржимонлик фаолияти, шу орқали ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшганлиги тўлақонли очиб берилган.

Журналда Ортиқбой Абдуллаев таржима қилган Лилион Росснинг “Хемингуэй портрети” мақоласи берилган. Шундай буюк ёзувчининг шахси, ўзи яшаган давр адабий муҳитидаги ўрни, адабий жараёнга муносабати, ижодий лабораториясига хос белгилар нималардан иборатлиги ҳар қандай кишини қизиқтиради. “Хемингуэй портрети” да муаллиф уни ўзи қандай кашф этган, тушунган бўлса, шундайлигича тасвирлаган, характериға хос хусусиятларни учрашган пайтларидаги хатти-ҳаракатлари орқали, хотинига, дўстларига, ўғлиға муносабатларида ўзига хос тарзда акс эттирган. Хемингуэйнинг портретини Лилион Росс барча майда-чўйдасигача батафсил ёритишға ҳаракат қилган. Бу асар ўзбек ёзувчилари учун ҳам ижод масъулиятини ҳис этиш, ўзига хос ижодкор бўлиб етишишларида маълум аҳамиятға эға.

Турколог Сергей Ивановнинг “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони (Таржимоннинг асл нусхани шарҳлаш тажрибаси)” мақоласи Абдулла Шер томонидан таржима қилинган. Мақола Алишер Навоий асарларининг бошқа тилларға таржима қилишдаги мураккабликлар, бунда таржимоннинг масъулияти, асл матнни таржимада бера билиш маҳоратини ривожлантириш ҳақидаги фикрлар ғоят қимматлидир. Олим ва таржимон “дард” сўзи араб алифбосида “д-р-д” тарзида ёзилиши, уни дард (ғам, қайғу) тарзида ҳам, дурд (куюқ, куюқлик, куйқа) тарзида ҳам ўқиш мумкинлигини, таржимон буни “муки” деб таржима қилиб, асл матнни асосли шарҳлашға уринганлигини қайд этади. “Матннинг бадиий тузилиши”, “Вазн ва маром”, “Банд ва тимсол”, “Қофия”, “Радиф” сарлавҳали мақола бўлимларида ҳам таржима мураккабликлари, таржимоннинг асл матн устида ишлаш тажрибалари баён этилган.

Абдулла Улуғовнинг “Адабий қаҳрамон қадри” мақоласида² халқ оғзаки ижоди, энг қадимги адабий ёзма манбалардан тортиб шу кунгача яратилган асарларда адабий қаҳрамон муаммоси қандай ҳал этилганлиги хусусида баҳс юритилади. Адабий қаҳрамон бадиий асар бош ғоясини ифодаловчи асосий восита ҳисобланади. Адабий қаҳрамонлар портретларини яратишда Абдулла Қодирий маҳорати диққатға сазовор. Мунаққид Абдулла Улуғов буни алоҳида таъкидлайди. Адабий қаҳрамон муаммоси мунаққид томонидан жаҳон адабиётида яратилган энг сара асарлар мисолида очиб беришға ҳаракат қилинган.

Физика-математика фанлари доктори, профессор Мансурхон Тоировнинг “Инсон суратидаги раҳмон ва шайтон” мақоласи ўтган йили Нобель мукофотиға

¹ “Жаҳон адабиёти”, 2015 йил 2-сон, 130-139-бетлар

² “Жаҳон адабиёти” журнали. 2015 йил, 5-сон. 141-146-бетлар

сазовор бўлган белорус ёзувчиси ва публицисти Светлана Александровна Алексеевичнинг “Уруш аёл чеҳрали эмас” китобини шарҳлашга бағишланган. “Светлана Алексеевич Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган аёллар жасоратини кўрсатишни мақсад қилгани аниқ. Шу ўринда бир мулоҳаза пайдо бўлади. Нима учундир ёзувчи славян аёлларидан бўлак аёлларни қаламга олмайди. Ҳолбуки, бошқа миллатлар вакиллари, хусусан, бир миллиондан ортиқ ўзбек йигит-қизи жангтоҳларда жон олиб-жон берди”³, дейди муаллиф.

“Жаҳон адабиёти” журналида ўтган йили эълон қилинган адабий-танқидий мақолалар ўзбек адабиётшунослигини янада бойитди, миллий адабиётимизнинг жаҳон адабиёти тажрибаларидан баҳраманд бўлишида, жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга кўмаклашиши жиҳатидан муҳим аҳамиятга моликдир.

Миллий истиқлол ғояси атрофида бутун Ўзбекистон аҳлининг бирлашиши, шу азиз Ватан барчамизники эканлигини тўлақонли ҳис этиш борасида қалам аҳлига, ижодкор зиёлилар олдига қўяётган вазифалар ҳақиқатан залворли. Ушбу масалаларга тўхталганда, мамлакатимизда чоп этилаётган нашрлар саҳифаларига назар ташлаш лозим. “Тафаккур” журнали ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий нашр сифатида эътироф этилган. Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев билан суҳбат “Мўъжизани ким ярагади?” деб номланган. Абдуқаюм Йўлдошевнинг нафақат ёзувчи-ижодкор эканлиги, балки техника ва физика-математика каби фанлардан хабардорлиги ҳам суҳбат мавзусининг қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Академик Бахтиёр Назаровнинг “Фитрат ва Бунин” номли мақоласи Фитрат ижодини Иван Бунин ижоди билан типологик асосда ўрганилгани адабиётшунослигимиздаги ютуқ дейиш мумкин. Мақолада Фитратнинг ҳақли равишда соҳибқирон Амир Темур шахси улуғланган “Темур олдида” асари ва Иван Буниннинг “Темурхон ҳақида кўшиқ” асари қиёсан таҳлил этилади. Фитратнинг “Темур олдида” мансурасида лирик қаҳрамоннинг эрк истаган орзу-умидларининг саробга айланганлиги алам билан тасвирланган. Буниннинг “Темурхон ҳақида кўшиқ” ҳикоясига Қримдаги овлоқ қаҳвахонада бир тиланчининг Амир Темур ҳақида куйлаган кўшиғи асос қилиб олинган. Назаримизда, аналогик типологиядаги тенгсизлик шу ерда. Эрк ва хуррият, Туркистон озодлигини кўмсаган Фитратнинг лирик қаҳрамони билан қаҳвахонадаги тиланчи ўртасида маълум маънода ўхшашлик бўлса-да, типологик яқинликни шубҳа остига қўяди.

“Ёшлик” журналида босилган “Умуммиллий дардлар залвори”⁴ мақоласи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси тўртинчи китоби – “Шоҳрух Мирзо” романи таҳлиliga бағишланган. Мақолада роман жанрига хос хусусиятлар, эпик тасвир кўлами, қаҳрамонлар характерининг бадиий ифодаси, тасвир динамикасининг асар асосий ғоясининг очиб берилишидаги аҳамияти каби масалалар тўғрисида мунаққид ўз кузатишлари ва хулосаларини тақдим этади. Романнинг жанр хусусиятлари ҳақида фикр юритилар экан, сюжетнинг бир чизикли ёки кўп тармоқли бўлиши, ҳажмнинг катталиги ёки кичиклиги, қамраб олинган даврнинг узун ёки қисқалиги асосий белгилар ҳисобланмаслиги, роман юзага келиши учун романий муаммо, романий қаҳрамон ва романий тафаккур зарурлиги таъкидланади.

Мақола биргина “Шоҳрух Мирзо” романи ҳақида эмас, балки умуман “Улуғ салтанат” тетралогияси, уни яратишда ёзувчининг маҳорати қай даражада намо-

³ “Жаҳон адабиёти” журнали, 2015 йил, 11-сон, 123-бет.

⁴ Ёқубов Исломжон, Умуммиллий дардлар залвори, “Ёшлик” журнали, 2015 йил, 1-сон, 60-62-бетлар

ён бўлганлиги, асар бош ғоясининг бадиий талқини, роман жанрига хос хусусиятларнинг бўртиб туришида ёзувчининг холислиги, табиийликнинг устунлиги, тетралогиянинг номланиши бош ғоя – инсоннинг ўз-ўзини англаш муаммоси билан боғлиқлиги, асар сюжети дунё буржлари, табиат фасллари, инсон умри босқичларидаги тўрт унсурни ифодаловчи асосга қурилганлиги ҳақида баҳс этган. Мақолада тетралогия мустақиллик даври адабиётининг энг яхши асарларидан бири эканлигига урғу берилган. Мунаққиднинг асар бош ғояси бадиий талқини ҳақида билдирган кўпгина фикрлари эътиборга лойиқдир. Агар поэтик кашфиётлар моҳияти очиб берилганида мақоланинг илмийлик қиммати янада ошган бўлар эди.

Йўлдош Солижоновнинг “Изланиш бекатлари”⁵ мақоласи адабиёт майдонига анча кеч кириб келган, аммо шеърдан-шеърга, китобдан-китобга қалами чархланиб борган, истеъдодли шоир, ҳажвчи Абдунаби Бойқўзиев ижодига бағишланган. Абдунаби Бойқўзиевнинг ўтган аср етмишинчи йилларида яратилган “Тўрғай”, “Хотира”, “Мен туғилган юрт”, “Пабло Неруда”, “Юртдошлар” шеърларида исёнкорлик руҳи бўртиб туришини таъкидлайди. Мақола Абдунаби Бойқўзиев ижоди, унинг ютуқлари, истиқлол даври адабиётида тутган ўрнини англашда шеърият мухлисларига етарли маълумотлар беради. Абдунаби Бойқўзиевнинг адабиёт учун жонкуяр, фидойи кишилар саъй-ҳаракатлари билан кашф этилгани, истеъдодларни ҳамиша авайлаб-асраш ҳақидаги олим фикрлари диққатга сазовор.

Ёшлар ижоди бугунги адабиётимиз равнақида салмоқли ўрин тутди. Уларнинг поэтик фикрлашлари, воқеликни бадиий акс эттиришда янгича тафаккур йўсинлари, услуб ва воситаларга мурожаат қилаётганликлари чиндан ҳам қувонарли. Бугунги ёшлар шеърияти бундан ўттиз-қирқ йил олдин адабиёт майдонига кириб келган ёшлар шеъриятдан кескин фарқ қилади. Ҳар бир сўзга жуда катта маъно юқини юклаш, поэтик образларнинг ранг-баранглиги ва ўзига хослиги, оз сўз билан кўп фикрни ифодалай олиши, ташбеҳларнинг оригиналлиги, моддийликдан кўра ҳиссий тасвирларнинг устунлиги ёшлар бадиий тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари сифатида ҳақиқий шеър мухлисларининг эътиборини қозониб келмоқда. Жўрабек Жаҳон, Наргиза Одинаева, Шавкат Одилжон, Мафтуна Норматова, Нурхон Турғунбоева сингари ёш шоирлар ижодидан айрим шеърларни таҳлил этган мунаққид Абдулла Улуғов улар шеъриятига хос хусусият-ташбеҳларнинг оҳорлилиги, янгича бадиий тафаккур йўсинлари ҳақида мулоҳазалар юритган. Мақолада мунаққид шижоатли, фавқулудда истеъдод эгалари бўлган ёшлар ижодидаги энг яхши хусусиятларни, ижобий фазилатларни холислик билан кўрсатиб берган. Аммо айрим ўринларда олимнинг фазилат сифатида талқин қилган ёш ижодкорлар тажрибаси, бадиий кашфиётлари ҳали маромига етмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Наргиза Одинаева, Шавкат Одилжон ижоди хусусида айтилган фикрларда олим мақтовни бирмунча ошириб юборган. Наргиза Одинаева ижодидан келтирилган “Қисмат қозонида куйган бодрокман, Йўллар мени кутиб из тахлайверар, Шамол юрагимни варақлайверар. Кўнглим эшиклари тарақлайверар, Кўникиб қолганман бари-барига” мисралари ёки Шавкат Одилжоннинг “Бугун ўша анҳор бўйида” шеъридаги ички кечинмалари бадиийлик жиҳатидан ҳали тўла маромига етмаган.

Нурилла Чорининг “Ташвиши йўқ одамлар”⁶ ҳикояси ҳақида Назар Эшонкул,

⁵ Солижонов Йўлдош, Изланиш бекатлари, “Ёшлик” журнали. 2015 йил, 2-сон, 54-55-бетлар

⁶ “Ёшлик” журнали, 2015 йил. 7-сон. 46-47-бетлар.

Аҳмад Отабой, Саъдулла Қуроновлар самимий фикрлар билдиришган. “...менда ҳикоя якунига етмагандай, Бозиргон чол бевақт ўлим топгандай, унинг ўлими бадиият қонуниятлари билан эмас, ёзувчининг истаги билан содир бўлгандай таассурот қолдирди”, дейди Назар Эшонқул. Аҳмад Отабой: “Нуриланинг ҳикоясидаги “жинқарча” неvara бироз сояда қолиб кетгандай туюлди менга”, деб ёзади. “Ҳикоя якунидаги унинг фаоллигига асар аввалидами, ўртасидами замин ҳозирланганда, қандайдир бир урғули ҳаракатми, нутқми берилганда, ҳарқалай, салмоқ ошармиди”, деган мулоҳазани айтган Саъдулла Қуронов ҳикоя ҳақида ижобий фикр билдиради.

Беҳзод Қобулнинг “Ёшлар ижоди: ўзлик, услуб, маҳорат” сарлавҳали мақоласи Шодмонқул Салом, Беҳзод Фазлиддин, Носиржон Жўраев ижодига бағишланган⁷. Шодмонқул Салом шеърлари ҳақида фикр юритар экан, шоирнинг ўзига хослиги, гапни, фикрни узоқдан бошлаши, интиҳода ибтидодаги фикр фавқулудда таъсирчанлик касб этишини ижобий фазилат сифатида қайд этади. Баъзи шеърларда бу маромнинг бузилиши поэтик тасвирнинг сустлашиши сифатида баҳоланади. Беҳзод Фазлиддин шеърларида драматик руҳ мавжуд, лирик “мен” ярқираб кўриниб туради. Аммо баъзи шеърларида бу жуда хусусий мазмун касб этиб, тушуниш мавҳум бир ҳолатда қолиб кетади.

Икром Отамурод ҳиссиётли, фикрчан шоир. Унинг қатор дostonлари ўзига хос поэтик хусусиятлари билан ажралиб туради. Филология фанлари номзоди Манзар Абулхайров “Доғ ботинда ўсади...”⁸ мақоласида шоирнинг “Доғ” дostonини таҳлил қилган. Дostonнинг кўпгина ижобий хусусиятларга эга эканлигини таъкидлайди. Асардаги доғ поэтик образи “андух”, “ҳасрат”, “алам”, “ҳажр”, “жароҳат”, “захм”, “белги”, “асар”, “из”, “нишон”, “нақш” сингари маъноларда қўлланганлигини кўрсатиб ўтади. Шоир ўз хаёлот оламида эркин эканлигини, рухий кечинмаларини очиқ-ойдин ифодалаши унинг чинакам шоирлигидан нишона эканлигини жонли мисоллар орқали далиллайди. Мақолада дostonнинг ижобий жиҳатлари таърифланади, камчиликлари тўғрисида бирор фикр билдирилмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, 2015 йилда эълон қилинган адабий-танқидий мақолалар, тадқиқот, мулоҳаза, мушоҳада руҳидаги адабий жараёнда кечаётган изланишлар, янгиликлар ҳақида билдирилган фикрлар бугунги адабиётдаги ўзгаришлардан зарур сабоқ олишда, хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

⁷ “Ёшлик” журнали, 2015 йил, 9-сон, 35-39-бетлар

⁸ “Ёшлик” журнали, 2015 йил, 11-сон, 50-51-бетлар



Курдош ҚАХРАМОН

Филология фанлари доктори. 1954 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти”, “Адабий танқид: янгилашни жараёнлари” номли монографиялари, “XX аср ўзбек адабиёти” ўқув қўлланмаси, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” дарслиги (ҳаммуалифликда) муаллифи.

ЯНГИЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўтган йил адабиётшунослик ва танқиднинг долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор фундаментал тадқиқотлар яратилди, илмий назарий характердаги тўшамлар чоп этилди.

Профессор Ҳамидулла Болтабоев Адабиёт энциклопедиясининг дастлабки жилдини мухлисларга ҳавола этди. Катта ҳажмли энциклопедиялар кўпчилик олимлар томонидан амалга оширилиши назарда тутилса, “...вақти келиб коллектив энциклопедиялар яратилгунга қадар китобхонларга ёрдам бериши мумкинлигини инобатга олган ҳолда” унинг нашр этилиши катга адабий ҳодиса сифатида баҳолашга лойиқ. Энг муҳими, бу нашр ўзбек олимларининг навбатдаги мукамал Адабиёт энциклопедиясини яратишида бир асос бўлади, деган умиддамиз. Бобур энциклопедияси, Навоий ва Қодирий энциклопедиялари яратилиши йўлида олиб борилаётган сазъ-ҳаракатлар бу борадаги маълум тайёргарлик жараёни, десак янглишмаймиз.

Ўтган йилги танқидчилик фаолиятининг бир йўналишини адабий жараёнга хос ижодий изланишлар талқини ташкил этади. Шу жиҳатдан, устоз мунаққид Умарали Норматовнинг “Ижодкорнинг ҳароратли сўзи” номли китоби характерлидир. Тўрт бўлимдан иборат ушбу тўшамдан мунаққиднинг сўнги уч-тўрт йил ичида ёзилган адабий-танқидий мақолалари, эсселари, хотира ва адабий суҳбатлари жой олган. Олим адабий танқид ҳақидаги кузатишларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда аниқ камчиликларга ҳам тўхталлади. Жумладан, бугунги танқид маълум даражада адабий жараёндан орқада қолаётганлиги, яратилаётган асарлар, биринчи галда, бадий тафаккурни янгилашга қодир бўлган асарлар – адабий танқид томонидан кашф этилмаётганлиги, саралаш имкониятининг чеклангани ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда ўтган йили “Шарқ юлдузи” журналида уюштирилган баҳс-мунозаралар – “Янги авлод овози”, “Муаллиф ўлимига нима дейсиз?” каби суҳбатлар муносабати билан айтилган ўй-фикрлар ниҳоятда характерлидир. Бунда олим мунозара давомида кўтарилган асосий масалалар сифатида адабиётнинг бош вазифаси, реализм ва модернизм муаммолари, адабиёт ва адабиёт илмида рўй бераётган, онда-сонда бўлса ҳам кўзга ташланаётган кўчирмачилик каби иллатларга ўз қарашларини баён этади, айрим мунаққидлар билан баҳс-мунозарага ҳам киришади. Жумладан, Маҳкам Маҳмудовнинг “Улисс” романи ҳақидаги салбий



қарашларига кўшилмаслигини айтади. Олимнинг айниқса, “Ижодкор нигоҳида адабий жараён” мақоласи диққатга сазовор. Аҳмад Аъзамнинг “Мен истаган шеърият”, “Назарнинг янгича назари” номли мақолалари ҳақидаги кузатишлар теран илмий таҳлили билан ажралиб туради.

Адабиётшунос олим Нурбой Жабборовнинг “Замон. Мезон. Шеърият.” номли китоби адабий жараённинг, айниқса замонавий шеъриятнинг етакчи тамойиллари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилувчи кузатиш ва хулосалари билан адабиёт илми ривожига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди. Унда атоқли шоир Абдулла Орипов ижодига алоҳида эътибор қаратилади. Бир қатор мақолаларда шоир поэтик олами турли ракурсларда тадқиқ этилади. “Гўзал ташбех, сирли рух” номли мақоласида шоир ижоди “маънолар хазинаси”га қиёс этилади.

Адабиётнинг асосий вазифаси одамларнинг ҳиссиёти, руҳиятига, шуурига таъсир этиш баробарида жамиятнинг маънавий юксалишига қаратилмоғи лозим, деб билган олим Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид ва бошқа шоирлар ижодини айна мезон билан тадқиқ этади. Улар уйғоқ виждон билан ижод қилганига алоҳида эътиборни жалб қилади. Шавкат Раҳмон ижодида қуёш, нур, тоғ, вақт, дарахт каби поэтик тимсоллар моҳияти очилса, Муҳаммад Юсуф шеърларидаги дўппи ва белбоғ образларига эътибор қаратилади.

Абдулла Орипов, Хуршид Даврон билан қилинган суҳбатларда ҳам адабиётнинг вазифаси, ижод жараёни ҳамда адабий жараёндаги изланишларга оид қизиқарли фикрлар китобхон ҳукмига ҳавола этилади.

Узоқ Жўрақуловнинг “Назарий поэтика масалалари” номли тадқиқотлар тўплами илмий-назарий қиммати, қарашларнинг янгилиги билан алоҳида йўналиш сифатида баҳолашга лойиқ. Китоб истиқлол даври адабиётшунослигида бир қадар назардан четда қолаётган, аниқроғи, муайян илмий-назарий хулосалар чиқариш вақти-соати келишини кутиб турган назарий масалаларни тадқиқ этиши билан характерланади. Тўрт бўлимдан ташкил топган ушбу тадқиқот тўплами муайян назарий масалалар билан у ёки бу даражада боғланган. “Бадиият ва назария” деб номланган биринчи бўлимдаги “Драма назарияси”, “Михаил Бахтин кашфиётлари”, “Адабиёт назариясида “таянч объект” масаласи” каби мақолаларда мавзуга мос турли назарий масалалар ўрганилса, қолган тўртта мақолада Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳайрат ул-аброр”, умуман, “Хамса” дostonининг жанри хронотоп муаммоси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Олим драманинг назарий масалаларини ёритувчи мақоласида жанр ҳақида жаҳон, рус ва ўзбек олимларининг қарашлари таҳлили асосида назарий талқинларига тўхталади. Муаллиф Суқрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Гегель, Белинский, Пospelев, Фитрат, Иззат Султон, Абдураҳмон Алимұхамедов, Мамажон Раҳмонов ва бошқа олимларнинг драма назарияси, генезиси ва тарихий-маданий омиллари ҳақидаги кузатишларини таҳлил қилади, шу асосда ўз илмий-назарий қарашларини баён этади. Олим фикрига кўра, ҳозирги ўзбек драмасининг майдонга келишида иккита муҳим омил бор: биринчиси, ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий жараённинг натижаси сифатида Ўрта Осиё худудига кириб келган антик Юнон театр санъати, ҳамда шу асосда XVII-XIX асрлар Европа адабиётида ўзининг тараққиёт чўққисини эгаллаган Европа драматургияси турк, татар, озарбайжон, рус адабий таъсири воситасида ўзбек ёзма профессионал драмаси яратилишига замин бўлган. Шунга кўра, олим фикрича, ўзбек драмаси назарияси ҳақида сўз юритилганда, Европа драматургияси билан боғлиқ тарихий жараёнларни назарда тутиш лозим. Айна пайтда, миллий анъаналар асосида

юзага келган омиллар сифатида фольклор ва мумтоз адабиёт таркибидаги драматик элементларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Олим драматик асарларнинг сахна учун мўлжаллаб ёзилишини эътироф этгани ҳолда, унинг назарий асосларини белгилашда фақат драматург яратган матн асос қилиб олинishi зарурлигини таъкидлайди. Драматик асарларни, ижтимоий жиҳатдан нақадар аҳамиятли бўлмасин, энг аввало эстетик ҳодиса деб билган муаллиф ХХ аср аввалида вужудга келган ўзбек драматургиясининг асосини адабий-тарихий жараён анъаналари – фольклор, адабиёт тарихи ва замонавий адабиёт элементларининг синтезидан ҳосил бўлган жанр сифатида тадқиқ этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Бу қарашларини Фитрат, Ҳамза драмалари таҳлили билан асослайди. Ҳар қандай асарга хос учлик, яъни ошиқ-маъшуқа-рақиб, дўст-дўст-рақиб, яхши-яхши-ёмон, эзгулик-эзгулик-ёвузлик шакл драмага ҳам хослиги таъкидланиб, бу конфликтнинг асоси эса илоҳий макон воқелиги билан боғланади. Яъни, рақиб инсон қиёфасидаги шайтондир, дейди олим. Муаллифнинг ушбу фикри, яъни “илк сюжет”нинг энг аввало, илоҳий ҳодиса сифатида “Қуръони Карим”да нозил бўлганлиги ҳақидаги қарашлари бошқа тадқиқотларида ҳам, жумладан, Алишер Навоий асарлари тадқиқининг ўқ илдизини ташкил этади.

Олимнинг “Михаил Бахтин кашфиётлари” номли мақоласи рус адабиётшуноси илмий концепциясини очишга қаратилган. Айтиш жоизки, Узоқ Жўрақулов Михаил Бахтинни ўзбек китобхонларига таништираётган олимларимиздан биридир. Унинг Михаил Бахтин қаламига мансуб “Романда замон ва хронотоп шакллари” номли китобини таржима қилиб, махсус сўзбоши, изоҳ ҳамда шарҳлар билан чоп эттириши 2015 йил адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан бўлди, десак адашмаган бўламиз. Мақолада Бахтиннинг кашфиётлари сифатида диалог назарияси, полифония, эпос ва роман, халқ кулги маданияти ва хронотоп назариясига қўшган ҳиссалари билан белгиланиши таҳлиллар билан асосланади.

Бу назарий хулосаларни кашф қилишда таянч манба сифатида роль ўйнаган омиллар белгиланади. Булар – Арастуниг “Поэтика”сидан тортиб Бахтингача бўлган илмий-назарий қарашларни чуқур ўрганиш, Бахтиннинг илк фаолияти давридаги рус адабиётига хос концептуал ўзгаришлар ва ниҳоят, учинчи манба – уларнинг синтези сифатида вужудга келган соф бахтинча фалсафий тафаккур, илмий-назарий қарашлардир. Умуман олганда, мазкур мақолалар адабиётшунос олим Узоқ Жўрақуловнинг илмий-назарий қарашлари бир томондан жаҳон адабиётшунослигининг илғор ютуқларига, иккинчи томондан эса Шарқ мумтоз поэтикаси, эстетик тафаккури ва фалсафасини замонавий адабиётшунослик билан уйғунлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Асардаги образлар системаси ҳам “илк сюжет” асосида “ошиқ-маъшуқа-рақиб” конфликтни асосида ривожлангани ва шу жиҳати билан илоҳий моҳият касб этиши таъкидланади. “Романнинг хронотоп тизими” номли қисми ҳам қодирийшуносликдаги янги талқин сифатида баҳоланишига лойик. Муаллиф романнинг барча компонентларини боғловчи асосий хронотопини йўл хронотопи деб олади ва асардаги йўл хронотопи ўзига хос, яъни қаҳрамонларни учраштирувчи эмас, балки манзилга элтувчи восита сифатида таърифланади. Шунингдек, роман хронотопи сифатида шаҳар, карвонсарой, меҳмонхона, ичкари, чойхона, кўрғон ва ўрда, кўча, қабристон, остона, лаҳм, ғор қабиларга ажратилиб, уларнинг баъзилари жаҳон романчилигида учраса ҳам, лекин асарда Шарқ-ислом эстетик тафаккури маҳсули сифатида намоён бўлишига эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, бу талқин ва хулосалар адабиётшунослигимиз учун тамоман янги, оригинал ҳодиса бўлиб, бадиий асарни баҳолашдаги янгича бир мезон сифатида қаралиши мумкин. Адабиётшуносликда бадиий асарни муайян диний, фалсафий қарашлар билан боғлаб талқин қилиш азалдан мавжуд, лекин бадиий асар хронологияси катта вақт ўлчови асосида олиб, илоҳий учлик сюжет йўналишида талқин қилиш Узоқ Жўрақуловнинг илмий кузатишларидир. Таъкидлаш жоизки, бу таҳлиллар муайян илмий асосга эга бўлса-да, унинг ишончлилиги, ўз тасдиғини топиши илмда маълум вақт талаб қиладиган хулосалардир. Дин билан адабиётнинг муштарак жиҳатлари кўп бўлса-да, лекин уларни бир ҳодиса сифатида баҳолай олмаимиз. Бадиий асар қайсидир маънода илоҳийликка ҳам дахлдор ҳисобланса-да, лекин ижодкорнинг бадиий кашфиёти, унинг истеъдоди маҳсули. Биз таҳлилда бадиий асарнинг ана шу хусусиятларини ҳам назарда тутишимиз зарур.

Бинобарин, мазкур китобда таҳлилга тортилган муаммолар ўзбек адабиётшунослари олдида бугунги кунда тўпланиб қолган барча назарий масалаларни ҳал этишга асос яратувчи мукамал адабиёт назариясини яратиш зарурлигини кўндаланг қилиб кўймоқда.

Узоқ Жўрақуловнинг мазкур китобидаги барча мақолалар илмий асослангани, долзарблиги ва назарий жиҳатдан бақувватлиги билан йил китоби деган баҳога лойиқ.

Профессор Нўмон Раҳимжоновнинг “Қодирийшунослик қирралари” номли китоби ҳам эсселардан иборат бўлиб, қодирийшунослар эътиборидан четда қолиб келаётган масалага бағишланган ва биографик талқиннинг ўзига хос намунаси сифатида эътиборга молик. Эллигинчи йилларнинг охирига келиб Сталин шахсига сиғиниш иллатлари қоралангандан сўнг қатағон қурбони бўлган бир қатор ижодкорлар шахси ва ижодини руёбга чиқариш борасидаги баъзи бир уринишлар ижобий яқун топди. Хусусан, Абдулла Қодирий шахси оқланиб, асарлари муайян таҳрирлар билан чоп этилди. Мана шу жараёнда атоқли адабиётшунос олим Иззат Султоннинг Абдулла Қодирий ижодига бағишланган бир неча мақоласи матбуотда эълон қилинди. Бу мақолаларнинг эллигинчи йилларда Қодирийнинг оқланишига қўшилган ҳиссаси ҳақида адабиётшуносликда кўп бора фикрлар баён этилган, бироқ уларнинг яратилиш тарихи, воқеалар, шахслар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Нўмон Раҳимжонов узоқ йиллар олим билан бир хонада ишлаб, кўп нарсаларни сўраб-суриштириб, билиб хотираларни ёзиб кўйгани мана шундай биографик манбаларнинг яратилишига асос бўлди. Китобда Нуриддин Муҳиддинов, Иззат Султон ва бошқа замондошлари билан бўлган суҳбат асосида Абдулла Қодирийнинг оқланиши тафсилотлари тўлиқ ёритилганлиги, ундан ташқари Рауф Парфи, Абдулла Орипов, Тохир Малик каби замондош ижодкорлар ижодига Абдулла Қодирийнинг таъсири масаласи нозик кузатилганини таъкидлаш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адабий танқиднинг ўтган йилги фаолияти гарчи адабий жараёнда кечаётган изланишларни тўлиқ қамраб ололмаган бўлса ҳам, лекин бошқа йиллардан адабиётнинг муаммоли масалаларига, биринчи навбатда вазифаси нимадан иборат бўлишига, поэтик ишланишлардаги янгиланиш тамойилларини очишга, адабиётнинг назарий масалаларини ёритишга қаратилгани билан ажралиб туради.



Муҳайё ИСМОИЛОВА

Филология фанлари номзоди. 1978 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Кийиксўқмоқдаги йўловчи”, “Бадиий асар таҳлилининг айрим масалалари”, “Янглинишлар мангулиги”, “Ўзбек педагогик атамалар лугати” каби китоблари чоп этилган.

МОҲИЯТИ ЎЗГАРГАН ТАНҚИД

Йил мобайнида адабиётнинг моҳияти, ривожланиш омиллари, асар табиати, тил хусусиятлари, адабий тур ва жанрлар каби масалаларга бағишланган қатор асарлар нашр қилинди. Бир йилда чоп этилган китоблар кўплиги боис уларнинг барчасига тўхталишнинг имкони йўқ. Шу сабаб улардаги етакчи тамойилларни таснифлашга ва мазкур тасниф асосида иш кўришга интиламиз.

1. Адабиётнинг назарий масалалари муҳокама этилган асарлар. Булар Нурбой Жабборовнинг “Замон. Мезон. Шеърят”, Узоқ Жўракуловнинг “Назарий поэтика масалалари”, Машҳура Шералиеванинг “Бобурнинг андишаси”, “Истиқлол. Адабиёт. Танқид” китобларидир.

2013-2014 йилларда “Шарқ юлдузи” журналида уюштирилган давра суҳбати бир ерга жамланган “Истиқлол. Адабиёт. Танқид” тўплами икки йирик бўлимдан иборат. “Янги авлод овози” номли илк қисмда турли авлодга мансуб адабиётшунос мунаққидларнинг Истиқлол даври ўзбек адабиётининг қиёфаси, сув ичаётган илдизи, мазмуни, кўзлаётган мақсадию олдига қўйган вазифалари ҳақидаги фикрлар ўрин олган. Адабиётни ҳаракатлантирган принциплар, ижод эркинлиги, адабий оқимлар, постмодернизм, ижодкор бурчи борасидаги саволларга Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов, Ҳамидулла Болтабоев, Қозоқбой Йўлдошев, Шухрат Ризаев, Дилмурод Қуронон, Ислом Ёқубов каби қатор мунаққид, ижодкорлар жавоб беришган. Берилган жавоблар истиқлол даври ўзбек адабиётининг яхлит суратини чизади. Бу суратда ёркин, ёқимли ранглар билан бир қаторда нохуш, туссиз ранглар ҳам борлигини аниқ мисоллар ёрдамида далиллашади. Суҳбатда иштирок этган ўн саккиз ижодкорнинг аксарияти адабий танқидчиликнинг ҳозирги ҳолатидан қониқмаган. Айтиш мумкинки, бунга энг муносиб, асосли ва ҳаққоний жавобни Иброҳим Ғафуров берган. Мунаққид адабий танқид аҳволдан норозиларга қарата шундай дейди:

“Бадиий адабиёт нуқсонларини нега танқидчилар тузатмайдилар, деб мударом ёзгиришади? Ўз айбини бошқалардан кўриш ва ағдартиш азалдан давом этиб келади. Бу – маънавий ожизлик”. Аслида ҳам мунаққиднинг вазифаси муаллифнинг пўстагини қоқиб, асарни тупроққа кориштириш эмас, балки бадиий асар нафосатини, эстетик гўзаллигини англаш ва тушунтиришдан иборатдир. “Адабий танқид – адабий ижоднинг бир тури”. Ижод эса, яхши биламизки, моҳиятан, яратувчиликка мойил, бузишга эмас. Ҳамидулла Болтабоев фикрига кўра, “Мунаққиднинг вазифаси оқни оқ, қорани қора дейиш эмас. Қозилик қилиш



танқидчига ярашмайди”. Кўплаб мулоҳазалар асосида Бехбудийнинг “Танқид сараламоқдир” деган қараши ётгани эсга олинса, Ҳамидулла Болтабоевнинг фикри қанчалар ҳаққоний экани аёнлашади. Чиндан ҳам, танқид айнан саралаш, демақдир. Аммо кўпчилик ундан ҳамон яралашни кутмоқда. Ҳамидулла Болтабоев бунинг нотўғри экани, мунаққид адабий жамоатчилик олдида эмас, катта адабиёт, санъат асарининг азалий талаблари олдидагина масъулиятли эканини таъкидлайди. Иброҳим Ғафуров танқидчиликнинг нисбатан сокинлиги сабабини эски танқид тугагани, янгиси бошланмагани ва бундай мутахассисларни ҳеч бир олий ўқув юртлари тайёрламаётганида кўради. Адабиётшунос олим янги замонда танқид ўрнини тадқиқотчи эгаллайди ва бу табиий, ҳар бир тадқиқот ичида ва замирида танқид бўлади, деб ҳисоблайди. Мунаққид Қозоқбой Йўлдошев бу ҳақда: “Энди танқидчилик томонидан савияси ўта паст битикни дўппослашга сарфланадиган илмий куч бошқа бир тузук асарнинг шарҳига сарфлангани маъқуллиги англаб етилди”, дейди. Умуман, мазкур тўплам адабиёт ва адабиётшуносликнинг қатъий йўналиши, талаблари ҳали охирига етмаган ҳозирги даврнинг долзарб адабий муаммоларини ўрганиши билан алоҳида қиймат касб этади.

Нурбой Жабборовнинг “Замон. Мезон. Шеърият” тўплами бир жиҳати билан эътиборни тортади. Муаллиф Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби азим чинорлардан тортиб энди оёққа тураётган Юлдуз Зоирова, Дилрабо Норқулова, Мехриноз Аббосова каби ёш истеъдодлар ижодини ҳам назардан четда қолдирмайди. Бу миллий шеъриятимизнинг тараққиёт тамойилларини белгилаб олишнинг энг ишончли ва самарали йўли эканини таъкидлайди. Шу билан бирга барча асарларни назмбозликни поэзиядан ажратиб турувчи бош мезон – истеъдод қаричида ўлчайди. Адабиёт миллатнинг орзу-идеалларини ифодалайди, деб ҳисоблаган муаллиф, хусусан, шеърият миллатнинг маънавий қиёфасини кўрсатишига урғу беради. Шеърларнинг поэтик тил меъёрлари, юксак туйғулар, теран моҳият ва буларни ифодаловчи бетакрор шаклини таҳлил воситасида кўрсатади. Муаллиф чинакам мунаққид сифатида асарларга саралаб мурожаат қилади, танқиддан тубанларига эътибор қаратмайди. Тўпламнинг “Янги замон руҳи”, “Устозлар мактаби – камолот манбаи”, “Шеър – кўнгил ойнаси”, “Назм йўли ибтидоида”, “Тил – миллий, адабиёт – умрбашарий”, “Истиклол, маънавият ва шеърият ҳақида суҳбатлар” бўлимларида миллий шеъриятнинг сирли дунёси таҳлилга тортилган, поэтик манзаралардан назарий хулосалар чиқарилган, замонавий намуналар мумтоз ғазаллар фонида текширилган. Муаллифнинг барча битиклари мунаққидга хос қизғин эҳтирос, самимий муҳаббат билан озикланган.

Узоқ Жўрақуловнинг “Назарий поэтика масалалари” тўплами илк сатрлариданоқ ўқувчи ақлини зўриқишга мажбур қилади. Олим айтмоқчи бўлган фикрини очик айтишдан қочиш, қатламлар орасига яшириш усулига амал қилган. Бу усул Алишер Навоий ижоди таҳлилга тортилган “Хамса” достони ҳақида гап кетганда ўзини тўла оқлаган. “Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари – бу мавзу миллий адабиётшуносликда ҳам, жаҳон адабиётшунослигида ҳам ўрганилмаган. “Бадий идрок этилган замон ва маконаро уйғунлик” назариясини дostonга тўғридан-тўғри татбиқ этилмаган, зўрлаб тикиштирилмаган. Муаллифга кўра, “Лисонут-тайр”да хронотоп универсал, кенг қамровда намоён бўлади. “Лисонут-тайр” хронотопининг кўлами аниқ, аммо у ўзининг қамров доираси билан ақл чегараларига сизмайди”, дейди олим. Фикрига далил сифатида “Айлагач доир тўкуз афлокни, Қосир этти фаҳмидин идрокни” байтини кел-

тиради. Тангри бемисл санъатининг ўрнаги сифатида тўққиз осмонни шу қадар улуғ қилиб яратдики, унинг қамрови олдида инсон идроки ожизлик қилади. Космик хронотоп ҳақида эса ҳатто ҳозир ҳам аниқ тўхташга келингани йўқ дейди. Мазкур тўплам хронотопнинг назарий жиҳатларидан ҳам кўра Навоий ижодини ўрганиш борасида жуда жиддий, муваффақиятли, академик меҳнат маҳсули бўлган. Олим ўзига қадар қилинган ишларнинг бирортасини камситмаган, ҳар бирига холис ёндашиб, таҳлил қилган ҳолда Навоий ижодини бутунлай янги, кутилмаган томондан текширади. Ҳамда яхлит тизимга солинган, талаблари ишлаб чиқилган, баҳолаш мезонларига эга назарий тушунча хронотопнинг Навоий ижодини қамраб олабилмаслигини завқ аралаш ҳайрат билан изҳор этади. Бахтин йирик эпик асарларни текширишда қўллаган назарий ҳодисанинг Навоийнинг биргина байти доирасида ожиз қолаётганини таъкидлайди ва хронотопдан тўла фойдаланмай, айрим қирраларидан фойдаланишни маъқул топади. “Лисонут-тайр”да хронотоп”, “Лайли ва Мажнунда трагик хронотоп”, “Ҳамса жанри муаммосига доир” мақолалари билан навоийшуносликни яна бир рутба кўтарди. Алишер Навоий ижодий даҳоси айнан нимада намоён бўлишини поэтик мезонлар ёрдамида кўрсатди. “Ҳамса” достонига яхлит бадий тизим сифатида қарашни таклиф этади.

Машхура Шералиеванинг “Бобурнинг андишаси” номли китоби ўқувчида жуда катта таассурот қолдиради. Китобдан киноянинг адабий-эстетик қирралари, А.Аъзам, И.Султон, Ҳ.Каримлар ижоди, Бобур шахси ҳақидаги мақолалар ўрин олган. Тўплам билан танишаркансиз, муаллиф бир вақтнинг ўзида совуққон тадқиқотчи ва эҳтиросли мунаққид сифатида намоён бўлади. Бу жиҳат унинг мақолаларига илмий пухталиқ, назарий асосланганлик, эстетик жозиба бахш этган. Бадий асарлардаги киноя табиатини тадқиқ этаркан, ҳазил сингари кулги уйғотишга хизмат қилиши, аммо ҳазилда кулги барча учун, кинояда эса фақат муаллиф учун бўлишига эътиборни қаратади. Ҳамда киноя объектдаги зиддиятни муаллиф муносабати воситасида кўрсатишини таъкидлайди. Тўпламнинг иккинчи бўлимида муаллиф буткул бошқа кифоада намоён бўлади. “Қуроқ” ҳақида олақуроқ қайдлар”, “Бобурнинг андишаси”, “Романни ўқиб...” битикларида ҳассос қалб қад ростлайди. Бу лавҳалар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди, некбинлик, бироз табассум ва ҳавас пайдо қилади.

2. Мумтоз адабиёт муаммоларига бағишланган асарлар. Бу асарлар Навоий ижоди муносиб баҳоланмаётгани, ундан тобора узоқлашиб кетилаётганлиги ҳақидаги ташвишлар асосизлигини кўрсатади. Мумтоз адабиёт муаммолари тадқиқ этилган ушбу тўпламлар Ваҳоб Раҳмоннинг “Мумтоз сўз сеҳри”, Бобомурод Эралининг “Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари” ҳамда профессор Боқижон Тўхлиев томонидан тузиб, нашрга тайёрланган “Навоий ғазаллари” тўпламидан иборатдир. Бу уч асарни Навоий шахси, ижоди ва фаолиятига бутунлай янги кўз билан қарашга бўлган уриниш бирлаштиради.

Мумтоз адабиёт тадқиқотчиси Ваҳоб Раҳмоновнинг “Мумтоз сўз сеҳри” асаридан матншуносликка доир сара мақолалари жой олган. Тўплам “Навоий китоби узра мук тушиб...”, “Бобуршунослик” ҳамда “Мумтоз сўз масъулияти” номли бўлимлардан таркиб топган. Илк бўлимга Навоий ҳаёти ва ижодий мероси, бу борада қилинган ишлар, навоийшуносликдаги ўсиш-ўзгаришга бағишлаб турли йилларда ёзилган йигирма тўрт мақола жамланган. Уларнинг барчасини Алишер Навоийга бўлган буюк муҳаббат умумлаштириб туради. Олим ўзбек мумтоз адабиётига қўшган ҳиссасини асосли далиллар билан исботлайди.

Айниқса, тўпламдаги “Навоий даҳоси” мақоласида Ваҳоб Раҳмон ўзбек навоийшунослигига хос алоҳида хусусиятлар, шоир меросининг ижтимоий-эстетик ҳамда бадиий-индивидуал жиҳатлари ҳақида жуда салмоқли қарашларни баён этган. Умуман, илк бўлимдаги мақолалар теран таҳлили, асосли фикрлари, оригинал ёндашуви, илмий қарашлари, мантикий умумлашмалари билан ўқувчи диққатини тортади.

Бобомурод Эралининг “Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари” тўплами ҳам ҳазрат Навоийни улуғловчи, миллий тилимиз, адабиётимиз шаънини юксалтирганини далилловчи бетакрор таҳлиллардан иборат. Бобомурод Эрали кўплаб адабиётшунослар кўл урган “Хамса” таркибига кирувчи дostonларни текширади ва ўзигагина хос поэтик талқинни тақдим этади. Умуман, юқоридаги асарлар ҳамда профессор Боқижон Тўхлиев томонидан тузиб, нашрга тайёрланган “Навоий ғазаллари” тўплами Навоий ижодини ўрганиш, умуман, навоийшунос бўлиш мушкуллигини яна бир бор далиллайди. Навоийнинг бир асарини, Лайли ва Мажнун ёки Фарҳод ва Ширин дostonларини алоҳида тўлиқ ўрганиш, шу бўйича етук мутахассис бўлиш мумкин. Аммо Навоийнинг бутун ижодини қамраб, тушуниб, тушунтириб бериш анча жиддий масала. Фикримизга бугун таҳлилга тортилган асарларнинг деярли барчасида Навоий ижодига тўхталгани, ҳазратдан иқтибос келтирилгани, текшириш тамойили сифатида бирор байти белгилаб олингани далил бўла олади.

3. Адабий шахсларга бағишланган асарлар. Бу гуруҳга Наим Каримовнинг “Ойбек гулшанидан шабадалар”, Нўмонжон Раҳимжоновнинг “Қодирийшунослик қирралари” китоблари киради. Наим Каримовнинг ўн беш мақоладан иборат тўпламида нафақат Ойбек ижоди, умуман, ойбекшунослик, балки тарихий тараққиётнинг ички тенденциялари, адабиётнинг юксалишидаги асосий босқичлар, замонавий адабиётшуносликнинг шаклланишига қўйилган тамал тошларга ҳам урғу берилган. Шу ўринда мунаққиднинг ҳамиша давр билан ҳамнафас юриши, адабиётда рўй берган ходисаларнинг ижобийларини қўллаб-қувватлаши, салбийларига эса аёвсиз муносабатда бўлишини эътироф этиш лозим. Устоз Ойбек ижодини батафсил таҳлилга тортади, “Кутлуғ қон”, “Навоий”, “Улуғ йўл” каби насрий асарлари, “Наъматак” сингари гўзал лирик шеърлари ёзилиш тарихидан хабардор қилади, Ойбек шахсини имкон қадар тўлиқ гавдалантиришга интилади.

Нўмонжон Раҳимжоновнинг “Қодирийшунослик қирралари” номли тўплами Абдулла Қодирий ижодини, қодирийшунослик тамойилларини, ривожланиш босқичларини, амал қилувчи эстетик қолипларини ўзида жам этгани билан диққатга сазовор. Китобхон шу биргина асар орқали салкам бир асрлик тарихга эга қодирийшуносликнинг яхлит манзарасини кўз олдига келтиради. Тўпламдаги “Абдулла Қодирий ва Рауф Парфи”, “Китоб тақдири (Ўткан кунлар)” мақолалари, айниқса, “Иззат Султон – қодирийшунос” номли олти мақоладан иборат бўлими Абдулла Қодирий шахси ва ижоди аҳамиятини англаш, асарлари бадиий моҳиятини тушунтиришдаги ўрни беқиёсдир. Иззат Султон ижодини таҳлилга тортиш асносида Абдулла Қодирий феноменини қадамма-қадам очиб боради. Шахс, носир, шоир, публицист, илмга чанқоқ олим, моҳир таржимон, дунё адабиётининг етук билимдони сифатида китобхонга танитиб боради. Нўмонжон Раҳимжонов келтирган чизгилар, айниқса Қодирийнинг оқланиши жараёни ҳақидаги тарихий ҳужжат эса ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Аммо шундай илмий-назарий, бадиий жиҳатдан пухта тўпламнинг деярли ҳар бир саҳифасида

имло хатолар кўп учрайди, “х” ва “ҳ” ҳарфларининг аралаш қўлланилиши эса ўқувчини ранжитади. Бундай пала-партишлик, ҳафсаласизлик муаллиф ва нашриёт ходимларининг меҳнатига жиддий соя солади.

Жовли Хушбоқнинг “Ғаройиб тақдирлар” номли адабий мақола, ҳикоялар ва ҳажвиялардан таркиб топган тўпламининг “Адабий ўйлар” бўлимида Собир Ўнар, Хуршид Дўстмуҳаммад, Кўчқор Норқобил каби носирлар, Усмон Азим, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким, Ўткир Раҳмат каби шоирлар ижоди таҳлилга тортилган. Мақолалар тили ғашга тегмайди, образли. Аслида ҳам ижодкорнинг меҳнатини баҳолаш учун мунаққидда ижодкорнинг диди, салоҳияти бўлиши лозим. Китоблар тили расо бўлиши, минг йиллик тилимиз тароватини акс эттириш учун муаллифлар ҳам, муҳаррирлар ҳам масъулиятни ҳамиша ёдда тутишлари лозим. Муаллиф “Сатрларга қаймоқ суркалганми, унинг таъми кайфиятингизни янаям кўтариб, беихтиёр лабингиз қимтини қўяди, юзингизни ёйилган табас-сум нурлари ёрита бошлайди” каби образли тил билан объект моҳиятини очиб беради.

Кўринадики, адабий танқид ва адабиётшунослик борасида аввалгидан кўпроқ иш олиб борилмоқда. Танқидчилик, кўпчилик хавотир олганидай, бир жойда депсиниб қолгани йўқ. У ўз моҳиятини ўзгартирди. Асар ва унинг муаллифини каллақлаб ташлайдиган тоққайчисини ташлади, бадий матнгагина таяниш, ундангина хулоса чиқаришни афзал кўрди, бир асарга қарашларнинг хилма-хил бўлишини табиий ва зарур эканини қабул қилди.

ҲУКМАТ

**Заҳру шакар хосияти сўзгандур.
Меҳру муҳаббат томур кўзгандур.**

Саид ҚОСИМИЙ



Сойим ИСҲОҚ

НАСР



ВАФОДОР

Қисса¹

7

Нихолой момо Мерган ўйлаганидек, Вафодорни атайлаб очликдан қангармади. Чоли бозорга, ўғли тунги навбатчиликка кетгач, шунчаки бир ўзига қозон қайнатишдан эринди. Лекин итга ўзи еб ўтирган нондан бериб, обдан қорнини тўйдирди. Дехқонбой мактабдан қайтгунига қадар мол-ҳолига қараш ташвишидан қутқаргани учун у момога ҳам суюмли эди. Биргина айби – ҳафсаласизлик қилиб итялоқни ювиб қўймагани. Ким итининг ялоғини кунига ювади-да, у қуруқ қолувди. Бир кунга ҳўкиз ўлмас, деган хаёлга борувди. Вафодор қайтмаганидан кейин унга алағда бўлиб, эсидан чиқарибди.

Арзимаган нарсаларга ҳафсаласизлик қилгани учун у ўзини айблади. Айбига яраша жазони ҳам олди. Нима дегандаям Вафодор – баҳосиз ит. Ҳар қанча эъзозга муносиб. Унга Мерган тайинлаганидай муносабатда бўлиши лозим эди. Икки косагина овқат пиширганида ҳам ити, ҳам ўзи ичарди. Итялоқни ювиб қўйганида бир жойи камайиб қолмасди. Арзимаган юмушларга беқунтлик қилди...

Ўтаган мерган бундай ўйламади. Уйдан чиққанига бир соатдан ошди ҳамки, ғазаби босилмади. Итни оч қолдирган, ақалли қаттиқ-қутгук нонни ҳам қизганган бу шум кампир, деган фикрга ёпишиб олди. “Агар Вафодорим ўлган бўлса бу шум кампирниям соғ қўймайман”, – дерди тишларини ғижирлатиб.

Катта Қорақушдан Осмонсой томонга қиялаб тушиб бораркан, нарироқда қандайдир ҳайвоннинг териси шилиб олинган лошига кўзи тушди. Вафодор бўлса-я, деган фикрдан эти музлаб қолаёзди. Югургилаб тепасига борди. Териси шилиб олинган қашқирнинг ўлигини кўргач бирдан бўшашди. Дехқонбой айтган бўрининг бири шу, ўйлади ўзича. Худога шукр, Вафодор тирик! Бошқа қашқирни қувиб, пастга эниб кетган бўлса керак. Кекирдаги ғажиб ташланганидан уни ит ўлдиргани билинади. Бўйнида қолган излар пичоқники эмас тишникилиги яққол кўриниб турибди. Пичоқ тўғри кесган бўларди. Бўри билан фақат Вафодор шундай олишади, дуч келган жойидан тишлаб, ўзини хавфга қўйиб ўтирмайди. Бир марта – бирагай қилиб бўғзидан олади. Душмани тинчимагунича қўйиб юбормайди. Шериги бўлса оғзидагини айлантириб унга уриб, ўзига тиш теккиздирмаса керак.

Мерган итининг изини топгандай бўлди: у учинчи, эҳтимол тўртинчи қашқирнинг изидан қуйига эниб кетган. Бўрилар ёвидан тезроқ қутулиш учун, албатта, энишга қочишади. Шу сабабли йўлини ўзгартирди: Осмонсой тарафга эмас, шопилмай Норвонсойга туша бошлади. Этакдаги кичикроқ яйловчага етгач тўхтаб, агрофни синчиклаб назардан ўтказди. Анча нарида, икки-уч итнинг

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

орасида кўй боқиб ўтирган чўпонга кўзи тушиб, ўша томонга юрди. Ундан бегона итга кўзи тушган-тушмаганини суриштирди.

– Ўткен тунде Қорақуш томоннон вир шовкун эшитулди, – деди чўпон норвонликлар шевасида “и” ва “о” товушларига урғу бериб. – Сўғун тинчиди. Кун чиққанда визни тоғдан-да шовкун эшитулиб, хўл-да тинчиди. Чўпонларивизни вири ўшокқа эниб, бўғзи ғожилғон вир қошқирни эшегига восиб келди. Хўни сизни итингиз ўлтирген чиқар. Зўр итге ўшқайди, шоввоз...

Албатта, шундай! Вафодорнинг олишув усулига хос белгини чўпоннинг ўзи аниқ айтди. Бошқа бирор итнинг бу тарзда олишганини у эшитмаган. Буниси у ўлдирган учинчи ё тўртинчи кашқир бўлса, ажабмас. Уйга қайтмаганига қараганда, яна бирортаси қочиб қолган. Ит униям ортидан Шоғишмон тоғларига ўтиб кетган. Изини олиб бораверса топади. Тўрт кундан буён шўрликнинг очликдан силласи қуриб кетгандир. Қочаётган бўрининг ҳам тинкаси қуригани аниқ. Вафодор ўша Осмонсой тарафдаги одамхўр кашқирнинг ўзини кўтариб тошга, кейин ерга уриб азоблаганини унутмаган кўринади. Шу туфайли бўриларга нисбатан юрагида кин сақланиб қолган бўлса ажабмас. Қувлаганини тутиб ўлдирмагунича қўймайди энди.

Норвон тоғларига чиқиб кетатуриб, итимни аслида Бўрибувар деб атасам бўларкан, деган ўйга борди-ю, шу заҳоти фикридан қайтди. Йўқ! Бўрибувари нимаси? Буям Васка дегандай бетайин ва беўхшов от. Феъл-атвориға қараб, ҳозирги отини топиб қўйган. Эгасига вафо ва садоқатда унга тенглашадиган ит бу атрофда йўқ. Вафодор нафақат молини, керак пайтда, жонини жабборга бериб эгалариниям кўриқлайди. Буни аллақачон исботлаб ҳам қўйган...

Эрталаб нонушта қилмаганини унутиб, ҳаллослаб юраверибди. Тушга яқин қорни жуда очикқанини пайқайди. Милтиғидаги йирик ҳайвонларни отишга мўлжалланган “чўчка” ўқлардан¹ бирини чиқариб, ўрнига сочма ўқ жойлади. Йирик ўқ какликка ўхшаган майда паррандаларнинг гўштини титиб юбориб, егулик жойини қолдирмай қўйиши бор.

Тездеаёқ яқингинасидаги тошлар устида бир жуфт каклик кўринди. Ўқ егач ҳар иккиси париллаб ҳавога кўтарилмоқчи бўлди-ю, баландлай олмай Мерганнинг оёқлари ёнига келиб тушди. Сўйиб, териси ва ичак-чавоқларини тошлар орасига ташлади. Гўштини сойдаги булоқ бошига олиб тушди-да, отқулоқ барглари устига қўйиб тузлади. Майдароқ ясси тошлардан кичкина ўчоқ ясади. Атрофда сочилиб ётган ярим чирик, қуруқ шох-шаббалардан териб, ичига олов ёқди. Нарироқдаги шумтолнинг сихбоп новдаларидан уч-тўрттасини кесиб келди. Тағин ўчоққа шохлардан қалаб, гўшт нимталашга тушди. Олов қип-қизил чўкка айлангач, устига гўшт ўтказилган “сих”ларни териб, шошилмай айлантира бошлади.

Ўзи тайёрлаган қўлбола кабобни еб ўтириб, негадир кампирини эслади. Қўнглидан пушаймонликка ўхшаш бир туйғу сизғиб ўтди. Шу иши бекор бўлди-ёв. Орқа-олдини суриштирмай жазавага тушди. Итга алоҳида овқат пишириб бермасаям, ҳар ҳолда, оч қўймагандир. Оч ит бўриларга бундай шиддат билан хужум қилолмасди. Тинкаси қуриб, аллақачон ғанимларига “улоқ” бўлиб кетарди. Ҳозирча Вафодор уч бўрини бўғиб ўлдирганини аниқ билади. Қолганини қаердадир, шу тоғлар орасида қувиб юрибди...

Буни у сал илгарироқ англаганди. Ўжарлик курсин, негадир итялоққа ёпишиб олди. Уни ювмаса ювмагандир. Вафодор қайтмагач алаҳсиб эсидан чиқаргандир. Бўлмасам бу иш қарийб уч йилдан буён кундалик одатига айланиб қолганди.

Топаман десанг қилдан ҳам қийиқ чиқаркан-да...

¹ “Чўчка” ўқ – ёввойи чўчка овлашга мўлжалланган ўқ. Уни йирик питрали патрон деб ҳам аташади.

Ҳар қанча лаззатли бўлмасин, қуруқ кабоб нон ўрнини босолмаслигини биллади. Кампирига жаҳл қилиб, уйдан нон олмай чиққанди. Шу туфайли корни бир нави тўйса-да, кўнгли тўлмайроқ ўрнидан турди. Атрофига зехн солиб, ҳамма ёқ чирсиллаган хас-хашақлигига эътибор берди. Шамол кўзғалиб ўчоқдан ўт қочса, тоғларда ёнғин бошланиши турган гап. Бу барча ўтхўр жонзолару одамларнинг чорвасини емишдан маҳрум қилади. Анчайин бекунтлик шунга олиб келади.

Сувдонида сув ташиб, ўчоқдаги қўрамталарни батамом ўчирди. Идишини қайта тўлдириб белига боғлади ва Шоғишмон тоғларига чиқиб кетди. Энг баланд чўққилардан узоқ-яқинларни синчиклаб кўздан кечирди. На Вафодори, на биронта бўри назарига чалинди. Кечгача санқигани қолди. Қуёш қизариб ботаётганида сув олиш учун Узунбулоққа тушди. Йўлда олдини кесиб ўтиб қочаётган қуённи отиб, унияма кабоб қилиб еди. Атрофни қоронғилик боса бошлагач оловни ўчириб, яна ортига қайтди. Қуйида илон, чаён, қорақурт кўп бўлади. Юқорироқда бирор силлик тош устида тунаш бежавотирроқ.

8

Эрталаб жуда мадори кетиб уйғонди. Аъзойи бадани симиллаб оғрирди. Самарқандга бориб қайтиш чакана йўлми! Эшак минганига қарамай, узоқ йўл обдан уриб ташлаганди. Кеча қуни бўйи пиёда юриб, қирқ чақиримларни босиб қўйди-ёв. Уйда бир кеча тунаганини айтмаса, дам олмади ҳисоб. Шунга қарамай тезгина лаш-лушларини йиғиштириб, тагин юқорига интилди. Тоғ тепасига чиққач, тўрт тарафни синчиклаб назардан ўтказди. У излаган жондорлар кўринмади. Қувлашиб, Савур довони тарафга ўтиб кетишмаганмикан? Бу довон яқингинадай кўрингани билан анча олисда. Унга яёв бориб, яна уйига қайтишга қуввати етмайди.

Ўрмак тўқиган уйда ўлар, адорғи йўнган тоғда... бўлиб қолмасин яна.

Ўйлаб кўриб, шу ердан уйига қайтишни лозим топди. Тўғри кесиб чиқса, бор-йўғи ўтгиз чақиримлар келар. Ундан кўп эмас. Балки тоғма-тоғ сарсон бўлиб юрганида, Вафодори ҳам уйга бориб қолгандир. Кошқийди, шундай бўлса! Тортган барча азоблари битта “ух” билан чиқиб кетарди.

Қийналиброқ бўлса-да, асрга яқин уйига етиб келди. Йўлида учраган одамдан итининг дарагини сўради. Аммо ҳеч ким ўзи билганидан ортиқ гап айтолмади. Бундан қаттиқ ҳадиксиради. Вафодорнинг ҳануз уйга қайтмаганини билгач, бутунлай эзилиб кетди. Йўлда келаётганида бир кун аввал қизишиб, уриб-тепкилаб кетгани учун кампирдан узр сўрасаммикан, деган фикрга ҳам борганди. Итининг қайтмаганини билгач, феъли айниди-қолди. Яна ғазоби ғолиб келди. Ниҳолой момога аччиқ гапирмади-ю, қиёфасидаги тундлик тарқамади: “Унга узр-маъзурнинг сираям кераги йўқ!”

Ўзига ўзи наридан-бери жой қилиб, қаттиқ чарчаганидан ётиб олди. Эртасигаям қайси ишга қўл уришини билмай довдираб юрди: нималарнидир жойидан силжитади, нималарнидир ўрнидан кўтариб, бемақсад тагига қарайди. Гоҳ у, гоҳ бу ишга уннаб қолади, бироқ охирига етказмай ташлаб кетади. Сархуш одамдай у ёқдан-бу ёққа танда қўяди...

Охири ҳаммаси жонига тегиб, қўйларидан хабар олишга кетди.

Қўйларидан хабар олмаса ҳам бўларди. Уларни Дехқонбой боқиб юрганини биллади. Уйдаги дикқинафасликдан қутулмоқчи бўлди шекилли-да. Лекин бундаям кўп турулмади, уйига қайтгиси келаверди. Вафодор келиб қолгандир, деган умид шунга ундади. Дехқонбойнинг қўлига ўтгиз-қирқ тийин бериб:

– Қўйларди ўзинг боқавер, улим, – деди ва ортига қайтди...

Вафодор кечга томон қайтди. Танасининг айрим жойларидан чиққан қон жунларини бўяб қотган. Терисидан атров-атров бир тутам-ярим тутам жунлари юлиб олинган. Очлигидан қорни ичига кириб кетган.

Дармони куригани шунчаликки, ўз танасини зўрға кўтариб юраётгандай. Қанча тоғ ва қирларни ошиб, шу ергача етиб келишга қаердан куч топди экан?! Бардоши Мерган ўйлаганидан ҳам кучли экан-ки, шу азобларга чидаган!

Қувонганидан, Ўтаган мерган судралиб келиб эшиги ёнига чўзилган итининг рўпарасига чўк тушди. Кампирига нисбатан адоватини ҳам унутиб бақирди:

– Кампир, тез кўрпача келтир, Вафодор келди!

Мерганнинг товушини эшитгач, нима қилишини билмай жонини кадига қамаб ўтирган Ниҳолой момонинг қоровтиб турган дунёси бирдан ёришди. Чолининг ғазабидан, уриб-тепкилашидан кўрққанидан эмас, Вафодордай итнинг тик оёғидан йўқолиб кетиши мумкинлиги уни ҳам эзмокда эди. У ўлса ё йўқолса, хонадонларига яна қачон шундай ит битади-ю...

Момо ёшига номуносиб равишда сакраб туриб, пойгакдаги кўрпачани икки буклаб кўтарганича ташқарига жўнади. Уни чоли кўрсатган жойга тўшаётганида Вафодорга кўзи тушиб, кўнгли бирам эридики... Жонивор бир аҳволга тушиб қолибди!

Мерган итини кўтариб ўтиб кўрпачага ётқизди. Тумшуғи, боши, умуртка-ю қовурғаларини бирма-бир текшириб чиқди. Бирор жойидан жиддий жароҳат тополмади. Терисида қотган қонми? Жунларини қайириб, уни ҳам очиб кўрди. Қашқирнинг тишими, тирноқларими шунчаки тилиб кетган. Заҳа чуқур эмас, Малҳам суртиб қўйса, тездаёқ тузалиб кетади.

– Вафодорим! – деди у итининг бошига бошини қўйганича эркалатиб, елкасига енгил шапатилаб. – Содиқ дўстим! Оч қолдингми, қийналдингми, вафодорим? Ит бошини кўтариб, ҳорғин ғингшиди ва тумшуғи олдидаги қўлни ихлос билан ялай бошлади. Бу билан у: “Мен сизнинг изимдан борганингизни сездим, товушингизни қаерлардадир эшитдим. Аммо душманамизни ташлаб кетиб бўлмасди. Шундай қилсам у қочиб қутулиб кетарди. Мана, ғанимларимизни йўқотиб, ёнингизга соғ-омон қайтдим”, – демоқчи бўларди. Шу йўл билан меҳрмуҳаббатини изҳор қилмоқчи ва эгасининг қўлларидан лаззат, куч-қувват олаётгандай бўларди. Мерган буни англаб етди чамаси, икки қўли билан чаккаларини қисиб ушлаб, кўзларининг ўртасидан ўпиб олди. Жирканишни ўйлаб ҳам ўтирмади. Тепаларида қараб турган Ниҳолой момо мийиғида кулиб қўйди: “Арзийди, эркалатса, ўпса арзийдиган ит бу!”

Худди шу пайтда қўйларини ҳайдаб, Деҳқонбой келди. Вафодорни кўриб севинганидан молига ҳам қарамай шу томонга югурди.

– Тўхта! – у етиб келмасидан буюрди Мерган. – Тез Лапас қассопди чақириб кел. “Бовамди боқувдаги кўчқорларидан бирини сўяркансиз”, – дегин. Итминан кейин ош-қатиқ бўлаверасан.

Деҳқонбой мақсадини фаҳмлаб, ортига қарамай чопиб кетди. Мерган эсаннинг қўйларини ҳам ўзиникига қўшиб, кўрасига қамаб қўйди.

Чорвадорларда қадимий бир одат бор: бўри олган итга, албатта, қўйнинг куйруғини егизишади. Бўлмасам ларзон еган тишлари тўкилиб кетармиш. Ростдан шундайми, бундай эмасми, бу билан биров жиддийроқ қизиқмайди. Шунга қараганда бу одат итнинг қувватини қайта тиклашга ёрдам бериш, унга миннатдорлик билдириш ёки мукофот тарзида юзага келган бўлиши ҳам мумкин. Қандай пайдо бўлганидан қатъи назар, валломат боболаримиз ит боқишни ҳам билишган!

Шу воқеалардан кейин Вафодорнинг донғи агроф кишлоқлардан ҳам ошиб, узоқ-узоқларга тарқалиб кетди. “Нима дейсан, ўгатлик Ўтаган мерганнинг Вафодор деган ити бормиш. Бир дегандан тўрт-беш қашқирди олармиш. Ё тавбангдан кетай, шундайчиқиниям бўларкан-да, а?!” Одамнинг отини элга савобли амаллари, оқила ва меҳмондўст аёли, солиҳ фарзанди ва тулпор оти танитарди. Маълум бўлдики, олғир ити ҳам танитаркан. Яқин-ўрғада бунақасини ҳали ҳеч ким эшитмаганди...

Яхши келса ҳут – қозон-қозон сут, ёмон келса ҳут – керагада бут. Бу йил об-ҳаво юришиб, ҳут яхши келди. Февралнинг охирларидаёқ майсалар қулоқ чиқарди. Ҳозирча йирик туёқлиларнинг оғзига унчалик илинмаса-да, ушоқ моллар тўйиб қолди. Лекин “Кўкбулоқ” колхозининг қўйларига бошқа офат дориди: қаёқдандир оғиб келган иккита зўр бўри ҳар замонда отарларидан ўн беш-йигирма қўйни қийратиб кетади. Чўпонлару итлар уларга бас келишолмади. Қопқонлару милтиқларнинг фойдаси тегмади. Ноилож вилоят марказидан иккита мерган чақиртиришди. Улардан ҳам наф чиқмади. Қашқирларнинг ўта пихи қайрилган экан, кўрган барча чора-тадбирлари, ишлатган ҳийла-найрангларини чишпакка чиқариб кетаверишди.

Мерганлардан иш чиқмагач, ферма мудир Асрорқулнинг хаёлига ажойиб бир фикр келди: зўр бўрини фақат зўр ит олади. Суриштириб, ўгатлик Ўтаган мерганда шундай ит борлиги ҳақидаги баландпарвоз гапларни эшитди. Ўгат билан Кўкбулоқнинг ораси нари-бериси қирқ чақирим чиқар. Кесиб чиқса, ундан ҳам яқин. Отда бир кунда бориб қайтса бўлади.

Нима қилсаям, шу итни келтириш ниятида отланиб йўлга тушди. Эгалари яхши итни шундайига бермайди. Буни яхши билади. Минг олғир бўлганидаям, бир итнинг баҳоси бир ҳовуч олтин бўлармиди? Наридан борса семизроқ ўнта қўй бўлар. Ўн қўй қашқирлар қийратаётганлари олдида нима деган гап? Ҳар отардан икки-учтадан олганидаям, бу чиқим айтишга арзимайди. Итнинг эгаси эса жон-жон деса керак. Асрорқул бу фикрига қаттиқ ишонади. Бошқача бўлиши мумкинлигини хаёлигаям келтирмайди.

У илгари ҳам кишлоқлардан зўр дейилган итларни танлаб олган. Ҳаммасини бирга бир – бошга бош қўйга ё тўқлига алмаштирган. Аммо зўр деб олган итлари бир пулга қиммат чиқди. Тўғри, аввалига қашқирларни бир нави ҳайдаб, қўйларга яқинлаштирамай турди. Ҳозирги бўрилардан уларнинг ҳам жини буқиб қолди. Отарларга ҳужум қилаётган қашқирларнинг йўлини тўсиб чиқиш ўрнига кўрқанларидан ғингишиб, чўпонларнинг оёқларига ўралишади. Шулар ҳам ит бўлди-ю...

Мудир сўраб-сўраб Ўтаган мерганнинг уйини топди. Лекин мақсадини ҳадеганда айтолмай ўтирди. Кўзига у жуда бадфёъл, чўрткесар одамга ўхшаб кўринди. Чой устида анчагача ундан-бундан гурунглашиб ўтиришди. Мерган эса кўргани заҳоти унинг мақсадини бехато англади. Кўкбулоқликларнинг қўйларига бўри дориётгани, ҳар ҳужумда ўн-йигирмалаб қўйларини қийратиб кетаётгани ҳақидаги хабарларни у ҳам эшитган. Ўзича Вафодор бундан хабар топиб, ўша томонларга кетиб қолмасайди, дея ҳадиксираб юрарди. Бўрининг ҳидини сезса, у тинч ётолмаслигини билади...

Меҳмон эҳтиёткорлик билан дилини ёрди:

– Шу десангиз, ака, биз томонларда экита қулғана² итқуш пайдо бўган. Отарларимизга анча зиёни тегаётир...

² Қулғана – аслида юқумли касаллик номи. Бу ерда айёр, тутқич бермас маъноларида қўлланилган.

– Хў-ўш? – сўради Мерган “мен нима қилай” деган маънода.
 – Шунга итингизди сўраб келдим.
 – Ит ўзимгаям керак, қўйларимди боқади, эки оёқли³, тўрт оёқли кашқирладан кўрийди. Қолаверса, бутун қишлоғимиз уни ҳимоятида...

Асроркул синаш ва қизиқтириш мақсадида қармоқни пастроқдан ташлади:

– Шу десангиз, ака, итингизга бешта семиз кўй берсам...

Мерган кинояли илжайди.

– Бешта кўй денг-а!

Буни Мудир ўзича тушуниб, шошилишч давом этди:

– Ҳай, ўнта бўлами? – Мерган оғзини оғритгиси келмай бош чайкаганини кўргач, темирни қизиғида босмоқчи бўлди. – Ўн бешта бўлар?!

Ўтаган мерганнинг тоқати тоқ бўлиб афтини бужмайтирди. Буни мудир яна ўзича тушуниб, қўйлар сонини йигирматага еткизганида чидолмай ўшқириб юборди:

– Ҳе-ей, инсон! – деди ғазаб билан “сен”сираб. – Менминан буйтиб савдолашма! Юзта ҳалол қўйингдиям битта ҳаром итимга алмашмайман. Итимди олиб кетсанг, сени безор қилаётган ўша итқушлар қаёққа боради? Вафодорди исиданоқ билишади улар. Билган заҳоти қочишади. Қаёққа боради? Албатта, бизди товларимизга ошишади. Ўзимдикига қўшиб, сен берган юз қўйдиям чилласини чиғармай қириб юборишади. Камига қишлоғимизди молларига қирон солади. Мен шундай итти сенга бериб юборганим учун элди қарғишига қоламан. Шуни мечкайингдан⁴ ўтқизоласанми?!

Асроркулнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалвираб қолди. Ҳар қанча урингани билан бу қайсар чолни гапга унатоқмаслигини англаб, иложсиз ўрнидан турди.

10

Ферма мудирни итни қўлга киритолмаганидан анчагина ранжиб қайтди. Вафодорни кўрди – йўлбарс келбатли баҳайбат ва бақувват, юз кўй берса арзигулик ит. Аммо Мерган тушмагур бойликка учадиган одам эмас, шекилли. Нафсиламрини айтганда, Мергандан хафа бўлиш ўринсизлигини билиб турибди. Келишиб Вафодорни бу ёққа олиб келганида нима бўларди? Худди у айтганидай кашқирлар қочиб, Ўғат тарафларга уюр бўлиши аниқ. Қурғур чол бу томонларини ҳам тарозига солиб ўтирибди. Қўйларини ити боқишига ишонмади-ю, лекин бутун қишлоқни бўри балосидан асраши рост...

Асроркул қишлоғига келибоқ отарларга отланди. Икки-уч кун ичида ҳар бир кўрага қўшимча чўпонлар жалб қилди. Уларга кечаси-ю кундузи сергак туришни тайинлади. Отарларга иложини қилиб, биттадан яқка сумбали милтиқ ҳам топдириб берди. У билан бирон нарсани отиб қулатолмасалар-да, ҳар замонда пақиллатиб, бўриларни чўчитиб турар деб ўйлади. Бироқ кўрилган бу чоралар ҳам деярли наф бермади. Қашқирлар кейинги икки ҳафта ичида отарлардан йигирмадан ортиқ қўйни қийратиб кетди. Бўрининг “касали” шундай – ейдигани битта кўй, тўсиқ бўлмаса отарнинг ярмини бўғизлаб кетишдан ҳам тоймайди.

Мудирнинг тинчи бўлмай қолди: уйдан эрта кетиб тунда, бир маҳалда қайтади. Ўша куни эртароқ қайтди. Қуёш қизариб ботаётган пайт. Ҳаво салқин бўлса-да, уйда ўтиргиси келмай, тоғ тарафга қаратиб қурилган айвонига чикди. Ўй суриб турганида Қайроғочли тоғининг ёнбағридан бир қора чўзилиб юқорига

³ Эки оёқли – мол ўғрилари назарда тутилмоқда.

⁴ Мечкайингдан – тафаккурингдан демокчи.

ўрлаётганини кўриб қолди. Бўри! Баъзи-баъзида тош ва буталар панасида кўринмай қолади. У ўша ёвуз бўриларнинг бири эканлигини Асроркул сезди. Иккинчиси қайси гўрдайкин?! Бошқа отарни мўлжалга олиб шеригидан ажралганмикан? Буниси ҳаммасидан ёмон – ҳар кўрадан ўнтадан бўғизлашганидаям яна камида йигирма кўйни ўлдириб кетишади.

Аввалгиси тоғ ошиб кетгач, иккинчиси кўринди. У ҳам чўзилинқираб юқорига ўрлади. Ҳартугул ажралишмабди. Жуссаси кичикроқ кўринганига қараганда, буниси урғочиси бўлса керак. Шу кетишларида Қайрағочлисойдаги кўранинг устидан энишади. Шошилиш лозим. Бўрилар сойдаги кўрага чопқинни тунда бошлашади. Ҳозирча бирор камардами, туятошларнинг ковагидами бекинишиб, нафасларини ростлаб олишади. Унгача чўпонларни огоҳлантириб, баъзи чораларни кўриб қўйиши зарур. Тоғ тарафга енгил шабада эсаётгани сабабли яқингиналарида хавф пайдо бўлганини на чўпонлар ва на итлар сезишади. Эпкин ҳидларини терскай томонларга олиб кетаётганини айёр қашқирларнинг ўзлари билишади. Чўпонлар кўпроқ шундай пайтларда ғафлатда қолишади.

Йўлга тушишдан аввал Асроркул бир нарсани сезгандай, Қайрағочли тарафга яна бир назар ташлади-ю, кўркувдан таёқдай қотиб қолаёзди. Бу сафар тагин бир қора юқорига эҳтиёткорлик билан ўрлаётганини кўрди. Наҳотки, қашқирлар кўпайишиб, учта бўлиб қолишган! Балки ортида яна бордир? Унда урди Худо! Иккитасиям олиб бориб, олиб келаётганди. Энди кўйларининг шўри қурийдиган бўлди. Кўпайишган тўдани ҳайдашнинг ўзи бўлмади!

Атроф нисбатан қоронғилашиб қолганига қарамай, мудирнинг назарида кейингисининг юриши сал бошқачароқдай туюлди: ҳеч қандай ҳадиксиз, дадил ҳаракат қиляпти. Жуссасиям танишроқдай...

Кўзларини уқалаб, қайтадан каттароқ очиб қаради. Шунда қувончдан юраклари ёрилай деди. У Вафодорни таниган эди! Демак бўрилар дайдиб, Ўгат томонларга бориб қолган. “Бўрини оёғи боқади”, – дейишади-ку. Кўриняптики, улар бу тоғларнинг бўриси эмас. Вафодорни билса, сираям у томонга бормасди. Фанимини қайси йўл биландир сезишади-ю, ғирра ортига қайтишади. Вафодор ҳам уларни пайқаган. Аксинча, қирқ чақирим жойга изларидан тушиб келмасди.

Шодлиги ҳаддидан ошиб, болалардек овоз чиқариб ҳайқирди:

– Ойнолайин журишингдан! Лаънати итқушларди бир додини бер-чи, чироғим! Бизди шу палакатлардан қутқарсанг, йигирмата семиз кўй – сени солиминг! Шу десанг, эганга ҳаммасини ўзим элтиб бераман...

Ўйлаганидай, у етиб келганида чўпонларнинг бири милтигини елкасига шунчаки ташлаганича иккинчиси билан гурунглашиб, кўра атрофида бепарво айлашиб юришарди. Бу юришларида нафақат кўйлар, уларнинг ўзлари ҳам бўрининг қурбонига айланишлари ҳеч гап эмасди. Учунчиси – бош чўпон кўра ёнидаги уйча ошхонасида кечки овқат тайёрлаш билан овора. Яқингиналарида бўрилар писиб ётганидан беҳабар, дунёни сув босса тўпикларига чикмайдигандай бир кайфиятда.

– Наҳалбой! – мудир отдан тушаётиб овоз берди. – Тинчмисилар, ҳеч нимани сезмадиларингми?

– Ҳозирча тинчлик, – бамайлихотир жавоб берди бош чўпон. – Бошқа кўраларда нима гап?

Асроркулнинг товушида ҳаяжон борлигини бош чўпон сезди. Ўзича бирор кўрага қашқир оралаган бўлса керак, деб ўйлади. Аксинча, тун ичида бу томонларга келиб юрмасди.

Мудир отини ошхона ёнидаги қозикқа боғлаб, шопилмай ичкарига кирди. Ўнинчи чироқ хирароқ ёритиб турган Наҳалбой чўпоннинг қораширғай юзларига бир зум индамай тикилиб турди-да, важохатига тўғри келмайдиган юмшоқ оҳангда сўради:

– Овқатинг тайёрми?

– Тайёр, қуйиб берайми?

– Ҳа... Абдуғаффорлардиям чақир. Шу десанг, атрофда итқуш бор, ҳадемай тўполон бошланади. Тезроқ овқатланиб, хозирлик кўринглар.

Наҳалбой Асроркулга бир коса шўрва қуйиб берди-да, шерикларини чақиришга чиқиб кетди. Чўпонлар келгунича у иссиқ шўрвани пуфлаб-пуфлаб ичиб бўлди ва ўрнидан турди. Эшик олдида Абдуғаффордани милтиқни олатуриб яна тайинлади:

– Тез бўлинглар! Милтиқ ўқланганми?

– Ҳа, – чўпон қисқа жавоб берди.

– Ўқларингдан тагин экита бер.

Атроф жуда ҳам тинч, бир осуда, ойдин тун бошланганди. Бундай кечаларда фавкулудда ёқимсиз ҳодисанинг юз беришига кишининг ишонгиси келмайди. Шу сабабданми, чўпонлар мудирнинг ваҳимасига унчалик ишонишмади. Овқатланиб бўлганидан кейин хўриллатиб чой ичаверишди...

Чўпонлар овқатланишга киришгач, Асроркул усти ёпик кўра деворидаги омонат нарвондан юқорига чиқди. Деворнинг баландлиги нари борса икки метр келади. Усти очик саҳни бир ярим метрлик девор билан ўралган. Кўп жойлари нураб анча пасайган. Ҳар қандай қашқир ундан бир сакраб ўтиб кетиши мумкин. Мудир нураган жойларни вақтида таъмирлатиб қўймаганидан ўқинди. Одамзод шунақа – икки оёғи бир этикка тикилмагунича камчиликларини пайқамай юриверади. Пайқаса ҳам парвосизлик қилади.

У милтиқни отишга қулайлаб, тоғ томонни синчиклаб кузатди. Ой сутдай ёруғ бўлишига қарамай, бирор шубҳали нарсага кўзи тушмади. Ҳамма ёқда ўлик сукунат ҳукмрон. Аммо бу сокинлик алдамчилигини, қўйнида улкан хатарни яшириб турганини у билади. Тоғ томонга ҳануз енгил шабада эсар, шунинг учун у инсон зоти сезадиган бирор товуш ё ҳидни сойнинг кўра жойлашган қисмига келтирмасди.

Асроркулнинг кўнглига ит қашқирлардан чўчиб, ортига қайтиб кетмадимикан деган фикр келди-ю, шу ондаёқ уни хаёлидан кувиб чиқарди. Вафодор одамлар таърифлаётганидай ит бўлса, асло бундай қилмайди. Тўрт-беш қашқир билан олишиб устун келган ит атиги иккита қашқирдан кўрқиб қочмайди. Кўрққанида иккита зўр қашқирнинг изига тушиб, шунчалик узоқ жойга келмасди. У хўроз эмаски ўз катагида зўрлик қилиб, сал нарироқда қанот силкиб қочса. Қаердадир шу атрофда қулай фурсатни кутиб ётгандир.

Мудир чўпонлари овқатланиб бўлгуничалик вақтни жимгина кузатиш билан ўтказди. Кейин воқеаларни тезлаштириш учунми, милтиғининг оғзини кўтариб, тоғ томонга ўқ узди. Ортидан бор овози билан бақирди:

– Ҳаҳ-хи-и-йй!! Ўйдаки-шш!

Мудир қаерда бўлсаям чиқар деган ўй билан, Вафодорни бўриларга қарши олқишлаган эди. Бу билан каттагина хатога йўл қўйганини ўзи пайқамади. Вафодор унинг ўзини кўрганини билмасди, аммо дилидаги бетоқатликни сезди. Янглишиб мениям отиб қўйишмасин деган ҳис биланми, яқинидаги туяттош панасидан озроққина чиқиб бўй кўрсатди-да, тисарилиб тагин бекиниб олди. Му-

дир шундагина хатосини англади. Бемаҳал ғовур кўтариб, беихтиёр ҳаммани, хусусан, бўриларни ҳам сергаклантириб қўйган эди.

Ошхонадагилар бўри келди деб ўйлаб, апил-тапил ташқарига отилишди. Тўрт ит барабар ҳуриб чуввос кўтарди. Чўпонларнинг бири паншаха, иккитаси узун сириқлар билан куролланиб, итлари ҳамроҳлигида мудир томон етиб келишди.

– Нима бўлди, ака, – сўради Наҳалбой пастда туриб. – Итқуш келдими?!

– Мунов туютошди панасида бир ит беркиниб турипти, – деди у Вафодор бекинган тошни қўли билан имлаб кўрсатиб. – Яна янглишиб уни жароҳатлаб қўйманглар.

Чўпонлар хайрон бўлишди: тўртала итлари ҳам ёнларида, мудирнинг айтаётгани қандай ит бўлди? Балки қашқирни кўриб шундай ўйга бордимикан адашиб?..

У Вафодорни аниқ таниганди. Қашқир бўлганида кўзлари учқунланиб, ёниб кўринарди. Қолаверса, у сираям ўзини намойишкорона кўрсатмасди. Керак пайтда хужумга ўтарди, холос.

Мудир пастга тушди. Деворнинг нураган жойларига биттадан чўпонни қоровулликка қўйди. Бўри хужум қилган тақдирда бир-бирларига ёрдамга етиб боришлари кийинмас. Керак пайтда итлар ҳам жим туришмас.

У керакли эҳтиёт чораларини кўрганига амин бўлиб, қўрага қайта чиқиб кетди.

11

Вафодор бўриларни Қавғолида, Дехқонбойнинг ёнида қўйларга қараб юрганида пайқади. Тоғ устида қулоқлари қамишдай тикрайиб турган иккита қорани кўриб, тикилиб қолди. Қашқирлигини билгач жойида туролмай безовталаниб, атрофга югура бошлади. Чопганича сурувни бир айланиб чиқди. Четрокда ажралиб ўтлаётганларини ҳайдаб тўдага қўшди.

Дехқонбой унинг одатдан ташқари ҳаракатларидан қандайдир хавф пайдо бўлганини сезди. Соё юзаси ва тоғ-тошлар орасини диққат билан кўздан кечирди-ю, бирор хавfli нарсани кўролмади. Бироқ қаердадир қашқир пайдо бўлганини у аниқ пайқади. Ашаддий ғанимини кўрмаса ит бунчалик югургиламасди. Шунга қарамай кўркмади. Ёнида Вафодор бор, нимадан чўчийди?

Итни бўрилар ҳам кўришди ва дарҳол чамасини олишди. Шу лаҳзадаёқ у билан таллашиб бирор натижага эришолмасликларини билишди шекилли, ортларига қайтиб, кунгай томонга тушиб кетишди. Дехқонбойнинг ўзи бўлганида уни писанд қилишмасди. Иккиланмай қуйига эниб, қўйларининг камида ярмини бўғизлаб кетишарди. У эса бақириб-чақирганича қолаверарди.

Вафодор югурганича сойдан ўтди-ю, чопишини сусайтирмай юз қадамча наридаги тоққа тирмашди. Дехқонбойнинг ҳай-ҳайлашларига қулоқ солмади. Бироқ ғанимлари аллақачон жуфтақни ростлаб қолган эди. Қидирганларини кўрган жойидан тополмагач, зир югуриб атрофни искалади. Қуриган хас-хашакларда арлон бўри билан қанжигининг ҳиди қолганди. Тош ва буталарни паналаб, топилган ҳид бўйича изларидан тушди.

Тошлоқ ва бутазорлар олишувга қулай жойлар эмас. У душманларига ҳар доим яланг жойларда хужум қилган. Аксинча, нимагадир туртиниб-суриниб, кучли рақибнинг тагига тушиб қолиш хавфи борлигини биларди, шекилли. Очiq жойлар ғанимига ҳам бир қадар қулайликлар беради, албатта. Вафодор бунга эътибор қилмасди. Ўзи эркин ҳаракатлана олса кифоя, рақибига тап тортмай ташланади.

Кўкбулоққа яқинлашаверишда ит қашқирларнинг изини йўқотди. Тўрт томонга югуриб излаб ҳам уларнинг ҳидини тополмай қолди. Шундаям қидирувни тўхтатиб ортига қайтмади. Шу ергача уларни пойлаб, изларини аниқ-тиниқ билиб келди. Бир марта узокроқдан ўзларини ҳам кўрди. Лекин оралиқ масофани қисқартиришга уринмади. Гўё борадиган жойларингга бемалол бораверинглар, қаергача боришларингни кўрамиз ҳали, дегандай.

Қашқирлар қанот боғлаб учиб кетишолмайди. Қандайдир хийла ишлатиб, хидларини вақтинчага билинмайдиган қилиб кетишганини Вафодор пайқади. Шунинг учун ёйилиб оқаётган санглоқдан кечиб ўтиб, ҳид ахтаришни бу қирғоқда давом эттирди. Юз қадамча юқорилаб бориб, бўрилларнинг ҳидини қайта топди. Шунда у арлон бўрининг ўта айёрлигини сезди. Унга фириб бериш учун атайлаб қанжиғини эргаштирганича оқаётган сувнинг ўртасидан кечиб анча юқорилаган. Бундан маълум бўладики, қашқирлар ҳам Вафодорнинг ортларидан тушганини билишган.

У из қидириб анча ушланиб қолди. Шунга қарамай баландроқ бир бутани юзига олиб, ерга узала тушиб ётди. Қашқирларнинг янада узоклашишига имкон берди.

Бир маҳал ботаётган қуёш яхши ёритиб турган Қайрағочли тоғининг ёнбағридан шошилмай кўтарилиб бораётган арлон бўрини элас-элас кўриб қолди. У итни адаштириб, ортига қайтишга мажбур қилганига ишонган чоғи, жуда бамайлихотир юриб кетаётганди. Тоғ тепасига чикқач, бурилиб ортига қаради. Қуйида ўзининг тоғдан ошиб кетишини кутиб турган қанжиғидан бошқа ҳеч нарсани кўрмагач, йўлида давом этди.

Вафодор шошилмади. Бироздан сўнг ургочи бўрининг ҳам тоғдан ошиб кетганини кўрди. Шундан кейингина сакраб ўрнидан турди ва ғанимларининг изидан кетди. Тоғ тепасига жуда яқин қолганида рўпарасидан эсаётган шабада қашқирларнинг ҳидини келтириб димоғига урди. Ит уларга кўринмаслик учун бир қадам ҳам олдинга силжимади. Ўнг томонига кескин бурилиб, тоғнинг бурни тарафига йўл олди.

Бурунга етгач, дикқат билан сойни кўздан кечирди. Атроф хийлагина қоронғилашиб қолганига қарамай, пастдаги кўра, унга қамалган қўйлару атрофида юрган одамлар, бепарво тентираётган итларни аниқ кўрди. Ўзини чўпонлару итларга сездириб қўйиши ҳам хавфли эди. Итлар-ку, бегона итни кўрса ақиллаб, оламини бошларига кўтаришлари аниқ. Чўпонлар ҳам уни қашқир деб ўйлаб ғовур кўтаришлари тайин. Вафодор бундан чўчимади. Аммо ўзининг шу ердалигини бўрилар ҳам билиб қолиши ва вақт ғаниматда қочиб кетиши мумкинлигини ҳис қиларди. Унда яна қанча вақт сарфлаб, яқингинасида турган ёвларини қидиришни бошидан бошлашига тўғри келади.

Вафодор эҳтиёткорлик билан кўрага яқинроқ жойдаги туятош томонга ер бағирлаб силжий бошлади. Ўзини сездирмай етиб олгач, тошнинг ковагига қириб ётди...

Бир маҳал шабада қандайдир таниш ҳидни олиб келди. Бир-икки искалангач ўзини кўрмаса-да, бу хид уйларига борган ферма мудириники эканлигини илғади. Кейин овозини ҳам эшитди. У бир эшитган товушни анчагача унутмасди. Шу сабабли ўзига янги иттифоқдош топилгандай, вужудида ажиб бир қаноат ҳиссини туйди. Барибир, то милтиқ отиб қийқирмагунича унга кўринмай турди. Кейин бир кўринди-да, унинг таниганини сезгач, яна паналади.

Асроркул Вафодорни кўрса-да, ёнига чақирмади. Оралиқ яқин, паналаб тур-

ганига караганда, бир нарсани мўлжал қилгандир, деб ўйлади. Милтигини қайта ўқлаб, тоғ томонни жимгина кузатишда давом этди. Итнинг бу ерда ётганига караганда, қашқирлар ўша томонда. Қачон чиксаям шу томондан келади.

Орадан анчагина вақт ўтди ҳамки, ҳеч қаердан “тиқ” этган товуш эшитилмади. Чўпонлар зеркишди. Қўлларидаги таёққа суяниб, бир жойда қимирламай қакқайиб тураверишдан чарчашди. Нураган деворни кўриқлаб ўтиришдан кўра, кўра атрофида айланиб юришгани маъқул эди. Милтиқни кучоқлаганича тоғ томонга жимгина тикилиб туравериш мудирнинг ҳам жонига тегди.

– Наҳалбой, – бош чўпонни чақирди у. – Одамларингминан кўранинг бу томонига ўтиб, бир қатор бўлиб туринглар. Ораларинг ўн эки-ўн уч ҳаппойдан⁵ узоқ бўлмасин. Қўлларингдаги асбобларди маҳкам ушлаб, итларди тов томонга ўйдакишланглар. Иложи борича қаттиқроқ шовқин кўтаринглар.

У милтиқдан ўқ узиб, ҳай-ҳайсуронни биринчи бўлиб бошлаб берди. Унга чўпонлар билан итлар қўшилди. Бирдан кўтарилган шовқин-суронлардан сой ичи гумбурлаб кетди. Қачонлардан буён унгурда тинчгина бекиниб ётган қашқирлар бир қалқиб тушишди. Аввалги шовқинга деярли эътибор беришмаганди. Қўраларда баъзан шундай қилиб туришларини улар билишади. Қайсидир чўпон атрофда юрган йиртқичларни кўрқитмоқчи бўлиб ўқ узади, бир-икки қийқириб ҳам кўяди. Тамом. Шу билан у хотиржам тортиб, ётоғига кириб кетади. Ярим кечаларга бориб, ҳақиқий тўполонни қашқирларнинг ўзи бошлайди...

Бу галги қийқириқлар бошқачароқ чикди. Арлон чўпонлар ўзларининг шу ерда фурсат кутаётганини пайқашганини сизди. Энди вақт ўтказишга ҳожат қолмаганини ҳис қилди. Шу сабабли ётган жойидан отилиб очиққа чикди. Унга урғочиси эргашди. Одамлар ҳам, итлар ҳам уларни кўришди. Эгаларининг даъвати билангина чопганича ҳуриб келаётган итлар бирданига тўхташди. Ўзларига таниш қашқирларни аниқ кўришгач, жонлари чикиб кетаёзди. Беихтиёр рўпарасида туриб қолишди.

Йиртқичлар ичида арлон бўрига тенглаша оладигани йўқ ҳисоби. Буни ўзи ҳам билади. Ҳар қандай итга ёки итлар галасига тап тортмай борадиган бу йиртқич негадир Вафодордан ҳайикди. Балки вужудидаги савқи табиий олишиб кўрмай турибоқ унинг ўзидан устунлигини билдиргандир. Шу туфайли бақамти келишдан ўзини олиб қочгандир...

Бир-бирларига суянибми ё билиб-билмай рўпарасига келиб қолган итларни кўриб, арлоннинг ғзаби туғёнга тушди. Тишларини шундай шақирлатиб юбордики, итларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Баравар ортларига бурилиб, ура қочишди. Арлон орқароқда қолган итни кувиб етиб орт оёғидан ғарчча тишлади. Шу ондаёқ илик суягини синдириб, ўзини бир четга ирғитиб юборди. У буралиб ангиллаганича жойида қолди.

Арлон унга қарамай, яна қочаётган тўданинг кетидан тушди. Ортдагисига яқинлашиб, бор кучи билан устига сакради. Зудлик билан белидан тишлаб, йўл бўйидаги йирик туятошга айлантриб урди. Қаттиқ урилганидан бош суяги ёрилган ит бир марта аянчли ангиллади-ю, ўлди. Олатасирдан фойдаланган урғочи қашқир жилдирабгина оқаётган сойнинг иккинчи тарафига ўтиб олди. Унинг дарахт ва буталар панасида кўра томонга елдай учаётганини на чўпонлар пайқашди ва на арлоннинг олдида жон ҳовучлаб қочаётган итлар.

Арлон ўзи жароҳатлаган ва ўлдирган итларга алаҳсиб, вақтдан салгина ютдирди. Қолганлари чўпонлар ёнига соғ-омон етиб келишди ва зорли ғингиб,

⁵ Ҳаппой – одим, қадам (чиллик ўйинда бир билак ўлчови).

оёқларига ўралишди. Улар хавфли душманларидан фақат одамлар кўмагидагина омон қолишларини билишади.

Итлар одамларга яқинлашганини кўриб арлон тўхтади. Одам бу – Одам. Ҳар қандай йиртқич унинг олдида тайсаллаб туради.

Ораликдаги масофа атиги йигирма қадамча келарди. Орқага чекинса ўққа учарди, олдинда калтакларини шайлаб чўпонлар турибди. Шуларга андармон бўлиб саросималанганида Вафодор довулдай бостириб келиб бўғзидан олди. Айни шу пайтда кўрада ҳам тасир-тусур бошланди. Мудир беихтиёр осмонга ўқ узиб, овозининг борича бақирди:

– Кўрага қашқир кирди! Кўрага чопинглар!! Мановини Вафодорнинг ўзи тинчитади, кўрага чоп, ҳамманг!..

Қандайдир бегона итнинг кушандаларига тап тортмай ташланганини кўриб, чўпонларнинг итларига ҳам жон инди. Қайтадан журъатланиб бўрига ташланишди. Бўғзи Вафодорнинг оғзида турган йиртқичнинг у ер-бу еридан тишлаб торткилай бошлашди. Чўпонлар эса кўра томон югуришди: ким эшикдан, ким нураган девордан ошиб ичкарига киришганида, урғочи қашқир бир кўйнинг бўғзидан олиб турганини кўришди. Қолган кўйлар девор тарафга ғуж бўлиб бир-бирини олдинга сураб, боши билан тирқиш очиб илгариламоқчи бўлар, бусиз ҳам зичлашган тигизликни баттар кучайтирарди. Аммо олдинга силжишнинг иложи йўқ эди. Ҳаммагаям жон ширин!

Урғочи бўри ҳар томондан сиқувга олинаётганини пайқаб, аҳволи чатоқлигини сезди. Оғзидаги чалажон кўйни кўйиб юбориб, бир сакрашда деворнинг нураган жойидан ошиб кетди. Ортидан чўпонлар ҳам чиқишди-ю, қаёққа кетганини билолмай қолишди. Кўранинг ортига ўтишиб, нарироқда дўмпайиб ётган ўлик бўрининг жасадига кўзлари тушди. Вафодор ишини битириб кетган эди. Тирик қолган итлар катта ишни ўзлари бажаргандай, эгалари олдида ликиллай бошлашди. Улар Вафодорга эргашмагандилар. Ваҳимада иккинчи қашқирнинг кўрага кирганини пайқашмаганди, шунинг учун бегона ит ортидан кетишмаганди...

Наҳалбой шотидан тушаётган мудирдан сўради:

- Боғоноғи ит қаёққа кетди? Бизгаям шундайчикини битмади битмади-да.
 - Сизлар қочириб кўйғон итқушди қувиб кетди, – у жуда ҳам ишонч билан гапирди. – Ушлаб, ўлтирмай кўймайди уни.
 - Қандай ит у?
 - Ўғатлик Ўтаган мерган “юз кўйғаям бермайман” деган ит. Арзийдиям-да!
 - Ҳ-а-а... Шунча узокдан шу ёққа кептими?
 - Қашқирлар овиб бориб қолғон бўлса, изини олиб келган-да. Қашқир отли жини бор, дейишади уни.
 - Болалиғида ғашикқан бўлса керак-да.
 - Қорасини кўрса, ё изини олса бўлди, қувиб етиб ўлтирмай кўймасмиш. Бировинг азонда манови сойди қараб чиқ. Итди чалғитмоқчи бўлиб шу томонга қочди, у. Нима бўғондаям одамлардан қочиб кутулди, шу десанг, итдан кутулолмайди.
- Чўпонларнинг бири арлоннинг терисини шилишга кетди. Вафодорнинг изидан тушганини билса, шериги ўлсаям бу тарафларга яқинлашмайди. Иккитаси мудир бошчилигида кўйлардан хабар олиш мақсадида кўрага қайтиб кирди. Нураган девор ёнида қашқир бўғизлаган кўй хириллаб ётарди. Ҳозирча тирик. Наҳалбой уни ҳалоллаб олишни ёнидаги чўпонга топширди. Ўзи мудир билан бошқа кўйларни текшириб чиқишди. Худога шукр, бошқа талафот йўқ, ҳаммаси омон.

Мудир сўйилган кўйнинг гўштини чўпонларнинг ўзларига иссиқ овқатга қолдириб, қуйруғини тоза матога ўраб олиб кўйишни буюрди. У айтмаса-да, чўпонлар мақсадини тушунишди. Эртасига чошгоҳда бошқа отарлардан ўн олти кўйни аравага бостириб, Асроркулнинг ўзи келди. Наҳалбойдан ҳам гўртта семиз кўйни ўзи танлаб аравага чиқартирди.

– Сен Ўғатти йўлиминан боравер, – тайинлади аравакашга. – Ўтаган мерган қишлоқди энг юқорисида туради. Мен тўғрисида кесиб чиқиб, сендан илгарироқ бориб тураман...

Вафодор келмаганида қашқирлар кечанинг ўзидаёқ, ози йигирма кўйни кийратиб кетарди. Бу ҳолат кейинги кунларда бошқа кўраларда яна такрорланарди. Мукофот учун ажратилган йигирмата кўй бундай катта чиқимлар олдида ҳеч нарса эмасди. Итига қилган меҳнатига яраша Мерганни шунча кўй билан мукофотласа арзирди. Бундан ташқари, қайтган бўлса эртароқ бориб, қуйруқни итга егизишни ўйларди. Унинг тишлари ҳали яна асқотиб қолади. Вафодорнинг қаердалигини Ўтаган мерган ҳозирча билмаса керак.

12

Вафодор арлон қашқир билан бўлиб, иккинчисининг қаёққа йўқолганини билмай қолди. Бироқ сездики, у вақт ғаниматда қочиб қолган. Қочганида қаёққа борарди? Барибир ундан қутулолмайди. Ер юзида бўлса, албатта, топади.

Тепароқдан келаётган итнинг ғингшиши диққатини бўлди. Нима бўлганини билишга қизиқиб, ўша тарафга йўл олди. Йўрғалаб кета туриб, тумшугини осмонга кўтарганича ҳавони искалади. Ён томондан эсаётган шабада қаердандир урғочи бўрининг билинар-билинамас ҳидини келтириб димоғига урди. Бу хид нимаси биландир бошқа ҳайвонлар ҳидидан алоҳида ажралиб турарди. Унинг қайси томонга қочганини билиб олишига шунинг ўзи кифоя қилди. Бурилиб, шу ерданоқ таъқибни бошлагиси келди-ю, бироқ ярадор итга ёрдам бериш истаги ғолиб чиқиб, ўзини зўрға тўхтатиб қолди. У илиги синдирилган жинсдошининг зорли инграшини яна эшитиб қолди ва бир зумга бўрини ҳам унутиб, ўша томонга отилди.

Етиб келганида жароҳатланган ит чўзилиб ётарди. Оғриқнинг кучлилигиданми, ўрнидан туришга уринмасди ҳам. Орқа оёғининг синган қисми халтадаги темиртақдай ғайритабиий кўринишда буралиб ётарди.

Вафодор тумшуги билан авайлаб кўтариб, уни ўрнидан турғизмоқчи бўлди. Майиб ит эса кўмақдан фойдаланиб туриш ўрнига, иккинчи томонига ағдарилиб тушди ва оғриққа чидолмай ангиллаб юборди. Вафодор шунчалик заифмисан, дегандай, аста ириллади. Бу таъсир қилди, шекилли, ит тинчиб қолди. Шунда у иккинчи томонига ўтиб, яна тумшуги билан суяб кўтарди ва қорнига ётқизди. Бу сафар у олдингидай қаттиқ ангилламай, аста ғингшиди. Вафодор зудлик билан ортига ўтиб, думидан тишлаб кўтарди. Ит қайсарлик қилмай оёққа турди ва синган оёғини шалвиратиб оқсоқланганича кўра томонга юрди. Вафодор бир зум ордидан қараб турди. Қийналиб бўлса-да, манзилига етиб боришини сезгач, кунчиқар томонга кескин бурилди. Қайроғочлисойни энига кесиб ўтиб, кейинги тоққа кўтарила бошлади. Урғочи қашқир шу тарафга қочганини билиб турарди. Энди уни қандай бўлмасин топиши лозим.

Вафодор юқорида тўхтаб, юзини шабадага ўгирганича қайтадан ҳавони искалай бошлади. Бу сафар негадир излаётган ҳидини тополмади. Маълум бўлди-

ки, қашқир озроқ илгарилаб кетган ёки бир камарга кириб ётган. Илгарилаётган бўлса, шабада ҳидини олдинроққа олиб кетяпти.

Ҳозирги вазиятида бўри қаердадир паналаб ётиши мумкин эмаслигини сезарди. Фақат юриш ва яна юриш жонига ора кириши мумкин. Шу пайтгача айёр ва тажрибали арлоннинг етагида эди. Энди у йўқ. Шу туфайли қаёққа ва қандай кетаётганини ҳам тузукроқ аниқлаёлмай келарди. Лекин бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги зарурлигини ҳис қиларди.

Вафодор тоғ устидан жадал илгарилади. Бу йўл сойдаги бурилишлар, ўпирилишлар ва айланиб ўтишга мажбур қиладиган турли тўсиқларга нисбатан анча қулай, ҳамда юришини ундирарди. У қаердадир озроқ юқорилади, қаердадир озроқ қуйига энди. Тонгга яқин шабада келтирган урғочи қашқирнинг ҳиди яна гупиллаб димоғига урилди. Сездики, қашқир шу ўртада, анча яқинига келиб қолган. Шабада унинг ҳидини шу тарафга келтиргани ҳолда, ўзиникини тескари тарафга олиб кетарди.

Ит юришини сусайтирмай озроқ илгарилади-да, зувиллаб сойга энди. Шу ерда қашқирнинг йўлини тўсиб чиқди. Бўри унинг ҳидини ололмаганидан рўпарасига келиб қолганини хануз пайқамаганди.

Вафодор сойга тушгач, йўл ёқасидаги тошнинг панасига узала тушиб ётиб олди. Қашқир хавфдан кутулганига ишонган ҳолда бамайлихотир йўртиб келарди. Ит бу сафар негадир ўзи ўрганган усулдан фойдаланмади. Ганими тошнинг рўпарасига келгач бир сапчиб, умуртқа суягидан ғарчча тишлади ва айлантириб бошини тошнинг қиррасига урди. Бу билан ҳув Қорақушнинг сиртида одамхўр бўрига дуч келганини эслагандай ва ўшанинг аламини қайтариб олгандай бўлди.

Қашқир кутилмаган хужумдан гангиб, бирор йўсинда қаршилиқ қилишга ҳам улгуролмади. Боши тошга зарб билан урилгач, ерга чўзилиб тушди. Вафодор шундан кейингина бўғзига тишларини ботирди ва кекирдагини узиб юборгач, кўзларига ғазаб билан тикилди. Унда жон асари қолмаганини пайқагач, бамайлихотир тоғ томонга ўрлади. Ортида қолган қашқир жасадига қайта ўгирилиб қараб ҳам қўймади.

Вафодор уста мерганларга ҳам тутқич бермаган, чўпонларни даҳшатга солган бўриларни ортиқча олишувларсиз даф қилиб, бу гал ҳам ғолиб бўлди. Буни ҳали Қайроғочлисойдаги чўпонлару мудирдан бошқа ҳеч ким билмасди. Тўғри, иккинчи бўрининг ўлигини ҳозирча улар ҳам кўришмади. Лекин итга ишонишарди. Ахир у – Вафодор, уч-тўрт бўри билан ҳам тап тортмай олишиб, ҳаммасини даф қилган зот. Битта қанжиқнинг масаласини ҳал қилиш нима бўлибди унга!

13

Дехқонбой қўйларигаям қарамай ҳаллослаб, Ўтаган мерганнинг уйига югурди:

– Мерган бова-чи, Мерган бова! – ўпкаси бўғзига тикилиб, кўрганларини хабар қилди. – Вафодор бир нарсани қувалаб, Қовғалининг бошига чиғиб кетди. Чақирганимгаям қарамади!

– Нимани қувалади? – босиқ товушда сўради у. – Нечтайди улар?

– Мен ҳеч нарсани кўрмадим, човған баравар Қовғалидан ошиб кетди.

– Чақирганинга қайтмаганига қараганда итқушларди қувалаған-ов. Қўзи-улоқларга айланишмаса, тулки-пулкиминан иши бўлмайди уни...

Мерган шошилмай ўқдонини белига боғлади. Милтиғигаям иккита ўқни

жойлаб елкасига илди-да, Дехқонбой билан Қавғоли тарафга юрди. Уни қўйлар ёнида қолдириб, ўзи тоққа чиқиб кетди. Тепадан тоғ ортидаги сойларни бирма-бир назардан ўткизди-ю, кўзига илингулик бирор жондорни кўрмади. Хаёлидан ит қашқирлар изидан Хонтоғи ё Қўйтош тарафларга кетган-ов, деган фикр кечди. Хонтоғи – анча бузуқ тоғ, яширинишга қулайлигини айтмаса, қашқирнинг у тарафга юриши гумон. Қўйтош томонга энса, шаҳарчагача бормади. Кундузи одамлар бор жойдан четлаб ўтишади. Бундан чиқади-ки, у анча юқоридан, тошларни паналаб қочади ва Кўкбулоқ тарафларга ўтиб кетган.

Кейинги тахмин Мерганнинг дилига ўтиришди. Яқинда Кўкбулоқнинг ферма мудири йигирмага қўй ваъда қилиб, итини сўраб келганди. Уларни безор қилган ўша қашқирлар қандай сабаб билан бу томонларга оғишган? Отарларида милтиқ билан итларни кўпайтиришганми? Мерган овчилар эпполмаган қашқирларни милтиқнинг пақиллашига махлиё бўлиб, пала-партиш ўқ узаверадиған чўпонлар нима ҳам қилоларди. Қишлоқ итлари зўр қашқирларни кўрса писиб кетиши маълум.

Мудир айтган қашқирлар ёлғиз эмасди. Вафодорнинг изидан тушгани ўшалар бўлса, иккитадир. Бу тарафларга милтиқ ё итлардан кўрққанидан эмас, шунчаки улоқиб келган. Балки терскай томондан энган ёлғиз бўридир. Шундай бўлса, уни бугуноқ тинчитиб уйга қайтади.

Хў бирда итини қидириб Шоғишмон тоғларида сарсон бўлгани Мерганнинг ёдида. Бу сафар ҳам билиб-билмай Кўкбулоққа бориши бефойдалигини англади. Ит қувлаган қашқир отарлару кўраларга яқинлашмайди. Имкони борича четга, кимсасиз жойларга уради ўзини. Шундай экан, ортиқча оворагарчиликка чек қўйиб, озроқ сабр қилгани маъқул.

У оғир-оғир қадам ташлаб ортига қайтди. Вафодорни изламай тўғри қилдиммикан, деб ўйлади. Излаганида қайси тоғдану қайси унғурдан ахтаради? Тоғларда бундай кунжаклар сон мингта. Бирма-бир қараб чиқишга умри ҳам етмас.

Барибир итидан қаттиқ хавотирланарди. Вафодор биринчи бор қашқирга рўпара келганида ҳали ёшроқ эди. Ўшанда икковлашибгина одамхўр йиртқични даф қилишнинг урдасидан чиқишганди. Сал бўлмаса, у итини майиб қилиб қўйиб деганди. Буни ити асло унутмади ва қашқир зотининг қон душманига айланди. Қаерда кўрса ё хидини сезса бас, озу кўплигига қарамайди. Кўрқмай ташланади. Шу феъли Мерганни хавотирга солади. Уйлиқиб юришганида тўдаларига тушиб қоладими, деб кўрқади. Озлигига қарамай Кўкбулоқда пайдо бўлган бўриларни ҳам жуда кучли ва пихи қайрилган деб эшитади. Қувлаётгани ўшалар бўлса, Вафодорнинг бир ўзи туриш берармикан?

Элётар бўлди ҳамки, Ўтаган мерган кўз юмолмади. Негадир хавотири ортиб борарди. Балки қашқирларни қувиб, Ғаллаорол томонларга ўтиб кетгандир, деб ўйлади. Унда эртага ҳам қайтмайди. Эшак миниб тоғма-тоғ қидиришига тўғри келар. Нима бўлибди, керак бўлса Ойқорга ҳам боради!

У тонгни жуда илҳақ бўлиб, уйқули-уйғоқ оттирди. Орада уч-тўрт марта Вафодор келдимикан, деган умид билан ташқарига чиқиб келди. У қайтмади. Ўзи не ахволда-ю, кампирининг пиш-пиш ухлашидан ғаши келди. Жаҳл устида уни тешиб юборай деди-ю, ўзини тийди. Дунёни сув босса, ўрдак билан ғозга нима ғам! Бир тепганида ити келиб қолса экан. Хоназот ҳайвоннинг йўқлигини билиб ҳам бу ўрдакмижознинг бепарво ётишини кўр! Одам деганиям шунчалик беғам бўладими?..

Кеч пешинларга бориб чидолмади: нафақат уйига, ҳатто ҳовлисига ҳам

сиғмай қолаётганга ўхшади. Апил-тапил ўрнидан туриб, йўл ҳозирлигини кўра бошлади. Кечаси Қўйтошда тунар. Азонда йўлга чиқса, кун кўтарилганида Қўкбулоқда бўлади. Шу ерда ити тўғрисида, ҳеч бўлмаса, бирор хабар эшитар. Чўпон-чўлиқлар хушёр бўлишади, атрофда юрган бегона ҳайвонларга бепарво қарашмайди.

Ҳовлига чиққанида отдан тушаётган ферма мудирини кўрди. У бирор яхши хабар келтирганини фаҳмлади. Қувонганидан, ўзидан анча ёш бўлишига қарамай, ундан олдин салом берди.

– Ва алайкум ассалому, ассалом алайкум, оқсоқол, – у майин жилмайди. – Итингизди излаб кетяпсиз чоғи?

– Шундай... – Мерган қўлини оларкан, кўзига илҳақ бўлиб тикилди.

– Изламай қўяверинг, ҳадемай ўзи келади.

– Сизлар томонга боришти-да.

– Ҳа, шу десангиз, катта ишди битирди итингиз – на итлар ва на овчилар қилолмаган ишди эплади у: кўз олдимда итқушди арлонини бувиپ ўлтирди. Кейин қанчигини изидан қувип кетди. Тонг отғунча уния тинчитғандир. Ақлига қойил қолдим уни, шу десангиз, бир хил одамлардан фаросатлироқ кўринди!..

– Бувип ўлтириш – Вафодорди адиси. Бошқа ҳеч бир ит бундай қилолмайди.

– Кўрибок танидим. Хў бирдаям кўриб кетувдим-да.

– Уйга киринг, чойлашамиз.

– Албатта, қираман, балки сиздикида тунаб ҳам қоларман.

– Мановини Вафодорингиз келган заҳоти егизарсиз, – у хуржунидан камида етти-саккиз кило келадиган қўй қуйруғини чиқариб Мерганга узатди. – Ўзингизга аталгани аравада келаётир.

– Менга ҳеч нарсангиз керакмас, итим соғ-саломат келса бўлди.

– Шу десангиз ака, мундайчиқин итди тарбиялашди ўзи бўлмайди. Сиз меҳнатингизга ярашасини оласиз. Вафодорингиз бўлмағонида итқушлар шу қўйлардиям ўлтириб, ҳалол молларди ҳаромга чиғариб кетарди. Буған кош қайтарсангиз, сиздики куфр бўлар-ов...

“О-о-о бола тушмагур, жон жойимдан ушлади-ку, – кўнглидан ўтди Мерганнинг. – Энди унга нима деб бўлади? Бироқ Вафодор ҳам ўз хизматлари билан у қилган меҳнатни оқлапти-ку. Бу ёғи қандай бўлади?”

Асроркулнинг гапларига тайинли жавоб топиб айтолмаганидан, Ўтаган мерган индамай қўя қолди. Асроркул эса ўтган тунда юз берган воқеаларни ижиклаб, миридан-сиригача сўзлай бошлади. Бунга эшитиш мерган учун марокли эди.

14

Орадан йигирма йиллар ўтди. Вафодор ҳамон куч-қувватдан қолмаганди.

Кўкламнинг охирлари. Қуёш эндигина кўтарилиб келарди. Одамлар битта қўйлақ билан юраверса бўладиган илиққина кун. Деҳқонбой қўйларни яйловга ҳайдамоқчи бўлиб турарди. Мерган билан кампири йўлга солишга ёрдамлашарди. Сойдан ўткизиб юборишса бўлди, у ёғига Вафодорнинг ўзи бокиб кетаверади. Деҳқонбой ишга боради. У энди қонда ишларди.

Шу пайт Ирғайли томондан лайчадан каттароқ бир қора ит отилиб чиқиб, улар томонга чошиб кела бошлади. Олдинда турган Вафодор бир зум унга ажаблангандай тикилди-да, шартга бурилиб қўйларни орқасига шиғаб ҳайдади. Мерган ҳеч қаёққа қарамай ўзлари томонга югураётган бегона итни кўрмаган эди.

Шунинг учун итининг қилиғидан хайратга тушди. Нима бало, кутуряптими у, деган фикрга ҳам борди.

Вафодор кўйларни қувлаганича қишлоқ йўлига тушириб, тезгина ортига қайтди ва қора итнинг йўлини тўсиб чиқди.

Ўтаган мерган шундагина гап нимадалигини тушунди. Қора итнинг яқинлашиб қолганини кўрса-да, ҳеч нимани фаҳхламай, анқайиб турган Дехқонбойга бор овозида хайқирди:

– Нега анграясан, хей! Тез уйга чоп-да, милтиқди олиб чиқ!

– Сен ҳам анқаймай уйга кир, манови итти кўрмаясанми! – ўдағайлади кампирига қараб.

Нихолой момо гап нимадалигини шундагина фаҳхлади, шекилли, уйи томонга қочиб қолди. Ўзи эса Вафодордан илгарироқ етиб, кутурган қора итни тепкилаб бўлса-да, қайтариб туришни ўйлади. Одамни туман марказидаги зўр дўхтирлар даволайди. Озроқ қийнашса-да, шифосини топишади. Нима қилиб бўлсаям манови балодан итини асраб қолиши керак. Одам даволайдиган дўхтирлар итига қарашмайди, уни қабул қиладиган шифохона йўқ.

Ўтаган мерган хайвонларни турли касалликлардан фориг қиладиган байтарлар⁶ борлигини билади-ю, вақтида олиб боришса кутуришнинг ҳам олдини олиб қолишларини сира эшитмаган. Бу касаллик ёйилиб кemasлиги учун кутурган хайвонларни, дайди итларни отиб, ўлигини ёқиб юборишлари ёки кўмиб ташлашларини эшитган, холос...

Мерган кўйларни қувиб юбориб, ортига қуюндай учиб келаётган Вафодорнинг олдига чиқди ва хай-хайлаганича уни тўхтатмоқчи бўлди. Ит негандир бўйсунмади. Аксинча, тўхтатиб қолмоқчи бўлаётганидан ғазаблангандай ўмрови билан бир уриб, четроққа ағдариб ўтиб кетди ва қора итга рўпара келди. Унинг мияси тамом айниб бўлган, шекилли, олдидаги баҳайбат итдан зиғирчаям кўркмади. Кўзлари шом уфқидай қизарган. Тили оғзига сиғмаётгандай бир қаричча осилган. Ундан салгина кўпикланган сўлак тинимсиз ерга томчилаб турарди. Орқа оёқларида тик туриб, Вафодорга ташланмоқчи бўлаётганида Вафодор унинг бўғзидан ғарчча тишлади. Қора ит бўғзини жингиртоб қилиб қисаётган тишлардан қутулмоқчи бўлибми ё шунчаки жунун оғушидами, бошини у ёқ-бу ёққа силтаб типирчилади. Шу ҳаракатлари давомида оғзидан оқаётган сўлак Вафодорнинг юзлари ва бурнига суркалиб кетди.

Афтидан, нафас олганида сўлак канширигига ҳам ўтиб кетган, шекилли, бўғилиб ўлган итни бир-икки силтаб, сой томонга отиб юборди. Бошини ерга эгиб каттиқ пишқирди.

Вафодор ўлган итга қайта даф қилмади. Айни шу дамда Дехқонбой келтирган милтиқни кўлига олиб, Мерган итининг олдига ўтди. Қимирламай ётган қора итнинг бошини нишонга тўғрилаб, милтиқ тепкисини босди. Аммо “чирк” этган овоз эшитилди-ю, милтиқ отилмади. Шундагина овдан ташқари пайтларда уйи деворига осиб қўйиладиган милтиғини ҳеч қачон ўқи билан қолдирмаслигини эслаб, кўли билан бошига бир-икки нукиди:

– Хомкалла! – деди овоз чиқариб.

У милтиғи сумбасини олдинга тўғрилаб, эҳтиёткорлик билан қимирламай ётган ит томонга юрди. Яқинроқ бориб, синчиклаб қаради. Ўлганига амин бўлгач ортига ўгирилди. Ҳануз қимирламай жойида мунғайиброқ турган Вафодорга кўзи тушиб хайратланди. У сираям бундай ҳолатда турмасди. Нима бўлдийкин?

⁶ Байтар – ветеринар.

Нима бўлганини аниқлаш учун озроқ яқинлашганди, у ортига тисланди. Тўхтаганди, ит ҳам тўхтади. Тезлаброқ юрганди у бурилиб кочиб, йўлга чиқиб кетди. Бурилаётганида ортидаги сўлак изларига кўзи тушиб, Мерган титраб кетди. Жонининг борича югурмоқчи бўлаётганида Дехқонбой тўхтатди:

- Сиз унга етолмайсиз, мен борай, бова.
- Боракол.

Қавғолининг устида кўринган қашкирларни қувиб кетаётган пайтидагини айтмаса, Вафодор унинг чақириғини ҳам бирор марта эътиборсиз қолдирмаган. Бу сафар нимадир бўлган: бақир-чақирларига мутлақо эътибор бермади, ақалли бурилиб қарамади. Нима бўлди экан?

Дехқонбой қутурган ит қопган одам ё ҳайвон қирқ кун оралиғида, албатта, қутуришини эшитган. Қора итнинг қутурганини ҳам пайқади. Аммо у Вафодорни тишлай олмади-ку! Боз устига ҳозирданоқ унда бундай аломат кўринмаслиги керак...

Нима бўлганига тушунолмади, таъби тирриқ бўлиб ортига қайтди. Етиб келганида Ўтаган мерган ён-атрофидаги шох-шаббаларни оёғи билан босиб синдириб, шошилмай қора итнинг устига тахлаб босмоқда эди.

- Вафодор менга ушлатмади, бова, ўғон бир бало бўганми?

– Кўрадан устига кигиз парчаси ташлаб қўйилган идишдаги ермойни⁷, тандирнинг бошидаги учи қайрилган темир косовни олиб кел, – буюрди у Дехқонбойнинг саволига жавоб бермай.

Дехқонбой бурилиб кетаётган Мерганнинг ғазаб ва нафратга тўла, ғамгин овозини эшитиб бир қалкиди: демак, аҳвол чатоқ, Вафодордан айрилиб қолиш хавфи бор!

– Лаънати лайча, қўлингдан бит ўлдириш келмасаям менинг баҳосиз итимди хароб қилдинг-а! – деди у ўксиб...

Ўтиннинг устидан тагидаги ўлик итни ҳам бўктириб кerosин қуйишди. Кейин гуриллатиб олов ёқишди-да, ўзлари четроққа ўтишди. Шу ерга ҳам жизгинак бўлиб ёнаётган гўшт ҳиди етиб келгач, яна орқароққа чекинишди.

Ниҳоят, олов сўнди. Дехқонбойга четроқдан чуқур қовлашни буюриб, қолган ишни Мерганнинг ўзи бажарди: темир косов билан бозиллаган чўғ ичидан итнинг тиришиб-буришиб кабобга айланган жасадини чиқариб олди. Чўғни яхшилаб бир жойга қайтадан уйди. Устига жасад қолдиғини иккинчи томони билан ётқизиб, тагин шох-шаббаларни синдириб боса бошлади. Устидан яна кerosин куйди. Олов гуриллаб кўтарилгач, Дехқонбойнинг ишини кўришга ўтди.

Қутурган итнинг устига шох босиб, кerosин қуйиб у ёқ-бу ёғи уч соатдан ортиқроқ куйдирди. Энди унинг ярим кўмирга айланган суяк-саёқларигина қолди. Уларни ҳам эски латтага битта қолдирмай териб, латта-паттаси билан Дехқонбой қовлаган чуқурга ташлади. Шу билан алами тарқайдигандай, юрагини кемираётган даҳшатли гумонлари босиладигандай, чопада қолган кerosиннинг ҳаммасини суяклар устига қуйиб гугурт чакди. Ёниб бўлгач, устидан соз тупроқ ташлаб, тепкилаб-тепкилаб кўмди.

15

Вафодор қора итнинг қутурганини кўргани заҳотиёқ пайқади. Шунинг учун кўйларни тириктириб қувди. Уларни-ку етарли даражада хавфдан узоқлаштирди. Аммо эгалари хатарда қолди. Ит, албатта, уларга заҳмат етказди. Буни се-

⁷ Ермой – нефтдан олинган маҳсулотларнинг халқ тилидаги умумий номи. Бу ерда кerosин маъносида қўлланилмоқда.

зиб, дарҳол ортига қайтди. Келди-ю, ўзига халакит бермоқчи бўлган Мерганни йиқитиб, кутурган ит билан одамлар орасига туриб олди.

Қора ит қандай итга рўпара келганини ҳис қилолмади, ўлар-тириларига қарамай Вафодорга ташланди. У томоғидан олганида типирчилаб, сўлагини юзлари ва бурнига суркаб юборди. Буниси камлик қилгандай бўғзидан чиққан қоннинг бир қисми маҳкам сиқиб турганига қарамай, тишлари орасидан сизғиб оғзига озроқ кирганини ҳам сизди. Бунинг ҳалокатга олиб боришини билгани ҳолда вазифасини охиригача бажарди.

Вафодор Мерганнинг ўзи тарафга келаётганини кўриб тисланди. У эгасининг одатдагидек бошлари, жунларини силаб-сийпалаб эркалатмоқчилигини билади. Бунга йўл қўймаслик учун охири қочди. Шу ваддан Дехқонбойга ҳам тутқич бермади. Савқи табиий, у ўзига тузатиб бўлмас дард юқтирганини сезган эди... Дехқонбой қайтганини билгач, бемалол, одатдагидек йўртиб Келитошгача борди. Кейин кескин ўннга бурилиб, юқорилади. Одамлар яшамайдиган жойга етгач чапга бурилди. Олдидаги катта қирдан ошгач, сойдаги булокқа тушди.

У бўриларнинг тишлари орасидан сизғиган қонларини ютган. Бироқ бу сафар кутурган итнинг қонини ютмади. Бурнига кетган сўлакни пишқирганида оғзидаги қон юқини ҳам чиқариб ташлашга ҳаракат қилди. Бироқ буни қанчалик эплаганини Худо билади. Ихтиёрийми, беихтиёрми булокқа оёғини тикиб, юзларини мушукка ўхшаб ювди. Тумшуғини тикиб, одатдагидек ялаб эмас, одамга ўхшаб тортиб, бир-икки марта пишқириб ташлади. Бундан кўнгли тўлганми, йўқми, ҳар қалай ўрнидан туриб, Канали тоғини ёнлаб, дашт томонга йўл олди.

Мерган куз кунларидан бирида қўиларни Дехқонбойга қолдириб, Вафодор билан Қийқим даштига, булдуруқ овига бирга борганди. Ўшанда Вафодор Камаровул қишлоғи этагида қандайдир чуқурликдан бир гала қаптарнинг париллаб ҳавога кўтарилганини кўрди. Хўжайини негадир уларга ўқ узмади. Баъзан шу турдаги қушларни ҳам овлаганини кўргани учун ҳайрон бўлганга ўхшади. Шунчаки қизиқиб, ўша чуқурликнинг ёнига борди ва тагида сув йилтираётган эски бир ташландик қудуққа рўпара келди. Оғзига яқинроқ жойдан қаптарлар тирноқлаб ўзларига уя ясаб олишганди. Бундай уяларга қўйилган тухумларни дашт илонлари ололмайди.

Кейинчалик итнинг кўзига шу ташландик қудуқ кўриниб кетди ва имкони борица одамлар яшайдиган жойларни четлаб, ўша тарафга юрди. Нега айнан шу томонга юрганини ўзи ҳам аниқ-тиниқ тасаввур қилолмади. Қувваи ҳофизасида фақат бир нарса оғир тошдай қотиб турарди: одамлар ва ҳайвонлардан олисроқда юриш! Шундай қилса ўзига ва бошқаларга ҳам яхши бўлишини сезиб турарди.

Қуёш ботишига яқин Камаровулга кириб борди. Ҳозир бу овул йўқ. Одамлари пахтакор туманларга кўчиб кетишгани боис, ўрнида қулаган, нураган вайронлар қолган. Эшик, ром ва тўсинларини атроф қишлоқларда кўчмай қолган одамлар аллақачон очиб, бузиб, ташмалаб кетишган. Лекин ўгатликлар қачонлардир гуркираган қишлоқ ўрнини ҳамон Камаровул дейишади. Ёдгор бўлиб унинг номигина қолган...

Гарчи шошилиб келган эса-да, Вафодорнинг дарҳол ўлгиси келмади. Қандай билгани номаълум, аммо бунга ҳали фурсати етарли эканлигини сизди. Шунга қарамай, қудуққа яқин борди ва тумшуғини у ёқ-бу ёққа ўгириб тагига қаради. Ҳидлаб кўрганди, бурнига қандайдир зах ва қўланса ҳид урилди-ю, тагида сув йўқлигини пайқагач, ҳайратланганга ўхшади. Фойдаланилмагач суви озроқ бўлсаям кўтарилиб ивигани боис, пастки деворлари ўпирилгани ва одамлар

қавғони кўтариб турадиган тўсинлари-ю, қопқоғигача ташмалаб кетишгач, атрофини турли ҳашаротлардан муҳофаза қилиб турувчи икки пахсали девор ҳам қор-ёмғирлар таъсирида ичига қулаганини у билмасди. Атрофида тўсик қолмагач, ёзнинг охирлари ва кузда тинимсиз эсадиган дашт шамоллари бандидан чирт узилган туяқоринларни юмалатиб, чанг-ғубор аралаш кўзикулок ва чўп-хасларни учуриб келиб тагига босарди. Онда-сонда шиддат билан осмону фалакка кўтарилиб, қудуққа тўғри келадиган қуюнлар ҳам майда-чуйдалар билан бирга бир-икки челақ чанг-тупроқни ундан аяшмасди.

Вафодор аста ўрнидан турди. Қиличмозор томонга тасмадай чўзилиб кетган арава йўли ёқасидаги буғдойзор орасига йигирма қадамча илгарилаб, узала тушиб ётиб олди...

Атрофни алвон рангига бўяб, қуёш Қорачатоғ ортига ботди. Ён томондан чўл бақасининг чўзиб қуриллагани эшитилди. Аста-секин атрофни сурмаранг қоронғилик ўраб кела бошлади. Бироздан сўнг Кўйтош тоғлари ортидан бир чети озроқ кемтилган зарҳал ой кўтарилди. У оламни чулғаган зулматни қувиб тобора тиниклашар ва сут рангига яқинлашиб борарди.

Дафъатан Вафодорнинг кўзи кўк тоқида сокин сузаётган ойга тушди ва узок тикилиб қолди. Унда нимани кўргани ва нимани ҳис қилгани номаълум, аммо бир маҳал ўрнидан туриб, ота томонидан аждоқларига ўхшаб чўзиб увлади. Гарчи у бўрига ўхшаб увласа-да, вужудида уларга сираям яқинлик сезмади. Аксинча, бир умр одамлар ва уй ҳайвонларини ўзига дўст тутди: эгасига суянди, унинг мол-ҳолини турли бало-қазолардан қўриқлади.

Айни шу пайтда Ўтаган мерган билан Дехқонбойни жудаям кўргиси келди. Инсоний соғинчга ўхшаш бир туйғу юрагини жунбишга келтирди. Кўз олдидан виқорли тоғлар, осмонга бош тираган чўққилар сузиб ўтгандай бўлди. Қашқирдан бошқа ундаги ҳар бир жондор, ҳар бир бута, ҳар бир тош ўзига кадрдон бўлиб қолганди. Энди шулар ичида энг муҳими – эгаларини яна бир мартагина кўрса, хув болалик чоғларидагидек бир мартагина олишиб ўйнасайди. Кейин армонсиз ўларди...

Бу истакни амалга ошириш қийин эмасди. Лекин вужудини зарпечакдай чирмаётган шу туйғуга таслим бўлса, у Вафодор бўлолмасди. Бундай истакларга бўйсунар даражада ожизлик қилганида, вақт ва куч сарфлаб бу тарафларга келиб юришига ҳам ҳожат йўқ эди. Бошқа итларга ўхшаб тинчгина эгалари ёнида қоларди. Бир куни қутуриб ўларди ва ўзи севган, ўзи суянган одамларни ҳам бу қисматдан бенасиб қолдирмасди.

Жуда мажбур бўлиб қолмаса, уни ўлдиришга ҳеч қачон Мерганнинг қўли бормаслигини Вафодор билади. Айнан шунисидан қочди. У эгасининг ўқидан ўлиши керак эмас. Лекин истайдими-йўқми, бир куни шундай бўлиши муқаррар. Бу ораларидаги ададсиз меҳр риштасини бағамом узиб юборади. Вафодор кўзга кўринмас бу риштанинг узилишини эмас, умрбод сақланиб қолишини истади. Ўзи қаердадир ўлса ўлар, аммо меҳр қолсин! Шу туйғу уни овлоқларга етаклади.

16

Ўтаган мерган итини кўп қидирди. Келитошгача боргани ва шу ердан ўнгга бурилиб, юқорига ўрлаганини ҳам кўришган. Келитошдан юқоридаги уйларгача, оралиқда анча узилиш бор. Вафодор айни шу жойда йўқолган. Тепароқдаги уйларда яшовчиларнинг бирортаси кўрмаганига қараганда, у шу оралиқдан ўнгга бурилиб Қорақуш томонга ёки чапга бурилиб дашт тарафга кетган.

У аввало тоғ томонни “элак”дан ўтказишга қарор қилди. Икки ҳафтага яқин тентираб, бирор ўнгири, сой ёки кўзига бундайроқ кўринган улкан тошларнинг ковакларигача қолдирмай қараб чиқди. Бироқ итининг на ўлигини, на тиригини тополди. Шунданок тоғ ораликларида бекорга сарсон бўлганини тушунди.

Мерган бефойда кидирувларни тўхтатиб уйига қайтди. Аммо оёқ узатиб ётолмади: юраги ҳаприкиб тоқатсизланди. Негадир даштларни ҳам қараб чиққиси келаверди. Тоғ оралаб қирқ-эллик чақирим жойларга бориб-келиб юрган ити ниҳоятини ўн чақирим ҳам келмайдиган Қийқим даштлари ёки Ёзкечувда адашиб юргандай бўлаверди. Топса, албатта, уйига олиб келади ва занжирлаб бўлса-да, боқади. Яқинига на мол, на одамни яқинлаштиради. Ажали етиб ўлса, ўзи ўсган ўрани қайта очдириб, унга кафанлаб кўмади. Вафодор шундай эъзозга муносиб ит!

У Келитошдан олдинги сафар тоққа кўтарилган жойигача борди. Шу ердан чап тарафдаги қирга қиялаб кўтарилиб, сойдаги булоқ бўйига энди. Агроф анча ёришиб қолган. Шунинг учун эшагидан тушиб, юз-кўлини ювиб олмоқчи бўлди.

Булоқ бошига чўнкайиб ўтирганида беихтиёр икки қадам наридаги соз тупроқда муҳрланиб қолган изларга кўзи тушди. Из каттагина, залворли итники эканлиги яққол билиниб турарди. Бу белгилар Вафодорга хослигини пайқаб, Мерган қувониб кетди. Юз-кўлини ювишни ҳам унутиб, из бўйлаб жадал юрди. Нарироқдаги ўт-ўланлар орасида у ғойиб бўлди. Лекин Мерган Вафодорнинг даштга кетганини аниқ билди. Шу туфайли булоқ бошига қайтиб, бамайлихотир ювинди.

Тушга яқин Кўрбулоқдаги бир танишиникига кўнди. Ҳам наҳорлик, ҳам тушлигини шу ерда қилиб олди. Уй эгаси ва уни кўриш учун қирган кўни-қўшниларидан суриштирди. Итининг йўқолганини булар ҳам эшитишган экану кўрдим дейдигани топилмади.

– Балки Кўрғонжар ё Янгиқишлоқдагилар кўришгандир, йўл устида сўраб ўтарсиз, – деди бирови уни умидлантириб.

Бу қишлоқларда ҳам умиди пучга чиқди.

Шу ердан Қийқим даштлари бошланади. У – кенг Ёзкечув даштларининг кичик бир қисми. Икки томони асосан денгиздай чайқалаётган буғдойзор, ораси-ра нўхат ва лалми қовун-тарвузлар экилган пайкаллар оралаб Камаровулга ҳам етди. Вайроналар орасига қанчалик синчиклаб назар ташламасин, бу ерда ҳам Вафодорнинг қораси кўринмади. Ташландик қудуқ тарафни ҳам кўриб ўтишни хаёлига келтирмай, Қиличмозорнинг йўлига тушди.

Овчилар бошқаларга нисбатан сезгирроқ бўлишади. Анчадан буён давом этиб келаётган асабийлик ва чарчоқ Мерганнинг диққатини озроқ сусайтирганми, шу ерда – йўлдан атиги йигирма қадамгина нарида ити яшириниб ётганини илғамай ўтиб кетди. Вафодор эса уни вайроналар ортидаги тепаликка кўтарилганидаёқ кўрди. Юраги бир ҳаприкиб тушди, аммо ерга қаттикроқ қапишиб олди.

Вафодор ўзини мажбурлаб қочиб юрган эса-да, ёлғизликка сира кўниколмаётган эди. Унга соғинч ҳисси кўшилиб, вужуд-вужудини эзиб юбормоқда эди. Эгаси ёнгинасидан ўтаётганида бу туйғу бирдан аланга олди. Ўзини куч билан тўхтатиб қолмаганида истагини, албатта, амалга оширарди: Мерганнинг олдига ўйноқлаб чиқарди, эшагини тўхтатиб ўнгирига эркаланиб осиларди. Шунда у ҳам дунёни унутарди: эшагидан сакраб тушиб, ўзи учун энг хатарли ишга қўл урарди – бағрига босарди, силаб-сийпалаб эркалатарди...

Мерган ўтиб кетгач Вафодор ўзини босолмай дардли ингради. Беихтиёр бошини буғдой бошоқларидан юқорироққа кўтариб юборди. Паришон ҳолда

эшагини йўрғалатиб кетаётган эгасининг ортидан шундай тикилдиги, юзини кўролмаса-да, танаси тарhini гўё кўзларига умрбодга муҳрлаб олмоқчидай ва уни ўзи билан бирга абадиятга олиб кетмоқчидай эди.

Мерган шу пайтда орқасига биргина қараб қўйганида борми!

Шундай эхтимол ҳам йўқ эмасди. Кутилмаганда у ортига ўгирилиб қолиши мумкинлигини ҳис қилиб, Вафодор жойига ётиб олди. Бошини олдинга чўзилган оёқлари устига қўйиб, таъбир жоиз бўлса, хаёлга толди ва хаёлан эгаси билан видолашди: “Алвидо! Берган тузинг ва қилган тарбиятингга рози бўл! Мендан ранжима, шундай йўл тутишга мажбур бўлиб қолдим. Алвидо, оламдаги энг яхши ва энг суякли ОДАМ!”

Куёш ботгунича ўрнидан қимирламади. Ҳар куни биронта куёнми, юмронқозикми тутиб, ўлмас овқатини қиларди. Бугун шунга ҳам рағбат сезмади. Кўз олдидан Ўгатнинг пурвиқор тоғлари, серсув сойлари бир-бир ўта бошлади. Ана, у тепадан қўй-эчкиларнинг ҳиди анқиб келаётган ўра ичида Дехқонбой билан кураш тушяпти. Ана, у тоғдан эниб тушган эгаси билан олишиб кетди. Ана, у баланд туятош устида кўнишиб ўтирган Мергандан кўз узмай турган одамхўр кашкирга рўбарў бўлди. Бу унинг ўз ёни билан илк учрашуви эди. Кейин Қорақуш атрофлари, Шоғишмон тоғлари, Кўкбулоқ ва бошқа жойлардаги ҳисобини ўзиям унутган қатор олишувлар...

Куёш ботиб, атрофни ним қоронғилик чулғай бошлаганида у ўрнидан турди. Буғдойзордан чиқиб йўлни кесиб ўтди-да, қуйироқдаги бўзга ётиб олди. Бу ердан ниҳоят юз қадамча пастдан шовқин солиб, шиддат билан оқаётган Ўгатсойнинг товуши баралла эшитилади. Бу унинг безовта юрагига ором бағишлайди, ўзи ўсган жойларнинг ёқимли бўйларини келтираётгандай бўлади. Жимгина кулок тутиб, роҳат олади.

...Вафодор сезган ва кутган аломатлар янги чикқан ой тўрт-беш кунлик бўлганида билина бошлади. Бот-бот оғзидан сув томчилайди, аъзойи бадани тирришиб ер тимдалайди. Боши қизиб, миясида ҳам нимадир бўлаётгандай. Энди сойнинг шовқини ҳам ёқмай қолди. Кечга яқин чанқоғини босиш учун пастга тушди-ю, сувни кўриб, кўрқиб кетди. Тисланиб шоша-пиша юқорига чикқач, ортига қарамай қочдики, бу яхшилиқ белгиси эмасди.

Искаланиб у ёқ-бу ёққа юрди. Бурни ҳидни аввалгидай яхши ололмади. Шунда кулоқлари ҳам читирлаб кетди. У паймонаси тўлиб келаётганини пайқади. Энди фурсат ўтказиб бўлмайди. Пайсалга солиб яна бир кунни ўтказса ўзига ташланган қора ит ҳолига тушишини, бу улкан фожиага олиб боришини сизди.

Вафодор қоматини адл тутиб, атрофни хира ёритаётган ойга қаради. Унга тикилганича даштни зир титратиб увлади. Овозидаги нола ва фиғон тошларни ҳам эритар даражада мунгли эди. Гўё: “Бевафо дунё, мени ўз ҳолимча ўлишга қўймадинг! Қандайдир бир лайчани юбориб ўлдирдиг-а! – дея фиғон қилаётгандай эди. – Лекин мен мардона ўляпман, ҳеч кимга зарарим тегмади, ҳеч кимни мусибатда қолдирмадим!”

У шартга бурилди-ю, кучининг борича қудук томонга югурди. Етиб келиб иккиланмай чоҳга шўнғиди. Тагидаги хас-хашаклар чириб, чанг-ғуборлар билан шиббаланган қоқ ерга боши зарб билан урилиб, ўз оғирлиги туфайли бўйнидаги умуртқа суяги ва асаб толалари узилиб кетди. Анчагача ҳушсиз ётди. Бир маҳал ўзига келиб на оёқларини қимирлата олди, на бошини; на оғриқ сизди ва на азоб. Қудукнинг оғзидан юлдузлар жимирлашаётган ложувард осмоннинг бир бўлаги кўринди, холос.

Тамом



БУ БЎСТОН САҲНИДА



Музаффархон МАМАТХОНОВ

*1947 йилда туғилган. Ҳазаллари, мухам-
маслари республика ва вилоят матбуотида
чоп этилган.*



Ҳар лаҳза хаёлим оладир ҳусну жамолинг

Эй, дилоро

Эй, дилоро, тингла, бир сўз айтарим бордир менинг,
Ишқинг ўтида бу жоним хаста, бедордир менинг.

Сарвирўйинг бир кўрай деб, ташна кўнглим ўртанур,
Васлингга етмакни истаб, кунларим зордир менинг.

Бир ўрим сочинг насиби бўлса гар бўйнимга дор,
Бўлмагай бахт мундин ортуғ, рўйим афгордир менинг.

Кўзларинг нури дилимга солди ишқ накшин, нетай,
Нисбат айтурга тил ожиз, кўзларим хордир менинг.

Лоларанг, чўғ лабларингни болидин тотгум, десам,
Айб этма, ишқ йўлида ҳолим ошқордир менинг.

Кор эмас, сенсиз менга: на хуш ҳаво, на шўх наво,
Бир овунчим, ҳамдамим, сенга ашъордир менинг.

Эй, гулим, жавру фироқ, тоқай, Музаффарни эзар,
Кел, бу кун, мен айтигин, ёрим, вафодордир менинг.

Мустазод

Ҳажринг ғамидин ёнди дилим, мен нетай изҳор,
айт чорасин, эй, ёр,
Васлингни кўйида сенга фарёд этайин зор,
Мажнун каби бедор?
Ишқ водийсини кездиму Ҳудҳудга баробар,
пойингни сўроқлаб,
Етгайму мажолим, ки, хавотирда ғамим бор,
қилма мени афгор?



Бу дарду фироқ ичра мудом ўзни унутдим,
 ёлғиз сенга қулман,
 Меҳрингни дариғ тутмагил, эй, зийнати рухсор,
 дардим сенга ошкор.
 Ҳар лаҳза хаёлим оладир хусну жамолинг
 хуршиду камардек,
 Сабрим ошадир кўргали бағримни қилиб тор,
 эт восили дийдор.
 Ҳасратга кўнгил бурма Музаффар, ки, жафодин
 ғолибдир умидинг,
 Ошиқ ким ўлур, бўлмаса бу дардга гирифтор,
 гар чекмаса озор?

Барг

Сайри гулзор айлаб эрдим, фасли ёз этганда тарк,
 Гул кўринмас, тебранарди тилларанг оҳишта барг.
 Ё куёшдин олдимун ранг, ёки ранг олди куёш,
 Хуснига мафтуну шайдо этди бир боқишда барг?
 Нисбатин топмай шу дамда айладим ҳадди қиёс,
 Ташнаму гул атрига, ғамгин хиёл шоҳишта барг.
 Ногаҳон шабнам кўнибдур, барг узорин ёшлатиб
 Ёки гулнинг васлин истаб, йиғлагай ошуфта барг.
 Эй, Музаффар, барг мисоли ишқ умидин этма тарк,
 Бегумон келгай баҳор, топгай висол гул бирла барг.

Озори йўқ

Ким тасаввуф аҳлидин бўлгай халим озори йўқ,
 Хотирини жамдир анинг, бу замондин зори йўқ.
 Жисму жон тақвода ҳозир хушнафаслик лафзида,
 Ҳам фано боқийдин огоҳ, заррадек инкори йўқ.
 Қалби сокин, меҳр ила қургайдир у кўнгил уйин,
 Бу кўнгил гулзорининг ёронлара девори йўқ.
 Ишқи дунёдин халос, йўқ боиси ҳирсу назар,
 Шукри кўп, эҳсони кўп, нафс ғамидин кори йўқ.
 Уззи кун меҳнатда гарчи, хаққи басдир парча нон,
 Лукма оз, аммо ҳалол, нопокининг даркори йўқ.
 Собиту, сабру қаноат соҳиб, содиқ хабиб,
 “Дил ба ёру, даст ба кор”, аъмолидир, ағёри йўқ.
 Эй, Музаффар, изласанг дарду залолатдин шифо,
 Иброт ол илм аҳлидин,zeroки, ортиқ дори йўқ.





АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Насимхон РАҲМОНОВ**

Филология фанлари доктори, профессор. 1952 йилда туғилган. Фаргона давлат педагогика институтининг (ҳозирги ФарДУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. “Тошга битилган китоблар”, “Инсон руҳининг садоси”, “Битиглар оламида”, “Турк хоқонлиги”, “Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари” каби китоблари чоп этилган.



АДАБИЁТ – ДАВРНИНГ АКС-САДОСИ

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида дунё тилларини таснифлар экан, Нуҳ пайғамбарнинг учинчи ўғли Ёфасдан, яъни Абу-туркдан туркий халқлар келиб чиққани ва Абу-турк пайғамбарлик тожи ҳамда элчилик мансаби билан қардошларидан юксаклигини, саралаб олинганини айтади. Алишер Навоий туркий тилни келиб чиқишига кўра ҳам биринчи ўринга қўйди, форс ва ҳинд тиллари туркий тилдан кейин пайдо бўлгани тўғрисида хабар берди¹.

Навоий туркий тилга алоҳида муҳаббат билан эътибор қаратди. Асарларини туркий тилда ёзди. Ҳазратнинг ўз ибораси билан айтганда: “қолди туркий алфоз била мақсуд адоси”.

Бу ўринда яна ҳар бир халқ адабиётининг ибтидоси тилдан бошланишини, адабиёт шу халқ тили билан ёнма-ён ривож топиб боришини таъкидламоқ лозим. Айни пайтда бир даврдаги адабиёт билан кейинги давр адабиёти бир-бирини такрорламайдиган ҳолатда шаклланади. Маълум бир давр адабиётининг юзга келишида ўзига хос қонуний асослар мавжуд. Ўзига хосликни англай олиш адабиётшуносларнинг, қолаверса, тилшуносларнинг ҳам вазифаси. Ҳатто адабиётшуносликда адабий элементлар билан даврлаштириш мезонларини, тамойилларини, адабий тасаввурларнинг даврлаштиришга қанчалик алоқадорлигини фарқлай олмайдиганлар ҳам борки, улардан огоҳ бўлиш зарур. Агар даврлаштириш адабиётшуносликнинг майда-чуйда, аҳамиятсиз томони бўлганда, ҳозирда жаҳон адабиётшунослигида бу масала муаммо қилиб кўтарилмаган бўлар эди. Адабиётни даврлаштириш, биринчи навбатда, адабий билимларни тўғри ва тўлақонли етказишга, иккинчидан, адабий жараённинг, хусусан, ўзбек адабиётининг географик чегараларини аниқ белгилаб олишга, ўзбек адабиёти фақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди билан боғланиб қолмаганини, аксинча, бизнинг адабий мерос қамрови ва илдизлари кенг эканини далиллашга хизмат қилади.

Адабиётни даврлаштириш мавжуд анъаналардан чекинишни, жаҳон адабиётшунослигидаги янги қарашларга суянишни, замон билан барабар қадам ташлашни тақозо қилмоқда. Словакиялик адабиётшунос Дионис Дюришиннинг

¹ А.Навоий, МАТ, 2000, 20-жилд. 16-жилд, 11-бет.

қуйидаги қарашни бугунги кунда жаҳон адабиётшуносларининг диққатини даврлаштириш масаласига жалб қилди: “Даврлаштириш, методологик нуқтаи назардан аҳамиятли ва муҳимлигига қарамай, ҳанузгача тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Кўплаб баҳсли масалалар, масалан, икки томонлама муносабатлар ва кўп томонлама муносабатлар каби даврлаштиришга алоқадор муаммолар кун тартибига турибди”. Даврлаштириш масаласига эътибор бериш натижасида қиёсий адабиётшунослик ҳам ривож топиши табиий. Бу ўринда икки томонлама (бир ҳудуддаги икки тилда ва икки этник гуруҳга мансуб) ва кўп томонлама (бир неча халқлар адабиётининг бир ҳудудда ва бир даврда ўзаро бир-бирига таъсири) муносабатларни шарҳлаб ўтирмаймиз, чунки ўзбек адабиёти қадимдан шу бугунгача иккала муносабатдан четда бўлган эмас. Айни пайтда методология масаласи ҳам даврлаштиришга муносабатларни ўзгартиришни талаб қилади, қайси методология ўзбек адабиётини даврлаштириш учун асос бўлиши керак, деган савол қаршимизда кўндаланг туради.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича Абдурауф Фитрат, Олим Шарафуддинов, Миён Бузрук каби қатор олимларнинг кузатувлари, олтмишинчи-етмишинчи йилларда олий таълим тизими дарсликларидан ва академик нашрларда ўзбек адабиётининг маълум бир даврлари қайси санадан бошлаб қайси санада тугаши ҳақидаги қарашлар бугунги кунда адабиётшуносликда бир қатор жиддий масалаларни, жумладан, ўзбек адабиётини қайтадан даврлаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Даврлаштириш адабий жараёни шунчаки чегаралаб олишдан иборат эмас, балки даврлаштириш орқали ҳар бир даврдаги ўзбек адабиётининг шаклланиш, ривожланиш қонуниятларини, ҳар бир даврдаги бадиий тафаккур имкониятларини кўрсата билиш талаб этилади. Мустақиллик даврида олий таълим тизимида ўзбек адабиётини ўқитиш тажрибаси шу масалага алоҳида диққатимизни жалб қилмоқда.

Адабий жараёни қиёсий, тарихий-типологик таҳлил қилишга асосланган метод ўзининг мустаҳкам ўрнини кўрсатди. Шунини айтиш лозимки, қиёсий метод Шарқ адабиётшунослигида ўз тарихига эга бўлиб, ўзбек адабиётшунослигига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган машҳур олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Адабиётни даврлаштириш жаҳон адабиётшунослигида турли тамойилларга таянади. Масалан, Европа адабиётшунослигида бир гуруҳ олимлар хронологик тартибни (X-XII асрлар) ва шахслар ижодини (Пушкин, Гоголь) асос қилиб оладилар. Албатта, бундай даврлаштириш тажрибаси жаҳон адабиётшунослигида бор. Айрим мамлакатлар адабиётшунослигида эса сулолалар алмашинуви бўйича даврлаштириш қоида тусини олган. Адабиётшуносликнинг яна бир қисми борки, адабий оқимлар бўйича – классицизм, сентиментализм, романтизм, реализм, модернизм адабиёти каби даврлаштириш ҳам анча оммалашган. Адабиёт қай жиҳатдан даврлаштирилмасин, барибир, қиёсий-тарихий методга мурожаат этилади, ҳар бир даврдаги адабиётнинг ўзига хос такрорланмас жиҳатларини намоён қилишига диққат қаратилади. Зотан, бир даврдаги адабиётни бошқа давр адабиётидан фарқлаш, ўзига хос жиҳатларини очиш ва давр адабиётининг қонуниятларини билиш учун қиёсий-тарихий метод энг тўғри йўлдир.

Савол туғилади: ўзбек адабиётшунослиги жаҳон адабиётшунослигининг бир қисми экан, ҳозирда даврлаштиришда қайси тамойилга таянилмоқда? Қиёсий-тарихий метод даврлаштиришда асосий мезон бўляптими? Табиийки, тарихий

саналар бўйича даврлаштириш оммалашган. Аммо, бу ҳолда даврлаштириш қиёсий-тарихий методга тамомила зид. Ҳатто ҳозирда олий таълим тизимида ўқитилаётган намунавий дастурда ўзбек адабиёти шу қадар чаласаводлик билан даврлаштирилганки, уни тузган муаллимнинг ўзи ҳам аудиторияга кириб, талабага бу даврлаштириш қайси мезонга асосланганини тушунтириб бера олмасдан, мулзам бўлиши табиий. Шу дастурда “*Ислом маданиятининг шаклланиши ва мусулмон интибоҳи (ренессанси). Сомонийлар, салжуқийлар, газнавийлар ва қорахонийлар даврида исломий маданият*” деган алоҳида даврлаштиришга кўзингиз тушганда, адабиётшунослик эмас, балки маданиятшунослик фани учун тузилган дастур-ку бу, деб ҳайрон бўлишингиз табиий. Бу дастур асосида филолог ўқитувчи талабага нимани ўргатар экан, деб ўйланиб қоласиз. Ёки шу дастурда “*адабий тасаввурлар*”, “*адабий муҳитлар (?)*” (сўнги атама ўзбек тили услуби бўйича хато) деган атамалар даврлаштириш учун асос бўладиган адабий категорияларга мансубми ёки даврлаштиришда янгича “мезон” кашф қилиндими – номаълум. Бу тахлитда даврлаштириш адабиётшуносликка нима беради, бундай даврлаштиришнинг мезони нима, деган савол ҳали ҳеч кимни ўйлантирган эмас. Илмда “мулла билганини ўқийди” кабилида иш тутиш ёмон оқибатларга – бутун авлодни маънавий мажруҳ қилишга олиб келиши мумкин. Зотан, Гётенинг “қўлидан келадиган ишга эмас, ўзи тушунмайдиган ишга қўл урган киши бахтсиздир” деган ҳикмати шу ўринда келтириш жоиз. Адабиётда кўз билан кўриб ўқишнинг ўзи етарли эмас, адабиёт юракнинг ярмига жойлангандагина мақсад аниқлашади, интилиш бўлади. Адабиётнинг босқичма-босқич ривожланиши масаласи XIX асрдан бери олимлар ўртасида баҳс бўлиб келади, миллий адабиётлар билан жаҳон адабиётининг ўзаро муносабатлари – таъсир ва ўзлаштириш назарияси бевосита даврлаштиришга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди.

Адабиётни, хусусан, ўзбек адабиётини даврлаштиришда ҳар бир давр адабиётининг “қайтадан туғилиши” учун қатор ўзига хос омилларни эътиборга олиш ва ўша омилларни ишлаб чиқиш зарур. Бир давр адабиёти учун асос бўлган омиллар ва воситалар кейинги давр адабиёти учун асос бўла олмаслиги табиий. Шу билан бирга, барча давр адабиёти учун умумий омиллар ҳам бор. Булар: *матннинг бадиий тил хусусиятлари, адабий тил, адабий элементлар, адабий мактаблар, адабий оқимлар, адабий жанрлар, услублар, мавзу, географик шароит* ва бошқа айрим деталлардир.

Шўро даврида адабиёт мафкуралаштирилгани боис, дарсликларда, академик нашрларда даврлаштириш тамойиллари белгиланмасдан, фақат мафкура асосида иш кўриш энг макбул усул эди. У даврда адабий жараённинг хусусиятлари четлаб ўтилаверди, даврга хос адабий элементлар, мезонларнинг Шўро мафкурасига зид бўлиб қолиш хавфи туғилгани учун кўплаб адабий ёдгорликлардан, адабиёт намуналаридан воз кечилди, ўзбек адабиётининг географик ҳудуди жуда тор белгиланди, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги ўзбек адабиёти намуналари инкор қилинди. Олий таълим тизимида устоз Натан Маллаевнинг узоқ йиллар давомида амалда бўлиб келган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигига ҳам айнан даврлаштириш масаласида Шўро сиёсати ўз ҳукмини ўтказди. У 1976 йили чоп эттирган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида даврлаштириш масаласида қуйидагича қатъий хулосани ўртага ташлаган эди: “Совет фани ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида мислсиз катта муваффақиятларга эришди ва эришиб бормоқда. Марксча-ленинча фан методологиясига асосланган совет адабиётшунослиги ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида йўл қўйилган ха-

толларга, жумладан, адабиёт тарихи тараққиётини сулолалар ёки подшоҳларнинг, хонларнинг келиб-кегишлари тарихига қараб даврлаштириш майлларига (таъкид бизники – Н.Р.) узил-кесил барҳам берди...” Ҳамма гап шунда: маълум бир давр адабиётининг алоҳида хусусиятлари, сулолаларнинг адабий жараёнга муносабатлари, янги мазмун ва янги рух, ҳар бир давр адабиётида юқоридагидай такрорланмас адабий категориялар, омиллар даврлаштириш учун асосий мезон бўла олмади, балки ҳамма давр адабиётини битта қолипда – марксча-ленинча методология асосида даврлаштириш мақбул эканлиги мафкуравий томондан баҳоланди. Сулолалар ва хонликларнинг адабий жараёндаги роли тамомила инкор қилинди. Ўзбек адабиёти тарихи бўйича академик нашрларга ҳам бу сиёсат ва мафкура ўз тамғасини босди. Бу муносабат худди бойлигини ўз ихтиёри билан шамолга совурган одамнинг хатти-ҳаракатига ўхшайди. Адабиётни ҳозирги даврдаги ҳудудий чегара билан қамраб олиш оқибатида XIV асрда Миср мамлуклар давлатида амал қилган ўзбек тилидаги адабиёт, Ҳиндистонда XVIII асргача бобурийлар сулоласи яратган ўзбек адабиёти ва бошқа адабиёт намуналари эътибордан четда қолиб кетаверди. Буларнинг ҳаммасига юқоридагидай, “сулолалар... хонларнинг келиб-кегишларига” кўра даврлаштиришдан тамомила юз ўтириш сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Миён Бузрук ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича ҳатто Фитратдан ҳам анча олдинга кетган эди. У 1930 йили чоп эттирган “Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” номли китобида қорахонийлар даври адабиёти; Олтин ўрда хос адабиёти; Чигатой хос адабиёти; Олтин бешик даври адабиёти каби тўрт давр адабиётини ўзбек адабиёти мулки сифатида ўрганишни таклиф қилди. Бу даврлаштириш методологик жиҳатдан ҳам маълум даражада ўзини оқлади. Унинг бу даврлаштириш тамойили А.Самойловичнинг ўзбек, умуман, туркий тил ва адабиётини даврлаштиришига ўз таъсирини ўтказди. Бу – анча олға силжиш эди. Адабиётни даврлаштиришда Беруний, Навоий, Фитратнинг кузатишларини, Ф.Кўпрулизода, Н.Поппе, И.Стеблева каби ўзбек адабиётшунослигига кўп меҳнати сингган қатор хорижлик улкан олимларнинг муносабатларини эътиборга олсак, бу жуда муҳим ҳодиса экани ўз-ўзидан аён бўлади. Адабиётни даврлаштиришда адабий тилнинг муҳимлигига бу олимлар алоҳида диққат қаратганлар. Айни пайтда сулолалар ҳукмдорларининг роли ҳам даврлаштириш учун мезонлардан бири бўлиши муқаррарлигини эътироф этганлар. Биз бугунги кунда сулолалар ҳукмдорларининг ролига даврлаштириш тамойилларидан бири сифатида таянишимиз зарурлигини юқорида келтирилган қатор омиллар таъкидламоқда. Зотан, қорахонийлар даври ўзбек адабиёти билан темурийлар ёки Олтин ўрда даври ўзбек адабиёти юқоридаги барча омиллар бўйича – адабий тил, адабий элементлар, адабий мактаблар, адабий оқимлар, адабий жанрлар, услуб, мавзу, географик шароит жиҳатидан бир-биридан тамомила фарқ қилишини бу ўринда шарҳлаб ўтириш ортиқча.

Булардан ташқари, бугун жаҳон адабиётшунослигида юз бераётган умумий қонуниятларни ва назарий қарашларни эътиборга олган ҳолда, ўзбек адабиётини даврлаштиришда этник, географик, маъмурий (ёки давлатчилик) мезонларини ҳам, албатта, ҳисобга олиш зарур. Биз жаҳон адабиётшунослигида тажрибадан ўтган мезонларга шунчаки таянаётганимиз йўқ. Миллий адабиётни умумжаҳон адабиёти контекстида ўрганиш жараёнида миллий адабиётнинг жаҳон маданиятидаги ўрни ҳам ойдинлашади, таъсир ва ўзлаштириш назарияси очилади, давр-

лаштиришнинг мезонлари ва қонуниятлари шакллантирилади, ўзбек адабиётшунослиги бундан фақат ютади. Ўзбекистон адабиётшунослик соҳасида ҳам олдинги сафларда бўлиши керак. Қотиб қолган, ғайриилмий ақидаларга ўралашиб қолиш фақат фаннинг эмас, балки бутун авлоднинг маънавий юксалиши учун хавф туғдиради. Шу мезонларга таянган ҳолда, қадимги давр адабиётини *Исломгача бўлган туркий адабиёт* деб даврлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу даврлаштириш ҳудудий, тарихий, географик жиҳатдан аниқ тасаввур ҳосил қилади. Айниқса, бу давр адабиётини алоҳида давр қилиб ажратишда диний оқимлар – буддавийлик, монийлик оқимлари муҳим омил бўлгани учун ҳам, диний терминлар ва тушунчаларни даврлаштириш белгиси сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги даврлар адабиётида бу оқимларнинг тимсоллари учраб турса-да (масалан, “Қутафғу билиг” да буддавийлик оқидамида муҳим ўрин тутган ғор тимсоли), даврлаштириш учун муҳим белги бўла олмайди. Анъанавийлик туфайлигина бу тимсол *қорахонийлар даври адабиётига* ўтганини таъкидлашимиз лозим. Бу сулолада яратилган адабиётда мавзу – панднома, ғоя – давлатчиликни мустаҳкамлаш, адабий мактаб – дostonчилик бўлгани ва хоқонийча туркий адабий тил сулола адабиётининг асоси сифатида муҳим роль ўйнагани учун, *қорахонийлар даври адабиёти* деб даврлаштириш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Ғазнавий ҳукмдорларининг илм-фанга кўрсатган ғамхўрликлари Берунийни нафақат буюк олим, балки нозик дидли адабиётшунос ва улўғ ижодкор сифатида етиштирди. Шу сабабдан ўзбек адабиётида *ғазнавийлар даври адабиёти* деган алоҳида давр бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда Беруний, ибн Сино асарларининг араб тилида ёзилгани ўзбек адабиётини алоҳида даврлаштиришга халақит бермайди. Агар тил масаласи ғов бўлганда эди, юнон тарихий манбаларида сақланиб қолган Туронзамин халқларининг ривоятлари, афсоналарини ўзбек адабиёти манбалари сифатида ўрганмаслигимиз керак эди. Ёки жаҳон тажрибасига эътибор берсак, масала янада ойдинлашади. Инжилнинг Янги Аҳд қисми милод бошларида юнон тилига таржима қилинган. Аммо юнонлар ёки бошқа халқлар Янги Аҳдга асло муаллифлик даъвоси билан чиқмаганлар, балки Исроил халқининг милод бошларидаги адабий-маданий ёдгорлиги сифатида эътироф этганлар ва бугунгача шу эътироф ўзгаргани йўқ. Исломгача бўлган ва қорахонийлар даври адабиётидаги тил, услуб, мавзу категорияларини *Олтин ўрда адабиётида* ёки *темурийлар даври адабиётида* учратмаймиз. Зотан, тил, адабий йўналиш, мавзу, ғоя ва бошқалар тамомила ўзгарди. Олтин ўрдадаги адабий ҳаёт эски ўзбек тилидаги адабиётга, араб ва форс тилларидан ўзбек тилига қилинган таржима адабиётларига (Саъдийнинг “Гулистон” асари Сайфи Саройи томонидан “Гулистони бит-туркий” номи билан таржима қилингани), янги жанрларни (масалан, ғазал) такомиллаштиришга, пайғамбарлар тарихига оид бадий асарлар (Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” ва Маҳмуд Али ибн ас-Саройининг “Наҳжул-фародис” асарлари) яратишга алоҳида эътибор берди.

Айниқса, ўзбек адабиётини даврлаштиришда энг катта муаммо ва баҳс темурийлар салтанати барҳам топгандан кейинги XVI аср бошидан XIX асргача бўлган адабиётдир. Бу давр адабиётини Фитрат домла, Ф. Кўпорилизода “таназул” ёки “ортга кетиш даври адабиёти” деб ажратгани илмда ўрнашиб қолган. Албатта, муносабатлар билдирилаверади, баҳслар давом этаверади. Энг муҳими, адабиётга бадий ва эстетик тафаккур маҳсули сифатида қаралгандагина, давр адабиётининг муҳим хусусиятлари, белгилари алоҳида ажралиб кўринади.

XVI аср бошларига келиб тарихий жараён ўзгарди. Темурийлар салтанати

даврида маданий ва адабий марказ бўлган Ҳиротнинг мавқеи бирмунча сусайди. Энди адабий марказ Самарқанд ва Бухорога кўчди. Бу давр ўзбек адабиётидаги энг муҳим, кўзга яққол ташланадиган ҳодисалардан бири шуки, *тарихий асарлар таркибида халқ оғзаки ижодидан унумли* фойдаланиш ҳолатлари кўзга яққол ташланади. Жумладан, “Абдуллонома” тарихий асарида шу жараённинг намунасини кўрамиз. Асарнинг муаллифи – Ҳофиз Таниш Бухорий, у ўзининг юқоридаги ном билан юритилган тарихий – адабий асарида XVI асрдаги туркий уруғларнинг номларини келтириш қаторида, адабий ҳаётга оид айрим маълумотларга ҳам тўхталади. Жумладан, у мазкур асарида Ўғузхон ҳақидаги китобий эпоснинг бироз ўзгартирилган вариантини келтиради. Бу афсонада Бухорий қадимги “Ўғуз хокон ҳақидаги дoston”ни қайта ишлаган десак ҳам бўлади. Зотан, биз китобий эпос деб юритадиган “Ўғузнома”даги ҳамма тимсоллар – Ўғузхон, ёй, ўқ тимсоллари ҳам “Абдуллонома”да бор. Ёки “Бобурнома” тилининг, ундан олдинги тарихий-адабий асарлардан тамомила фарқли равишда, халқ тилига мансублиги ҳам бу давр адабиётининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритиш учун муҳим омиллардан бири бўла олади. Шунингдек, бу даврлардаги романтик дostonлар Мажлисийнинг “Қиссайи Сайфулмулк”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом”, Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зуҳра” каби халқ китоблари, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” халқ китоби давр адабиётининг етакчи хусусиятларидир. Шоирнинг мақсади ўқувчини воқеалар оқимига олиб киришдан, ўз қаҳрамонларини эпос қаҳрамонлари руҳида тасвирлашдан иборат. Бу ҳолат, асосан, классик асарлар усулининг асосий хусусиятидир. Чуқур фалсафий мушоҳада, юксак интонация, кўтаринкилик бу давр асарларида муҳим эмас. Жумладан, Сайқалийнинг куйидаги байти асар услуби ҳақида шоирнинг қарашини ҳам белгилайди:

*Кел, эй ровий, ўзунгни хор тутгил,
Ҳаво бирлан табаррони унутгил.*

*Ҳамиша хок рўйи пеша айла,
Фалакни гардишини андеша айла.*

Ҳокисор ва камтар одам тантанали нутқ сўзламайди. Шоирнинг фикрлашича, ровий халқ орасида камтарлигини намоён қилиши керак, шу боис унинг ҳикоясида тантанавор усул йўқ. Шу боис ҳам дostonда китобхонга нотаниш метафоралар, рамзий образлар учрамайди. Зотан, соддалик ҳам мумтоз асарлар усулининг муҳим қирраларидан биридир. Шоирнинг эмоциялари кўзга ташланмайди, тасвир ҳам оддий, шунинг учун унинг позицияси аниқ.

Дарвоқе, услубда тарихнинг акс-садоси ҳам таралади. Юқоридаги дostonларда қадим эпослардаги, эртақлардаги халқона нутқ жаранглайди, бу дostonлар таркибида ғазаллар ҳам берилган. Бу ғазаллар муаллифи Мажлисий ва Сайқалийдир. Мазкур ғазалларда эпослар таркибидаги шеърӣ парчаларнинг оҳанги бор. Қолаверса, халқ китобларининг бу даврда кўплаб пайдо бўлгани ҳам халқнинг эстетик эҳтиёжларини қондирадиган асосий омил ижодкорлар қайта ишлаган халқ дostonлари эди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, бу давр адабиётини “Ўрта аср халқ адабиёти” деган ном билан аташни маъқул деб биламиз. Бу терминни XVI асрдан кейинги ўзбек адабиётига алоҳида давр сифатида илк бор биз қўллаяпмиз. Аммо академик Воҳид Абдуллаев ҳам “Ўзбек адабиёти тарихи” (Тошкент,

“Ўқитувчи” нашриёти, 1965, 32-47-бетлар) китобида бу давр адабиётига нисбатан “халқ адабиёти” деган терминни истифода этган, аммо даврлаштиришнинг асосий мезони сифатида қарамаган. Шу давр адабий тилини жуда пухта ўрганган машхур турколог Галина Благова, бу пайтда (яъни XVI асрдан кейин – Н.Р.) адабий тилнинг грамматик тизимида ҳозирги ўзбек тилига ўтаётгани аломатлари аниқ кўзга ташланади, деб алоҳида таъкидлаган эди. Биз бу терминга эътибор қаратганимизнинг сабаби, бир томондан, адабий тилдаги ўзгаришлар бўлса, иккинчи томондан, бу давр ўзбек адабиётига хос хусусиятлар жаҳон адабиётида ҳам учраши бўлди.

Аслида, “Ўрта аср халқ адабиёти”ни Диониз Дюришин алоҳида давр сифатида адабиётшуносликка олиб кирди. У миллий-адабий ва адабиётлараро жараённинг омилларини, вазифаларининг ўзига хослигини, категорияларини, тушунчаларни талқин қилишда ўзгаришларни таҳлил қилар экан, анъанавий равишда давом этиб келган *конвенцияга* кўшимча киритма сифатида “фольклор ва бошқа асарларни муаллифлар томонидан қайта ишлаш”ни киритади. Усул, йўналиш, даврлаштириш ана шу қайта ишлашга боғлиқ ҳолда қаралади. Адабиётлараро контекстдаги “халқ адабиёти” адабиётлараро умумийликни белгилайдиган битта омилдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир давр адабиёти хусусиятлари ўрганилганда юқоридаги омилларни эътиборга олиш лозим. Шубҳасиз, сулолаларнинг адабиётга кўрсатган таъсири ва хизматлари туфайли ҳар бир давр адабиётида ўзига хослик ярқ этиб кўзга ташланади. Бизнинг назаримизда, бугунги жаҳон адабиётшунослигида қабул қилинган қоидаларга биноан, сулолаларнинг адабиётга кўрсатган таъсирини назарда тутган ҳолда, ўзбек адабиётининг ҳар бир даври мезонларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

ҲУҚМАТ

**Тўрт нарса мурувватни бузади:
удуаларни баҳиллик, олимларни
кубр, хотинларни бешармлик, эр-
кақларни ёлвончилик.**

Хўжа Аҳроп ВАЛИЙ



Дилафрўз МУҲИДДИНОВА

1980 йилда туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқ филологияси факультетининг араб бўлимини тамомлаган. “Жўржи Зайдон”, “Бадиий тафаккур тақомили” номли монографиялари чоп этилган.

АФСОНАНИНГ ТУРЛИ ТАЛҚИНЛАРИ

Адабий жараёнда асотирларга мурожаат қилиш тез-тез кузатиладиган ҳодиса, лекин ҳар бир ёзувчи уларга ўз дунёқаришидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Ижодкорнинг бадиий иқтидори афсонавий сюжетлар ва образларни асардаги турли ғоя ва мақсадларга йўналтиради. Адабиётда афсонавий образ, сюжетларга янгича ижодий ёндошув жараёнида, албатта, ижодкор дунёқараши ва халқ оғзаки ижоди катта роль ўйнайди. Адабий жараёнда афсонага ижодий ёндошув ҳар бир даврда ўзига хос тарзда кечган. Аввало бунда афсонага муносабат билдирилади, иккинчидан, янги афсона яратилади. Масалан, мумтоз европа адабиётида У. Шекспир, М. Сервантес, И.В.Гёте, Ж.Г.Байрон, Л.Толстойлар, замонавий адабиётда Ж.Жойс, С.Беккет, Ф.Кафка, А.Камю, Т.Манн, М.А.Булгаков, Р.М.Рильке, Р.Мерлл, Ч.Айтматовлар афсоналарга ижодий ёндошув натижасида янги бебаҳо асар намуналарини яратдилар. Натижада, “неомифологизм”¹, яъни афсонага янгича ёндошув дунёга келди. Замонавий араб шеърлятида афсонавий образларнинг ифодаланиши бўйича тадқиқот олиб борган Е.Э.Ганихонованинг таъкидлашича: “XX асрнинг биринчи чорагида, яъни араб адабиётида янги типдаги шеърлят шаклланаётганда, шу билан бирга араб шеъри анъанавий услубдан чекиниш даврида афсонавий образ ва сюжетларга эътибор қаратиш бошланди”².

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб араб адабиётига жаҳон адабиётидаги экзистенциализм, сюрреализм, символизм каби оқимлар кириб келиши, реализмда эса психологик реализм, магик реализм, интеллектуал реализм каби кўринишлар пайдо бўлиши натижасида янги поэтик изланишлар кузатилади. Замонавий араб ёзувчилари ўз асарларида экзистенциализм фалсафасини кўтариб чиқдилар. Инсон ва олам, инсон ва тақдир, инсон ва ўлим каби умумбашарий, фалсафий масалаларни ёритишга эътибор қаратдилар. Замонавий араб ёзувчилари асар мазмунидаги ўзгаришлар билан бир қаторда услубда ҳам турли-туман, бетакрор поэтик изланишлар олиб бордилар. Замонавий араб адабиётида Дийа Шарқовий, Жўрж Салим, Мунир Утейба, Закарийа Тамер, Мажид Рубейи, Муҳаммад Шаълан каби ёзувчилар мукаддас китоблардаги ривоятларга ёндашиб, ўзига хос, бетакрор услубга эга асарлар ёздилар. Замонавий ўзбек адабиётида Омон

¹ Хализев В.Е. Теория литературы. М.:Высшая школа. 2005. С.123.

² Ганиханова Е.Э. Мифологические образы в современной арабской поэзии (50-70-е годы XX века) и их функциональная нагрузка. Диссер... на соис.. канд.филол. наук. Т. 1993. С.29.



Мухтор, Улуғбек Ҳамдамлар ижодида ҳам диний ривоятларга ўзгача ёндошувларни кузатиш мумкин.

Жаҳон адабиётида грек афсонасига мурожаат этиш жуда кўп кузатиладиган ҳодиса. Айниқса, ижодкорлар “Сизиф ҳақида афсона”га алоҳида эътибор қаратади. Грек афсонасига кўра Сизиф айёр, ҳатто маъбудларни ҳам алдашга қодир, улар билан зиддиятга борган, шу билан бирга инсонпарвар образ сифатида гавдаланади. Сизиф исёнкорлиги туфайли маъбудлар қаҳрига учраб, тоғ тепасига оғир харсангтошни думалатиб олиб чиқиши, тош яна пастга думалаб тушиб кетиши ва яна олиб чиқиши каби бетўхтов жазога маҳкум қилинади.

Янги давр адабиётида “Сизиф ҳақида афсона”га биринчи бўлиб эътибор қаратган француз ёзувчиси, модернизм асосчиларидан Альбер Камюдир. Яна бир француз адиби Робер Мерл мазкур афсона асосида пьеса ёзган. “Альбер Камю мазкур афсонанинг иккинчи қисмидан, яъни Сизифнинг жазоланиши ҳақидаги воқеадан фойдаланган бўлса, Робер Мерл Сизифни жазоланишига сабаб бўлган гуноҳни асос қилиб олган”³.

Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида афсона” асарига ўзбек адабиётшуносларидан А.Қосимов шундай фикр билдиради: “А.Камюнинг “Сизиф ҳақида асотир” асарида абсурд тушунчаси экзистенциализмнинг асосий тамойили сифатида тадқиқ этилган. Альбер Камю инсон ҳаётининг бемаъни эканлигини афсонавий Сизиф образидаги катта тошни думалатиб, тоғ чўққисига олиб чиқай деганда тош думалаб, яна қайта пастга тушиб кетавериши ва бу ҳаракат узлуксиз такрорланавериши орқали кўрсатилган”⁴.

Замонавий араб адабиётида назмда Шакир Сайиб, Али Аҳмад Саид, ҳикояда суриялик Жўрж Салим, мисрлик Дийа Шарқавийлар ҳам “Сизиф ҳақида афсона”га мурожаат қилган. Дийа Шарқавий “Боғ”⁵ ҳикоясида деҳқонни ҳосилсиз ерни боққа айлантирмоқчи бўлган тинимсиз меҳнатини Сизиф меҳнатига ўхшатади ва асотирлаштиради. Аммо Камю қаҳрамони Сизиф оғир меҳнатининг беҳудалигини аниқ англаса, Миср деҳқони гуллаётган боғ тўғрисидаги орзусини амалга ошириш учун тинимсиз меҳнат қилади. Дийа Шарқавий Камю асаридаги сюжетдан фарқли равишда қадимги Миср маъбуди Осирис тўғрисидаги афсонага ҳам ишора қилади. Қишлоқда бирорта одам чолнинг боғ ўстиришига ишонамайди. Ҳосилсиз ерда боғ ўстириш йўлида деҳқоннинг ўғиллари ҳалок бўлади. Аммо, ҳикоя ниҳоясида тошли ерда боғ барпо бўлади. Шундай қилиб, Шарқавий инсоннинг ердаги самарасиз меҳнати тўғрисидаги афсонага ҳосилдор Нил водийси афсонасини қарама-қарши қўйиб ўзига хос сюжетга эга асар яратади. Адиб тинимсиз меҳнат орқали орзуга эришиш мумкинлигини, инсон ҳаёти ва унинг машаққатлари маъно-мазмунга эга эканлигини кўрсатади.

Сурия ёзувчиси Жўрж Салимнинг “Қалъа”⁶ ҳикоясининг Камю ва Мерл асарларидан шакл жиҳатдан фарқи шуки, Сизифнинг гуноҳи ва унга чиқарилган жазо ҳукми тамомила қайта ишланган. Камю ва Мерл афсонадан ўзларига тегишли қисмини ажратиб олиб, мифологик образдан, афсонавий сюжетдан воз кечмаган, оригиналлигини сақлаган ҳолда асарни қайта ишлаган бўлса, Жўрж Салим ҳикояда бевосита афсонавий образдан фойдаланмайди, балки афсонанинг асосий

³ Қаранг: Затонский Д.В. Модернистские мифы и действительность. В кн: Современные проблемы реализма и модернизм. М.: Наука. 1965. – С. 192-195.

⁴ Қосимов А. Адабиётдаги экзистенциализм ва абсурд тушунчаларининг фалсафий асосларига доир. Ўзбек тили ва адабиёти журнали Т.: ЎзРФА «Фан», 2002, №6, 35-бет.

⁵ Қаранг: Кирпиченко В.Н., Сафронов В.В. История египетской литературы XIX-XXвеков. В двух томах. Т.2. М.: Восточная литература, 2003.

⁶ Жўрж Салим. Қадимги ташналик тарихи. (Ҳикоялар тўплами араб тилида). Дамашк: 1976, Б 27-36.

ғоясини абстракт образ орқали ўз даври муаммоларига яқинлаштиради. Лекин, сюжет унсурлари кузатилса, бу уч адиб асарларининг асоси бир эканлиги очилади. Бу асос улар орасидаги ўхшашликда намоён бўлади, яъни “Қалъа” ҳикояси қаҳрамони ҳар куни ғордан зиналар бўйлаб тушиб, шаҳар майдонидан чиқишга ҳукм қилинади, қаҳрамон эса, худди Сизифдек, бу буйрукни сўзсиз итоаткорлик билан бажараверади. Буни ҳикоядаги рамзий образлардан бири қалъа эгасининг ҳаётдан зериккан, чарчаган инсонга нисбатан ҳукмида кўриш мумкин. Жўрж Салим мазкур ҳикоясида магик реализм унсурларидан фойдаланган. Ҳикоя реал ва нореал воқеликдан иборат. Магик реализм “бу реаллик ва тўқиманинг, кундалик ва эртагоналик, оддийлик ва мўъжизавийлик, ёзма ва фольклор хусусиятларнинг қандайдир ички қоришмасидир”⁷. Жўрж Салим ҳикоялари мантикий фикрни, реалистик асос ва рамзий-мажозий тасвирдаги янги имкониятларнинг ўзаро муносабатини акс эттиради. Ҳикоянинг реал қисми бу ҳаётдан, ўз тақдирдан зериккан, чарчаган инсон ҳаётини тасвирлашдан иборат. Бош қаҳрамон ўзидаги бу ҳолатни енгил учун ота-боболаридан фарқли равишда ҳар куни ишдан сўнг шаҳар бўйлаб сайр қилишни одат қилади. Бу эса, унинг “инкилоб”га биринчи қадами эди. Ёзувчи бу сайрларни “қоянинг силжиси”га ўхшатади, лекин бу сайрлар қаҳрамонга ҳеч қандай руҳий хотиржамлик бермайди. Ҳикоянинг нореал қисми бош қаҳрамоннинг рамзий, сирли, гўзал боғга келиб қолиши, унда баланд, осмонўпар, ажабтовур қалъани кўриши ва у ерга бориши, у ерда рамзий образ – кўриқчиларнинг бошлиғига учраши ва қалъа эгасини таниши каби ғайритабиий, сирли воқеаларнинг баёнидир. Қаҳрамонга юклатилган бу жазонинг ҳеч охири кўринмайди, чунки бу ҳаракат кўриқчилар қатгаси айтганидек, “бошланишнинг бошланишигача кетма-кет давом этади”. Жўрж Салим “бошланишнинг бошланиши” иборасида чуқур фалсафий мушоҳадани баён этгандек туюлади. Фикримизча, бу иборанинг маъноси шуки, инсон ўз ҳаёти давомида поклик томон, руҳий баркамоллик томон юришни бошламас экан, унинг асл қадами ҳали бошланмаган бўлади, бундай инсонга ҳали ҳақиқат йўли очилмаган.

Жўрж Салимнинг “Қалъа” ҳикоясида ғарб модернист ёзувчиларининг асарларида кўтарилган инсон бу дунёда ёлғиз, ҳаётнинг мазмуни йўқ каби ғояларидан фарқли равишда шарқона қадриятлар, шарқ халқларига хос бўлган ишонч, умид каби инсониятни яшашга ундовчи йўл қолдиради. Буни ҳикоя бош қаҳрамоннинг “*Мен шу тариқа қалъа эгасини кўраманми?*”, деган саволига кўриқчилар бошлиғининг “*Тўлиқ покланмагунингча ва бу ҳаётни охиригача ўтказмагунингча уни ҳеч қачон кўрмайсан*”, деган жавоби юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Мазкур иборада тасаввуф таълимоти ғоялари ҳам кўзга ташланади, яъни инсон фақатгина ўзига берилган умрни тўғри яшаб, мукамал покликка эришсагина Яратганга етишиши мумкин деган таълимот, маълумки, тасаввуфга оиддир. Жўрж Салим мазкур ҳикояда комил инсон ғоясини илгари суриб, инсониятни комилликка, ҳақиқатга эришишга ундайди.

Замонавий ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдамнинг “Лола”⁸ ҳикоясида ҳам “Сизиф ҳақида афсона”га ишора кўзга ташланади. Улуғбек Ҳамдам ҳикоясида инсониятнинг тўхтамас, бир хил, узлуксиз давомий ҳаракатини акс эттиради. Ҳикоя бош қаҳрамонининг тушида баланд чўққидаги лолага бўлган интилиши, лолага етишиш учун ҳаракати, турли тўсиқларга учраши чўққига етиб борганда, яна олдинда янгидан янги чўққиларнинг туриши орқали Сизифнинг ҳарсангтошни чўққига

⁷ Теория литературы. Литературный процесс. 4-х т. –М.: ИМЛИ РАН, “Наследие”, 2001. Т.4. С. 425.

⁸ У. Ҳамдам. Ватан ҳақида кўпик. (Романлар ва ҳикоялар). Т.:Академнашр. 2014. 527-531 б.

олиб чиққанда яна пастга думалаб кетиши ва уни яна қайта пастга тушиб чўққига олиб чиқиши каби ҳолатига ҳамоҳангдир. Улуғбек Ҳамдам ҳикоясида лола рамзий образ ҳисобланиб у ўзида жуда кўп маъноларни жамлайди. “Шундоқ рўбарўмда қоя-қиррадор тошли, тик ва баҳайбат. Устида ҳилтираб турган алвонранг, бениҳоя гўзал лолага ҳамма ўзини уради”⁹. Лола – ҳақиқат, мақсад, орзу, эзгулик, гўзаллик, инсон умри, ҳаёт машаққатлари тимсоли. “Одамлар – қанчаси афсонавий қояга тирмашиб афсонавий чечак сари кўтарилаётган, қанчаси қулаб ҳу-у-ув пастларда қолган тошларга урилиб мажжақланган. Масофанинг ўртасигачаям ҳали ҳеч зот етолмаган”¹⁰. Ҳикоя бош қаҳрамонининг туши орқали лолага етишиш учун минг машаққатлар билан чўққига интилаётган инсонларнинг ҳаракати, уларнинг бу йўлда чўққини забт этиши, баъзан эса пастга қулаб кетишини тасвирлаб, ҳаётда ўз мақсади, орзуси сари интилаётган инсонларни тушқунликка тушиб тўхтаб қолишлари ёки яна олдга интилишлари акс эттирилган. Улуғбек Ҳамдам ҳикояда “ҳақиқатни билишга маҳкум этилганимни унутолмайман” иборасида грек афсонасидаги маҳкум Сизиф афсонасига ишорани кўришимиз мумкин.

Сизиф ҳақидаги афсонага француз, араб, ўзбек ёзувчилари мурожаат қилган ҳолда инсоният меҳнати узлуксиз, давомий эканини баён этишган. Бунда ёзувчилар ижодида ҳам услубий, ҳам мазмуний хилма-хилликни кузатиш мумкин. Камю “Сизиф ҳақида афсона” асарида мазмуний жиҳатдан бу дунёнинг беҳудалиги, инсоннинг ёлғизлиги, самарасиз меҳнат гирдобидида қолганлигини, лекин мана шу самарасиз меҳнатни масъулият, мамнуният билан мардонавор енгиб ўтиши лозимлигини таъкидлаган. Услубий жиҳатдан эса Камю грек афсонасидаги образ ва сюжетни аслидек сақлаб қолган. Замоनावий араб ёзувчиси Дийа Шарқавий эса реал воқеликни тасвирлаб Сизиф меҳнатини Миср деҳқони ҳаётига кўчирган. Ёзувчи деҳқоннинг оғир меҳнати, орзуга бўлган тинимсиз интилиши бесамар кетмаслиги, ҳаётнинг беҳуда эмаслигини тасвирлаган. Жўрж Салимнинг “Қалъа” ҳикоясида грек афсонасининг янгича талқинини кўришимиз мумкин. Ҳикоя қаҳрамонида Сизиф каби ўзи яшаб турган ҳаётга нисбатан норозилик уйғонади, натижада, у бу қилмиши учун жазога маҳкум қилинади. Лекин, Камю асаридан фарқли равишда Жўрж Салимнинг ҳикоясида жазо ижросининг якуни борлиги, бунинг учун инсон комилликка эришиши, покланиши лозимлиги уқтирилади. Услубий жиҳатдан Жўрж Салим ҳикоясида магик реализм унсурлари яққол кўзга ташланди, рамзий, мажозий, ассоциатив образлардан фойдаланади. Замоनावий услубларда ижод қилувчи ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдам инсонни Сизиф каби оғир, машаққатли меҳнати, яъни ҳикоя бош қаҳрамонининг тоғнинг юқориси чўққига чиқиши ва етиб борганда яна олдинда шундай чўққилар борлигини тасвирлаб, мифдан фарқли равишда бу меҳнатининг замирида орзуга, ҳақиқатга интилиш, ҳаёт машаққатлари ётишини кўрсатган. Улуғбек Ҳамдам ҳикояда услубий жиҳатдан туш кўриш, “онг оқими” каби поэтик воситалардан, рамзий образлардан фойдаланган.

Кўриб турганимиздек, Шарқ ёзувчилари ўз асарларида ҳаётни Ғарб ёзувчилари каби абсурд даражасига кўтаришмайди. Инсонни бу мураккаб ҳаётда мардонавор, комилликка эришган ҳолда, ўз ишига бўлган масъулият билан яшашга, эзгулик сари интилишга ундайди ва умид уйғотади.

⁹ Ўша китоб, Б.527.

¹⁰ Ўша китоб, Б.527.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада замонавий гарб, араб, ўзбек ёзувчилари асарларида қадим юнон афсоналарига ижодий ёндашув масаласи кўтарилган. Француз ёзувчилари Альбер Камю, Робер Мерл, араб замонавий ёзувчилари Дийа Шарқавий ва Жўрж Салим, ўзбек ёзувчиси Улўбек Ҳамдам ҳикоялари танлаб олиниб, мазкур ёзувчиларнинг Сизиф афсонасига ижодий ёндашувлари, улар қўллаган бадиий усуллар қиёсий таҳлил қилинади.

В данной статье рассматривается творческий подход современных западных, арабских и узбекских писателей к древнегреческой мифологии. С целью сравнительного анализа отобраны несколько произведений французских писателей: Альбера Камю, Робера Мерлла, современных арабских писателей: Дия аш-Шаркави и Джорджа Салима, а также узбекского писателя Улўбека Ҳамдама и рассмотрены применяемые ими художественные приемы современной трактовки мифа о Сизифе.

This article discusses the creative approach of modern Western, Arab and Uzbek writers to ancient Greek mythology. For the purpose of comparative analysis we selected works of several French writers: Albert Camus, Robert Merlla, contemporary Arab writers Diya al-Sharkavi and George Salem and Uzbek writer Ulugbek Hamdam and considered an artistic techniques of modern interpretation of the myth of Sisyphus used by them.

ҲУКМАТ

Ҳусни худқдан кўра яхшилик
устизга яхшилик қўшади,
ҳасаддан кўра ёмонлик устизга ёмонлик
қўшади нарса кўрмади.

Нажмиддин КУБРО



КЎНГИЛ МУЛКИ



Гўзал БЕГИМ

1974 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини, Москвадаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини тамомлаган. “Сукунат жанранги”, “Учаётган япроқ сояси”, “Мажнунсоат” номли шеърӣ тўпламлари нашр этилган.



АЙЛАНАЁТГАН ЮРАК

Шоира Ойдиннисонинг
“Қоралама” китобига ёзув

1

Дунё бугун деразам олдида жилоланди. Қўлларимни чиқариб кўришдим у билан. Кўзларимни каттароқ очиб қараганим сари юрагимга кўзларини юмиб қаради дунё. Мен туғилмаслик – бевақт ва безамон туғилмаслик учун замон пойладим. Замон чир-чир айланади, унинг талотўпида юрагим ҳам ер шари монанд айланмоқда. Боши, оёқ-қўли айланган юрагимни бу дунё гоҳ таниб, гоҳ танимай ўтиб бормоқда. Мен унга юрагимни тутаман, қулоқларига пичирлайман:

– Қара, эй, донишманд Дунё, бу севавериб, икки юзи олмадай қизаравериб толмаган юрак меники: у товланмайди, тусланмайди, турланмайди. Юрагимнинг минг битта қиёфаси йўқ. Ишга отланаётиб битта, одамлар ила суҳбатлашаётиб бошқа, уйга келганида яна ўзга ва ёлғиз қолганида тамомила бошқа либосини киймайди. Устознинг “Бундай қилма эмас, бундай бўлма” деган насиҳатига жон томири ила ёпишиб олган юрагим. Машҳур Америка ёзувчисининг “Табассум” асаридаги Жокондонинг портретига туфлаш учун йиғилган оломонни эслайсанми? Жокондога туфлаётган минглаб оломон орасида унинг парча табассумини бир болакай асраб қололди, холос! Бугун ҳаёт милёнлаб одамлар қиёфасида юракларга туфляпти. Айнан шу лаҳзада қалблардан-қалбларга, юраклардан-юракларга, замондан-замонга гоҳ ҳаққалаб, гоҳ учиб ўтаётган “Қоралама”ни оламану ўзимни оқлашга куч топаман: сен ўша айбларинг билан сулувсан, хатоларинг ила дилбарсан, гуноҳларинг билан кўркамсан, асли!

Сен кимсан – гуноҳдан зир титраб қочган девона, фаришталик даъво қилмассан, кўзига тик қарайсан вақтнинг, овоз чиқариб ўйлайсан ўзинг ҳақингда. Сен кимсан – бир бора берилган дунда сонсиз ва саноқсиз севиб тўймаган, юраги севгига оч бир ошиқсан, “Мен энди ҳеч қачон севмайман” дея томирларига азон айтиб ҳайқирган муаззин – “телбаликка, севгига қарши эмланган” юрак... Сен кимсан – ўзингни оқлайсан, қоралайсан, яшайсан ботинингда овоз чиқариб.

Ўсиб бораверар ичкин ҳам ичиккан овозинг билан. Овозингга тўлиб кетган дунёнинг кулоқлари.

Мен кимман – ўзини ошкор этишдан қўрққан, кўзларини яшириб яшаган одам, фаришта ясовчи моҳир бир уста. Мен кимман – кўзойнак тақиб кўрган зулматни, югураётган дарё ёқалаб, суви йўқ кудуқнинг тешик челагида илма-тешик куй тортган. Мен кимман – тили бийрон, оёғи чакқон, нотик, отлик, юракларни қоқиб ўйновчи раққос. Мен кимман – дунёга тилини чиқариб ўйнаётган масхарабоз, масхарабоз.

2

“Сен буюк телбасан!” – дунёни ўзгартирасан юрагинг ила, ростлик ҳукминг сенинг, хатонг – ибодат. Ямаб яшамайсан фиску фасодни, фириблардан бола кўрмайсан.

“Сен буюк телбасан” – тоқат қилиб бўлмас юрак дукурингга, ҳисларингга бошни уриб бўлмайди. Юрак жазираманг, қоқ жазирама, жазиллар, жазиллар, дил тутилмайди. Исмин нима менинг, фақат ҳусни бор, исминг нима сенинг, Ойдан изни бор.

“Сен буюк телбасан” – сендан ташқари фақат ўрис шоири Игорь Северянин шеърда “Я – Игорь Северянин, Я – гений” деб айта олур. Ҳамманинг кўзигамас, фақат юрагингга қараб яшайсан. Моҳир дорбоз монанд ҳисларим дорида кўзларингни чирт юмиб рақсга тушасан, чирпирак айланиб.

Ҳа, Сен ўша буюк телбасан, бошдан этагигача телбалик нақшлаб, ўйиб ёзилган, ювинди тортиқ қилмассан ҳайратларимга. Томирингга жамлаб 101 нафар телбани, донишманд телбасан, даҳо телбасан, ҳам шоир телбасан, нодир телбасан. Чапланган дунёнинг афт-ангорини синган кўзгуда қайта ишлов беролган машшоқ телбасан гоҳ, оқил телбасан!

Бедаво дардга йўлиққан ҳисларим ила дунёнинг ҳамма эшикларидан кириб чиқаяпман, чиқиб кираяпман. Мана қаторасига турибди, дунёнинг эшиклари, мени қабул қиломаган улар ҳеч қачон. Менга очилмаган, кулоғини тутмаган ҳаёлларимга, кашф этолмаган юрагим чўққиларини. Мен эса кириб чиқаверганман бу эшиклардан, гунг ва сўқирларнинг кўзига қараб. Қўлларимга нуқул гуллари узилган атиргул бандин тутарлар. Бармоғимни тутиб турар атиргулнинг тикани, узугимни туртиб турар ўшал маккор гулнинг тикани. Мен бугун кириб чиқаяпман ҳамма эшикдан, туйғуларим қисирлаб кетар, умидларим ғичирлаб ўтар, юрагимнинг у бошидан бу бошигача бир ёмғир турганиб ўтади. БИР ЁМҒИР ЮРАГИМ-ДА ТУРТИНИБ ЎТАР...

3

Мен қаёққа юрсам, дунё шу томон юрди. Балангга юрдим, пастга юрдим мен, ўнқирга гоҳ, чўнқирга юрдим. Юрагимнинг тўртга қибласи бўйлаб, бетўхтов одимладим. Мени танигувчилар ўтмишга итарди, сачратки босишди яраларимга. Ва ниҳоят таний олмаслар орасига урдим ўзимни. Юрагимнинг шаклини, шамойилини, ҳажмини, тилини, дилини, овозини била олмасликларидан хузур туйдим, донишманд хузур.

Мен қаён юрсам дарахтлар шу томон юрди. Дарахтлар меҳрибон, итармайди кўксингдан, бехосдан туйғуларингни босиб қўймайди. Таъна қилмас, дашном қилмас, тош отиб ўйнамас жароҳатингга, оқламайди сени ва қораламас. Дарахтлар кўзини бўямас, тилида барги бор яшиллангувчи.

Қай томон юрсам мен йўллар югурди, йиртиқ этагимга қўлини чўзиб. Ҳаммаси пешонамга бир-бир келиб урилди: шамоллар, довуллар, жалалар, даралар. Пешонамда бир китоб ёзилди, томирларим ёзғути бўлган китоб.

Мен чиқиб келяпман, қўлларимда чарчаган ҳаёт. Ташлаб кетган мени уринган, суринган, тилинган, шилинган умид. Ярали, чақали, илжираб, сўлжираб илинжлар этагимни қўйиб юбормас. Мунғайиб, ғалвирдан ўтказиб жонимни айрилиқ ҳеч айрилмайди.

Қай томон юрсам, юрагим мен-ла югурди. Ҳамма бир-бир ташлаб кетди, ҳамма бир-бир уриб ўтди. “Юрагингиздаги ғуррани қачон орттириб олгансиз?” саволга тутади ўғлим. Мен эса юрагимдаги бадбашара ғуррага тикилиб, Франц Кафканинг “Отамга мактублар”ини ўқиб бераман ўғлимга:

– Ана, Франц, отасини кўришга кўзи йўқ, бироқ у билан бир стол атрофида ўтирибди.

– Франц томирларида ўзи нафратланаётган қонни тўкиб ташлашни истайди... Қоннинг соҳиби унинг қайси томирдан оқишига парво ҳам қилмай, бурун кавлаб ўтирибди ношарқона дастурхон бошида. Францнинг томирларидаги қон эса гупириб-гупириб окмокда.

4

Жуда кўп тилларни ўргандим нафас олмақлик учун. Онамнинг тилини ўргандим, туғила солиб. Дўст-ғанимнинг, бозор-озорнинг, айрилиш-қоврилишнинг, фиска-фасоднинг, ҳақорат-маломатнинг, тошу харсангбағирларнинг, илоннинг ёғини ялаганларниё чаённинг захрини талаганларнинг тилларини ўрганмоқдаман. Икки юзламачининг иккита юзин, товламачининг товланган ўйини, ғарибкўнгилнинг жулдур кўнгил тилларини ҳижжалаяпман.

Ўз тилимдан ташқари ҳамма тилда чуғурлай оламан мана. Кўрқоқлар, тарқоқлар, сохта кўнгилпарастларнинг ярим-ёрти тилида минғирлай оламан ҳатто. Ғўнғиллай оламан пашша тилида, шанғиллай оламан ҳов ўша тилда. Пистанинг тўкилган пўчоқларидай, нураган кўнгилнинг чарчоқларидай, кўримсиз истакдай ҳар кун-ҳар кунги, оқ қилинган меҳрингдай кимсасиз, қораланган ўтмишингдай оқ, таъқиқ белгисидай дил ойнасидаги, чакалакзордай жуда кўп тилларда суҳбат кураман.

Атрофимни қуршаб 101 телба, бу дуннинг энг кўҳлик тилида суҳбатлашаман. Менинг бу телбага ҳавасим келади, унга қўшилиб адашгим келаверар муттасил.

Юрагингни сўраб тургим келар бир муҳлат, юрагинг-ла дукурлагим келар дунё кўксиди. Яшагим келди 24 соат: севгим, адашгим, яна севгим ва яна адашгим келаверди шу юрак билан. “Кўзойнагингизни бериб туrolасизми?” деган тортинчоқ бир ўтинч каби сўраб тургим келар қайта ва қайта: ЮРАГИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРОЛАСИЗМИ?

5

“Севгилим мен вақтлар ичра адашдим” ҳам бахтнинг ичида ва ҳамда ташида адашдим узоқ. Сенинг юрагингни кўриб адашдим, кўксингга қулоғим қўйиб адашдим. Ўнгим ҳам сўлим ҳам қалқиб боряпти, қалтираб турибди, минг бор ўлиб ҳам ўлишдан толмаган илинжим. Ана, ҳо-ов анави аёлни кўряпсанми, тўғри таёқдай яшаб юрибди у юраги ўрнига ўрнатилган бузуқ соат билан. У соатнинг миллиари йўқ, ичимдаги вақтни, замонларни кўра олмас у. Унинг ёнидагисининг юрагига кушлар учиб келмай қўйганига аллазамонлар бўлган. Идиш-

товоқлар билан ўқир у дунё матнини. Уларга қўшни хонадаги аёлнинг тили тикув машинаси монанд ишлайди. Оҳ, бу аёлларнинг юрагига қараш бирам қўрқинчли, хайқаман бу жарларга қулаб кетишдан....

“Чиқиб кетмасам гар мен ўз ёдимдан” кўрпа тортмас эдим туйғуларимга. Қонимда ракс тушса бир ёвуз ҳовур, жонимни суяса маъно ва ёмғир. Миллён йил, кўнглимга фақат Бахт эксанг ва кейин бир сўз кутсанг, довдир бир сўзни кутсанг. Ҳа, ўзингга ўхшаган шу битта сўзни... Турсанг, абадият бир қалқиб кетса, кўзини ишқаса, мажнуна шу сўз. Ва топиб олсам ўнгни ҳам сўлни, чиқиб кетмасимдан ҳар кун ёдимдан, ёнимга чорласам миллён бир йилни...

“Мен ўлдирганим йўқ бирор кунингни” фақат қирдим ёввойи истақларни. Иситма аралаш яшади кўнглим, ҳам ўз юрагимдан ясадим кунда. Келган ва кетгувчи йилларга муҳр қўйдим юрагим билан. “Эски йил, ташлаб кет” барибарини, юрагим ичидаги бир доғни ва ўша доғ теккан мунглиғ мунчокни, юрагимга экилган битта буғдойни, шу буғдойга тўғирланган ўқ-ёйни, ташлаб кет эски йил, ташлаб кет! Томиримда бевақт кўз юмганларни ташлаб кет, эски йил!

“Бу етим дунёни қандай овутай” айт, қандай силай дунё бошингни?! Кўзимда титраса ипак рўмолча, айт қандай йиғлайин, кўзимнинг оқи биланми ё қораси билан?! Қоқилсам шафқатсиз табассумларга, ҳисларимни уриб олсам яланг ҳисларга. Овутиб бўларми бир парча чўғни, овутиб бўларми бу қорачикни?! Ичимда бир юрт бор овутиб бўлмас, ичимда бир кулгу ҳеч қачон кулмас...

“Ҳали бу – ҳаётнинг қораламаси” – шуъла увушади чуқур “Оҳ”имда. Бир гулзор фожиа чайқалади ўнгу сўлимда. Туйғулар қуюнидан омон қолганингга суюнгим келар. Етти қават кўрпачадан турғизиб дардни, “Ҳали ҳаёт бор!” дея жониқиб гулдурос овозда югургим келар... Бир қайноқ йиғини ҳада этар кун, бироқ йиғлолмайман, кулолмайман, мен бўғзига харсанг изтироб тикилган одам!

“Ҳақим йўқ ишларга кўмилгим келар”, ҳақ олиб, ҳақ бериб юрибман мана. Юрак саҳросида чувиллашар бир этак жужуқларим, ош-нон сўрашмоқда юрак кушларим. Мен улкан-улкан ёмғирлар ёғувчи мамлакатда, томчи майдалайман, кўзларим билан. Кўнглимни ёзаман, дил қоралайман, бир нур етаклайман дунё сен томон!

6

Азизам Ойдиннисо! Бу Сизнинг “Қоралама”нгиз сабаб оқлик кўрган битиклар. Китобингиз умиднинг, ҳиснинг, ҳароратнинг озод юришини бошлаб берди руҳимда. Шу пайтгача ёзган китобларингиз орасида “Қоралама”нинг номи бўлакча: кўнгилга, юракка, томирларга қораланган оппоқ шеърлар улар. Гоҳо шеърларингиз орасида бошқа шоирларга ўхшашроқ руҳни, образли яқинликни (баъзида умумий қайтариқларни) кўраман. Бироқ Сиздаги ички шоирона нигоҳ, уйғоқ онг ости шуури, дунёга ва кечинмаларингиз дунёсига ўз юрагингиз билан ташхис қўя билиш иқтидори бу камчиликларни маҳв этишига ишонгим келди. Мени мафтун этгани – девонавор руҳ, телба оқилалик, кўнглини доғ босиб кетган безовталиқ. Бу китобни ўқиб шунчаки ўз йўлимда жим одимлаб кетолмадим, тин-бетин ортимга қарагим келди. Ортимда товланиб ётган дунёни бори гўзаллиги ва бори дағаллиги билан бағримга босгим, сиз “узиб” олган дунёнинг жозибали парчасида бир муҳлат тўхтаб тургим келди. “У-ух-х” дея бир узун, бир иссиқ нафас олгим келди жудаям.

Ҳерман Ҳессе айтмоқчи, бу китобни қайси кутубхонага киритиш китобхоннинг ўзига даҳл қилгувчи вазифа. Мен бу китобни юрак кутубхонамининг кўнгили

жавонига жойладим. Дунё кутубхонасига кўз-кўз қилгим келар ҳоври баланд “Қоралама”ни. “Жарлик ёқасида турган туйғулар”имизни (Сэлинжер) айнан мана шундай китобларгина халос этади. Куну тун демай юрак ила суҳбатлашишга чорлайди, ҳа-ҳа, гап сотиш ё хангомалашишга эмас!

Менинг ойдин шоирам! Сиз ичкарингиздаги дунёни кўрқмай, оқу қароси ила ўқувчига топшириб бўлдингиз. Кўзгуни ўз юрагингизга тўғирлаб тутдингиз, “Қоралама” билан туйғуларимизни оқладингиз. Бугун шеърли юрагингизга қараб юрагим қамашади. Таракқиёт дарёларида SMSлар оқаётган очуннинг қулоқларига бир нима дегим келяпти:

– Мана сенга шеър тўла юрак, бу юракни кийиб яшай оласанми, ДЎСТИМ!

ҲУКМАТ

**Ҳар ким ҳилмга оғат қилса, улдуз
бўдур, тўғриликни пеша қилса,
мартабаси баланд бўдур. Тилини
ёлғондан асраса, олий мартабага
эришур.**

Хўжа Аҳрор ВАЛИЙ

* белги остидаги сатрлар шоира Ойдиннисонинг “Қоралама” китобидан.



БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ



Элбек ЭРКИН

1986 йилда тугилган. Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Муҳаббатдан сабоқ берди дил

Ёз тонги

Замин яшил кўйлак танлаган,
Кун йўлига чиқай деб пешвоз.
Манглайида юлдуз порлаган,
Шудринглардан тўшаб пояндоз.

Бор вужуди – оташин юрак,
Борлиқ ишқдан куйлар авжида.
Мисли кема чайқалар терак –
Нур таратган куёш ганжида.

Дарёларда сокин хиргойи,
Жилғаларда шўхчан нағмалар.
Очилади олам чиройи,
Сув кўксида ўйнаб олмалар.

* * *

Юрагим сукутда, кўзларим йўлда,
Хаёлингни излаб кетган хаёлим.
Балки шунинг учун кунларим маъюс,
Балки шунинг учун ҳиссиз хаётим.

Ўйлардим, туйғу ҳам кетар эскириб,
Билсам, азобларим жондан ўтибди.
Ул эса лаҳзада менга айланиб,
Сўнгра вужудимни ташлаб кетибди.



Усмон Носир

Соат милларига етмайди қадам,
Гарчи ғўралардан ҳолва битмагай.
Ҳатто сариқ олтин ваъда килса ҳам,
Сабр айламоққа куним етмагай.

Бир куни куёшга айланиб кетсам,
Юрагим нур бўлиб бошингни силар.
Мен кетгач, қоядек мағрур тур, эркам,
Менинг йўқлигимни билмасин улар.

* * *

Билсанг, ошно, бизнинг қишлоқда
Кўшиқ айтар сокин жилғалар.
Мен ғарибдан узоқ-узоқда
Боғ қўйнида бир қиз уйғонар.

У менга деб ёзмайди мактуб,
Мен ҳақимда сурмайди хаёл.
Димоғига ифорлар тутиб,
Изҳорларим етказар шамол.

* * *

Кўришарми бир кун, Дилрабо,
Бир-бирини излаган кўзлар?
Ҳеч кимса йўқ хоналар аро
Ўртамизда туғилди ҳислар.

Кесишарми бир кун, Дилрабо,
Иккимизни ажратган йўллар?
Ҳеч кимса йўқ дунёлар аро
Ўртамизга тикилди йиллар.

* * *

Мени жасоратга бошлайверар дил,
Мени азобларга ташлайверар ноз.

Сен осмон аршидан юксақдасан, дил,
Мен зулмат қаърига чўкмоқдаман ноз.

Сени қалб қўрида асрагайдур дил,
Мени ўнг-сўлида топтагайдур ноз.

Менга муҳаббатдан сабоқ берди дил,
Менга уқубатдан дарак берди ноз.





Сени суйдим дебон шодланмоқда дил,
Сендан тўйдим дебон ётланмоқда ноз.

Энг азиз туйғудан яралмоқда дил,
Энг мунгли чолғудан таралмоқда ноз.

Пари

Кўҳи Қофда қолган парилар,
Дев минг кўйга солган парилар.
Эртақларда болалик чоғим
Хаёлимни олган парилар.

Йиллар ўтди ўйноқи шамол,
Бутун пари севгига тимсол.
Бошдан-оёқ сирга ўраниб,
Кириб келди ул парирухсор.

Кипригила кўксин беркитиб,
Сочи билан белларин ёпган.
Кўзларингга тик қарай олмас,
Киприклари оғирлигидан.

Аста-аста ёқа бошлайди,
Айтар сўзи ўзидан ширин.
Аста-аста юқа бошлайди,
Хаёллари сўзидан ширин.

Бир кун келиб, қартаяр жисмим,
Лек, ул пари ҳамон навқирон.
Чунки, кўнглим у билан кетган,
Уни кўнглим асрар бешиён.

ҲУКМАТ

**Ноқис улдурқим, ўзин қомил дегаў,
Қомил улқим, нуқсин исбот айлагаў.**

Алишер НАВОИЙ





ТАЛҚИН

**Мансурхон ТОИРОВ**

Физика-математика фанлари доктори, профессор. 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) физика факультетини тамомлаган. Юзга яқин илмий мақолалари республика матбуотида, ўндан ортиқ мақолалари хорижда чоп этилган. Бир неча китоблар муаллифи.



АҲМАДХОННИНГ ШОИРА ҚИЗИ

Тошкентда биринчи марта жазирама иссиқ, салқин жой, жилдираган сув нима эканлигини билдим. Яна инсон меҳрини ҳам ўша ерда англадим.

Анна АХМАТОВА
1944 йил, май, Ленинград шаҳри

149

Семён Израилевич Липкин: “Мен нима учундир Амир Темурнинг: “Олам илон ва чаёнларга лик тўла олтин сандикқа ўхшайди” деган сўзларини эслаб қолдим. Бу сўзлар Анна Ахматовага жуда ёқди, лекин у бошқа мавзуда гапира бошлади: “Катта бувим – Ахматова князь Юсуповга қариндош бўлган. Юсуповлар эса Амир Темур шажарасининг шохларидан биридир. Темурнинг ўзи эса Чингизхон авлоди, демак, Чингизхон менинг катта бобом ҳисобланади”, деди. Мен, бундай эмас, деб изоҳ бердим. Эртасига В.Панованинг туркчадан русчага ўттирган Темур таржимаи ҳоли ва изоҳларини олиб келдим. Унда изоҳчи Темур Чингизхоннинг набираси эканлигини рад этган эди. Анна Андреевна бу далилларга кўнар экан: “Амир Темур авлоди бўлишлик ундан ҳам шарафли-ку!” деди.

Анна Ахматова ўн бир ёшидан шеър ёза бошлаган. “Отам Горенко: “Сен шеър ёзиб менинг номимни булғама”, деганидан сўнг она аждодим Олтин Ўрда хони Аҳмадхон номини ўзимга тахаллус қилиб олганман”, деб ёзади Анна Ахматова. У аввал шеърларига “Анна Г.” деб имзо чеккан бўлса, 1911 йилдан Анна Ахматова деб қўя бошлайди. 1912 йилда “Оқшом” номли илк шеърини тўплами ушбу тахаллус билан 300 нусада “Шоирлар цехи” нашриёти томонидан чоп этилади. 1926 йилда исми-шарифини расмий равишда Анна Ахматова деб ўзгартиради. 1939 йилда совет ёзувчилари уюшмасига қабул қилинади.

Ахматованинг катта бувисини қизлик фамилияси Прасковья Федосеевна Ахматова (турмушга чиққач Мотовилова) бўлиб, 1837 йили вафот этган. Прасковья Федосеевнанинг ота томони XVI асрдаги князь Чиғатоевларга (Чагадаев) бориб тақалса, она томони XVII асрдан русларга сулоласига боради.

Анна Ахматованинг тақдири ўта фожиали кечган. Унинг энг яқин уч одами репрессияга учраган: биринчи эри, ёлғиз ўғлининг отаси Николай Гумилёв 1921 йили халқ душмани сифатида большевиклар томонидан отиб ташланган; учинчи эри, Николай Пунин ҳам халқ душмани сифатида уч бора қамоқ жазосини ўтаган. 1953 йили қамоқда ҳалок бўлган; ўғли Лев Гумилев халқ душмани сифатида 10 йилдан ортиқ қамоқда ўтирган. “Халқ душмани”нинг беvasи ва онаси бошидан кечирган қайғу Ахматованинг “Реквием” поэмасида тасвирланган.

Ахматованинг: “Мен бу болани қамоқ учун туққан эканман!” деган гапи одамлар орасида машҳур бўлиб кетган. Биринчи марта, Лев Николаевич 1935 йили қамоққа олинади, иккинчи марта 1938 йили, учинчиси, 1949 йили. Лев Колоднийнинг ёзишича, ўғлини қутқариш учун шоира ўз шаънини қурбон қилган. Рухий азобланган, хўрланган Анна Ахматова “Тинчликка шон-шарафлар бўлсин!” номли шеърини “тинчлик курашчиси”га бағишлаб ёзади. Кейинчалик Ахматова бу шеърини тўпламига киритмасликни васият қилиб қолдиради. Ахматованинг бу қурбонлигини Сталин қабул қилмайди. Ўғлини қайтиб бермайди. Ўша давр қотилларидан Абакумов 1950 йилнинг 14 июнида “Ахматовани қамоққа олиш ҳақида” буйруқ чиқаради. Лекин Ахматова ўғлини қутқариб олиш учун сўнгги қадамини қўйган – Сталин туғилган кунга аталган “21 декабрь 1949 йил” номли ода нашрдан чиққан эди. У бундай бошланарди:

*Бу кун дунё ёдида қолиб кетажак абад,
Бу он муҳрлангайдир мангуликка, эҳтимол.
Бизни не-не ўлимдан асраб қолган донишманд
Афсонага айланди, афсонаки, безавол...**

Ахматова яна бир марта жаллод оёғи остига ўзини ташлади. Бу билан у шоирлик номини қурбон қилди. Қурбонлик ўғлини озод этмаса-да, ўзини қамоқдан асраб қолди. Яна 16 йил ҳаёт ва ижод давом этди.

Анна Ахматова ёзади: “Ежовчилик йилларида, мен Ленинград қамоқхоналари остонасида 17 йил давомида навбатда турганман. Бир куни кимдир мени таниб қолди. Ўшанда номимни ҳеч қачон эшитмаган, орқамда турган аёл барчамизга хос мудроқ ҳолатидан уйғонди-да, қулоғимга шивирлаб (у ерда ҳамма шивирлаб гапирарди):

- Сиз бунга тасвирлай оласизми? – деб сўради.
- Эплайман, – дея жавоб бердим.

Шунда табассум каби бир ҳолат унинг қачонлардир юзи бўлган жойдан сирпаниб ўтди”.

1922 йилдан бошлаб Анна Ахматова китобларига цензура тузатишлар киритиб борган. 1925 йилдан 1939 йилгача эса шеърлари мутлақо нашр қилинмаган. Л.К.Чуковская айтишича, ўша йилларда ёзилган кўплаб шеърлар кўч-кўчлар пайтида йўқолиб кетган. Ахматова 1965 йили чиққан “Ўзим ҳақимда” номли асарида: “Йигирманчи йиллар ўрталаридан янги шеърларимни нашр қилмай кўйишди, эски шеърларимни эса қайта бостиришмади”, деб ёзади. 1964 йилгача унга чет элларга чиқиш қатъий тақиқланди. Олег Хлебников маълумотида: “Шоира А.А.Ахматова ҳақида олинган материаллар унинг совет ҳокимиятига фаол душман эканлигига далолат қилади”, дея ахборот берди. Ҳатто айбланувчининг фамилияси ҳам Чингизий, аждоди мусулмон босқинчисига тўғридан тўғри туташади, деган айбларни ҳам қўйиб юборди.

Олтин Ўрда хони Аҳмадхонга Москва князлари тўғридан-тўғри бўйсунган.

* Мақоладаги шеърларни Ойгул Суяндиқова таржима қилган.

Аҳмадхон Хусайн Бойқаронинг синглиси Бадиъа Жамолга уйланган. Хоразм Темурийлар томонидан фатҳ этилган. Хуросон султони Хусайн Бойқаро эса у ерларни Аҳмадхонга Бадиъа Жамолнинг келинлик сепи сифатида тухфа қилган эди. Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхон 1468 йили вафот қилгач, Аҳмадхон Хоразмни қайтиб олиш тадбирини кўра бошлаган. Мақсади йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланган пайтда акаси Маҳмудхон оламдан ўтади. Аҳмадхон сиёсий ўйинлар олдини олиш учун шошилинич Олтин Ўрдага қайтишга мажбур бўлади. Волга бўйига келгач, Абулхайрхоннинг Ўзбек хонлигига (Олтин Ўрдага) даъвогар набиралари Муҳаммад Шайбоний билан Маҳмуд султон Ҳожитархонда (Астраханда) Аҳмадхоннинг жияни Қосимникига қўнганидан хабар топади. Аҳмадхон ва Шайбонийхон ўртасидаги тортишув узоққа чўзилади. Ниҳоят, Шайбонийхон Ўзбек хонлиги учун курашни ташлаб, Сирдарё ва Амударё томон юриш қилади. Шундан сўнг Аҳмадхон шарққа юришларини тўхтатади. Хонликнинг ғарбий муаммоси Қирим билан шуғуллана бошлайди. Акасидан мерос қолган Қирим, охир оқибат, Ўзбек хонлигини ҳалокатга олиб келади. Аҳмадхон 1681 йили жосус томонидан ўлдирилади. Аҳмадхоннинг Рус князи Иван III га юборган ёрлиғи ва турк султони Маҳмуд II га юборган хати сақланиб қолган.

Анна Ахматова Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ленинградда эди. 1941 йилнинг 28 сентябрида Москвага, сўнгра Қозонга кўчирилади. У ердан Тошкентга жўнатилади. Яков Захарович Черняк: “Ахматовани Ленинграддан самолётда олиб кетишди. Йўл-йўлакай самолёт махфий бир аэродромга қўнди. Ахматова қоронғи зулматда самолётдан чикди: “Бизлар қаердамиз?” – деб машина олдида ўралашиб юрган, ғира-шира шарпалардан сўради. Унга ҳеч ким жавоб бермади. “Биз қаердамиз?” – дея ўзини йўқотган ҳолда, ваҳима билан саволини такрорлади. Яна сукут. Ахматова йиғлаб юборди”. Маргарита Иосифовна Алигер: “Ленинграддан ваҳимали хабарлар келиб турарди. Иложи борича у ердан аҳолининг кўпроқ қисмини олиб кетишга ҳаракат қилинарди. Сентябрь охирларида кимдир аэродромга Шостаковични кутиб олиш учун борди ва ўша куни бир соат аввал Анна Ахматова етиб келганини айтди”.

Тошкентда шоиранинг шеърый тўплами нашр қилинди. Анна Ахматованинг Ўзбекистонда ёзган барча шеърлари, асосан, Ленинградга бағишланган эди. Чунки шоира у ерда узоқ йиллар давомида ҳам севилган, ҳам хору зор қилинган. Йиқилган курашга тўймас қабилда у умрини, яқинлари, халқи ҳаётини оёқости қилганлар билан ўзи билганича шеър воситасида курашни давом эттирган. Лекин оғир уруш йилларида нон-тузини аямаган ўзбек халқига ҳам шеърлари оркали калб тўридан жой ажратган:

*Изтиробда уйқуга кетсанг,
Сўнг ошиқ мисоли уйгонсанг,
Қара, гўзал лолақизгалдоқ,
Қайлардадир зулмат бағрига
Ёриб кирди ногаҳон қудрат!
Кичик ҳовли, ёниқ манқаллар,
Тутаб ётар ҳамон қайғулар,
Унда баланд бўйли тераклар...
Чиқиб кела бошлар бог аро
Шаҳризода...
Мана, қандай Шарқ экансан, о!*

Ёки:

*Осиё, қадалдим қароқларингга,
Ичимга киргандай кўринди ичинг.
Сукунатнинг олис кучоқларига
Сочилди ўйларим ҳавасла, қизгин.
Термиз саратони каби ёлқинли,
Хотиралар оқди идрокларимда.
Карвонлари оғир, қадимий, жонли
Парчаланган вулқон ирмоқларидай.
Кўксимдан отилган бўзларимни жим,
Ўзгалар кафтида ичгандай бўлдим.*

Ёлғизликда яшаётган шоирани фақат Тошкентдаги кўни-кўшниларигина эмас, балки нотаниш одамлар ҳам кўллаб туришган.

“Тошкентда бир қария сут олиб келарди. У ўта тавозели, Анна олдида кўлларини қовуштириб турар эди. Бир сафар столдаги кўзгуни олди-да, Анна Андреевнанинг юзига тутди, сўнг кўзгуни ўпди...” (Лев Озеров).

Ўзбекистонга бағишланган шеърда:

*Етти юз йил келмадим, бу ер
Ўзгармабди ҳеч қанча, бироқ...
Оқаётир Илоҳий меҳр
Хаёл етмас чўққиларда оҳ.
Юлдузлару сувлар жўровоз,
Қорамтир кўк гумбази ҳамон.
Соврилади донлар елда, соз
Она куйлар бир қўшиқ омон.
Менинг пишиқ уйим – Осиё,
Андух чекма, мен ҳали-ҳануз
Қайтгум. Гуллар, панжара аро
Тўлиб турсин энг тоза ҳовуз.*

“Етти юз йил келмадим, бу ер” деган сатрлари билан ўзининг улуғ аждодларига ишора қилади. Узоқда қолган танишларига йўллаган мактубларида Ўзбекистон ҳақида: “Менга ким бу ер жаҳолатга ботган дейишга ботина олади?!” деб ёзади.

*Бу тупроқ қадимдир, қақроқ, йўқ ҳоли,
Яна уйдаман...
Зулмат ичра куйлар хитой шамоли,
Таниш кўйдаман...*

Янги келганида бегонасираб юрган Анна Ахматова ўзбекларни ўзига ўта яқин ва азиз эканлигини англайди. Кўп ўтмай бегонасирашдан асар ҳам қолмайди.

*Англаб бўлмас кенглик, ястанади Шарқ,
Ғанимдай гурсиллар даҳшатлар олис.*

1942 йил 23 февралда Анна Ахматова Тошкентда ёзган “Жасорат” шеъри яшин тезлигида фронт бўйлаб тарқаб кетади. Бундан ташқари, Тошкентда Ахматова етмишдан ортиқ шеърлар ёзади.

Тошкентдаги Анна Ахматова музейи директори Альбина Маркевич: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Ҳамид Олимжон Ахматованинг “Правда” газетасида “Жасорат” шеъри босилиб чиққач, рус ҳарбий лирикасининг ноёб намунаси, деб атаган. Бу шеър Тошкентда жуда машҳур бўлган”.

Светлана Сомова бундай эслайди: “Бозорлар ўз ҳаёти билан яшарди. Туялар ковуш қайтарар, саллали қария анор кесар, бармоқларидан кизил анор шарбати томиб турарди. Жулдур кийимли бола Ахматовага яқинлашиб, писка билан чўнтак кесмоқчи бўлди. Мен уни қўлини ушлаб олдим-да: “Эй, нима қилипсан? Бу ахир, оч қолган ленинградлик-ку!” дея шивирладим. Бола жим туриб қолди. Кейинроқ, ўша бола яна бизга рўпара келди. “Бизга ёпишиб олди, боя милицияга бериб юборсам бўларкан”, деб ўйладим. Шу пайт у Ахматованинг қўлига кир латтага ўралган гўммани тутқазди-да: “Е бунди”, деб кўздан ғойиб бўлди. Анна: “Наҳотки, ейиш керак бўлса?” дея менга қаради. “Албатта, ахир у сиз учун ўғирлаган-ку!” дедим. Менимча, у ҳеч қачон бу бебаҳо гўммани унутмаган бўлса керак”.

Ахматова бир неча марта Самарқанд зиёратига боради. Оғир бетоб бўлиб, иситмалаб ётганида алаҳсираб қуйидаги сатрларни ўқийди:

*Атиргуллар ўлкаси абад
Самарқандда ўлмоқ учун, юр...*

Анна Ахматова Ленинградга қайтганидан сўнг ҳам тушларида Осиёдаги уйи гавдаланади ва шеърга тушади:

*Ёддан чиқмас юлдузли гўша,
Нурли, шонли, ўша ва ўша
Кичик-кичик ширин қулчалар
Ёш қўлларга ярашар бу кун
Бу қорасоч оналар дуркун.*

Ёки:

*Миннатдор туйғулар оқади тўлиб,
Раҳмат ва хайр! – сизга, азизлар.
Дуррачамни силкийман қулиб,
Раҳмат, Ойбек, раҳмат, Чустий! – сизга азизлар.
Раҳмат, Тошкент! – кечир, мени кечиргил,
Сокингина гўшам, энг кўҳна уйим.
Юлдузларга раҳмат, гулларга раҳмат,
Ёш ва дилбар қора сочли оналар,
Ширин қулчалар тутган болалар,
Шу жасажси қўлчалар, қўлларга раҳмат!
Саккиз юз куним – мўъжизавий сас,
Шу мовийранг чексиз осмон остида,
Шу ложувард тубсиз уммон остида
Биз бирга яшадик ёрқин, ўт нафас,
Эй, оташин бог...*

* * *

*Садафлару ақиқдан,
Димиб кетган ойнакдан,
Ногоҳ қия бир ёқдан
Тантанавор ойдин ҳис –
Гўё “Ойдин соната”
Кесиб ўтди йўлимиз.*

Анна Ахматова: “Бу шеърлар Тошкентники ва мен уларни ўз Ватанига жўнатаман”, деган эди.

Г.Л.Козловская: “Тошкентга келганларнинг аксарияти қайтиб кетишган бўлса-да, Ахматова Тошкентни мутлақо ташлаб кетишга шошилмас, Владимир Гаршин деган таниши: “Сенга уйланмоқчиман”, деб кетма-кет телеграммалар жўната бергач, Ленинград томон йўлга чиқади. Гаршин кимлар томонидандир уюштирилганлиги сабабми, вокзалдаёқ Анна Ахматовога “Тушимда марҳум хотиним сенга уйланмаслигим ҳақида мендан талаб қилди”, дея жуфтакни ростлаб қолади. Анна Андреевна буни жуда оғир қабул қилади, тўй ҳақида ҳаммага маълум қилган эди-да. Ҳаётнинг аёвсиз зарбаларини кўп тотган Анна Ахматова: “Бизлар темирданмиз. Темир бўлмаганлар, аллақачон, халок бўлиб кетишди. У мени танк эканлигимни хаёлига ҳам келтирмайди”, дея ўзини юпатади.

* * *

– Қачонлардир мен пьеса ёзганман. Уни 1944 йил 11 июлда ёқиб юборганман. Пьесамни камида ўн беш одам ўқиган эди.

– Нега энди у асарингизни ёқиб юбордингиз? – дея сўраймиз.

– Шундай қилишим керак эди. У пьесани мен Тошкентдалигимда ёзган эдим. У ерда, биласизми, ой жуда ҳам улкан... Пьесамда ҳам ой бор эди...

Ахматова столида доимо “Минг бир кеча” эртаги ва унинг ичида шеърлари, қоғозлари турар эди. У одатда Инжил, Пушкин, Данте, Шекспир, Достоевскийларни асраб юрар, сафарда бошқа китобларни тарқатиб юборарди. “Минг бир кеча”ни ҳам бир жилдини қолдириб, қолганини кимларгадир бериб юборган бўлса керак.

Анна доим қийинчиликда яшаган. 1942 йил ёзида адабиётшунос Яков Захарович Черняк Ахматованинг Тошкентдаги уйини бундай тасвирлайди: “Бир кунлик, бир кечалик шароит... У эса бу ерда 1941 йилнинг 11 ноябридан бери турибди. Анна Ахматовани Тошкентнинг Жуковский кўчаси 54-уйга кўчириб ўтказишди. Марказдан кимларнидир розилигини олишди. Анна Ахматова янги уйида 1942-1944 йиллар мобайнида яшади. Бу уйда Абдулла Қахҳор, Тимур Фаттоҳ, Владимир Луговской, Ксения Некрасова, Лидия Чуковская ва бошқа шоир, ёзувчилар ҳам истиқомат қиларди”.

Фаина Георгиевна Раневская, театр ва кино артисти: “Бизлар Тошкент кўчаларида доимо пулсиз сайр қилардик... Бозорда узум, шафтолини завқ билан томоша қилардик. Бизлар учун бу nature morte эди. Анна Андреевна узоқ пайт мевалар уюмига тикилиб қаради, айниқса, бинафша ранг узум ғужумларидан завқланди. Бизларнинг калламизга буларни сотиб олиб ейишлик келмаган ҳам эди. Яқин дўстлари ичида Е.С.Булгаковани жуда яхши кўрарди ҳамда менга кўпинча: “У доно, у фазилатли! У латофатли”, дерди. Тошкентда мен кўпинча уникида тунаб қолардим. Жойимни полга солардим ҳамда Булгаковнинг “Мас-

тер ва Маргарита” сини тинглардим... У овоз чиқариб ўқир, қайта-қайта: “Фаина, бу – дохиона, у гений!” дерди.

Светлана Александровна Сомова: “Ахматованинг тоби қочиб қолди, маълум бўлишича касали ичтерлама экан. У жойида тўлғанар, юзи қизариб кетган: “Бегоналар, атрофда ҳаммаси бегоналар!” дея алаҳсирарди. Атрофда эса, қандайдир, рангпар, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган аёллар... Мен Бусселга югурдим. Буссель Григорий Аронович тиббиёт фанлари доктори, Тошкентдаги бир касалхонани бошқарарди. У Ахматовани кўриб бўлгач, касалхонасига олди. Анна Андреевна касалхонадалигида қатор оғир шеърлар ёзди”.

Сильва Соломоновна Гитович: “Бир куни оёқларини дўпиллатиб касалхона завхозни кириб келиб эшик олдида тўхтагач: “Ахматова қаерда ётибди?” дея баланд овозда сўради, сўнгра унинг жойи олдида бориб жимгина лампани ёқди. Маълум бўлишича, Сталин Фадеевдан, Ахматова қандай яшайпти, деб сўраган экан, у ўз ўрнида Тошкентга қўнғироқ қилган, натижада, ғамхўрлик пайдо бўлиб, Ахматова жойи устидаги лампочка ёнган экан”.

Вячеслав Всеволодович Иванов: “Олтмишинчи йилларда Анна Андреевна Тошкентда ёзган, 1944 йили ўзи ёқиб юборган пьесасини тиклаш билан овора бўлди. Пьеса “Энума элиш” дея номланиб у вавилонликларнинг оламини барпо бўлиши ҳақидаги афсонасидан олинганди. Ахматова уни “Сўнгра юқорида”, Шилейко эса “Юқорида бўлганда” дея таржима қилишганди. Анна Андреевна менга бу пьесасини қандай ёзганлигини ҳикоя қилиб берган. У ичтерлама билан оғир ётганда, касалликнинг оғир даври ўтиб, тузалиш олдида юз берган алаҳсирашида моғор босган каби доғлари бўлган деворни кўрган. Ушбу доғлар ортидан пьесанинг асосий саҳнаси очилади: суд бўлмоқда, унда муаллифнинг содир этган ва этмаган гуноҳлари учун айбланимоқда. Алаҳсираши мобайнида кўрганларини пьеса кўринишида ёзиб бўлганидан сўнг, Ахматова ўзига ўзи қайта-қайта: “Аҳмоқона башорат доим рўёбга чиқади”, дейди. Фалокатни башорат қилганини сезиб қолади. Ҳамда ваҳима остида пьесасини ёқиб юборади”.

Светлана Александровна Сомова: “Бу воқеа ёз бошида, эҳтимол, 1944 йилнинг май ойида бўлган эди. Тошкентдаги Ёзувчилар уюшмаси биноси ичидаги йўлакдан бўз рангли костюм, паст пошнали туфли кийган Ахматова борарди. Унинг олдида Гафур Ғулом чиқди. Ахматовага яқинлашди-да: “Сизни Анна деб аташади, ўзбекчада бу Эна – Она дегани. Юринг мен билан қишлоққа – Янгиерга, у жойда эртага далаларга биринчи сув берилади”, деди. Ахматова қўли билан рад ишорасини қилди, лекин Гафур ушбу қўлни тирсагидан ушлади-да: “Она сифатида, сиз боришингиз керак”, деди. Ахматова миннатдорона табассум қилди-да: “Лекин мен ўзбекча билмайман. Қандоқ бўларкин?” деганида, Гафур Ғулом Саида Зуннуновани чақирди: “Мана сизга таржимон, у сизга ёрдам беради, ҳамма нарсани ҳикоя қилиб беради”, деди. Чўл шамоли яқинлашиб юзларимизни эшиги очик қолган печка олови каби куйдиргудек бўлар эди. Гафур эса шодланарди. У ҳар доим хушчақчақ эди, ҳаммани бу билан ҳайратга соларди. Форс тилида Умар Хайём шеърини ўқиди. Ахматова таржима қилиб беришни илтимос қилди. Гафур яна бир бора қайтадан ўқиди, Саида эса ҳар мисрани русчага ағдарарди. Бир пайт, Анна Ахматованинг лаблари товуш чиқармай шивирлай бошлади. Буни Саида сезиб жим қолди, Гафур ҳам орқасига ўгирилди-да қулоқ солди. Бу мўъжиза эди – уч шоир ўз хиссиётлари билан тўртинчи шоирнинг шоирона тўлқинини илғаб олишган эди. Анна бир нарсалар дея шивирлар экан бирданига:

*Если пьешь ты вино, только с умным дели его, друг.
Иль с красавицей тюльпаноликой, стыдливою, друг.
Много лучше не пей и грехов своих не открывай,
Пей один, пей тайком эту чашу счастливую, друг.*

– дея ушбу форсий тўртликни рус тилида шеърга солиб овоз чиқариб ўқий бошлади. Бу хайратланарли ижодий ҳамкорлик эди. Мен бунга илҳомий дўстлик деб атайман. Қофияли, жарангдор, оҳанги гўзал рубоий Саида Зуннунованинг ўзбекча урғули русча тилида ва, ниҳоят, юмшок, шарқона узун, майин рус лисонида Ахматова таржимаси маъно ва қофия жиҳатидан Хайёмдаги каби аниқ кўриниш олди. Сўнгра ўзбекларнинг паҳса уйида бўлдик... “Салом алайкўм Анахон” ва ҳоказо...”

Эдуард Бабаев: “Анна Ахматова Тошкентдан кетаётганида унинг хонаси кузатувчилар билан лик тўла эди, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Владимир Липко, Алексей Козловский – ҳамма кузатгани келган эди. Тошкентда доимо баҳорда бўлгани каби, чанг, сирен, ёмғир хиди анқир эди. Улкан булутлар баланд тераклар томон сузиб борарди. Мен машина эшигига яқинлашдим-да:

– Хайр, Анна Андреевна! – дедим.

– Хайр! Сени яратганни Ўзи асрасин! – деди. Мен ҳеч қачон бундай сўзларни эшитмаган эдим”.

Эдуард Григорьевич Бабаев: Мен Анна Ахматованинг қўлёмаларидан унинг “Қаҳрамонсиз поэма” сини кўчирар эканман, уни “Менинг антологиям” дея номладим. Менимча ҳозир ҳам поэманинг кейинги қўшимча ва тушунтиришлар берилган нусхасидан кўра “тошкент нусхаси” кўпроқ камалига етган ҳамда “тоза” эди. Бирда мен бу ҳақда Анна Андреевнага айтдим. У маъқуллаб бош силкитиб кўйди-да, мени тушунганини билдириб:

– Менинг барча тошкентлик дўстларим шундай ҳисоблашади, – деди”.

Наталия Александровна Роскина: “Анна Ахматовани Уюшма аъзолигидан ўчириб, карточкадан маҳрум қилишганида, унинг аҳволи ниҳоятда абгор бўлди. Дўстлар Ахматовани сирли ёрдам жамғармасини ташкил қилишди. У давр учун бу ҳақиқий қаҳрамонлик эди. Анна Андреевна менга бу ҳақда кўп йиллар ўтганидан сўнг ҳикоя қилиб берар экан, ғамгин қўшимча қилиб: “Улар менга беморни кўргани боргандек апельсинлар ва шокалад сотиб олишарди, мен эса росманасига оч эдим”, – деди.

Надежда Яковлевна Мандельштам: “Умрини охиригача у уй-жойсиз, кўнимсиз, якка дайди эди. Шоирларнинг тақдири шундай бўлса керак-да. Унинг ўзи ҳам ўз тақдирига хайрон бўлар: “Ҳамманинг ҳарқалай нимасидир бор – эри, фарзандлари, иши, кимидир, нимасидир... Нега менинг ҳеч нарсам йўқ? – дер ва хафа бўларди”.

Лев Адольфович Озеров: “Умрининг охириги бир неча йилида Анна Андреевна Ахматованинг атрофида одамлар бир мунча кўпайиб қолди. Булар эски кадронлари Ф.Г.Раневская, Н.А.Ольшевская, Л.К.Чуковская, В.М.Жирмунский, Э.Г.Герштейн, Н.Я.Мандельштам. Улар қаторига “охирги чакирик дўстлари” ҳам қўшилди. Улар ичида унга жуда садоқатлилари ҳам бор эди. Улар шоирани тушунтиришар, унга ёрдам берилари келарди. Лекин Аннага мутлақо бегона, жамият этиборини тортиш учунгина: “Биз ҳам Анна Ахматова билан мулоқотда бўлганмиз”, дейишга интиланлар ҳам бор эди. Улар овозини плёнкага ёзишар, суратини олишар, сийқаси чиққан, бир пулга қиммат саволлар беришар эди. Бундай шароитдан чарчаган, анча кексайиб қолган Анна Ахматова бир сафар шундай деган эди:

– Бу мўъжиза каби тирик қолган, бир вақтлардаги акмеисткага нисбатан алангалиб кетган қизиқишларда қандайдир ғалати, баъзан эса шубҳали ҳолатни

кўраман. Бу менга унча ёқмайди. Мен ўзимнинг ёлғизлигимда тинчроқман ва бунга ўрганганман, мен уни ҳар бир бурчагини яхши биламан...”

Наталия Роскина: “Бу йиллар мобайнида уни олдига бормаган одам қолмади! Чет элликлар сони беҳисоб ортиб борарди.

1960 йили инглиз журналистининг: “Революциядан сўнг одамлар бахтлироқ бўлди, деб ҳисоблайсизми?” деган саволига – Ахматова: “Мен бахтга оид масалада билимдон одам эмасман, бу ҳақда яна бошқалардан ҳам сўраб кўриш керак. Лекин бир нарсани биламанки: бизларда одамлар бир-бирига кўпроқ ёрдам беришликни ўрганишди”, дея жавоб беради”.

1966 йил, 4 март, Москва яқинидаги Домоделово санаторийси. Кундалик дафтаридаги охириги ёзув. Оқшом ухлашга ётар экан ўзи билан Инжилни олмаганига афсусланади.

1966 йил, 5 март, эрта билан соат ўн бирда Анна Андреевна Ахматова вафот қилади.

Лев Владимирович Горнун: “9.III.1966. Ўликхонадан мурда бугун соат ўн бирда олиб чиқилди. Ахматованинг тобути Шереметьев аэродромига олиб борилди, у ердан самолётда соат ўн бешу ўн беш дақиқада Ленинградга жўнатилди. Тобутни Вениамин Каверин ва Арсений Тарковскийлар кузатиб боришди”.

Сталиннинг ўлими – 1953 йил, бешинчи март. Лидия Чуковскаянинг эслашича, Ахматова: “Эндиликда қамокдагилар қайтади ва икки Россия – қамалганлар ҳамда қамаганлар, бир-бирларининг кўзларига қарайди. Янги давр бошланади”, деган тарихий сўзларини айтади.

Лекин Ахматованинг кўкрагига шабада тегишига яна бирмунча йиллар керак бўлади. 1962 йили Нобель кўмитаси Ахматовани мукофотга номзод сифатида танлайди. 1963 йили Анна Ахматова Халқаро адабий мукофот “Этна-Таормина”га тавсия қилинади. Ниҳоят, Ахматова ижодига муносиб машҳурлик етиб келди. Шеърлари нашриётларда босила бошлайди, ижодий кечалари ўтказилади.

1964 йил декабрида Италия сафарида бўлади. Шеърят маликаси у ерда жаҳон адабиётининг дипломатик корпуслари Ахматова ижодига тан берганлари, қойил қолганларини кўради.

Дмитрий Николаевич Журавлёв: “Қасрнинг рицарлар юрадиган зинапояларини кўриб, у врачлар тавсиясини эслади. Зинапоя юраги учун ҳавфли. Бошқа илож йўқ. Ахматова айтади: “Наилож? – дея ўйладим мен. – Жуда бўлмайдиган бўлса, мен Данте ерида ўламан! Буни кўрингки, мени ҳаттоки нафасим ҳам қисмади...”

1965 йил, 30 май, Москвадаги Маяковский музейида Анна Ахматованинг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилади.

1965 йил, Анна Ахматовани Оксфорд университети фахрий дипломи билан тақдирлайди.

Анна Ахматованинг ёшлик йиллари XIX аср охирига улангани сабаб, у Пушкин яшаган аср этаги учига илиниб қолгани билан ҳаёти сўнггида кўп фахрланиб юрарди. Мана, ниҳоят, рус адабиёти вакиллари бу йилги Россия адабиёти логотипига уч улуг сиймо – Пушкин, Гоголь ва Ахматова профилини танлади. Бу йил Ахматова Пушкин назми каби юксак даражадаги шеърлари билан яна бир бора ўзини маълум қилмоқда.

Ғафур Ғулум Аннанинг тирсагидан ушлаб: “Она сифатида, Сиз боришингиз зарур”, дегани ҳақида ўқир эканман, устоз шоир ўз сўзи билан тарихий воқеалар ипини топиб ушлаганини ҳамда томирларида улуг боболаримиз қони оқиб турган, тарих тақозоси билан Тошкентга келиб қолган сиймони бежизга “Она” демаган, деб ўйлайман. Буюкларнинг фикри ҳам сўзи ҳам буюк бўлади. Мен ҳам шоир сўзларини давом эттириб, Анна Ахматовани буюк шоир дегим келди. Шоира эмас шоир, чунки бизнинг Анна ўзини шоир дейишларини жуда-жуда истар эди.



АДАБИЙ ТАНҚИД



Дамин ТЎРАЕВ

Филология фанлари доктори, профессор. 1946 йилда тугилган. Қариш давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари” (ҳаммуаллифликда), “Бадий талқин йўлларида”, “Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси”, “Давр ва ижод масъулияти”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Ҳаёт манзаралари” каби китоблар муаллифи.

МУАЛЛИФ КИМ ТОМОНДА?

Бугунги кунда адабиёт ҳаётга чуқур муносабатда бўлаётганлиги бадий асарлардаги қаҳрамонларнинг характер ва психологиясида ҳам кўриниб туради. Худбин, ўзини яхши, бошқаларни ёмон, деб ўйлаб фақат ўзига яхшилик, дўстларига ёмонлик тилловчи одамлар жамият ҳаётида барча замонларда учраб туриши ҳам маълум. Таниқли адибимиз Абдуқаюм Йўлдошев “Бегона шаҳарнинг намозшомлари” номли қиссасида шундай ижтимоий тоифаларнинг руҳий, маънавий олами, бир-бирига ҳаваси ва ҳасади, ҳеч бир инсоний фазилати бўлмаса ҳам ўзига бино кўйиб, керилиб юриши, ишбилармонлик оламидаги айрим коррупция ва қаллобликларни фош этади ва тадқиқ қилади. Ёзувчи қаҳрамонлар характерини ичдан ёритади.

Воқеа тер тўкиб меҳнат қилса ҳам омади юришмаган, бири икки бўлмаган, бойиб кетганларга ҳавас, ҳасад қилувчи, таъмагир ва мунофиқ қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Рус адабиётида, хусусан, Гоголь, Достоевский асарларида “мен” деб ҳикоя қилувчи қаҳрамонлар ижобий ва салбий жиҳатдан, турлича муносабатларда тасвирланган. Ўзбек бадий насрида эса Абдулла Қаҳҳор ва Шуккур Холмирзаев асарларидан бошлаб, худбин шахслар ҳам асосий образларга айланди.

“Бегона шаҳарнинг намозшомлари” қиссаси ҳикоячининг ёруғ ҳис-туйғулари билан бошланади: “Ўшанда политехника институтида ўқирдим. Гуруҳимизда Алишер деган бола бор эди. Умуман олганда... яхши бола эди: сахий, меҳмондўст... ҳар йили кўкламда бизни Чимёнга лола сайлига олиб чиқарди. Унинг қишлоғи... жудаям чиройли, ҳавоси жудаям тоза, суви жудаям ширин... Қишлоқ эмас, жаннатнинг ўзи”. Шундан сўнг, асар қаҳрамонларидан яна бири – курсдоши Алишернинг табиати, феъл-атворини оча бошлайди. У дўстининг мақтанчоқлигини, ўзини бойвачча қилиб кўрсатишга уринишини тасвирлайди. Дарҳақиқат, Алишер курсдошларини йўлда учраган ҳар бир ҳамқишлоқларига эринмай таништиради. Қишлоқ аҳли меҳмондўст, оқкўнгил, келганлар билан кўш қўллаб кўришиб, ҳурматларини жойига қўяди. Алишер эса уларга ўзининг ҳазилакам одам эмаслигини билдириш учун у ўқийдиган гуруҳда “иккита обкомнинг, учта райкомнинг, икки министрнинг фарзандлари” ўқийди дея ёлғон айтишдан уялмайди. Яна камтарлик билан ўзини “оддий кетмончининг фарзан-



ди”, деб кўяди. Дўстининг фикри билан муаллиф фикри гоҳо бирлашиб кетади. Дўстининг фикрича, Алишер сал шухратпарастроқ эди, ҳамиша кўпчиликнинг диққат-этиборида бўлгиси келарди. Хусусан, у оилада кенжа ўғил, мактабни олтин медаль билан битирган, қишлоқда ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатилган. Муаллиф фикрича ҳам Алишер шундай шароитда ўсиб, шухратпарастр бўлиб етишуви табиий эди. Лекин у махсус физика ва математика мактабида ўқиб келган бўлса-да, институтда қийин фанлар ўқитилгани учун “ўртаҳол” талабага айланиб қолади. Тасвир жараёнида худбинлигининг турли кўринишлари очила болади. Ўзини кўрсатиш учун бир қизга ишқий мактуб ёзади. Қиз унга кўпчилик олдида дашном беради. У қасдини олиш учун яна-да чиройли бошқа қиз билан “юриш”ни ўйлайди. Шундай қизни топганида эса уни бошқа бир одобли Мусурмон деган йигит яхши кўриб юриши аён бўлади.

Бизнингча, “Бегона шаҳарнинг намозшомлари” қиссасида ягона ижобий образ дейишга арзирли шахс – “шу кўзойнакли йигитча” деб тасвирланган Мусурмон. Аммо, асарда унинг атрофидагилар, Алишер ва унинг курсдошлари, ҳатто “мен” деб ёзаётган ҳикоячи Мурод ҳам ўз курсдошига тарафкаш бўлиб, ёвузликка қўл уради, кўзойнакли йигитчани дўппослаб, бошига, биқинига, жигарига аёвсиз тепиб, мажруҳ қилиб қўядилар. У икки-уч ойда ўлиб кетади.

Ёмони шундаки, бу йигитнинг қотиллари бўлган Алишер, ҳикоячи, бошқа персонажлар ҳам, қилган разилона ҳаракатларидан афсусланмайди. Ёзувчи бу тасвир орқали ёшларнинг жисмонан бақувват, аммо маънавияти заифлигини кўрсатмоқчидир? Курсдошлари Алишерни ёлғондан мақташиб, сигаретларини чекадилар, ишбилармон акаси Нажмиддин олиб берган қимматбаҳо жинси шимларни киядилар. Ёзувчи бу жараёнларни тасвирлашда кичик тафсилотларга, бадиий деталларга мурожаат қилади.

Асарда калтакланган, мажруҳ бўлиб қолган йигитча мардлик қилиб, терговчилар текширганида ҳам кимлар урганини яширади, ўзим йиқилдим дейди. Калтак зарбидан бир буйраги эзилган Мусурмон, “битта буйрак билан ҳам яшаса бўлаверади”, дейди. Бу билан у Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”сидаги Мўмин чолни эслатади. Зулмга, ёвузликка жавоб қайтармаслик, қасос олмаслик, кўникиб яшаш янги-янги зулм ва ёвузликни туғдиради. Абдуқаюм Йўлдошев қиссасидаги бу ягона ижобий қаҳрамон узоқ яшамаслиги ҳам рамзий маънога эга бўлса керак.

“Оқ кема”даги эзилган халқ тимсоли Мўмин чолнинг руҳий ҳолатлари кучли ва чуқур тасвирланган эди. Унинг бутун умри бировларга қулдай хизмат қилиш билан ўтган. “Бегона шаҳарнинг намозшомлари” қаҳрамони Мусурмоннинг табиати, хатти-ҳаракатлари, тўғриси, ҳаракатсизлиги, ёвузликка қаршилиқ кўрсатмаслиги, ўз ориятини, шаънини, қадр-қимматини ҳимоя қила олмаслиги, ҳимоя қилишни истамаслиги характер тадрижи билан етарли асосланмаган.

Мусурмонни шафқатсизларча урган талабалар манфаат кўрганлари сабабли ноҳақ ишга бош қўшадилар, улар ҳақ томонга – Мусурмонга эмас, мақтанчоқ, яримтентак Алишерга ёрдамлашадилар. Асарда Алишернинг антиподи, тинимсиз ишласа ҳам иши юришмайдиган қиёфа, бу – ҳикоячи. У маънавий саёз одам сифатида тасвирланади. Оғизда адолат тарафдори, амалда эса фазилатсиз, енгилтак Алишер акаси Нажмиддин ёрдамида бойиб кетганлигига ҳасад қилувчи, ёмон кўрган одамани ҳам фойда чиқишини ўйлаб, тинимсиз мақтовчи, мунофиқ шахс.

Адибнинг бу асардаги услубида яна бир қизиқарли хусусият, ҳикоячи ўзи таъмагир ва мунофиқ бўла туриб, бошқа дўстларининг тубанлик қилишларини

қоралагандек кўринади. Унинг айтишича, Мусурмонни жазолаш тарафдори бўлган курсдошлар ичида “энг тили аччик, ичикора, бадбин ўйли, ўзига нарса ёинки пул керак бўлиб қолганда Алишернинг енгидан кириб, ёқасидан чиқадиган аблахи (адиб бу “аблаҳ”га исм қўймаган): “Ойимқиз чаток!” дея эълон қилди чинқириб. Сўнг таънаси янада захарлироқ чиқишини истаб қолдими, хайтовур, илонга ўхшаб вишиллади. – Яхши бузоқ ҳам икки онани эмади-да, оғайничалиш!”

“Алишер “пов” этиб ёнди-кетди: баҳайбат муштини столга қарсиллатиб ураркан: – Ҳозир бораман-да... – деб бўқирди, баайни ўша тўрткўз унинг хусусий мулкига тажовуз қилгандай қаҳр-ғазабга тўлиб!”. Бу фикрни ҳикоячидан кўра, муаллиф фикри, қараши дейиш тўғрироқ. Бошқа кўп ўринларда ҳам муаллиф сўзлари, қарашлари билан ҳикоячи сўзлари, қарашлари аралашиб кетган. Эҳтимол, муаллиф ўз қарашлари билан ҳикоячи “мен”и аралашиб кетмаслиги учун эпик қаҳрамон – ҳикоячи характеридаги салбий хислатларни тасвирлашга кўпроқ эътибор бергандир? Бу ҳолатни асар қаҳрамонлари – ҳикоячи Мурод билан Алишер муносабатида ҳам кузатишимиз мумкин. Орадан кўп йиллар ўтиб, ҳикоячи иши юришмай, шаҳарма-шаҳар тижоратчи бўлиб, асаблари бузилиб юрган вақтида бир шаҳарда ёшлиқдаги дўсти Алишерни учратиб қолади. Кўп йиллар ўтса ҳам Алишернинг табиати яхши томонга ўзгармаган: ўша-ўша мақтанчоқ, шуҳратпараст, акасининг бойлиги билан мақтанади. Айтишича, акаси фирма директори, у эса ёрдамчи. Ҳикоячи характерида ҳам ўзгариш йўқ, у ҳам Алишерни ёлғондан мақтаб, фойда ундиришга интилади. Эски дўсти Алишер ёрдамида арзон баҳода мингта керза этик олиб, сал қимматроққа сотиб, молиявий аҳволини тузатиб олмақчи.

Муродни эски дўсти Алишер ва унинг моҳир ишбилармон акаси яхши кутиб олади, меҳмон қилади, ёрдам беришга рози бўлади. Аммо, ҳикоячи-қаҳрамон ака-уканинг иши юришганини кўриб ҳасад ўтида ёна бошлайди. Муаллиф ҳасадгўй қаҳрамон, иши юришмай оғир аҳволда қолган тижоратчи Муроднинг руҳий ҳолатини, изтиробларини анча чуқур ёритган. Ҳикоячи Мурод билан собиқ курсдоши Алишер муносабатлари асар сюжетининг ўктомирини ташкил этади. Ақлли ва қобилиятли қаҳрамон ҳеч нарсага эришолмай, иши орқага кетиб, кафеда ўртоғи билан суҳбатлашиб ўтирганида арзимаган тушлик овқатга пули етмаслигини ўйлаб, ташвишга ботади. Алишер эса талабалик вақтида Мусурмонни аёвсиз уриб ўлдирган бўлишига қарамай, омадли, фирма директори. Мурод дўсти Алишер билан Мавжуда муносабати Мусурмонни чалажон қилиб уришдан сўнг узилганини, қиз унинг кўп марта юборган совчиларини қайтарганини эслайди. Аммо, хаёлида ҳам Алишерни ёмонламайди. Аксинча, ундан фойда топиш илинжида лаганбардорлик, қалбаки мақтовни авж олдиради. Бош қаҳрамон Мурод виждонли, ориятли, адолатли, хуллас, ижобий шахс бўлганида у ҳар қанча пулга зорикса ҳам Мусурмоннинг қотилини мақтамаган, ундан ёрдам сўрамаган бўларди. Аммо ёзувчи бизнес оламида одамгарчилик, виждон ва адолат, маънавият аҳамиятсизлигини кўрсатмоқчи. Шу сабабли муаллиф бош қаҳрамони табиати, руҳий оламидаги алдов, мунофиқлик, хушомадгўйлик каби салбий хислатларни танкидий реализм усулида тасвирлайверади. Дарвоқе, ўзбек насрида Абдулла Қаҳҳордан кейин танкидий реализм йўналиши Неъмат Аминовнинг сатира ва юмориди, Эркин Аъзам ва Мурод Муҳаммад Дўст ҳикояларида, Абдуқайом Йўлдошев ҳикоялари ва “Юлдузликнинг оғир юки” қиссасида яхши анъана сифатида бўй кўрсатди.

“Бегона шаҳарнинг намозшомлари” қиссасида Сартр, Камю каби экзистенциалчиларнинг таъсири, қаҳрамонларнинг инсонликдан, ўзлигидан бегоналашаётгани сезилади. Асар бош қаҳрамонлари “Алишер ва уни “кузатаётган” ҳикоячи одамгарчиликдан узоқлашади.

Тўғри, ҳикоячи қаҳрамон талабалик йиллари Алишерчалик ваҳший ва тубан эмас эди. Ётоқхона олдидаги тунги жанжалда у Мусурмонни қочиб қутулиши учун очиқ жой қолдиради. Аммо, Мусурмон бундан фойдаланмайди. Сўнг Алишер ваҳшийлашиб уни ураётганида, Мурод курсдошини ажратиш учун орқасидан кучоқлаб олади. Аммо кўзи қонга тўлган Алишер дўстининг ҳам пешонасига мушт уриб, хушидан кетказади. Шу билан у “ўйиндан чиқади”. Ҳикоячи шуларни ўйлаб ўзига тасалли берар эди. Уни ҳаётда Алишердек аблах, ақл-фаросатсизларнинг ошиғи олчилиги, буларнинг бойиб кетиши, ўзидек оддий меҳнаткашнинг қосаси оқармаётгани қийнайди. “Нима учун у? Нима учун мен эмас?” дея руҳан эзилаверади. Ёзувчи қаҳрамон руҳини ичдан ёритади. Бир қарашда у ижобий шахс. У бойлик, пул қутуртирган Алишердай мақтанчоқ ва энгилтак эмас. Лекин виждони тоза ҳам эмас, тили бошқа, дили бошқа. У Алишерни бойиб кетгани учунгина сохта ҳурмат билан хушомад қилаверади. Буни гоҳида қаҳрамон ўзи тан олиб айтади: “Бир-икки очиқ ошқора мақтов, ҳайрат изҳорлари, “Шундай зўр ишларни қилибсиз-а, қойил!” қабилдаги мой пуркашлардан кейин Алишер талтайиб ўтириб олганча, менга қандай яшаш кераклигини ўргатишга тушиб кетди. Айниқса, “Алишербек, сиз ҳаётни тушуниш бўйича бизга ўхшаганлардан камида йигирма йил олдинга ўтиб кетибсиз-ов”, – деган мақтовим жуда ёқди, шекилли: “Пул ҳамма жойда бор, жўра фақат уни топа билиш учун яхши калла, ўткир кўз, кучли билак керак. Мен пул топишни биламан. Сарфлашним! Пулни пул топади, кетмонни аҳмоқ чопади, жўра”, деди Алишер”. Эътибор қилинг! Бутун инсониятга ноз-неъматлар етказиб берувчи деҳқонни аҳмоқ деганига ҳикоячи заррача эътироз билдирмайди. Аксинча, бу фикрга қўшилгандай яна ялтоқланади: “Айни ҳақиқатни айтдингиз, – дедим камоли эҳтиром билан”. Қисса қаҳрамонларидан қайси бири ҳақли, қайси бири ноҳақлигини адиб ажратмайди. У ўзининг эстетик идеалини ҳар икки салбий образ фикрлаши, ҳаётий қарашларини фош этиш орқали кўрсатади. Шу сабабли китобхон гоҳида бу баҳслар ва суҳбатларда муаллиф ким томонда эканлигини англай олмай қолади.

Бир қарашда Алишерга нисбатан Мурод ижобийроқ шахс. У Алишердай “янги ўзбеклар”дан нафратланишини фақат камбағаллиги сабабли бу энгилтак дўстига муҳтож эканлигини сездириб туради. Баъзида Алишерга муносабат билдиришда иккиланади. Аммо, ҳикоячини, эҳтимол, муаллифни ҳам мана бу ижтимоий муаммолар безовта қилади: “Наҳот, наҳот, омад деганлари бор нарса бўлса? Наҳот кимдир бир умр тийинлаб пул йиғиб, гоҳ топган арзимас сармоясини йўқотиб, бегона шаҳарларнинг лаънати намозшомларида юраксикма бўлиб, хор-абгор ҳолатда, кийган кийимидан, еган таомидан уялиб, ошқозон хасталигини орттириб олганларим эвазига қисматим менга андақкина иноят кўрсатиб, ҳеч бўлмаса алоҳида бир хонали уй бахшида этмаса-ю, манави новча ҳўкиз моддий фаровонлик, кўнгил хотиржамлигининг мен ҳеч қачон етолмайдиган ушалмас орзу бўлиб қоладиган чўққисига аллақачон чиқиб улгурган бўлса? Нега, нима учун ахир? Қайси хизматлари эвазига?”

Ҳикоячи омадсиз ишбилармоннинг руҳиятидаги долғали, изтиробли ўй-кечинмалар ижтимоий, ахлоқий-фалсафий мазмуни билан китобхонларни ҳам

тўлқинлантиради. Ростдан ҳам нега бундай? Мурод каби ҳалол, меҳнатсевар, ғайратли одамнинг иши юришмайди, дангаса, енгилтак, ақли қисқа-калтафаҳм одамлар нима учун тез бойиб кетади, фаровон яшайди? Қиссада собиқ курсдош икки дўст учрашганида, енгилтак, мақтанчоқ Алишернинг сўзларидан бу саволларга жавоб топиш мумкин. Аммо бу жавоблар кўнгилга таскин бермайди, аксинча, дилни хира қилади. Алишер бор пулларини қарзга, фоизга бериб, судхўрликдан, доллар олиб сотишдан, арзон мол олиб қимматига сотишдан бойиб кетганлигини айтади. Агар ҳикоячи қаҳрамон ижобий шахс бўлса, виждонли бўлса, бундай ишларни ёқтирмаслиги керак эди. Аммо шунча гаплардан кейин ҳам дўстига ҳам ҳасад, ҳам ҳавас билан қарайди. У сездирмасдан Алишер билан акасининг бизнес соҳасидаги қаллобликларини кузатиб, тегишли органларга айтиб, уларнинг ишларини фош этади. Бизнингча воқеаларнинг бундай ўзгариши лаганбардор ва ҳасадгўй қаҳрамон Мурод характерининг мантикидан келиб чиқмайди.

Қаҳрамон характерининг ўзига хос томони шундаки, у ўз омадсизликлари сабабини билмаса ҳам ҳасадгўйлигини, яхши одам эмаслигини, яъни ўзлигини англай бошлаганидир. Аммо, ёзувчи кўрсатганидай, бу жараён осон кечмайди. “Мен” номидан ҳикоя қилувчи бу қаҳрамон ўлиб-тирилиб қилган меҳнатлари зое кетгани учун довдир, текинхўр одамларнинг иши юришгани сабаб фалакни, тақдирни айблаб, исён қилади. Бу қаҳрамон нимаси биландир, қайсидир жиҳатлари билан Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи қаҳрамони Юсуфга ўхшаб кетади. Бу иккала асарда қаҳрамонлар табиатан истеъдодли, ақлли, қобилиятли бўла туриб, мақтанчоқ, худбин, тубан, бир ибора билан айтганда, “ўрни йўқ” одамларга тобе, “қул” бўлиб қолиши тасвирланади. Мурод қобилиятсиз курсдошининг бойиб кетганига ҳасад қилади. Шу ҳасад сабаб, у яширин йўллар орқали янги ўзбек бойининг ғайриқонуний ишлари, меҳнат қилмай, турли қаллобликлар билан бойиб кетганлигини аниқлайди. Омадсиз Мурод омадли Алишерни ва унинг ишбилармон акаси Нажмиддинни рекетчилар ёрдамида хонавайрон қилишга эришади. Аммо, рекетчилар чақув билан ишга тушган хизмат ходимларими, ё ростдан ҳам қароқчиларми – номаълум, сирли бўлиб қолган.

Мурод бир хонали уй сотиб олиб эл қатори, бировларга муҳтож бўлмай яшашни орзу қилар экан, доимо “Бегона шаҳарнинг намозшомлари”ни ёмонлайди, гўё унинг иши юришмаганига бегона шаҳар ва унинг шомлари айбдордай? “Мен бегона шаҳарнинг намозшомларидан кўрқаман, – дейди қаҳрамон. Ҳатто ҳафтаўн кун турган чоғларим ҳам, ҳатто икки-уч бор қайта-қайта келган пайтларимда ҳам бегона шаҳарга сира-сира эл бўлиб кетолмаганман... Энг оғири зулмат элчиси бўлмиш намозшом палласини ўйлаб ваҳимага тушаман”. Қаҳрамоннинг бу каби ўйларидан нимани тушуниш мумкин? Бундай фикрлашда мантиқсизлик сезилмайдими? Асар қаҳрамони ҳа деб, “Бегона шаҳар намозшомлари”дан безор бўлганини таъкидлайверганидан кейин, китобхон, қаҳрамон бегона шаҳарга эл бўлиб кетолмаса, танишлар, дўстлар орттиролмаса, иши юришмаса, нега бу ерга қайта-қайта келади, деган фикрга келиши аниқ.

Муаллиф бу қаҳрамони сиймосида, эҳтимол, янги очиладиган фирмада етарли сармоя бўлмаса, ҳеч қачон иш юришмаслигини тасвирлашни мақсад қилгандир? Муаллиф янги тадбиркорнинг иши юришмаслиги сабабларидан бири сифатида бегона шаҳардаги одамлар билан тез киришиб, яхши муомала қилолмаслигини ҳам бадиий тасвирда беришга ҳаракат қилади: “Мен азалдан

одамовиман, – дейди қаҳрамон. – Ҳеч қачон бир ёки икки кўрган одамим билан элакишиб кетавермайман. Арзон меҳмонхоналарда онда-сонда учраб қоладиган ҳамкасбларим билан ҳам бемалол гурунглашиб ўтиролмайман”. Қаҳрамоннинг бу ўй-кечинмаларида ҳам мантиқсизлик сезилади. Аввало, одамови, ўзини четга тортувчи одамдан дуруст тадбиркор чиқмайди, бундай одам ишбилармон бўлолмайди. Яна бир мантиққа зид ҳолат шундаки, қаҳрамон узок йилларда бир марта учрашиб қолган – собиқ курсдоши Алишер билан дарҳол тил топишиб, унинг руҳиятидаги товланишларни нозик тушуниб “ичи”га кириб олади. Шундай экан, омадсиз тадбиркор хонасига қамалиб олиб “қатл дақиқасини кутаётган жиноятчидай титраб-қақшаб бегона шаҳарнинг намозшомини” кутиши ҳам табиий ва мантиқий руҳий ҳолат эмас. У жинойи йўллар билан бойлик орттирмаса, тижоратда қонунсиз, ноҳақ иш қилмаган бўлса, нима учун ўзини “қатлини кутаётган жиноятчи”га ўхшатади? Бу ўткир ибора воқеа мантиқига ҳам, характер мантиқига ҳам тўғри келмайди.

Муаллиф ўз қаҳрамони Муроднинг камбағаллиги сабабли яхши тадбиркор, мулкдор бўлолмаётганини тасвирлашга ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқади. Аммо, у талабалик чоғларида софдил ва айбсиз йигит Мусурмонни “қиз таллашиб” ўлдириб кўйгани учун собиқ курсдоши Алишердан қасос олиши Муродни реалликдан четлаштириб, романтик қаҳрамонга айлантиради. Хуллас, ёзувчи асар сюжетидаги воқеаларни холис тасвирлаши яхши, лекин бадиий асарда гуманистик ғояни илгари суриш учун у соғлом кучлар тарафдорларида, йўқми, ёрқинрок билдириб борса асарнинг тарбиявий таъсир кучи янада ошган бўлар эди.

ҲУКМАТ

Гўзал сифат ва ҳусни худқ суратини безамаган кишини ҳеч қангай чиройли кийимлар кўркам қилолмас. гуноҳ ва хатодарган сақданмаган кимсанинг қалби сира айбон форис бўлмас.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ



МУНОСАБАТ

**Тоштемир ТУРДИЕВ**

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Филология фанлари номзоди. 1942 йилда туғилган. Унинг “Фозил Йўлдош ўғли”, “Субҳидам қалдирғочи”, “Мингбоғ жамоли”, “Талтин, юрак”, “Муддао: янгича яшаш, кураш”, “Чағонийён тараннуми” каби китоблари нашр қилинган.

СУБҲИДАМДА УЧГАН ҚАЛДИРҒОЧ

Бир тола сочи оқармай туриб, умрининг авжи навқирон палласида шахс камолга етиши, эл назарига тушиши мумкин экан. Лекин бу камдан-кам кишиларга nasib этади. Бундай инсон билан нафақат қавм-қариндош, дўсту биродарлар, балки бутун бошли она халқи фахрланади. Гўё эркатой болажон меҳрибон бобосини фақат ўзиники қилиб олмоқчи бўлганидек, элимизга хос тағин бир фитрат шулким, ўз маҳаллий заминиде таваллуд топган улуғ инсонларни баъзан бир-бирларидан қизғанадилар. “Бизнинг туманимизда, бизнинг вилоятимизда туғилиб ўсган, демак, у бизники” дея кўкракка урадилар. Ҳақ рост. Буюк шахс, комил инсон бўлгани боис Жалолоддин Румийни ҳам, Бобур мирзони ҳам, Сўфи Оллоёрни ҳам “У фақат бизники...” дея фахрланишган. Бу каби воқеалар, “У бизнинг фахримиз!” қабилдаги гап-сўзлар ҳанузгача бор ва давом этмоқда. Мен ҳам бир замонлар марказий нашрдаги мақоламда шоира Раъно Узоқовага “Сурхоннинг оташқалб кизи” дея таъриф бериб, айрим ҳамкасблар маломатига қолганман. “Нега Раъно Узоқова сурхондарёлик бўлар экан, ахир у Самарқандда яшаб ижод қилган-ку?” дея танқид қилишган. Аввал бошда ранжисам-да, кейинчалик шукрона келтирдим. Негаки, серкуёш воҳамизда, инчунун, бутун мамлакатда севиб ардоқланадиган яна бир буюк фарзанд тан олинганини тағин ҳам чуқурроқ идрок этганман. Етимликда ўсган қиз Раъно Узоқова чақмоқдек қисқа умрида ўзидан қандай излар қолдирди? Ватан, эл олдида қандай хизматлар қилди? Бу хизматлар адабиёту маънавият мезонлари билан ўлчанса, қанча тош босади? Ўтли нафаси-ла хўлу қуруқни баробар ёндирган ўтмиш шоиранинг миттигина кифтига ташлаган юк залвори не чоғли эди?

Таниқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов бир замонлар ўзи билан елкама-елка ишлаб, ижод қилган шоира ҳақида кўйидагиларни ёзади: “1918 йил кеч кузининг изғирин шамоли тўхтамай эсиб турар эди. Зимистон кечанинг зулматлари ҳар ёнга ваҳима солмоқда. Вокзалдаги пасткам бир девор остидан аллақандай инграган овоз келади. Бу ёш гўдакнинг товуши эди. Гўдак йиғлайди, юраги эзилади. Меҳрибон онанинг иссиқ кўкрагини қидиради. Ота-онасининг ўлганини билганлар унинг мунгли йиғисига бир оҳ тортиш билан, билмаганлар



эса: “Эҳ, лаънати ота-она!” дебгина жавоб берардилар. Қоп-қоронғида бир хотин нимадир кўтариб келарди. Бу Термиз вокзали машинистининг хотини Марям эди. У эрига овқат олиб келарди. Гўдакнинг овозини эшитган Марям у томон бориб, уни дарҳол ердан кўтариб олди-да, ўз боласидек бағрига босди...”

Бу гўдак кейинчалик машҳур бўлган шоира Раъно Узоқова эди. Бадриддин Сагитдинов рафикаси Марям опа билан оқ ювиб, оқ тараган қизалоқлари Раънони саккиз ёшида интернатга ўқишга берди. 1927-1931 йиллари Термиз таълим-тарбия техникумида таҳсил олган шоира киз ўшандаёқ ўтли мисралари билан эл назарига тушган эди. Бир неча йил қишлоқ мактабида муаллимлик қилган Раънони калбадаги назмга ошуфталик ҳисси катта йўлга чорлар, санъат ва адабиёт оҳанрабо янглиғ ўзига тортарди:

*Кўкрагимда тонглар отди ёр сени кўрган кеча,
Рашиқ этарди ҳатто сумбул кокилим ўрган кеча.
Пирпираб ёнган кўзингдан кўзларимга тўлди нур,
Қолмади армон дилимда сен гамим сўрган кеча.
Кўзёшим дарёсида кўприк қилай мужгонларим,
Ўйнатиб дулдул харидор сен сари юрган кеча.
Минг балоларга дучор этсин сенинг доғинг мени,
Ўзганинг шавқида кўксим талпиниб урган кеча.
Бир нигоҳингга садага айлайин минг бир жонни,
Бош эгай Раъно, нигор ҳижрон тунинг сурган кеча.*

Тақдир тақозоси билан Самарқанд шаҳрида яшай бошлаган шоира Шароф Рашидов муҳаррирлик қилаётган вилоят газетасида маданият ва санъат бўлими мудири вазифасида ишлади. Саид Назир, Душан Файзий, Садриддин Айний каби ўнлаб ўз даврининг таниқли адиблари ва шоирлари билан бақамти ишлаб, чинакам ижод уммониغا шўнғиди. Қисқа муддатда шоира бешта дoston, юзлаб шеър у ғазаллар, баллада ва поэмалар, шу билан бирга, қатор бадиий-публицистик мақолалар, қисса ва ҳикоялар, сахна асарлари ҳам ёзди. Аммо уларни китоб шаклига келтиришга улгурмади. Ўша йиллари бутун дунёга даҳшат солиб турган “ХХ аср балоси” деб аталмиш фашизмга қарши жанглар кетаётган бир пайтда ўтли мисралари билан ўзбек жангчиларини рағбатлантириб турган шоиранинг атиги йигирма битта шеъри жамланган “Мардона юринг” номли митти тўплами дунё юзини кўрди, холос. Қолган икки тўплами ўша давр адабиёти жонкуярлари Зулфия ва Душан Файзийлар ташаббуси билан тўплам ҳолига келтирилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов собиқ тузумнинг машҳур ижодкорлари ҳақидаги бир суҳбатда: “Бу ҳам тақдирнинг бир нотантилиги-да, улар азиз умрларининг, қувваи ҳофизаларининг катта қисми билан ўша давр сиёсатини мадҳ этишга мажбур эдилар. Жамият ҳаётидан супуриб ташланмаслик, нафақат обрўи ва шони, балки жони омон қолиши учун ҳам ўша қаттол салтанатни мадҳ этишдан ўзга чоралари бўлмаган. Айниқса, ўша тузумнинг қалби ғаразга тўлиб-тошган, тирноқдан кир изловчи танқидчилари қўлларига заррабин олиб, ҳар қандай даҳо ижодкорни бадном қилмоққа шай турган бир пайтда! Мабодо, уларга ҳам тақдир-қисмат кулиб боқиб ҳеч бўлмаса, умр чорраҳалари юрт озодлиги даврига тўғри келиб қолганда, ҳеч шубҳасиз бундан-да ўлмас, шох асарларни мерос қолдирган бўлур эдилар. Бироқ, умрлари шундай бир муҳитда кечган бўлса-да, ғалвир сувдан кўтарилганда бу ёрқин истеъдод эгаларидан ибратли маънавий мерослар ҳам қолди...”

Ушбу гапларни мезон этиб қарасак, адабиёт осмонида юлдуздек ярқ этиб, ёнган Раъно Узоқовадан ҳам ўрганса, ибрат олса арзигулик мерос қолибди. Буни дилбар кўшиққа айланиб чорак асрки, чинакам мухлислар қалбини ошуфта этиб келаётган сатрларда ҳам кўриш мумкин:

*Ошиқ ўлдим мен чаманнинг булбули шайдосига,
Айласам минг доду фарёд, келмагай парвосига.
Танҳоликда оттириб тонглар хаёли бирла мен,
Субҳ ёзганда қанот қоқсамми деб маъвосига.
Сўзлашувда ўз-ўзим бирлан дегайлар телба бу,
Мен нечун ор айлайин тушсам унинг савдосига.
Нечалар деди анга берма кўнгил, йўқдир ҳуши,
Мен дедим, ишқим тушибди донолар барносига.
Дедилар: андин гўзаллар йўқмиди гулшан аро,
Йўқ, дедим, ўзга етолмас дардимми давосига.
Ҳажрида ёнмай туриб ёр васлининг не лаззати,
Булбул эрмаски агар лутф этмаса Раъносига.*

Зулфия ҳам ўз битикларида Раъно Узоқова ижодига эҳтиром ила тўхталади. Баъзан ҳаёт хархашаларидан торикқан кезларида турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон: “Мана, аёлларимиз қандай ёзишяпти? Мана шундай ёзиш керак!” дея далда берганини, олиб ўқиса, улар Раъно Узоқованинг шеърлари эканини ўз таржимаи холининг бир жумласида алоҳида келтиради.

Мен ҳам қувваи ҳофизам етқунича ана шу меросни замондошларимизга етказиш мақсадида, яхши инсонлар кўмагида баҳоли қудрат саъй-ҳаракат килдим. Шулар самараси ўларок, 1978 йилда ўн минг нусхада Раъно Узоқованинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Субҳидам қалдирғочи” номли китоб ҳамда 1993 йил шоира таваллудининг 75-йиллиги арафасида энг сара асарлари жамланган “Сайланма” чоп этилди.

Мазкур китобларни тайёрлашда менга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али муҳаррирлигида Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган “Субҳидамда учган қалдирғоч” тўплами жуда ҳам асқотди.

Таъкидлаганимиздек, яшиндек қисқа умрида ижодининг айни гуркираган палласи Иккинчи жаҳон уруши даврига пешвоз келган шоира шеърлари билан нафақат йигитларни, балки қизларни ҳам манфур ёвга қарши курашмоққа ундаб келди:

*– Унда гулу гуллар хазонлар бўлди,
Япроқ ёзмай гунча бағри қон бўлди.
Сарвлар бутогига бойқушлар қўнди,
Меҳрибоним, жангга кетмасам бўлмас,
Қириб ёвни яқсон этмасам бўлмас.*

*Ором бермас менга виждон азоби.
Парчалай ёв бўлса – жафо тугёни,
Меҳрибоним, жангга кетмасам бўлмас.
Қириб ёвни яқсон этмасам бўлмас.*

*– Сочни тугиб, белинг боглаб шайландинг,
Атрофимда парвонадек айландинг,
Балки мендан жавоб истаб эландинг,
Бир эмас, минг жавоб ҳимматлим, қизим.*

*Бор курашга, ботирларга ёр бўлгин!
Чекинмоқни ўзингга бир ор билгин,
Гитлерчини жонидан безор қилгин,
Яшиндек чақнаган шиддатлим, қизим...*

(“Она ва қиз суҳбати”. Самарқанд, 1942 йил, июль.)

Юқорида таъкидланганидек, маҳобатли ва машъум қатагон машинасининг шовқинлари ҳали унчалар олисга кетмаган, таъбир жоиз бўлса, тирноқлар орасидан кир ахтариб, кўланка солиб турган бир даврда, омон қолиш илинжида ўша алвон тусли урҳо-ур замонни мадҳ этиш баробарида ошиқ юраклар заҳмига малҳам бўлгувчи мисраларни ҳам кўп ва хўп ёзмок учун ҳазрат Нақшбанд айтганидек, олағовур, талотўп анжуманлар ичидан хилват излаб топиш зарур эди. Шоира бунинг бир қадар уддасидан чиқа олди ҳам:

*Кел менинг бахтим, бу дам ғамга гирифторм айлама,
Кел, харидоринг эрурман, радди бозор айлама.
Наврасида саврингга жоним нисор этгум мудом,
Куйдириб нозинг ила кўксимни абгор айлама.*

*Гул жамолингда ҳилолингга ярашук юлдузинг,
Рашиқ этарман ўзгани анга харидор айлама.
Кипригингни ханжари ўз кўксимни чок айласин,
Сен анинг-ла, аммо ўзга дилни хунишор айлама...*

Ёки:

*Ойдин кечада бир паризод сув билан ўйнар,
Кўкдан униб сув ичра ой у билан ўйнар.
Мавж уради, чайқалади денгиз ҳар томон,
Сув узра қиз кокили шов-шув билан ўйнар...*

Шоиранинг Сурхон воҳасида ўтказилган 75 йиллик хотира тўйида буюк адибимиз Шукур Холмирзаев фахр билан шундай деган эди:

– Етмиш беш йиллиги нишонланаётган шоирамизни минбарга чиққанларнинг ҳаммаси “Раъно опа” деб тилга оляпти. Демак, у барчанинг хотирасида ярим аср аввал ўтиб кетган навқирон, барваста қизлигича қолиб кетибди. Бундай шарафли инсонлар қаримас экан. Хурлигича қолар экан. Қани эди, бизлар ҳам мухлисларимиз сиймосида абадий навқирон бўлиб қолсак...

Адабиётшунос олимлар фақат таваллуд кунлари яқинлашганда хотирлаб қўймоқ билан кифояланиб қолмасдан, шоиранинг ҳали яхши ўрганилмаган ижодий меросини тадқиқ қилсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Бу йил адабий жамоатчилик Раъно Узоқова таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлашга таралуд кўрмоқда. Вилоят ҳокимининг қарорига биноан Сурхон заминида ушбу хайрли маросим-тадбирларнинг бир дебочаси тарзида ўтган анжуман ҳам бунинг яққол исботидир.



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Раъно УЗОҚОВА

1916 йилда туғилган. Термиз педагогика техникумида таҳсил олган. “Мардона юринг”, “Субҳидамда учган қалдирғоч” шеърый тўпламлари, “Малоҳат”, “Сарвиқад”, “Мақр ва муҳаббат”, “Туландом”, “Тун сирлари”, “Орзу” каби достонлар ва баллада-лар ҳамда “Меҳри”, “Раиш”, “Зафарнинг ҳукми”, “Учрашув”, “Қасос”, “Ўғирланган бахт” каби насрий асарлар муаллифи. 1947 йилда вафот этган.

Мен кетдим, ўйларим ташлаб ўзингга

Гуллар

Муҳаббат боғининг хурлари – гуллар,
Қалбим булоғининг дурлари – гуллар.

Гулларнинг баргидай ғуборсиз лирам,
Гуллардай покиза, озорсиз лирам.

Қалбимнинг изҳори – гуллар севгиси,
Гул эрур севгининг ёруғ кўзгуси.

Кўзгуда кўраман севгимнинг аксин,
Гуллардан тўқидим муҳаббат аслин.

Гуллардир севгининг, ишқнинг гувоҳи,
Гуллардир муҳаббат аҳлининг шоҳи.

Гар йигит юракдан севаркан ёрин,
Гул тутиб сўйлайди ишқининг борин.

Шу учун севгига шоҳ, дедим, гулни,
Муҳаббат кўкида моҳ, дедим, гулни.

Шу учун ишқимни бердим гулларга,
Ишқ берур ғолиблик, мардлик дилларга.

Бахтим гуллагандир, севганим гуллар,
Сўлмайди бахт гулим, ўтсада йиллар,

У борки, бахтимнинг гуллари сўлмас,
Майлида, куз келсин, ҳеч хазон бўлмас.



Нигоҳинг

Гар тушса кўзингга кўзим, ўзимни
Ҳаводек мусаффо, енгил сезаман.
Хаёлим сендадир, севдим кўзингни,
Соядек ёнингда тун-кун кезаман.

Қалбимга яқиндир, яқиндир жондан
Сендаги беозор, майин табассум.
Армоним – кўзингдан айрилиб, ҳижрон
Домига тушмайин, бўлмайин маҳкум.

Шифобахш табибдек майин боқишинг,
Нақадар ҳаётбахш, билсанг, нақадар.
Кўзингдир феруза – осмон гувоҳинг,
Шул сабаб кўнглимда бўлдинг мўътабар.

Гар тушса кўзингга кўзим, ўзимни
Ҳаводек мусаффо, енгил сезаман.
Хаёлим сендадир, севдим кўзингни,
Ёнингда соядек тун-кун кезаман.

Ўйларим

У сирли қарашлар кетмас кўзимдан,
Эй, меҳри оловдек хумор кўз дилдор.
Тополмам, бунга мен жавоб ўзимдан
Кўзларим нигорон сени ахтариб.

Капалак сингари шўх ўйларимни
Тоғ каби хаёлинг босиб ташлади.
Эҳ, билсанг, банд этиб менинг боримни,
Бир зўр куч ўзингга торта бошлади.

Лабимдан аразлаб кетди табассум,
Ўйғоқман ўзгага уйку туюлар.
Чиндан ҳам ўзингга айлади мафтун,
Урмасам, оҳ, у дам нафас бўғилар.

Авваллар азобдек туюлди бу дард,
Лек, сездим ҳузур ва ҳаловат экан,
Ўткинчи хаёллар қилолмади банд,
Бу азоб ўзи бир фароғат экан.

Мен кетдим, ўйларим ташлаб ўзингга,
Сен уни оғритиб силтамасанг, бас.
Соядек юз қўйиб кезар изингга,
Тоабад ёнингда бўлиб ҳамнафас.



Ватаним

Сенигина кўрдим, сени севдим,
Сенигина дедим жонимдан.
Сенигина кучиб, сени ўпдим,
Сенгинасан азиз қонимдан.

Сен бўлмасанг на кун, на кеча,
На ой, юлдуз, қуёш керакмас.
Сенгинасан менинг бахтим, тонгим,
Сен бўлмасанг дунё – тор қафас.

Қани менга бундай гул оғушлар,
Қайда бундай оловли бўса?
Ишон, жоним, ҳаёт йўқдир менга,
Дилда оташ меҳринг бўлмаса,

Парвонаман сенга, майли, ўтинг
Ёндирсин-да, қовурсин абад.
Сўнгги нафас, сўнгги нигоҳда ҳам
Сенинг қадринг қолгуси фақат.

ҲУКМАТ

**Фиданинг кучи сенга бўлса ҳам мўрдек бўл!
Ҳар икки жаҳон мулки билан ўрдек бўл!
Кўрсанг-га ҳаётга айбини ҳар кишининг.
Ҳеч нарсани сезмагувчи бир кўрдек бўл!**

Паҳлавон МАҲМУД

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Александр ПУШКИН

1799 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Кавказ асири”, “Боқчасарой фонтани”, “Полтава”, “Мис чавандоз” дostonлари, “Евгений Онегин” шеърый романи, “Хасис рицарь”, “Тош меҳмон”, “Моцарт ва Сальери” трагедиялари, “Капитан қизи”, “Дубровский” каби қиссалари, “Белкин қиссалари” туркуми маълум. У 1837 йилда вафот этган.



Хаёлларнинг гўзал тушлари

Дон

Бепоён далалар аро товланиб,
Ана оқиб келар... Эй, Дон, ассалом!
Олис ўғлонларинг қошидан ёниб
Сенга олиб келдим таъзим ва салом!

Олий шон-шарафга лойиқ биродар,
Тинч Донни биларлар азалдан мудом:
Амударёдан то Фиротга қадар
Сенга олиб келдим таъзим ва салом!

Бешафқат кувғиндан ҳордиқ дамлари,
Унда ҳис этаркан юртин бағрини,
Чанқаб ичаётир Дон тулпорлари
Арпачойнинг мавжли тўлқинларини.

Ҳозирлагил энди, эй, муқаддас Дон,
Жасур чавандозлар учун борингдан.
Қирмизи, қайнаган шарбат тут, дармон
Олтиндай товланган узумзорингдан.



* * *

Олисларга олиб кетдим бош,
Шовкинларга йўқ ихлос, бардош,

Олтин, обрў изламам сира,
Қилич, қалқон ғубори ичра.

Боргим келди кўнгил майлига,
Қайтиб ўтган кунлар сайлига.

Дўстлар ила ёд этмоқ ширин,
Менинг ўтиб кетган ёшлигим.

* * *

Сенга нени англатар исмим:
У ўчар, қайғули шовқиндай,
Тинар, соҳил узра тўлқиндай,
Ўрмонда тун садосидай жим.

У ёднома тахтасида, бас,
Жонсиз излар қолдиргай, бешак.
Қабртошга нақшдай безак
Қайси тилда англаб ҳам бўлмас.

Унда не бор? Унутилар у,
Янги, жўшқин ҳисларинг ичра.
Қалбингга бахш этолмас туйғу
Мунаввар ва нафис хотира.

Аммо, ғамли кун, сукунатда,
Соғинганда, эт уни такрор.
Айт, эслашар мени, албатта,
Дунёда мен яшовчи қалб бор.

Янги гўша

Олқишлайман сени янги масканим,
Файзиёб гўшага келтирдинг маним.
Кўнглим истаганим, шодлик дамларим,
Озод меҳнатиму ширин олашим.

Бахтиёрсан, шинам гўшангни бу дам,
Донолик удумин ардоқлаб дилдан,
Ўздан сақлагандай тутгайсан маҳкам,
Ғаму ташвишлардан, дангасалиқдан.



* * *

Шитирлар бутазор... Қоятош томон
 Кувноқ буғу чоғиб ўтди, ногаҳон,
 Хуркак нигоҳини тортдими ўрмон
 Тик чўкқидан ўткир нигоҳ ташлабон,
 Боқади, ястанган яшил яйловлар,
 Боқади, самонинг гумбази мовий
 Ва, Днепр бўйлаб кезар нигоҳлар,
 Чангалзор чамбарли қирғоқлар холи.
 Қилт этмас қоянинг тоши сингари
 Учиб қўяр зийрак кулоқчалари.
 Аммо, у титради, садо келганда,
 Унга тегиб ўтди: ҳадик, қўрқувда.
 Бўйнини чўзди ва қутилмаганда
 Қоядан сапчиди

* * *

Мусаффо далада кумуш мисоли
 Чипор, тўлқин-тўлқин товланади қор.
 Ой нурланар, отлар елади холи,
 Тўғри йўлда чопар, манзил интизор.

Куйла, сафар они дилгирлигида,
 Йўл бўйи куйлагил, тун зулматида.
 Қадрдон оҳанглар лаззатбахш жуда,
 Мард йигит қўшиғин куйла, осуда.

Куйла, аравакаш! Мен жимиб, ташна,
 Сенинг қўшиғингни, энди, тинглайин.
 Совуқ нур сочади ой, мисли чашма,
 Олисида шамолнинг влаши ғамгин.

Куйла: “Пайраҳа чирок, пайраҳажон,
 Нима учун ёнмайдирсан чароғон?..”

* * *

Қўнғироқлар жаранглар,
 Ноғоралар даранглар,
 Одамларчи, одамлар,
 Боғда битган бодомлар!
 Одамларчи, одамлар,
 Лўли қизга аланглар!

Лўли қиз гоҳ рақс тушар,
 Чилдирмасин чалар гоҳ,
 Алвон этагин очар,
 Ёлғондан куйлар, оҳ-оҳ:
 “Раққосаман, куйлайман,
 Аврамоқни ўйлайман.”





* * *

О, яшаш жонимга текканича йўқ,
 Ҳаётни севаман, яшагим келар.
 Кўнглим ҳали тамом чўкканича йўқ,
 Ёшлик ўтса ҳамки, дил ҳисга тўлар.

Мудом завқу шавқин сақлагай қалбим
 Кўнглининг тизгинсиз истакларига.
 Хаёлларнинг гўзал тушлари учун
 Туйғуларга....., барига.

Рус тилидан ҲУМОЮН таржимаси

ҲУКМАТ

**Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
 Ҳам сўз ила топиб ўдук ман нажот.**

Алишер НАВОИЙ



ҲУМОЮН

1964 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Юракдаги рангин камалак”, “Унутилган гул”, “Дилхирож”, “Кўнглим гули”, “Ёшлик бекати”, “Туйғулар рақси”, “Интиҳосиз наволар” китоблари нашр қилинган. Ижодкор Перси Биши Шелли, Александр Пушкин, Жеймс Жойс, Редьярд Киплинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

* * *

Самарқанд таянч тиббиёт коллежида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али билан ижодий учрашув ва “Улуғ салтанат” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирни коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Жуманов олиб борди.

Коллеж ўқувчилари Муҳаммад Али шеърларидан намуналар ёд айтишди. Ҳамширалик иши бўлими 3-босқич талабаси Малика Абдурашидова сўзга чиқиб, Муҳаммад Али яратган “Улуғ салтанат” тетралогиясининг “Жаҳонгир Мирзо” номли романини ўқиб чиққанини, ушбу асар унинг Соҳибқирон ҳақидаги тасавурларини бойитганини айтиб, китоблар инсонни маънавий етуклик сари етакловчи энг содиқ дўст эканлигини таъкидлади ва тенгдошларини китоб билан дўстлашишга чақирди.

Таниқли ижодкор Зухра Бегим раҳбарлигида коллежда ташкил этилган “Ёш қаламкашлар” тўғараги аъзолари ҳам ўзларининг ёзган шеърлари билан фаол иштирок этишди. Тадбирда, шунингдек, “Улуғ салтанат” асари асосида сахна кўринишлари намоёиш қилинди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларнинг “Биз истиқлол фарзандларимиз” номли баёзи тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, жамоатчилик вакиллари ва тўпламда шеърлари эълон қилинган ёшлар иштирок этишди.

Мазкур тўплам мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган бўлиб, у “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилди. Баёзга олтмиш олти нафар ёш ижодкорнинг шеърлари киритилган бўлиб, тўплам Ёзувчилар уюшмаси ходимлари Рустам Мусурмон ва Фароғат Худойкулова томонидан нашрга тайёрланган, масъул муҳаррирликни эса Уюшма раиси Муҳаммад Али амалга оширган.

Таъкидлаш керакки, бугунга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилиб келинаётган ёш ижодкорларнинг анъанавий “Истеъдод мактаби” республика семинарида иштирок этиб, ўзининг ижоди билан адабий жамоатчилик эътиборини тортган эллик уч нафар йигит-қизнинг биринчи китоби “Ижод” жамоат фонди ҳомийлиги остида нашр этилиб, республикамиздаги умумтаълим мактаблари ва коллеж ҳамда лицейлар кутубхоналарига тарқатилган. Тақдим этилган “Биз истиқлол фарзандларимиз” баёзи ҳам ёш ижодкорларни танитиш йўлидаги хайрли ишлардан биридир.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, академик Бахтиёр Назаров, шоира Шарифа Салимовалар адабиётда ёш ижодкорларнинг ўрни, мазкур баёзга кирган шеърларнинг мавзуси, янги ташбеҳлари ҳақида гапирдилар.

Ёш ижодкорлар Махлиё Умрзоқова, Отабек Одилов, Дилафрўз Тўрақулова, Аслиддин Сабриддиновлар баёзга шеърлари киритилган ёшлар номидан дил сўзларини изхор этдилар.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ЛУТФИЙ. Ёндурди охим ўти фалакнинг чароғини.....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Зиёвиддин МАНСУР. Одамлардан тинглаб ҳикоя...8

НАЗМ

Усмон ҚЎЧҚОР. Ёндирар кечиккан куздай хотира.12

Раззоқ АБДУРАШИД. Ёруғ келажакнинг қасри.53

Шукржон ЖАББОРОВА. Саодат ранг чизар.66

Ашурали БОЙМУРОД. Соғинч унар дил япроғида.69

Зухра БЕГИМ. Мангу рухлар суҳбати. Достон.80

НАСР

Нодир НОРМАТОВ. Зулайхо дарахти. Роман (бошланиши)...17

Матлуба ЮСУФ ОХУН. Ҳикоялар.58

Тилаб МАҲМУДОВ. Ҳикоялар.72

Сойим ИСҲОҚ. Вафодор. Қисса (охири).105

БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

Халилла ДАВЛАТНАЗАРОВ. Қалбимнинг тубида
балқийди меҳрим.86

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Музаффархон МАМАТХОНОВ. Ҳар лаҳза ҳаёлим оладир
хусну жамолнинг127

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Элбек ЭРКИН. Муҳаббатдан сабоқ берди дил.146

МУНОСАБАТ

Тоштемур ТУРДИЕВ. Субҳидамда учган қалдирғоч.164

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Раъно УЗОҚОВА. Мен кетдим, ўйларим ташлаб ўзингга. ...168

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Александр ПУШКИН. Хаёлларнинг гўзал тушлари.171

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Насимхон РАҲМОНОВ. Адабиёт – даврнинг акс-садоси129

Дилафрўз МУҲИДДИНОВА. Афсонанинг турли
талқинлари136

КЎНГИЛ МУЛКИ

Гўзал БЕГИМ. Айланаётган юрак.141

АДАБИЙ ТАНҚИД

Дамир ТЎРАЕВ. Муаллиф ким томонда?158

АДАБИЙ ТАНҚИД КЕНГАШИ

Абдулхамид ХОЛМУРОДОВ. Адабий жараён таҳлили.90

Қурдош ҚАҲРАМОН. Янгиланиш тамойиллари.96

Муҳайё ИСМОИЛОВА. Моҳияти ўзгарган танқид.100

ТАЛҚИН

Мансурхон ТОИРОВ. Аҳмадхоннинг шоира қизи.149

Адабий ҳаёт.175

Шарқ юлдузи

2016

6-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб берип билан шугулланувчи барча тапшклотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
28.06.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16,
Офсет босма усулида офсет
қоғозда босилди.
Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 2000 нусха.
Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
0562-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ғафур Ғулом номидagi НМИУ
босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"